

Отам Мамасиддиқ
Йўлдошвой ўғли ва онам
Қандолатхон Алимбой
қизининг ёркин хотирасига
бағишилайман.

Абдуқаюм СИДДИК

ХИЁНАТ
ёҳуд
"ЭЗГУЛИККА УМИД"


Тошкент

«Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти» – 2005

84(55) 6-44 Бадний өзабист

Ёш адид Абдуқаюм Сиддиқнинг қўлингиздаги «Хиёнат» асарини янги ўзбек детектив романчилигининг салмоқли ютуғи дейиш мумкин. Зоро, муаллиф замонавий романчилик анъаналарини миллий насримиз тажри-балари билан уйгун ҳолда мужассам этиш билан бирга, тилимиз, урф-одатларимиз ва тамойиллармиз, «привожланган социализм» даврида шак-лланиб ултурган фожиали авлод, уларнинг тақдирни, хусусан, ёшларимиз қисматини дадил қаламга олади. Психолог таҳлилларнинг теранлиги, ишонтириш кучининг бениҳоя самимилиги, воқеалар ривожи ва ечими ёш адиднинг фавқулодда бадний салоҳиятидан дарак беради. Сиз асар қаҳрамонлари, исми жисмига сингиб кетган Бокира ва ёруғ фикрли Са-мандарни севиб қоласиз. Сопи ўзидан чиқарилган «мафкуравий болта-лар» - Гиртмак ва унинг миллатга том маънода душман шогирдлари, бу мафкуравий болталарни исталган томонга солгувчи жаллод Азларбеков-лар образи орқали тарихий фожиамизнинг сабабчилари қиёфасини, улар-нинг жирканч муҳитини кузатасиз, гувоҳ бўласиз, бенхтиёр, бу даҳшатли шарппаларни куни кечга, балки ҳозир ҳам кўрибюрганингизни ҳис қила-сиз. Зотан бу бегоналарнинг эмас, балки сиз билан менинг тақдирим. Асар яқин тарихимиз, миллатимизнинг истиқол арафасидаги турмуши ҳақида ҳикоя қиласиди. Ўйлаймизки, янги замон воқелигини ўзида етарли-ча инкишоф этган бу китоб сизнинг яқин ҳамроҳингизга айланиб қолади.

№ 31679
2



ШУКРОНА ЛАҲЗАЛАРИ

Ўзбек адабиёти ва санъати нақ Голливудлар ва Болливудлар бот-қоғига ботган, шатирлатиб чиқарилаётган гайримиллий ва гайриодамий модернларга мубтало бўлган, аврўпопарастлик авжига минганин қабоҳатли кунларда мутолаа қилганим ёш адид Абдуқаюм Сиддиқнинг «Хиёнат» романни мени яна бир карра шукронада келтиришга унади. Наманганнинг олис қишлоғида яшовчи ва мегаполиснинг ҳангамаю даранг-дурунгларидан узоқда қадоқ қўллари билан гоҳ кетмон, қоҳ қалам туттган ёш адид миллатимиз тақдирининг ўта қалтис даври – миллий истиқлол арафаси, тургунлик агонияси ўлимолди талвасаси, ёшлар кайфиятида содир бўлаётган ўзаришларни ижтимоий воқелик зиддиятлари қобигида қаламга олади. Кўпдан муҳаббат мавзуси унутилаётган, одамларимиз ёшларнинг бачки баҳтиёрлигига кўника бошлаган, бир сўз билан айтганда, «жисмоний севги», шаҳватпарастлик, индустрисал-электрон васваса ва сафсаталар балоси вабодек босиб келаётган бўтунги кунда Бокира ва Самандарнинг пок фожиавий муҳаббати сизни бу қутлуғ туйғунинг асло ўлмаслигига ишонтиради. Саксонинчى йиллар ёшлирининг миллий истиқлол ҳаракати ва бу жараённи бешигидаёқ нест-нобуд қилиб ташламоқчи бўлган профессор Фиртмак, унинг йилки тўдасидек сероб сон-саноқсиз шогирдлари, чивинлар ва пашшаларидек ҳақиқир толибilmлар, гоясиз, ноҳор, алданган авлод, Азларбеков каби жаллодлар ва уларнинг ҳаромзода пуштлари сиймосида яқин кечмишимизнинг таҳликовий бадиий панорамасига дуч келасиз. Дарҳақиқат, саксонинчى йиллар башарият тарихи гидракларни мутглақо бошқа томонга буриб юборди. Ўнлаб халқлар миллий истиқлолларини кўлга киритдилар. Тўфону довулсиз кечгандек туюлгувчи истиқлоллар тўлқини остида шундай яширин оқим бор эди, худди шу машъум оқим ҳар нечук истиқлолни бўғиб ташлашга тайёр эди. Бу профессор Фиртмак ва Азларбековлар оқими. Худди ана шуларнинг қўли билан миллат ҳамиша каллакланди, энг улуғ фарзандлар жисман ва маънан йўқ қилинди, айни Фиртмак ва Азларбековларнинг лаънат ва касофати туфайли халқнинг пешонаси ёришмади, куни тумади, бири икки бўлмади, қозони қайнамади, кўзлари кўр бўлди, қадди етти букилди, бир буюк халқдан бир тўда қул ва батрак, бир гуруҳ итоаткор, ялоқхўр ва сонсиз-саноқсиз мазлумлар, бечоралар, куйиб-қақраган қиз-жуонлар, лак-лак кетмончилар қолди. Айни шу Фиртмаклар ўзбек миллатининг шўри бўлди. Марксчилликдан бир думалаб авёстошуносу баҳоуддиншунослар, худошинослару пайғамбаршунослар, эҳ-

ром боғлаган ҳожи шоирлар, миллатнинг тайини йўқ ватанпаст ва миллатпастлар, бир кун бақбақасига соқол ёпиштиrsa, эртаси зуннор боғлаган «мужтаҳид»лар пайдо бўлди.

Китобни ўқиб чиққач, Бокира ва Самандардан жудо бўлганингизни ҳис қилиб турсангиз-да, руҳингиз равшан тортади, юрагингизда ўқраётган асрлон Бокира ва Самандарнинг ишқий ёмғирзорларига чиқиб кетади. Сиз барибир шукrona келтирасиз. Гарчи ҳамон Гиртмаклар вайсақилик қилаётган, гарчи ҳамон Бокиралар сиртмоқда саланглаб, Самандарлар ақлдан озаётган бўлса-да, шукrona келтирасиз.

Асқар МАҲКАМ,
18 апрел, 2005 йил.

Хаёлидан доим кечиргани - уфқлар ортидаги оппок мармар шаҳарга ўқишга отланганида Душвор ҳали жуда ёш, түр йигитча бўлиб, уйидан битта жомадон билан чиқиб кетган зди. Орадан етти йил ўтиб, у уйига иккита жомадон билан қайтди. Унинг аксар дўстлари, курсдошлари ўқишдан сўнг катта-катта даргоҳларга йўлланмалар олишиб, шаҳарларда қолиб кетишиди. Душвор ҳеч нарса ортирамади: шаҳардан битта жомадони иккита бўлиб қайтди, холос. Ул кез онаси тирик зди. У онасига иккинчи жомадонни кўрсатиб “Бу - бирорнинг омонати” деб қўйди. Шундан сўнг у жомадонни унутди. Йўқ... тўғрироғи унинг эгасини кутди, узок йиллар кутди. Қайтармикан, дея умид қилди... Бироқ у қайтмади. Бу орада Душворнинг муштипар онаси ҳам бандачилик қилиб кетди. Нихоят, энди у қайтмайди, деган ишончда жомадон калитини қидириб топди, йиллар гарди ила кўмилган жомадонни очиб, кечмишга бош сукди.

Дастлаб кўзга ташланган ўроғлик бир даста қоғоз ипини ечиб, жилдидан халос қилди. Бандилиқда юzlари сарғайған қоғозларла юзлашгани замон кечмиш уни таниш, илиқ калом ила қаршилаб оғушига тортди:

Эзгуликка умид

Базм жуда чўзилиб кетди. Иштирокчиларнинг ҳаммаси қизлар зди. Шу боисми эркин, кувнок давра қурдилар. Жўшқинлик, қувонч талқинларидан чоғроқ ҳонанинг чоғизлиги ҳам билинмай кетган-дек бўлди. Ширин кутловлар, якка-якка, жуфт-жуфт ўйин тушишлар асносида ош ҳам еб бўлинди. Сўнг столларни четроққа суриб қўйиб яна ўйин қилдилар. Аввал қўшалоқ ҳолда, кейин кўпчилик биргалашиб тушдилар. Мусиқалар барчаси дилрабо зди. Қувнаб-қувнаб ўйнадилар. Охиргиси дея умумий рақсга қўпдилар. Унинг кетидан тағин дилбар мусиқа чиқиб қолди. Яна ўйнадилар. Ганимат дамларнинг қадрига етиб, қувнаб қолайлик, дедилар маъсума қизлар. Иккала дугонани ҳам Зарнигор кетгани қўймади: “Кетиб қолсаларинг, қаттиқ хафа бўламан, дугонажонлар,” - деди ёпишиб. У масъуд зди - тугилган куни муносабати билан ўюштирилган базм кутганидан ҳам чиройли ўтаётганди. Айниқса университетда таҳсил олаётган икки синфдош дугонаси-нинг уни ўйқлаб, қутлуғлаб келгандари, иккалори давра тўрида, унинг икки ёнида билурдай товланиб ўтирганлари, ташдан кузатганда соддароқ курсдош қизларга эҳтиром ила, бежирим лабларидан табассумни канда қилмай муомалада бўлаётгандари,

ўзгачароқ - дорилфунуний савия, жозиба ила тилаклар билдираётганлари унинг қалбини түлқинлантириб юборди. Зарнигорнинг ана шу шодлигини чатнатмаслик андишасида икковлон даврани зртароқ тарк эта олишмади. Кейин ҳам бир-икки қур потирлашса-да, унинг унсиз ўтингидан ўта олишмади. Ташқарига чиқканларида эса шаҳар зулумот чодрасига обдон ўралиб бўлганди.

Қоп-қора тундан қўрқиб тайсаллашди. Бироқ бехос иккисининг ҳам кўзига профессор Фиртмакнинг таҳдидли қиёфаси кўриниб кетиб, қарорлари қатъийлашди. Ёзилмай қолган семинар ташвиши қоронги тун қаршисидаги қўрқувдан устун келди. Меҳр билан қучиб, шу кеч қолишларини ўтинаётган Зарнигор оғушидан суғурилиб зимистон кўйнига сингишиди.

Аксига олиб, улар тўхтатган улов манзилларига етказмай, йўналишини ўзгартирди. Муюлишда тушиб қолиб, ўқтин-ўқтин сўзлашганча юриб кетдилар. Ётоқхонага - қадрдан гўшага яқин қолгандилар. Аммо...

...ана шунда улар тақдир ўйинига дуч келдилар.

Оддий, баъзи-баъзида юз бериб турадиган сийقا бир воқеа.

Олдинда келаётган маст йигитларнинг шарпаси ва шовқини икковини ҳам таққа тўхтатди. Чарос кўзлар қўрқувдан катталашиб кетди.

Йигитлар ҳийлагина маст, биттагина папиросни айлантириб, галма-галдан тортишар, ҳаракатлар бежо, луқмалар шалоқ эди. Улар йўлакни тўлдиргандарича ғала-ғовур қилиб, сўкиниб, қийшанглациб келишаркан, қизларнинг рўпарасига етганларида уларга тирғала бошлидилар.

- Какие тёлки! - деди улардан бири қизлар қошида тўхтаб. - Кетвортган нарсалар эканми? Нима мақсадда қоронғида улоқиб юришилти эканлар?

Йигитлардан бошқа бири, жингалаксоч, букри бурунлиси икки шеригининг кифтларига осилиб иягини уларнинг елкаларига тираган кўйи мастона пирпираётган нигохини қизларга ниқтади:

- Гаплашамизми, асаллар? - деди тили гўлдираб. - Яхши хатамиз бор, музон-пузон... Меҳмон қиласиз, дам оламиз... Келишамизми?

Қизлар бундай пайтда айтилиши керак бўлган гапларни айтиб, илтижо қилишиб.

- Йигитлар, биз сизлар ўйлаган қизлардан эмасмиз. Дугонамизнинг түғилган кунидан қайтаётган эдик. Кеч қолиб кетдик. Илтимос, йўлимизни тўсманглар.

Йигитлар йўлни бўшатишмоқчи эмасди. Қайтага янада бақамти келиб қизларни қуршовга олдилар. Бирори, кўзлари аланг-жа-

ланг ўйнаган, мўйловлиси қўлидаги папирос қолдигини “Ўлдириб қўй” дея шеригига узатди-ю, қизларга қўл чўзиб тегажоқлик қилди.

Қизлардан бири салчиб тушиб, асабий қичқирди:

- Қўлингни торт, ифлос!

- Ты-ты, - қўрқиб кетгандек қўлини намойишкорона тортиб олиб, майнавозчилик қилди мўйлов. - Нимага бунақа движения-а? Маниям аччигим чиқиши мумкин-а, ойимқиз.

- Илтимос, акалар, бизни ўтказиб юборинглар. Сизларни ҳам биздек сингилларингиз бордир...

- Қўйсанг-чи, полапоним, кел, яхшиси, сени бир сийпалаб қўяй... Вах, полапон десам... зубастий экансан-ку...

- Ох, я кайф ловил.

- Вот, прикол!

Улфатлари мўйловнинг харакатларидан завқланиб, қоринларини ушлаб, тиззаларига шапатилаб, телбаланиб, каловланиб кулишарди:

- Рост-да, Шурик, приличний қизлар давно уже ойиларини кучоғида қотишган. В наттуре, булар - овчилар, отвечаю - овчилар, бизлар кўзларига не то кўриняпмиз шикил, шунга ломатся қилишяпти.

Безорилар қизларни қўйворишмас, шилқимлик қилиб тегишишар, бадҳоҳликлари тобора авжга миниб бораётган эди. Бора-бора тегажоқликлари бежо тус олиб, қизларга ёпишишганча уларни йўл четидаги қуюқ яшил девор гули ортига, сийрак дараҳтзорга томон торта бошлидилар. Кўркувдан қути ўчган қизлар жон ҳолатда дод солдилар:

- Вой-дод, ёрдам беринглар! Ким бор?! Ёрдам беринг, қутқаринг!

Феъли айниган, қутуриб кетган йўлтўсралар энди кулишмас, вахимада у ёқ-бу ёққа аланглашиб, асабийлик ила бир-бирини жеркишиб, ифлос ниятларини тезроқ амалга оширишга шошилишарди. Бор кучлари билан қаршилик кўрсатиб, юлқиниб чиқкан қизлар жон-жаҳони ўртаб зорланишарди:

- Вой-дод, безорилардан қутқаринг! Ким бо-ор?!

Кўзларига қон тўлган безорилар шундок йўл четида бадкирдорлик қилишарди. Қизларнинг, тўрт бирдай кутурган давангир чангалидан қутулмоқлари душвор эди... Зўравонлар ўз мақсадларига етишишларига, қизлар эса, уларнинг жирканч майлларига ем бўлишларига бир баҳя қолгандай эди. Шунда жабридийдаларнинг жон талвасасида юрак-юракдан қилган оху фарёдлари Яратганга етиб бордими, бирдан... у пайдо бўлди. Унинг қаердан келгани, қандай пайдо бўлганини ҳеч ким пайқамай қолди.

Безорилар елкалари оша: “Биродарлар, қўйинглар, яхши иш қўлимаяпсизлар” - деган босиқ овозни эшишиб, жон ҳалпида ўзларини химоя қилаётган бечора қизларнинг умид тарк этаётган кўнгиллари илиқ тафтга тўлди, даҳшатдан эсанкираган шуурлари ёришиб аланглаганиларича номаълум халоскорни ахтара бошлидилар.

Безорилар бир дамга тутқунларни тинч қўйишди - чўчиб, сергакланиб ортларига бурилишди. Қаршиларида ёлғиз бир йигит турганини кўришгач ижирганиб, қаҳраниб унинг юзига ҳансирашиб:

- Бўлаётган ишнинг конкрет сенга алоқаси йўқ. Қисқаси, туёғингни шиқилат, тушундинг? Топай!..

Унга шу пўписанинг ўзи етарли бўлди, деган ишончда тагин қизларга ёпищдилар.

- Оғайнилар, қўйинглар шу ишни, дедим. Ахир, ҳаммамиз мусулмонмиз, ўзбекмиз-ку. Булар сингилларимиздай гап...

- Эй ўз-бек, ўзбеклигингни пишириб е, тушундингми? - безорилар қаҳрга минишди. - Сенга конкрет айтилдими, туёғингни шиқиллат деб, раҳмат де-да, силжиб қол! Ё бошқача понятка хоҳлайсанми? Не вмешивайся, ур-род!

Даҳанаки жанг муштлашувга айланди. “Қарс“ этган товуш эшитилди-ю йигит ортга - анча нарига тисарилиб кетиб, бетон ариқчага йиқилаёзди. Безорилар тўпидан бирори кутилмагандан унга калла солиб юборганди. Йўқ, йигит ҳам ўзига ишонган, бақувват экан. У юзини чангллаганича унча сир бой бермай йўлтусарларга яқинлашди ва безорилардан бирини - айни ўзига калла соглан сузонгични бир уриб ағдариб ташлади, ғазаб йилдириимида кескин ва чиройли ҳамла билан иккинчисини - ёнбошидан яқинлашётганини қорнига тепиб буқчайтирди. Қизларнинг ўтакасини ёриб, олатасир муштлашув бошланиб кетди. Мазлумалар безориларнинг йигит билан андармон эканликларидан фойдаланиб қочишига тутинганлар, аммо бу андармонлик уларнинг сирли ва олийжаноб халоскорлари учун не кўргулик ила интиҳо топишидан қўркувда узокроқдан муштлашувни хавотир билан кузатиб, чор атрофдан ёрдам тилаб қичқириб турешарди. Ўртага тушиб қолган йигит мардона қаршилик кўрсатар эди. Қизлар чопа бориб ёрдамга чорлар, чопа бориб ёрдамга чорлар эканлар, бир дам анграйиб, ҳам маҳлиё бўлиб йигитнинг чапдаст ҳаракатларига термулиб қолишиди.

Бу пайт муштлашаётганлар сурила-сурила бу овлоқ кўчадаги симёғоч остига келиб қолишиган, кўча чирогининг ёруғида уларни олисдан ҳам кузатиш мумкин эди. Ҳаётда сира бундайин тўқна-

шувға йўлиқмаган қизлар бир муддат ҳайратда қотган здилар. Азамат йигит тўрт безорига бир ўзи бас келиб, ажабтовур шиддат ила муштлашар, газабланган важохати, ҳаракатларида ажиб... жозиба бор эди. Ҳамлалари қисқа, ортиқча уринишлардан холи аниқ зарбалар ила амалга ошаётганидан ва кутилганидан ҳам созроқ "ҳосил" тўкаётганидан йигитнинг яхшигина шугуллангани сезилиб турарди.

Бироқ тез орада ёвқур йигит чарчади. Уни ур калтак-сур калтак қила бошлишди. Йигит йиқилса ҳам дарҳол ўрнидан туриб рақибларига ташланар, битта-яримини ерпарчин қилар, аммо чоратрофдан ёғилаётган зарбалар уни новдадай тебратиб, синдириб ерга қапишиштиради. Навбатдаги кулашларининг биридан сўнг, йигит чўккалаганича қад ростлаётган маҳали безорилардан бири унинг манглайи аралаш бошига қаттиқ тепди. Йигит қулочи кенг ёзилиб чалқанчасига ағдарилди-ю, қимирламай қолди. Шунда қўрқиб кетган қизлар бор овозлари билан чинқириб юборишиди:

- Вой-дод, ўлдириб қўйишиди-и-и-и!..

Безорилар шоша-пиша қочишга тушдилар. Қизлар йигит тепасига чопиб келишиди. Йигитнинг пешонаси ёрилган, қон қоши аралаш чаккасини ювиб оқарди. У қимир этмай ётганича, оғир-оғир нафас оларди. Тахликада эсанкираган қизлар ҳаллослаб "Тез ёрдам"га қўнғироқ қилиш учун юргилашди. Бахтга қарши, яқин атрофда автомат телефон йўқ эди. Йигитни кўчада ёлғиз қолдирив, узоқроққа боргани қўрқишиди. Ётоқхоналари яқин бўлгани боис йигитни ўз ётоқхоналарига ётқизиб, сўнг дўхтири чорлашга кенгашишиди. Бир амаллаб холоскорларини турғизиши-ю, иккови икки қултиғига кириб судраб кетишиди.

Йигит забардаст эди. Ётоқхона эшигига етиб боргунча қизларнинг нафаслари бўғизларига тиқилиб қолди. Қоровул хотинга вазиятни тушунтириб, йигитни юқорига, ўз хоналарига олиб чиқишиди. Уни кроватга ётқизишиди. Атрофида гирдикапалак бўлишиб, қон сачраган курткасини ечиб ташлашиди, сочиқни хўллаб манглайи, чаккалари, қулоклари ва соchlарини артишиди. Бояқишилар фалокатларини аритган ҳұшсиз азамат қошида чинакамига парвона, қалбларининг туб-тубидан отилиб чиқаётган миннатдорчилик ва мутаассирлик зилолидан тўлқинланиб жонсараклик ила унга меҳрибонлик қилишар, "ака, ака"лаб ҳушига келтирмоқчи бўлишарди. Ахир, ҳазил гапми? Бахтсизликка учраган бечораларнинг нолаю илтижосига бефарқ ўта олмайдиган, жонини гаровга тикиб бўлса-да, уларнинг ҳимоясига ярайдиган мардлар ҳозир ҳам бор экан-ку. Ахир, дунё фақат териси қалин, пича

хавфга бўйни қисиладиган, ўз жонининг ҳимоясигагина мослашиб қолган тошбақамижоз каслар билангина эмас экан-ку.

Йигит қошларининг ўртасида тугунча пайдо бўлиб, ҳануз қимирламай ётарди. Аммо нафас олиш мароми аста меъёрлашиб, ахволи енгил тортаётгандай эди. Қизлар тагин “ака, ака” лаб чақиришиб, унинг юзларига енгилгина шапатилаб кўрдилар. Шунда у кўзларини очди. Тепасида ўзига ташвиш билан тикилиб ўтирган қизларни кўриб, хонага бир қур олазарак назар ташлади. Ўрнидан турмоқчи бўлиб кўзғолди-ю, бирдан бошини чанглаб қисқа иҳраганича ёстиққа йиқилди. Ғужанак бўлиб қотиб қолди. Қизлар чопқиллаб ташқари юргурилашди.

Улар “Тез ёрдам” да етиб келган дўхтирларни етаклаб хоналарига қайтгандарида, на йигит ва на унинг бунда бўлганидан бирор асар топа олмай ҳайрон қотиб қолдилар. Унинг илгичдаги курткаси, ҳатто манглайидан оқаётган қони артилган сочиқ ҳам йўқ эди. Пастга тушиб қоровул хотиндан суриштиришиб, дўхтирлар билан бошлишиб атроф-теваракни қидирган бўлишиди. Бироқ йигит ҳеч қаерда йўқ эди. Қизлар мулзам тортиб, узр сўраб дўхтирларни кузатиб қолишиди... Ажабо, қаерга ғойиб бўлдийкин? Ахир, у юриб чиқиб кетадиган ахволда эмасди-ку, магар бирор суюб бормаса... Ажабланиб, тагин айланиб кўришаркан, коридор бўйлаб ўнгга қайрилган жойларида тўхтаб қолишиди. Нимкоронги коридор тўридаги дераза олдида бир кимсанинг қораси қўққайиб турар, деразадан ташқари боқиб тургани боис унинг юзи кўринмасди.

Қизлар кимса қошига чопиб келганларида, у ўгирилиб қаради:

- Салом, Бокира, салом, Ҳилола.

Бу - уларнинг курсбошиси Душвор эди.

-Кечирасиз, Душвор ака, биз сизни... бошқа бирорвга ўхшатипмиз, - дейишиди қизлар бўшащганича.

Улар деразага бўйин чўзиб аланглаб кўйишиди. Ташқаридан йўқликдай бўлиб зим-зиё тун мўралаб турарди, холос.

- Биз бир йигитни қидириб юрган эдик. У бизни қутқариб қолди. Сиз уни кўрмадингизми? Баланд бўйли, гавдали нотаниш йигит... Унинг пешонаси ёрилган, - қизлар Душворнинг юзига умидвор кўзтишиди.

- Йўқ... - деди Душвор.

Қизлар ҳафсалалари пир бўлиб ортга бурилишиди.

-Балки сиз уни топарсиз, ахир тоғ тоғ билан учрашмаса ҳам, одам одам билан учрашиши мумкин-ку, - деди Душвор ортдан. - Тун ярмидан оғди, ҳамма ухляяпти, сизлар ҳам ухланг...

Душвор ўзи ғалатироқ эди. Ижарада яшаса-да, сира тилма-
ганды - ярим кечаси ёки саҳармарданда ётоқхонада пайдо бўлар,
бевакт йўқловдан оромлари бузилган ҳамкурслари уйқусираб "Ух-
лайсизми, ўзи?" дей уни қарши олишарди. Унинг ҳозирги гаплари
ҳам ғалати.

- Ўзингиз нега бедорсиз? - дейишди қизлар бироз гашлари ке-
либ.

- Одатим шунақа, - деди Душвор. - Ёмғир ёғишини анча олдин
ҳис қиласман. Вужудим чимиллаяпти, демак тез кунларда ёмғир
ёғади...

Шундай дейа Душвор жунојикиб қўйди ва қизларни унугтган-
дай уларга терс ўтирилиб, тагин деразадан ташқарини - зулматни
томуша қила бошлади.

Қизлар чимирилишди. Энсанг қотса қотгудек...

Улар хоналарига қайтиб, жойларига ҳоргин чўқдилар. Иккови
ҳам жароҳатланган олийжаноб ҳалоскорнинг тақдиридан хавотир-
га ботиб ўтиришарди. Ажаб... Йигитнинг хуш сурати иккисининг
ҳам кўз олдида муҳрланиб қолган эди. Чиндан ҳам нотаниш ҳа-
лоскор жуда келишган, истараси ғоятда иссик, чехраси очиқ йигит
эди. Унинг бутун қиёфасидан: кенг пешонаси-ю, қирра бурни, бўр-
тиб чиққан мардона ияги, ҳатто ўртасидан фарқ очиб тараалган ва
битта-иккита оқ оралаган қалин қора соchlаридан алланечук сами-
мият ҳамда ёшига нисбатан анча бот келган донолик акс этиб
турарди.

Қизларнинг дилларидаги тилларига кўчди.

-Фариштали йигит экан-а, - деди Бокира жилмайиб.

- Бунинг устига, пахлавон... ҳам довюрак. Йигитнинг бўлса шун-
дай бўлса, - дейа Ҳилола қошини учириб қўйди.

- Ажаб, уни қаердадир кўргандайман...

- Қўйсангчи, қаерда кўрардинг. Сенга шундай туюлаётгандир.
Ўзи жуда истарали экан-да.

- Агар у келиб қолмаганидами...

Бокира пастки лабини тишлаб бош чайқаркан, шахло кўзлари
катталашиб, уларда кўркув акс этиди.

- Нимасини айтасан-а,- Ҳилола даҳшатдан эти жунжикиб қуниш-
ди. У бошини баланд кўтариб, қўлларини юқори чўзганича хитоб
қилди:

- Эй, художон, ўзингга шукур, биз бечораларни сақлаб қолдинг.

Йигитни алқашди, безориларни қарғашди, кеч йўлга чиққанлари
учун Зарнигордан хафа бўлишиб, ўзларини ҳам койишиди. Беихти-
ёр профессор Фиртмак ёдга тушди. Кўнгилларига совуқ вахима

оралади. Аммо бошдан кечирилган даҳшат ва унинг хайрли оқибати бу ваҳимани ювиб кетгандек бўлди. Бир гап бўлар, дея ўзларига тасалли беришди. Гап айланиб тагин нотаниш сирли йигитга тақалди. Туриб-туриб унинг сирли пайдо бўлиши, ўзларини кутқариши ва, айниқса, тагин сирли ғойиб бўлиши бояқишиларга таъсир қилди.

- Қара-я, худди эртаклардагидай, - деди Бокира маъсум кулиб, - Керак пайтда халоскор етиб келди, бизларни кутқарди, тагин сирли ғойиб бўлди.

- Бирорга айтсанг, ўлса ишонмайди,-деди Ҳилола жўшиб-Худди хинд киноларидағидай.

- Чиндан эртакдаги сирли халоскормикан? - деди Бокира кулимсираб.

Кулишди. Шунда кўзлари катта-катта очилиб кетган Ҳилола битта гап айтдики, бу гап кейинчалик ҳам бир-икки қайта қўзғолди.

- Балки у Хизр бовадир?-деди Ҳилола ҳаяжон билан.

- Йўғ-е, кўйсанг-чи, дугонажон,- деди Бокира ишонқирамай. - Хизр бова-қария-ку. Унинг бўлса сира қарияга ўхшайдиган жойи йўқ, социдаги битта-иккита оқини айтмасанг.

- Нима қипти? Эҳтимол, Ҳазрати Хизр унчалик қария ҳам эмасдир. - Ҳилола ўз гапига ўзининг ҳам ишонгиси келиб турарди.- Эҳтимол, у ҳар хил қиёфага кириб пайдо бўлар. Ахир, у илоҳийку. Замонавий йигитга ўхшаб олиш унинг учун нима деган гап.

- Чиндан ҳам ғалати... бошқаларга сира ўхшамайди...

- Иккимиз ҳам соддамиз. Шунча ётди - унинг бошмалдоғини ушлаб кўрмапмиз. - Ҳилола ўз тахминига астойдил берилиб кетганди.

- Агар Хизр бўлсалар, борди-ю буни ўшанда билиб ҳам қолганимизда сен нима қилган бўлардинг? - ўсмоқчилади Бокира.

- Ох, менинг унга тилакларим кўп зди-ку,- деди Ҳилола шошиб, энтикиб.

- Мен бўлсам унга “Раҳмат, Хизр бова, сиз бизнинг номусимизни, ҳаётимизни сақлаб қолдингиз, шунинг ўзи жуда катта баҳт, бизга ортиқ ҳеч нима керакмас”, деган бўлардим,- дея жилмайди Бокира.

- Ҳа-я, дугонажон,рост айтасан,мен буёгини ўйлаб кўрмапман, - деди Ҳилола бўшашиб.

Теваракни қоплаган дуд-ғубордан бўғилиб тонг бўзариб келмоқда эди. Шаҳар уйгона бошлаганди.

Тунни оёқда ўтказган қизлар жойларига омонат чўзилганларича ухлаб қолгандилар. Ҳарчанд уринмасинлар, сертаҳлика-серташ-

виш түнни бедор кундузга улаб юборишга құрблари етмади. Ёстиқларига сұянган жойларыда үйқу үз гирдобига тортиб кетди. Faflatda қолдилар...

"Эзгуликка умид" дан

Ушоқ бир данак үз багрида кечмиш ва келажакни асрайди, метин үүжүдү билан уни мұхофаза этади, то фурсати етиб оғушидаги тириклик негизи үйгөнмагүнча, бұртиб үнмагүнча, то ҳәёт давом этмагүнча, то кечмиш келажакка уланмагүнча. Шу мұжказ тимсолда табиаттинг буюк қонунияти, тенгсиз иродасини күраман... Умуман, табиатта неки мавжудот борки, ушбу қонуниятта оғишмай амал қиласы... Аммо биз инсонлар-чи? Нега биз үнга ҳамиша амал қиласырмаймиз? Можияттамағзимизни үнүтамиз? Үэлигимиздан тонамиз?

Бу не? Ақллилук балосими?

* * *

- Қораси - пашша, ошналар!
- Қораси - чивин, жүралар!
- Ашинақамас-да, чивин - чақадигани.
- Пашша чақадигани.
- Бизники түгри!..
- Бизники түгри!..

Сиёсатдонлик бўлим мининг думалоқ маъруза хонасида дарс бошлинишини кутиб ўтирган талабаларнинг катта гурухи гуж бўлиб олганича қаттиқ тортишувлар или ана шу масалани мұҳокама этишаётган эди. Шу пайт эшикдан бир-икки талаба "Домла келаяптилар" дея юргилаб киришди. Ҳамма жой-жойига ўтди. Маърузахонага пашша ёхуд чивин учса эшитилгудек жимлик чўқди.

Эшикдан паст бўйли, қотма, ҳаракатлари чаққон, бостириб кийган қора шляпаси ортидаги жингалак сачлари патила, ҳаётнинг турфа иссиқ-совуғидан тоб тортиб, обдон тўрлаган очундаги таҳдидли ҷагир кўзлари аро бел қўйиб қўнқайган узун бурунли, икки чети пастга осилиб жаглари томон чизиқ тортган катта оғзи юзига тагин-да кескинлик баҳш этгувчи бир киши кириб келди. У башибонг кийинган: эгнида камзулли қора костюм-шым, бўйнида қора бўйинбог, камзулининг ён чўнтагидан тилла соатининг занжири осилиб турарди. Бу - профессор Фиртмак эди.

Профессор Фиртмак зиналар орқали думалоқ маърузахонанинг олд қисмидаги баланд саҳнага кўтарилиди ва ўртадаги қаққайган катта, ҳашамдор минбарга жойлашди. У бошидан шляпасини олганди, ўсиқ жингалак соchlари тепакалининг икки ёни-чаккаларида пахмайиб қолди. Профессор Фиртмак қўйин чўнтағидан ялтироқ гардишли катта кўзойнак олиб қўнқайган бурнининг белига қўндириди ва қора чарм жилдидан қофозларини сугуриб, уларни иштиёқ билан кўздан кечирганича олдига таҳлай бошлади. Сўнг бир муддат аудиторияни диққат билан қаттиқ кузатди. Унинг заҳил юзида норозилик ва жаҳл аксланди.

- Прогуллар бор! - деди у паст, аммо таҳдидли товушда. - Курсбошилар, дарс охирида келмаганлар рўйхати менинг олдимда бўлсин.

Профессор Фиртмак семинар дарсларини ҳам одатда бир хил руҳдаги маъруза билан бошларди. Айни дамда ҳам қўлинин осмонга бигиз қилганича, аҳён-аҳёнда қофозларига кўз юргутириб, баланд шанги овозда жўшиб маъруза қила бошлади:

- Тўғри стратегияга йўналтирилган излар бўйлаб жамиятнинг тақири-туқур араваларини шиддат билан судраб борадиган қудратли локомотив борки, азизларим, унинг номи сиёsatдур. Давр олдимизга улуғвор вазифаларни қўймоқда. Бу вазифаларни бажаришда, сиз, менинг ёш дўстларим, жамиятнинг даргалари бўлмогингиз керак. Сизлар омма устида ишлайсизлар. Омманинг сиёсий саводхонлигини ошириб, таъбир айтиш керак бўлса, унинг гайрат ва қувват оқимини ташвиқот ва тарғибот или тўғри ўзанга йўналтирасиз. Нурли келажак йўлида уни меҳнатга илҳомлантирасиз. Бинобарин, жамият яшар экан, у ҳамиша етакчи-етакловчи арбобларга-сиёsatдонларга эҳтиёж сезади. Айнан ана шу мақсаддад йўлида сиёsatдонлик бўлимини ташкил этганимиз.

- Профессор Фиртмак маъруза орасида кифтини келтириб мақтаниб қўйишга уста эди. - Сиёsatдонлик бўлимини ташкил қилишга киришар эканман, дастлаб бу ишнинг кўлами ва қийинчиликларини ҳис қилмаган эдим. Аммо кўп саъи-ҳаракатлар орқасида ушбу бўлимни ташкил этдик...

Шу пайт эшик аста тақиллади. Икки дугона қўрқа-писа изн сўраб ичкари киришиди. Шавқи синдирилган профессор Фиртмак юз терилари пир-пир учиб тумтайди:

- Бир томчи сирка бир хум шиннини айнитар эмиш.

Гарчанд унинг маърузаси шиннидай бўлмаётган эрса-да, қизлар баттар хижолат чекдилар, профессор Фиртмакнинг қора дафтарига тушдик, дея кўнгиллари бешбаттар фашланди.

Ахир, ҳазилми... Факультет остонасини эндигина ҳатлаган талаба ҳам профессор Гиртмак таърифини эшитар, пайти етиб албатта, унинг чигиригидан ўтишни, имтиҳонларда унинг қаршисида дағ-дағ қалтирашни бўйнига олиб қўяр эди...

Профессор Гиртмак талабаларга яна кўп гапларни айтмайди... У факультетга янги ишга келган кезлари жисман увоққина бўлгани учунни, ёки пачоққина бўлса-да, гап-сўзлари “тарақлаган” маҳмаданалиги боисми, бир профессор ёқтирмай унга “Гиртмак” лақабини тиркаган, шундай қилиб ҳеч қандай илмий унвонга эга бўлмаган ёш аспирант йигит ана шунаقا ғалати лақабни ортириб олганди. Нимасини айтсин, ҳозирга келиб манглайида “Домла” ёхуд “Устоз” деган мўътабар ном зуҳр этгани ҳолда, мана, ўтиз йилдирки, хали-ҳануз куракларида ўша лақабни илиб юрипти. Ўша кезлар профессор Гиртмак оддийгина “Гиртмак” ёки баъзи ҳолларда “Гиртмакча” эди. Энди бўлса ушбу ном елвизакдай совуқ ва чўчитгувчи бир бад хосият касб этганки, унинг шарпасиёқ талабаларнинггина эмас, балки унча-мунча доценту профессорларнинг ҳам этини жунжиктириб, қалтироқ соладиган бўлиб қолган. Агар у ихтиёр этса, шундай изгирин кўптирадики, бир-икки одамни учириб юбориши ёки дард теккизиб оёқдан йиқитиши ҳеч гап эмасди. Бироқ унинг иззатини изиллатавермасликка, ўзининг ўша қудратини худа-бехудага сарфлайвермасликка фаҳму идро-ки етар, атрофидагиларни кўпроқ ана шу қудратнинг кўлагасида зириллатишини мақбул кўрарди. Умуман, уни камтар деса ҳам бўлаверарди. Айни пайт катта обрўга эришган бўлса-да, ёшликтаги - ўсиш давридаги одат ва қилиқларини ташламаган, юксалиш йиллари кезиб чиққани - курашнинг эгри-бугри, пасту баланд, овлоқу хилват йўлларини хотиридан фаромуш қилмаганди. Гарчанд ҳозирги тутган мавқеига ярашмаса-да, тўғрироғи, эндиғи мавқеи унча-мунча мақсадига тўғри, равон йўл орқали ошкора ета олишини бемалол таъмин этса-да, у кўпроқ бояги йўлларни кўзлаб туар ва улардан унумли фойдаланар, бу унинг азбаройи эҳтиёткорлигиданни ёки эрмакталаблигиданни ёхуд тарки одат қила олмаётганиданни, ҳар ҳолда, тушуниб етмоқ душвор эди. Масалан, у шу кунда ҳам издиҳомларда юзига бемалол гапириши мумкин бўлган бундайроқ олимчаларга кўпда дангал эътиroz билдиравермас, балки унинг ўзига мос олимчани гиж-гижлаб қайраб қўяр, шу йўсин кўп ишларни ҳарифлари қўли ила битирарди.

У янги ишга келган пайтларда ҳам факультет улкан салтанатнинг бирмунча эркин беклигидай ёзилмаган мақомга эга, бу ерда сиёsat ҳам ўзгача эди. Бунинг боиси факультет биносининг уни-

верситет бош биносидан олисда жойлашганидан эмас, балки уни бошқарыб турған гурух нұфузи ҳамда күламли алоқаларидан зди. Ўша йиллари унинг билан бирга күп ёшлар бу масканга ишга келдилар. Аммо бу даргохнинг замини ниҳолчаларнинг илдиз отиши, авж олиши учун қулай эмасди. Бу ерда, асосан, уруғларнинг сарасини, тұғрироғи ўзларига қараашисини олишарди. Күп навни-холлар четга суреб ташланди. У бўлса қўл кўтариб барвақт четга чиқиши истамади. Бу гаройиб даргоҳга ишга келгунига қадар у ўзининг шумликларга мойиллиги ва қодирлигини, муомалага яхшигина лаёқати борлигини зарурат бўлмагани учунни тузукроқ англаб етмаганди. “Бир йигитга минг шумлик оз” деган нақлни у ўша серҳадик, сермашаққат йилларнинг бедор кечаларида, кўпроқ илм билан эмас, балки у ёки бу гурух бағрига қандай йўл топиш мумкинлиги ҳақида бош қотириб, тун тебраттган лаҳзала-рида яратди. Чиндан ҳам у қай бир гурухнинг мустаҳкам қалъа-сига йўл солиш учун не ҳунарлар кўрсатмади. Қора терга тушиб хандақ тўлдирди. Хандақ тўлдиришининг иложи бўлмаган вақтда лангар ушлаб дорбозлик қилди, девор ҳам ошди, лаҳм ҳам ковлади. Энг муҳими, бу ишларни ўзига ор билмади. Ифлос бўлганида қўлининг қорасини қўлтиғига суртиб-суртиб кетаверди. Иқтидорини илмга тикмоқчи бўлган кўплаб содда ва жўшқин руҳли салафлари эрта ўйиндан чиқишиди. Фиртмак эса нозик фахми ила англаб етдики, ҳақиқий илмдан аввал бошқа “ilm”ларни әгаллай билиш муҳимроқ экан. Уни иқтидорсиз деб бўлмасди, аммо у кундалик бош режасида кўп вақти ва қувватини яшаш учун курашга сарфлай бошлади. Гурух танлашда бошда адашган бўлсада, тезда хатосини англаб етди. Гуруҳларнинг энг кучлиси - марказий гурухга суқилиб киришни пировард мақсад деб билди. Бу гурух алоқаларининг қамрови чиндан ҳам кенг бўлиб, бош бинога, ҳатто ундан ҳам юқорига ёйилиб кетганди. Уммондаги наҳанг теграсини қуршаган, унинг тишларидан сочилган сарқитлар-ла хўракланиб, кун кечиргувчи чавақлар мисол бўлак майдад-чуйда гуруҳчаларга вилоятига, шу монанд бошқа жиҳатларига қараб қабул қиласалар, марказий гуруҳдагилар асосан қариндош-уруғлар ва яқинлардан иборат зди. Жамият сиёсат билан тирик экан, яъни унинг ривожи учун сиёсат бирламчи омил экан, ушбу соҳа мутахассислари ҳамма жойда сувдай зарур. Мазкур гурухнинг пинҳоний мақсади, ёзилмаган вазифаси дастлаб ўз бағирларида умидли ёш кадрларни етишириш, темирқанот бўлгач, уларни у ёки бу илмий ёхуд давлат маҳкамасига учирма қилишдан иборат зди. Ёшларнинг пировард мақсади қанот ёзиб мазкур идора-муассаса-

салардан ҳам баландроққа учиш, катта-кичик бирор даргоҳ, худуд, ёки, ҳатто, Марказий Бошқарув құмитасини згаллаш эди. Факультетда үқиёттан марказий гурухға дохил талабалар учирма бўлғанларнинг ўрнини тўлдиради. Фиртмак бўлса ёт эди, ҳатто, ушбу даргоҳда үқимаганди ҳам, аммо баҳтига ўнинг билан бирга иш бошлаган ёшлар орасида марказий гурухға мансуб бир йигит бор эди. Содда салафларидан фарқли равишда у бундай ҳолатни баҳтли тасодиф деб баҳолади ва имкониятни қўлдан бой бермасликка тутинди. Умуман, Фиртмак бундан бўён ярқ этган ёки этмаган бирор майдо-йирик имкониятни қўлдан чиқармасликка жазм қилди ва бунинг учун, муболагаси билан айтганда, темир одам мисол аниқ ҳамда қаттиқ ҳаракат қилди ва катта натижаларга зришди ҳам. Агар ҳаётимизда урф бўлган ҳамма нарсага меъёрий режа қўйиш қонунини ўсиш учун мавжуд имкониятлардан фойдаланиш ҳаракатига ҳам жорий этилса, Фиртмак тўлиқ ғалабага зришмаганида ҳам, ҳар қалай, унинг кўрсаткичи жуда юқори бўлган бўларди. Хуллас, азбарои содиқлиги-ю синиқлиги, оёқ-қўли чаққон дастёргиналиги ва уддабуронлиги билан Фиртмак марказий гурухнинг янги аъзоси қалбига йўл топа билди. Асилзода янги дўсти Фиртмакнинг баъзи тўпори қиликларидан кулса-да, ўзи учун асқотаётган унинг ана шу сифатлари туфайли, қолаверса, жамоадаги ёшлардан ҳам ким биландир ҳамдам бўлиши кераклиги учун унинг дўстлигини қабул қилди. Фиртмак қариндошлиқ ришталарини бофламай туриб, марказий гурухға қўшила олмаслигини тушунарди. Янги дўст билан борди-келдини кучайтирди. Тез орада гуруҳдаги нуфузли арбоблардан бирининг ўтириб қолган ногиронроқ қизи борлигини билди. Даргоҳдан четлашмаслик, билъакс, ўрин топиб, униб-ўсиш қасди ҳар недан юқори эди... Иккала томоннинг келишуви ва қониқиши ила тўй бўлди ва Фиртмак баҳти очилмаётган қиз исмини, тўғрироғи, шарифини ўз таржима ҳолига илова қилди.

Идроку салоҳиятини дастлаб оёққа туриб олишга, сўнгра ном қозониш ва мазасини пича ялаб ултургани ваколат ҳамда имтиёзлар соҳиби бўлишга сарфлади.

Бугунги монопол нуфузга зришгунинга қадар Фиртмак, эҳ-хе, тагин қанча азият чекди. Қачон, қай зшикни қаттиқроқ ёпмаслик лозимлиги-ю қайсисига элтадиган йўлни унутиш возиблиги, қандай нарвондан юқори чиқиш мумкинлиги-ю, қачон нарвонни олиб қўйиш кераклигини хаёлидан фаромуш қилмади. Ичлари туз сепилгандай ачишса-да, қайси бир азиз кўпприкларига ўт қўйиб юборди. Бироқ ҳар тугул, расмий номи никоҳ деб аталмиш ўша битимдан сўнг, унинг ишлари анча юришиб кетди. Номзодлик диссертация-

сини күнгил яқинларига ўзи мақтандырылғанынде, етмиш икки соатда ёзіб битирді. Докторлықтың өңеші алохидан бир мұрakkab жараён бүлдікі, алал-оқибат түгри маңнода ҳам, бошқа маңнода ҳам илм билан фириб чатишиб профессор Гиртмак деган ном дунёға келди. Отаси мұртробақ келди, эрта кунда - уни дунёға келтирибоқ ўтиб кетди. Профессор Гиртмак онаси - фирибнинг тарбиятида янада камол топа бошлади. Шунинг учун ҳам у қобил фарзанд сифатида волидасини ўта қадрлайды. Бугунги ёшлар... бугунги талабалар... нимани ҳам билишарди улар. Улар профессор Гиртмакдан балодан құрқандай құрқиши, имтиҳонларда унинг серажин юзига боқиб, қалтирашини билишади. Бу ажинлар маңносини ўқишига эса ҳеч бириңнинг өзін келмайды. Фақат унинг ўзигина тарам-тарам бу чизиқлар бедор кечалардаги қай гүссаларнинг талқинлари, қайси ранж-риёзатларнинг шархи-ю нархи эканини била-ди. Ёшларга боқиб күнгли бальзам гүссага тұлади, ўтиб кетган ёшлиқ дамларини ўйлаб, ўрнини ҳеч нима боса олмайдын лазиз ҳислардан, ажыр ҳислардан мосуво ўтган чоғларини эслаб бағри зила-ди. Бугун Гиртмак ёшларга сирли ва құрқинчилі туолаёттан экан - құрқаверишсін! Очиги... бугунги ёшларга боқиб профессор Гиртмакнинг күпроқ жини құзийди, зардаси қайнайды, ғазаби құпади. Ўзи чеккан барча азобларни бажонудыл уларға ҳам раво күргиси, илингиси келади. Ўзининг шүрлік ёшлиги рүбарў бүлған ярамас мұхитни улар учун ҳам яратишига ва сақлаб туришига имкон қадар интилади. Талабалик йиллари ва иш фаолиятининг бош-бошида озгина бўлса-да чинакам илм сурурини тотиб кўрган ва бу нарса қалбининг бир бурчидаги ниш ургану бот қуриган илк мухабbat че-чаги янглиг оғриқли бир асорат қолдирганди. Эх, ҳақиқий илм сурури... Қариб қоляптими ёки илгарилари кураш шавқи билан бўлиб сезмаган эканми, кейинги пайтларда кўксидаги гимирлаган бир оғриқ уйғонади. Армонми бу, ёки чинакам илм яратады олмагани учун виж-дон азобими, ёки қоришиқ туйғуларми - у тушунмас, тушунишни истамас, тушунишдан қўрқарди. Илмдаги унинг қилған ишлари жуда заиф, мурт бўлиб, улар васийликсиз ўзларини эплаб, нурли тақ-дирга зришадиган сиёқда эмасдилар. Китоблари ўзидан кейин но-тавон сагирларга айланиши муқаррар эди. Бироқ, не ажабки, ўқинч қайғусини сийпалагувчи юпанч туйгуси ҳам бор эди қалбда. Агар унинг фаолияти фақат илм билан чекланиб қолганида эҳтимол у чинакамига ўкинган бўлармиди. Аммо, у бириңчи навбатда, қип-қизил сиёсатдон-ку. Ҳа-ҳа, сиёсатдон! Не-не раҳбар вайсақиларнинг устози, айтиш мумкинки, маңнавий падари. Ахир Қуёшнинг Ғарбдан чиқишини ким бириңчи бўлиб айтди ва исботлаб берди. У эмасми?!

Бу шундай бўлганди. У ахли илм ва сиёсатдонларнинг назарига

туша бошлаган бир кез катта бир издиҳом аро минбарга күтирилди-ю, ўзидан олдин сўзга чиқкан нотиқларницидан ўткирроқ, саҳтсумбатига ярашмайдиган баланд шанги овозда ҳайқириди:

- Қуёш, ўртоқлар, Фарбдан чиқади ва Шарққа ботади!

Залдагиларнинг тобора кўпроқ дикқатларини йўқлама қилиб, бир муддат тек қотди, мўлжалидаги эътиборни ўзига жамлаб олгач, қўлларини бигиз қилганича ижирғаниб, ўзига хос шавқ билан қич-қиришда давом этди:

- Шарқдан хеч қачон Қуёш чиқмаган ва чиқиши мумкин ҳам эмас! Савол туғилади: ўртоқ Фалоний “Қуёш Шарқдан чиқади” деганида қай ғаламис мақсадларни кўзлаяпти экан?! Яна қайтараман: Қуёш бизга Фарбдан чиқкан! У ҳар тонг боз Фарбдан чиқади ва бизларга зиёҳарорат, ризқ-рӯз, тўкинлик баҳш этиб, уфқларимизни олранг шафаққа буркаб Шарққа ботади. Магар биз кундай равшан ушбу ҳақиқатни инкор этиб, бадҳоҳлик ила: “Қуёш Шарқдан чиқади” дер эканмиз, демак... демак бизнинг фикри-миз лойқа, демак бизнинг кўнглимиз қингир!

Зални титратиб гулдурос қарсаклар янгради. Ўни олқишилашарди! Бу қарсаклар профессор Ғиртмак сиёсий меъроҗининг ибтидоси, бояги олим фаолиятининг интиҳоси, аниқроғи, унинг устидан чиқарилган ҳукм бўлди.

Эндиғи бадиий асарлар ҳам: “Фарбдаги азamat тоғлар ортида, поёнсиз ўрмонлар узра қизариб Қуёш кўрингани ва тонг ота бошлагани...” янглиғ гузал, мантиқан тўғри тасвиirlар ила жилолана бошлади.

Дарвоқе, бир вақтлар тор доираларда қўлланилган унинг бўлак лақаби ҳам бор эди - Кўрагоний. Ушбу лақабнинг ҳам бадният ила тўқилганини, беғараздай туюлган бу ҳазил тубидаги мазах қўйқасини унинг сезмаслиги мумкин эмасди. Зеро, буюк соҳиб-қирон шукуҳли сулола вакиласи - соҳибжамол маликага уйланиб, ушбу номга эга бўлган эрса, у майиб қиз билан ўзининг ўртасидаги номувофиқ никоҳ туфайли шундай лақаб орттирганди. Шундай қилиб, бироз муддат Ғиртмак Кўрагоний бўлиб юрди, аммо лақабининг кет қисми айrim сабаблар шарофати ила кейинроқ узилиб тушди ва одамлар ёдидан кўтарилиди. Ғиртмак лақаби яшовчан чиқди. Ўзига жуда арzon нарх белгилаб, орқасига “Ғиртмак” деган одми ёрлиқни ёпишириб қўйган калондимоғ профессорни у анча йиллар бурун орадан кўтариб ташлади. Унинг ҳамма сифату жиҳатлари келажакда катта обрў қозонишидан дарак берарди. У ўзидан бўлак хеч кимга ишонмасди, хеч ким унинг ишончини қозона олмасди ҳам. Ўзини намойиш этишнинг ҳадисини олган, жоиз фурсатларда буни қойилмақом қилиб ўринлатар эди.

Тараққиёт бирламчи омилининг аҳамияти ошганидан ошибб юқори малакали вайсақи кадрлар тайёрлаш янада кучли заруратга айланғач, ана шу мақсадда маҳсус сиёсатдонлик бўлими ташкил этишни профессор Гиртмакка юкладилар. Шундай қилиб, марказий гуруҳ норасмий ваколатлари қамровига ворислик хуқуқи профессор Гиртмакка насиб этди. Сиёсатдонлик бўлимини ташкил этиш билан турли бўғин раҳбарлик ишига сиёсий онги юксак, эътиқоди мустаҳкам, ишончли вайсақи кадрлар таёrlаш расмий тус олди. Мазкур бўлимга асос соганидан сўнг, этишиб чиққан кўплаб вайсақилар ҳозирда ҳам турли нуфузли идораларда қўтаринки руҳда вайсаб, жамиятнинг олға босишига бекиёс ҳисса кўшмоқдалар. Шогидлар, ҳатто, энг юқори котибият ҳайъатига ҳам бориб етдилар. Ҳа, иерархиянинг устки бўғинидаги бундай раҳбарларни бизда котиблар дейишади. Ўзлари ёзган ёки бошқалар ёзив берган даста-даста қоғозларни титиб ваъз ўқийдиган, вайсақилик дами или сиёсат, демакки, жамият аравасини юргизадиган котиблар. Шогирдлар бундай ишни қойиллатишишади.

Профессор Гиртмакнинг баъзи маърузаларини шогирдлари дастуруламалга айлантиришган.

- Халқ ҳикмати уқтиради, - дерди у салмоқлаб. - “Шавла кетса кетсин, обрў кетмасин”. Бунинг замирида катта маъно бор, ўртоқлар. Биз четдаги мухолифларимиз кўзи олдида сира-сира паст кетмаслигимиз керак. Улар бизларни кўриб “Буларда ҳамма ишлар “о кей экан” - десинлар”. Бинобарин, шавлага кетадиган хом ашё ва материалларни ўзида мужассам этган пировард маҳсулот захираси хажми бизда туганмасдир. Қисқаси, шавланинг ўрнини қоплаш осон, лекин дунё афкор оммаси олдидаги осмон қадар обрў йўқолса, уни тиклаш маҳол.

Шундан сўнг, кўп жойларда жамиятдаги етакчи савтга ундош “Шавла кетса кетсин, обрў кетмасин!” деган шиорлар пайдо бўлди. Фаннинг турли соҳалари намоёндалари бу борада ўз мушоҳадаларини баён қилдилар. Пировардида, аниқ фанлар вакиллари фикр билдириб, шавланинг кетиши обрўнинг ошишига тўғри пропорционал эканини исботлаб бердилар.

“Эгуликка умид” дан.
Чинор аммам ҳикояси.

Буюк туркий эл ҳўп жафо чекди, ҳўп дард тортди. Жафо-ю бало-қазоларнинг энг оғири ўтган аср оҳирлари-ю, шу аср бошларида келди, кучайиб үлусни талотўнига олди, синовлардан ўтказдики, бетугён ёд этиб бўлмас буни:

Қаро қуюн құпғаныға күп бўлди,
Бировлар билмади, бировлар билди.
Эврилган замона элагин тутуб,
Эринмай элади элди-я, элди.
Эрлар эланмади, элу юрт деди,
Элга эрк байрогин илкка тут, деди.
Ёгийнинг поидан паноҳ ахтарма,
Туркийсан - түшингни тикка тут, деди.

Улуг отамиз шүкүжли эшонлар сулоласидан эдилар. Маргилон ва төварак атрофдаги музофотлар аҳли ул зотни "Улуг Эшон" номи ила үлуглар эдилар. Ул зот Ҳаж фарзини адо этган ҳожи эдилар. Ўрсия ва бошқа құшни давлатларда ҳам сафарда бўлган, юрт кезиб, эл таниған, илму маърифатни маёқ қилган ориф зот эдилар. Юртнинг эрлари эрк үчун мұхорабага қўтирилганларида ул зот уларга фатво бердилар ва ўзлари ҳам курашга қўшилдилар. Икки нағқирон ўғиллари - катта оғаларим омонисиз жангларда шаҳид кетдилар. Меҳрибон онажжонимиз бул жудоликни кўтара олмадилар. Оғаларимни ўйқлай-ўйқлай уларнинг ортидан кетдилар. Кутимаган бу мусибатлардан ҳаммамизнинг бағримиз қон бўлди. Отамиз куйдилар, минг ўртаниб ситам чекдилар. Аммо синмадилар, үзлатга чекинмадилар. Эл гами, юрт қайғуси ул зотнинг фикру хаёлини қоплаган эди. Тошканту Бухородаги биродарлари ила чопарлар орқали алоқада бўлиб турар, ҳаммаслаклар Туркистон тақдирини ўнглаш тарафдисида эдилар. Отамизниң етти оталари, бобокалонларимиз эшон ўтганлар. Улар диний билимларга-да, дунёвий илмларга-да ихлосу эътиқодда бўлиб, етук маърифатга эришганлар. Етти бобокалонимизнинг барчаси ўз үмри давомида зурриёдларга атаб биттадан ҳос китоб ижод этганлар. Бундай қутлуғ анъана авлоддан авлодга ўтиб келган. Улуг отамизниң фикру ёдлари Туркистон тақдирни билан, мустақиллик ўйлидаги кураш билан банд бўлиб, иншооллоҳ, фурсат етиб мен ҳам шундай китоб битурмен, ота-боболарим ҳам бул китобларни нуроний бир ёшга етганларида битганлар, дегувчи эдилар.

Бир куни уйимизни ҳукумат одамлари босдишар. Чакуб бўлгани аён эди. Ҳукумат одамлари ҳаммаёқни тит-пит қилишиб, отамиз гоят эъзозлагувчи етти мақаддас китобни топиб олдилар. Бошқа китоб, қўлёзмаларни ҳам йигиштириб олишиди. Бизни зор қақшатиб Үдуг отамизни ҳам шул қутлуғ мерас билан қўшиб олиб кетдилар, чирқираб қолавердик. Орадан анча

мүддат үтиб отамиз құтулиб чиқдилар, аммо рұхлари үтә түшкүн, оғир ҳаста кимсадай афтодағол әдилар. Үл зот ҳуж-раларига кириб олғанларича, үзлатга чекингандай күнлаб таш-қары чиқмас, дүнё охир бұлғандек борлыққа үмидсиз бοқарди-лар. Ҳатто, иккى оғам қурбон бұлғанларида ҳам отамизни бүн-чалик noctor, ноумид, музтариб күрмаган әдик. Кейин өңірде бұлдыкки, етти бобокалонимиз битган табарруқ китобларни ғаддарлар отамизнинг күз олдиларида ёқиб юборишипти. Отамизни шул талофат азоби өзәётгап экан... Шукурки, үл зот-нинг идроклари түшкүнлик өзінде банди бұлыб қолиб кеттімади. Отамиз үзларини үнглаб олдилар. Ёдларыда қолған етти ки-тоб магзини үзіда жам этган ۋا ۋىز билим-таассурутлари или түлдірилган янги китоб битмакка киришдилар. Үл зот борлық-ни үнүтгапчы күнларни түнларга үлаб тинмай ёза бошладилар. Бу пайт мен бўйи анча чўзилиб қолған қизалоқ, иним, яъни се-нинг отанг бўлса ҳали мургак бола әди. Мен чой құтариб ҳуж-раларига кирганимда, отамиз мудом қогозларга қўмилиб, ал-ланималарни қоралаб үтирган бўлардилар. Бир куни отамиз бизни қошларига чорладилар. Иним иккимиз салом бериб ичка-рига кирганимизда, отамиз кўркам, серсалобат қиёфалари үй-ташвиш обрларига чулғанган бир алфозда үтирадилар. Бизни кўриб үл зотнинг юз-кўзларига нур югурди:

- Яратғанга шукурларки, анча улгайиб қолдингиз, - дея майин сўз бошладилар. - Тангримдан сизларнинг камолингизни кўрсам, тўййингизни ўтказсам, деган үмидларим бор... Таассуфки замон шундай нобоп, шундай қаттол бўлиб қолди. Инсоннинг асли-амали бузиш эмас, тузишдур, касбу кор, илму маърифат или йўқни бор, борни барқарор этмакдур. Сўгишу бўғишлар ҳайво-ний бад қилгиликлардур. Маърифат шундай бир хуришиди мунав-варки, унинг зиёси қир кифтини ҳам, қаър қатини ҳам бирдай ярлақаб, чарогон этмакка қодир. Авлоддан авлодга үтиб биз-га-да етиб келган қутлуғ билимлар бесар ўйтмасин, зое кет-масин, дейман...

Отамиз бир муддат тин олдилар. Қалин қора қошлари үюлиб, иирик үйчан кўзларини яширди. Оғир қўзголдилар, оғир ютиндилар, аста томоқ қириб олиб дағом этдилар. Наздимда, үл зот-нинг титроқ үнлари олис-олислардан келарди:

- Боболар бизга үлуг мерос қолдирған эрдилар. Мен бул азиз меросни авайлаб асрар эрдим... Нетайки, юрагимни сүгүриб ол-ғандай шул бебаҳо мулкимни мендан юлқиб олдилар, боз кўз үнгимда уни тилка-пора қилиб, ёқиб юбордилар. Бунинг ўрнига

күзларимни ўйиб олсалар, танамни мингпора этсалар, ҳар не азобларга гирифтор қылсалар мен рози эрдим... Үшал олов менинг күзларимдан илашиб жисимимга туташди ва ҳануз ёнмоқда ва бүл жисм қазоси қадар ёнади ва унинг қазосини тезләтади... Мен улуг боболарим каби, Оллоҳ умр берса, қартайган чогимда, дунёвий ишларни күйиб, тиниккан ақл ила, муборак анъана тақозосига кўра китоб битмакчи эрдим, аммо чуқурроқ ўйлаб кўрсам, ошиқмак лозим эркан. Шул боис барча ишлардан кўл тортиб, китоб битмакка киришдим. Улуг боболаримнинг ёниб битган етти китоби мухтасар мазги-мазмунини хотир изн берганча қайта тиклашга, ўз мушоҳадаларимни ҳам кўшиб баён этмакка ҳаракат қилдим... Мана ўшал китоб, - отамиз кафтларини давотдаги қўллэзма устига қўйдилар. - Бул китоб етти отамиз номаи аъмоли, тарихи баёни или бошлигади. Тубанде наسابимиз тарзи-тажрибалари, илми-ҳикматлари, авлодларни залолату-заволатдан асрагувчи аслияты қўллагувчи қадриятлар тафсили, ниҳоят, каминага аён бўлгон ҳақиқатлар кашфи, алалхусус, парокандаликка юз тутаётган Туран-замин тақдирни борасиндаги фикри ожизларим мухтасар шарҳини топгон. Китобни ҳали якунлай олганим йўқ, лекин у ўз интиҳосига яқинлашиб қолди. Сизларни чорлашдан мурод шулки... Китобимни бул ерда ниҳоялаш менга насиб қилмайди чоги. Галамислар гимирлаб қолишиди. Улар мени ҳукумат одамларига чақиб даф этмакчилар... Мен яширинча Буҳорои Шарифга жўнаб кетмакка ҳозирланниб турибмен. Ҳозирча бундан бўлак чорани кўрмаяпман. Буҳорои Шарифда мадрасада бирга таҳсил олгон биродарларим кўп, Порсо маҳсумни биласан, қизим, менинг қиёматлик дўстим. Биз ул билан ҳамиша алоқа боғлаб келгонмиз. Мен ўшаникига қўнурмен. Китоб хотимасини, Оллоҳ насиб этса, Буҳорода битказурмен. Тунда содиқ кишиларим мени кузатиб қўйгайлар. Ҳозирча сизларни бирга олиб кета олмайман. Йўл ҳатарли. Манзилга етиб қўним топқач, ишончли шогирдларимни йўллаймен. Улар ҳамроҳлигида ҳаммаларингиз Буҳорога етиб оласиз... Нуридийдаларим... тақдирда айрилиқ бор эркан... Умид қиласманки, бул үзокқа чўзилмайди. Иншооллоҳ, тагин дийдар кўришурмиз. Икки оғонгиз... ёвқур азаматларим... эрк дей шахид кетдилар... Кўксимдаги жудолик жароҳати битганий йўқ. Оллоҳдан ўтиңчим, энди сизларни ўз паноҳида асрассин... Дунё алгов-далгов бўлиб кетди. Фаҳми ожизимча, энди ҳаёт анча йиллар шўйл ўйсун давом этади. Бироқ бўлаётгон бул ишларнинг кўпи Оллоҳга мақбул эрмас, бизнинг аза-

лий үрф-одатларимиз, түрмүш тарзимизга зид, инчунун, бул тизим абадиян ҳукм сүришга қобил эрмас... Фарзандларим... Яратгандан сизларга бағти бекамлик, комил фарзандлар ти-лаймен. Илло, сизларни ва зурриёдларингизни улуг баболарингиз рухи қўллагуси... Болаларим... сизларни дуо қилурмен...

Отамизнинг сўзларини тинглаб дилим абгор бўлди, истикболдаги айрилиқнинг бутун даҳшатини ҳис қилиб юрагим увушди, бўзлаб ўзимни отамизнинг оёқларига отдим. Норасида иним ҳам ҳудди шундай қилди. Отамиз титраб кетдилар ва... иялаб юбордилар. Ул зот матонатли эдилар, кўнгилларидан сел келган қора кунларда ҳам унинг бир томчисини кўрсатмаган эдилар. Бу гал... чамаси сафарларининг ниҳояси эканини ҳис қилганилар, Маргилонга қайта олмасликларини илгаганлар... биз жигарбанлари тақдирига ачиниб йиглаётган эдилар...

* * *

Ўша нотаниш йигит сирли тарзда гойиб бўлганича бедарак эди. Қизлар қалблари чексиз миннатдорликка тўлиб, уни бот-бот эслашар, лоақал унга раҳмат ҳам айта олмадик, дея ўкинишарди. Иккисининг ҳам қалбидаги унинг олийжаноблигидан ва нурли қиёфа-сидан миљтираган чўғ янглиғ алланечук ёрқин ва тафтли бир асорат қолганди. Аммо фикрингни чулғагувчи кундалик ташвишлар ҳам етарли... Ҳар куни дарсга боришар, кутубхоналарда соатлаб ўтириб, сиёсатдонликнинг мураккаб асосларини эгаллашга тиришишарди.

Айтиш жоизки, сиёсатдонлик бўлимида ўқийдиган талабаларнинг келажакдан умидлари ва талаблари катта бўлиб, уларда бошқа талабаларга нисбатан анчайин нописандлик бор эди. Шундай руҳий ҳолат ўқишига янги қабул қилингандарда бўлмаса, кўп ўтмай уларга ҳам буни юқтиришарди. Бундайин такаббурликка асос бўлиб, ўқитувчилар ўз маърузалари билан толиби илмларни шу руҳда тарбиялашар, юксак-юксак мэрраларни гап билан нақдлаб, шақирлатиб уларнинг қўйинларига тиқардилар. Зотан, профессор Гиртмакнинг “Жамият даргалари” деган формуласи “Жамият раҳбарлари” ечимидан бошқасини бермасди. Сиёсатдонлик бўлимининг ўқув хоналари ҳам ўзгача, ҳашамдор бўлмаса-да анча шинам безатилган бўлиб, бу хоналарнинг энг асосий жиҳози хисобланмиш қўққайган минбарларга чиқиб олган профессор ва илмий ходимлар илм булоқларидан қайнаб чиққан оби зилоллари

билан билимга ташна талабаларни сугоришаради. Бу оби зилоллар аксарияти танбаллик хасталигига мубтало талабаларнинг мия хўжайраларида саросар кезиб, пайнови равон бўлгач, улардан эшитгувчиларнинг шуурига чўккан қисқагина қуйقا қоларди, холос: “Сизлар жамиятимизнинг энг тушунган, илфор, авангард отрядисиз. Сизлар бўлимимиизда маҳсус раҳбарлик учун тайёрланасиз. Сизларнинг орангиизда бўлајак катта-кичик раҳбарлар: вилоят ва районлар бошқаруви, ҳатто, Марказий бошқарува ко-тиблари ўтиришипти”.

Бу қуйقا инсон тасаввури учун қимматли маъданларга бой эди-ки, ундан келажак хаётнинг билурдай ярақлаган мафтункор манзаралари юзага келарди. Сиёсатдонлик бўлимида бўлак фанларга камроқ соат ажратилган бўлиб, кўпроқ сиёсат сабоқлари ўқитиларди. Шунга кўра, айниқса, сиёсатдонликдан талаб юқори эди. Ёдлаш қобилияти кучли ва тили бурро толиби илмлар бошқаларга қараганда қийналмайроқ ўқиб кетардилар, чунки ўқиш дастури ва услуби айни шу икки қобилиятни талаб этарди.

Сиёсат - оғир фам. Агар баҳтли тасодиф туфайли орқангда кўринмас тирговучиз ўқишга кирган бўлсанг, бундан буёғига ҳам имтиҳонлардан қулаб тушмаслик учун астойдил тер тўкишингга, мураккаб жумлаларни ёд олиш учун кутубхоналарда босим билан ўтиришингга, икки-уч саҳифа адабиётлар рўйхатлари тиркалган семинар дарсларини қунт билан тайёрлашингга тўғри келади. Ана шундагина домлалар уқтиргандай ва жамият талаб қилгандай қип-қизил сиёсатдон бўлиб етишасан.

Жарих факультетида ўқишини мўлжаллаб келган икки дугона тақдир тақозоси или сиёсатдонлик бўлимига ўтиб қолишиди. Кириш имтиҳонида жуда яхши натижага кўрсатиб, шахсан профессор Фиртмакнинг назарига тушиб қолдилар-да, профессор нутқи равон, иқтидорли бу қизларни сиёсатдонлик бўлимига тиркаб кўйишга амр этди.

Бухоройи шарифнинг кутлуг заминида униб-ўсган бу навниҳоллар латофатда қадим шаҳар чаманзорларидаги гулчечаклар янглиғ эдилар. Болаликдан бирга ўсиб улгайишган, ўқувчилик дамлари ҳам бирга кечган икки дугонани табиат ҳусну малоҳат томонидан тантилик билан сийлаган, кўча-куйда қўлтиқлашиб юрганларида кўрганларнинг ҳавасини келтирмай қўймас эдилар. Бироқ дунёда ҳамма нарса нисбий бўлгани каби, икки қиз гўзалигининг қиёсида устунлик, шаксиз, Бокира тарафида эди. Яратган унга ҳаммага ҳам раво кўравермайдиган нурли чехра ато этгандики, бу чехра назари тушган ҳар бир кимса қалбидан бе-

иҳтиёр ҳайрихоҳлик ва ёқимли хислар мавжини уйғотарди. Бу чөхранинг сутга чайилгандай табий оқлиги балоғатнинг ним қизил тўлинлиги ила тиниққанди. Камондек қайрилган ингичка нафис қошлару узун-узун мужгонлар паноҳидаги маъсумлик ва самими-ят нури ила пориллаб тургувчи йирик-йирик тим қора шахло кўз-лар бу тўлинлигу бу тиниқлик салтанатида тағин-да катталашган-дай, тағин-да қорайгандай сифат касб этиб ажиг нафосатга эриш-гандики, бежирим қирра бурун ва ғунча япрогидек латиф лаблар ҳам уларнинг соясида қолиб кетгандек эди. Асл гўзаллик ҳар не одмилик куршовида ҳам асло сагирсиб қолмас, аммо Бокира ошиқча зебни эп билмагани ҳолда ҳамиша ярашиқли либослар кияр, бу нарса унинг диди ҳам чакки эмаслигига даъво-ю далил эди. Замонавий бичимдаги кийимлар ҳам, Бухороча каштали кўй-лак-лозим ҳам эгнига бирдек ярашиб, ярашиб ўтираплар, бироқ... ҳар нечук кейингилари чулговида чиройи очилибгина қолмай, қад-рдонлик қадрини кўргандай янада тўқислашар эди. Албатта, ин-соннинг сиртига биноан сийратини баҳолаб бўлмас, лекин Боки-ранинг юриш-туриши, хатти-ҳаракатидаги енгиллик бўлиб енгил-лик эмас, вазминлик бўлиб вазминлик эмас, ҳар қалай, ясама томоннолардан холи алланечук сокинлик жозибаси унинг тийна-тида ҳам покизалик, гўзаллик мужассам эканига ишора бераёт-гандек туюлар эди.

Ҳилола ҳам гўзал деб аташга лойик бир қиз бўлиб, учлари кесилган қуюқ қора зулфлари манглайи узра узаниб керма қош-лари ила омонлашишга ошиқкан, бир оз сузик қора кўзлари ва ингичка тўғри бурни салгина чўзинчоқроқ оқ юзига ётингирамай ўринлашган, юпқароқ ёқут лаблари табассумга тарааддуллангани-да силлиқ ёноқлари узра ўйноқи кулдиргичлар гирдоб ясадиган, иягининг бурчини кичкина қора холи ўз таровати ила обод айла-ган хушрўй, ёқимтой чехрага эга эди. Бироқ шул ўринда бир қайдни жоиз санайдиган бўлсақ, айтиш лозимки, сузик кўзлар унча-мунчага хушнудлик ила қийиқлашавермас, таранг ёноқлар юзасида кулдиргичлар ҳам балқиб-қалқавермас, сиймосида шун-дай бир жилва пориллаб турганида ҳам енгил бир таъсир ила бирданига тез сўниб, хафалик, аччиқланиш абрлари соясида қоли-ши мумкин эди. Иzzатталаблигини ҳисобда тутиб айтадиган бўл-сақ, Бокирадан айри юрганида у ўткинчиларнинг бефарқлигидан нолимаса ҳам бўлаверарди. Икки дугона бирга кезгандарида эса, гарчанд Ҳилоланинг қомати ҳам рисоладагидай бўлиб, бирон но-мутаносиблиги йўқ эрса-да, Бокираннинг адл қадди: нозик ва те-кис елкалари-ю, уларга ғоятда уйғун туташган узун ва нафис

бўйни, ҳамда қоматининг тиклигини янада бўрттириб кўрсатгувчи жайронникидай бежирим бошчаси қошида Ҳилоланинг пичагина юмалоқроқлиги, бўйнининг бирозгина калтароқлиги, елкаларининг салгина тўлароқлиги билан унинг соддароқ, фақат рисоладаги дайгина гўзал эканлиги сезилиб қоларди. Аслида ташки кўринишдаги бундай жузъий тафовутлар уларнинг дўстлигига путур етказмаслиги керак, аммо айрим ҳаётий вазиятлар боис Ҳилоланинг юраги ўртаниб, ичини нимадир куйдиреб ўтганида, у пешонасига битилган бу ҳамнишинликдан астойдил ўкиниб кетарди. Не бўлса-да, тақдир инояти или олий билим даргоҳида ҳам бирга ўқиш баҳтига эришдилар, уйларидан олисадаги бу шаҳри азимга беш кунлик меҳмонлар. Шундай бўлгач, бир-бирларига ҳамдаму ҳамдард бўлмоқлари фарз-ку ахир. Баҳт билан баҳтсизликнинг ораси бўлса, чиндан бир қадам экан. Баҳтингга ишониб, баҳтингга интиқиб юрганингда, оёгинг остидан лоп этиб фалокат чиқиб қолиши ҳеч гал эмас экан. Яхшики, шукурларки, ҳаётда асл инсонлар ҳам учраб туради. Улар ёнгинангда яшайдилар. Кўча-кўйда кўрсанг уларга, ҳатто, эътибор ҳам бермай ўтиб кетасан. Ахир одамларнинг пешонасига “Бу яхши”, “Бу ёмон” деб ёзиб қўйилмаган-ку...

Уша йигитни қаранг... Бегона, бир ўткинчи эди... Бошқалардай кўриб-кўрмасликка олиб, ўтиб кетаверса ҳам бўларди. У бўлса ҳаётини хавф остида қолдириб қизларни асраб қолди. Эҳтимол, қизларнинг фарёдини эшлишиб олисдан етиб келгандир. Мард йигит экан... Бечора... пешонаси ёрилиб, хушини йўқотиб, азоб чекиб ётди. Улар бўлса, ҳатто, раҳмат ҳам аита олмадилар, ҳатто исмини ҳам сўраб улгурмадилар.

Ким ўзи у?

Не бўлди унга?

Қаерга ғойиб бўлди?

Безорилар таниб қолган бўлсалар, яна бирон зиён-заҳмат етказишмадимикин?

- Агар уни яна бир бор кўрсам, мингта одамнинг орасидан ҳам ажратиб таниб олган бўлардим.

- Нима?

Хаёлотнинг қаърига шўнгиб кетган экан, ўйидагини беихтиёр пичирлаб юборганидан хижолат тортиб, Ҳилолага маъсум боқди:

- Ўзим шундай.

“Тавба, ўша сирли нотаниш йигитдан бунча мутаассир бўляяпман-а. Эрталабдан бошланди яна. Бўлди энди ўйламайман!”

Хиёл ўтмай хуркитилган хаёллари яна қайтдилар:

“Мингта одамнинг орасидан топиш мумкинdir, аммо икки миллион одамнинг орасидан топиш... душвор-ку. Ким бўлди у?
Талабами ё?...»

* * *

Эски, шалоги чиққан трамвай лопиллаб, бурилишларда аянчли гийкиллаб, ўз йўналиши бўйича төмрир излардан кетиб борарди. Икки ёни кенг, равон йўл. Ўнгу сўлдан турли русумдаги учқур уловлар гув-гув қилишиб елдек учиб ўтишар, баъзан трамвайнинг олдидан кесиб қайрилишар, тартибни бузмаган ҳолда эркин ҳаракат қилишарди. Умумий манзарага мос тушмаган баҳайбат, шалоқхўрда трамвай бўлса ўртада атрофдагиларнинг диққатини жалб қилиб: кимларнинг кулгусини қистаб, кимларнинг ғашига тегиб, гижир-гижир билан оғир чайқалиб борарди. Унинг йўналишида бўлак жамоат транспорти йўқлиги боис трамвай ичи тирбанд, пачоқ ўриндиқлар, ифлос йўлаклар, зиналарда йўловчилар тиқилиб олишган, диққинафас, биқиқ мұхитда бўғилиб, нафаслари қайтиб, терлаб кетиб боришарди. Ойналарига гард-губор ўтира-вериб, дөғ босгани учун ичкарига унча ёруғлик тушмас, ташқи олам кир. кира бир пардага ўралиб кўринарди...

* * *

Гардларга ботиб, дуд ютган, губорлардан бўғилиб, юзлари қора тортган шаҳар елкасига залворли юқ ортган азаматдай гүё зўри-қиб, ихраб турарди.

Бироқ фалакда қандайдир хайрли аломатлар тез орада борлиқа бир енгиллик, бир тозариш баҳшида этмоққа ишорат берадётгандек ёди.

Нихоят фалак ийди.

Кўк юзини дөғ босди - тўлиқди. Осмон қатларида тўлғоқ бошланди. Момо қалдироқлар кўмакка келдилар ва товушлари вазмин қалдирааб, енгиллаётган осмонга юпанч тилай бошладилар. Бошланган тўлғоқ даракчилари - илк томчилар заминга томдилар. Бироздан сўнг, чангларга кўмилган чинор баргларини аста сийпалаб, деразалар рафидағи тунукаларни майин черткилаб ёмгир ёға бошлади.

Ўз деразаси олдида хаёл сурганича, ташқарига маъюс бокиб турган Бокира бу майин зарбларни эшлитиб титраб кетди. У тўр-

пардани қайирганича орқасига ўгирилди. Юзларида қувонч балқирди.

- Ёмғир ёғаяпти - энтикиб шивирлади.

Каровотида деворга ўгирилганича китоб ўқиб ётган Ҳилола пинак бузмади. Бокира унинг тепасига келди.

- Ёмғир ёғаяпти,- деди қайта баҳтиёрлик билан.

Ҳазиллашиб ўртогининг китобини тортиб олди.

- Ёғса ёғар, - Ҳилола интилиб китобини олди. Керакли сахифани ахтариб куюнганча қайта бошдан вараклар экан, ётган жойидан хиёл бошини күтариб қўйди. - Ҳа, намунча?

- Ёмғирни жуда қўмсагандим, энди ёғмасмикан, дегандим. Юр, ахир, ташқарида ёмғир ёғаяпти-ку. Балки бу баҳорнинг сўнгги ёмғиридир. Қара, ҳаво қандай соз! Ёмғир майдалаб ёғаяпти. Юр, айланаб келамиз.

Шавқи дугонасига юқмади. Ҳилола тумтайиб олди.

- Қўй-е... зарилми ёмғирда шўмтираб, ивиб.

Бокира ўрнидан турди. Хонанинг ўртасида қўл қовуштирганича паришон қиёфада туриб қолди. Сўнг яна дугонасига юзланди.

- Бўлмаса, мен ўзим бироз айланаб келаман. Барибир дўконга чиқиш керак зди-ку.

Ҳилола юз бурмай, аста бош иргаб қўйди. Бокира кийимини алмаштириди. Шамсиясини олиб бўсағага боргач, дугонасига ўгирилиб жилмайди:

- Мен дарров қайтаман, ўртоқжон.

Зина поядан чопқиллаб тушди. Шамсиясини ҳам очмай ёмғир қўйнига кирди. Бир маромда майдалаб ёғаётган ёмғир ерни хўл қилиб улгурганди. У майнин шитирлаб чанг - губорни юта-юта нафаси қисилган дарахтлар япроқларини ювар, машиналар тинимсиз гувиллаб ўтиб турган асфальт йўлни яракларатарди. Жисмига укубат бериб эзаётган губорлар эриб йитаётган азамат шаҳар софликдан руҳи яйраб, фарогат оларди гўё.

Бокира йўлакдаги одамлар оқимиға қўшилиб аста юриб кетди. Шошилинч иши йўқ эди.

Янги рўзномалар сотиб олмоқчи бўлиб, серқатнов йўлни кесиб ўтди. Ойнаванд дўйончада осиғлиқ журналларни томоша қиласа, нарироқда, автобус бекатида тўпланиб турган одамларга назар ташлади. Назар ташлади-ю, беихтиёр қотиб қолди. Йўловчилар тўпининг бир четида... ўша йигит турарди. Ўша... ўзларини қутқариб қолган йигит. Ўша ўсиқ соchlар, ўша нурли сиймо, ўша чарм куртка... Йигит ўйчан қиёфада тўғрисига тикилиб турарди. Бир оннинг ўзида ёпирилиб келган ҳаяжон юқидан Бокиранинг юраги

гурсиллаб уриб кетди. Бу ажыб ҳолатдан қизнинг ўзи ҳам ҳайратда қолди. Оёқлари уни йигит томон етаклади. Гүё юзиб борди, йўқ, гўё учеб борди. Хаёлчан йигитга яқинлашиб унга салом берди. Йигит ўз ўйларига берилиб кетган эканми, чўчиб тушгандек бўлди. Бошини бурди. Шамсия остида ўзига тикилганча жилмайиб турган парирўй қизга ажабланиб қаради. Диққатини жамламоқчи бўлгандай қалин қошлари орасига чизик тортилиб тикилиб қолди. Кўз-кўзга тушганда титраб кетгандек бўлди. Саросималанди.

- Яхшимисиз, - деди у ниҳоят бироз ўзини тутиб.

Қорамтир юзларига қон тегиб, ҳаяжонини ошкор қилиб қўйди.

- Мени танимадингиз, шекилли, мен ўша... - кутилмаганда Бокиранинг шўхлиги тутиб қолди. Энди у анча ўзини босиб олганди. - Ўша куни қайтиб келгунимизча индамай қочворипсиз. Энди менга "Сиз қочқоқсиз" дейишдан ўзга илож қолмади.

Йигитнинг кўзлари чақнаб кетди. Бироздан сўнг очилиб кулади:

- Менга бўлса "сиз қувлоқсиз" дейишдан ўзга илож қолмади.

- Ажаб қиласман.

Иккиси ҳам бекатда турган оломонни аланглатиб, қаттиқ кулиб юборишиди.

- Ахир, сиз чиндан ўшами? - деди Бокира ажыб шодлик тўлқинини боса олмай.

- Мен ўша...

Яна кулдилар. Иккиси ҳам масрур эдилар. Кейинчалик иккалови ҳам ўзларининг бу қадар дадилликларига ва биринчи учрашувданоқ киришиб кетганларига ҳайрон қолиб юрдилар.

- Кеч бўлса ҳам раҳмат айтиб қўйай, раҳмат сизга, катта раҳмат. Ўша куни дугонам иккимизни кутқариб қолдингиз. Агар сиз бўлмаганингизда...

- Арзимайди, - деди йигит кулиб - Ўртогингиз тузукми?

- Раҳмат, яхши. - Бокира яна кулиб давом этди. - Ўша куни дўхтирларни етаклаб қайтибмизу, хонада сиз йўқсиз, ҳайрон қолдик.

- Мен бунақа калтакларни еявериб ўрганиб кетганман, - манглайдаги битмаган чандиқни силаб, йигит-да кулди. - Ўша куни қаттиқроқ нокаутга учрагандим, холос.

Бир муддат жимиб қолдилар.

- Ёмғирни яхши кўраман, - деди Бокира энтикиб осмонга боқар экан. - Айниқса, мана шунақа майдалаб ёғиб турса.

- Мен ҳам ёмғирни яхши кўраман, - деди йигит ҳаяжон билан - Ёмғир ёғса... чиқиб кетаман, хонада чидаб ўтира олмайман.

- Ёмғирда ажыб сеҳр бордай,- деди Бокира унинг галига бошини лиқиллатар экан.

- Чинданам...

Осмонга боқишиди. Иккиси ҳам ўйчан бўлиб қолишганди. Ёмғирда ажыб сеҳр бордай эди...

- Хўп, мен энди борай, - Бокира негадир маъюс жилмайди. - Сизга яна бир марта катта раҳмат.

- Йўқ демасангиз, сизни кузатиб қўйсам, - деди йигит шошиб.- Безорилар йўлингизни тўсиб юришмасин тағин.

«Йўқ», демади.

Бақамти юриб кетдилар.

Ёмғир ёғарди. Иккиси ҳам бирдай яхши кўрадиган ёмғир. Майин-майин, заррин-заррин ёмғир... Тўлиқиб кетган осмон ўз ҳасратини шитир-шитирлаб, шивир-шивирлаб заминга тўкарди. Унга бағрини тутиб ётган замин тин олар, тозарар, ороиш касб этарди.

Улар аста кетиб борарадилар. Оллоҳ бундай лазиз ёмғирни бу кун фақат улар - чунраво кўрган бўлса, улар - деб йўллаётган бўлса не ажаб...

Ёмғир шитирларди. Томогингдаги шодлик тўлқинидай илиқ ёмғир. Кўнгилларни яйратиб, дилларни булбулдай сайратиб кўқдан ёмғир келарди:

- Ёмғир!

- Ёмғир!

- Шатроқ ёмғир!

- Шошқалоқ ёмғир!

- Оlam... оlam гўё ёмғир йўллаётган осмону сену менгинадай. Борлигимда ажыб енгиллик. Гўё... гўё учиб кетадигандайман. Томогимда шўртсанг илиқлик. Саодатнинг таъмимиқан бул? Ёнимда... ёнимда сен! Димогимда муаттар бўйлар... Ё, тангрим!... Мушку-анбар бўйидан мастсан, ё ёлғонсан ва ёки ростсан... Балки... балки тушдир бу? Балки бари ширин бир тушу ўзинг телба бир ойпарастсан.

- Нега бунча титраб кетяпман?

- Ҳақ атаган инъом - улмисан, тош йўлимда унган гулмисан? Мискин кўнглим гул чеҳрангдан лол, рўёми ё чинму бу иқбол? Телба бўлиб қолмасам эди.

- Нега бунча титраб кетяпман?

- Дилда гўё қутлуғ бир оят, хуш ташрифинг чин бўлса шояд... Гар келганинг чин бўлса... мен...мен дунёни гулга буркайман, ушбу кунни кўзга суркайман. Мен...кун юзидан ўпаман бугун, кундузидан ўпаман бугун...

- Нега бунча титраб кетяпман? Нега бунча титрайди бу тан? Гүё танмас, улкан күнгилу, ҳароратли ҳисларга Ватан...

- Ёмғир!

- Ёмғир!

- Эй, танты ёмғир!

- Дил бандим, ёмғир!

Фараҳмандлик йўли қисқа экан. Бир зумда ётоқхонага етиб келдилар. Вобаста рухлари ерга қайтди. Ажаб, айрилиш қийин бўлди. Ўзларини бир-бирларига тортиб турган қандайдир оҳанрабо тилсум кучини моддият каби аниқ ҳис қилдилар. Қиз йигитга сўнгги бор табассум инъом қилди ва ташаккур айтди.

- Эртага келинг, ош қилиб берамиз. Ҳилола ҳам хурсанд бўлади, - деди қиз.

Йигит шодлигини яшира олмай бош иргади.

- Хонамизни биларсиз?

- Топиб оларман, - деди йигит. - Ҳилолаҳонга мендан салом айтиб қўйинг.

Қиз ёмғирли оламдан узилиб остона ҳатлади. Нимқоронғи зиналардан чопқиллаб чиқди.

Эшикни очди: хонанинг дим ҳавосига софлик ва енгиллик баҳш этгандай бўлди. Ҳануз кўрпасига ўраниб китоб ўқиб ётган дугонасининг қулогига энгашиб бўғзидаги қувончини қайтара олмай хушнуд шивирлади:

- Биласанми, мен уни топиб олдим! Уни менга ёмғир топиб берди.

Ҳилола анграйиб қолди. Қулфи дили очилиб кетган дугонасига ҳайрат билан тикилди. Бокирани бундай ҳолатда биринчи бор кўриши зди.

- Нимани, нимани топдинг?

- Уни... ўшани... ўша йигитни, бизни қутқарган йигитни, қутқаргану қочган қочқоқни топдим.

Ҳилола кўрпасини тепиб юборди.

- Ёлгон айтяпсан.

- Рост, мен уни топдим.

- Қани у?

- Кетди, мени ётоқхонагача кузатиб келиб, қайтиб кетди.

- Мен билан кўришгани бу ёққа чиқмадими? - Ҳилола ўсал бўлиб тилини тишлади.

Бирдан бўшашиб жойига ўтириб қолди. Негадир умидсизланиб дугонасига тикилди:

- Сен ўзи шунаقا топағонсан.

Бокира ҳайратланиб унга бокди. Аста юриб келиб тиэ чүкди ва Ҳилоланинг елкасидан қучди. Дугонасининг кўзларига тикилиб жилмаяр экан, секингина деди:

- Эртага келади. Бугун шошиб турган экан. Сенга салом айтиб юборди. Биз унга ош қилиб берамиз.

Дугонасига энди унинг гаплари унчалик таъсир этмади. Ҳилола маъюс қиёфада беихтиёр бошини бурди. Дераза ортида майин шитирлаётган ёмирга бокди, хаёлог руҳини алғов-далғов қилиб олис-олисларга, тоғлар бағридаги сирли ва жозиб маъвога кўчирди, унугилаёзган хотиралар қайта жонландилар.

* * *

Эртаси у келди.

Бу гал у қора костюм-шим кийган, бўйнида қирмизи бўйинбоғ, қиёфати суст босадигандай эди. Қўлида кўш гулдаста. У табасум ила нафис гулдасталарни қизларга тутди. Қизлар уни хушнуд қаршилаб, такаллуф ила ичкари таклиф қилдилар. Азиз меҳмонни дастурхон тўрига ўтқаздилар. Таомилга кўра ҳол-аҳвол сўрашилди. Йигит пастроқ овозда шошилмай сўзлар, товуши бироз бўгиқроқ эди.

Дастурхон яхшигина безатилган бўлиб, бежирим идишчалардаги қўлбола аччиқ-чучуклару мазали таомлар хона соҳибаларининг нозик дидидан улги эди. Умуман, ушбу хонанинг ўзи ҳам бошқа хоналардан ортиқча жиҳози билан фарқ қилмаса-да, деворлардаги гулқоғозларнинг пардалар рангларига мутаносиблиги, чорчўпга солиниб осилган манзарали тасвирий суратлар уни анчайин шинам кўрсатиб туради. Йигит буларнинг ҳаммасига бир қур кўз югуртириб чиқди. Қизлар дилкашлик ила меҳмонни сухбатга тортдилар. Инсоннинг табиати қизиқ. Ўша тун қанчалар кўрккан эдилар. Энди бўлса кулиб эслаб ўтиришилти. Шундай қилиб, тақдир тақозоси ила Тошкенти азимда ўз насибасини териб юрган марғилонлик йигит Самандар билан иккала қиз яқиндан танишиб олдилар. Тасодиф сабаб кўришиб, танишиб қолган учовлон ҳам шодумондек эдилар. Аммо сиртдан қарагандагина шундай эди. Ҳилола илк лаҳзаларданоқ тиканакдек ҳислар захмини туиб ўртаниб ўтиради. “Мен худодан шундай йигит тилағандим, - дея ўйларди у. - Забардаст ҳам келишган, мард ҳам паҳлавон, босиқ ҳам ақлли. Айни пайтда... илтифотли”. Кўришишган онларидаёқ Ҳилола йигитнинг Бокирага оғиб бўлганини

пайқаб, ичидан зил кетди. Йигит илтифот күрсатиб Ҳилолага ҳам сүз қотиб ўтирган эрса-да, унинг ошуфта кўзларини Бокирадан қийинчилик билан узаётганини сезиш қийин эмасди. Бокиранинг йигит билан кўз уришириб, бир гапириб, ўн кулиб ўтиришини кўринг. Ўзи шунаقا у, болалигидан шунаقا. Ҳилола уни билмаса экан.

Пешонаси қурсин. Бокира бор жойда у мудом иккинчи ўринда, сояда қолиб кетаверади. Бу жуфтликда Бокира мудом етакчи. Ҳатто бу иттифоқнинг (дўстлик дейишга Ҳилоланинг тили бормайди) номланишида ҳам Бокиранинг исми ҳар қачон биринчи ўринда келади: “Бокираларнинг хонаси”, “Бокира билан Ҳилола”. Ҳилолада ҳам иззат-нафс бор. Ҳамияти лат еявериб, қалби болалигидан бундайин бепарволикларга жуда оғрикли бўлиб қолган. Унинг учун энг ботадигани, бағрини ззадигани - бошқаларнинг Бокирага илтифот кўрсатиб, ўзига анчайин бефарқ муносабатда бўлишлари эди. Айниқса, ўзида унча-мунча қизиқиши ўйғотган инсон унга шундай парвосизлик қилса. Бу йигит бўлса... бир кўришидаёк унга ёқиб қолганди... Нега у Бокирага аввалроқ йўлиқди? Нега кече ёмғирда айлангани унинг ўзи чиқа қолмади? Бокира омадлими? Омадли... Истаган, орзулаган нарсасига эришади. Йигитларни ҳам дарров жодулаб, ром этиб олади. Жодугар. Тўғри, у... чиройли. Аммо Ҳилола-чи? Ахир, Ҳилола ҳам ундан қолишмайди-ку? Нега бўлмаса ҳамма Бокирага хушомад қилади, унга талпинади? Агар Самандар билан биринчи бўлиб учрашиш учун ёмғирда ивиш шарт бўлса, Ҳилоланинг ўзи отилиб чиқарди-ку... Ҳилоланинг ёдига яна унутилаёзган ажиб маскан - болалар оромгоҳида кечган кунлари, Бокиранинг галати одатлари тушди. Ҳилола ўшандада ҳам ёмон кўргани унинг бундай “тебаликлари”га ҳозир ҳам ижирғаниб қаарарди... Йўқ, у фақат жодугаргина эмас, унинг бўлак синоатлари ҳам борга ўхшайди. Ҳилола бағри ўртаниб ўтирад экан, хаёлига келган оқилона фикрдан қувониб кетди. “Шодини айтиб келиш керак, ҳозир бу ерга Шоди тентак етишмаяпти”.

- Мен Шоди акани айтиб келаман,- дея ўрнидан туриб кетди у, икковлонга қараб куч билан жилмайди. - Зериктирмай ўтиради, Самандар aka билан ҳам танишиб олади.

- Жуда яхши бўларди, - деди кулиб Бокира. - Эрталаб мен ҳам айтгандим, негадир келмаяпти.

“Сен ўзи ҳамма ишга мендан олдин улгурасан”, - дея гижиниб ўйлади Ҳилола эшикка йўналар экан.

Холи қолишиди. Ажаб, ёлғиз қолишгач, гап ҳам узилиб қолди. Ҳилолага, аламининг зўрлигидан, фақат икковлонгиниа тиллаша-

ётгандай туюлган бўлса-да, аслида эмин-эркин вазият уччовининг жамлигига экан.

Ногоҳон чўккан жимликни хаспўшлаш учун жўяли калом кела қолмас, тил қургурга онда-сонда илиниб чиқаётган гаплар ҳам қисқа-қисқа бўлар, сўнг боз сукут босиб келарди. Фақат қалблар... нигоҳлар, ним табассумлар, хатти-ҳаракатлар таржимасида ўзларида кечәётган туйғуларни ошкора айлаб қўяётган эдилар.

Ўқтам йигит... Беназир қиз...

Гўзал мажлис...

Ийманиш ва ибо - хафиф туйғунлик... Йўқ, тавсифга қалам ожиз, сўз мажолсиз.

Гўзалликдан баҳра топган муҳит-да маъсум, сукут-да латиф...

Ҳилола ҳам ҳаялламай қайта қолди. Хонага у билан орқама-орқа узун бўйли, эгнида ола чопон, бошининг бир четига ранги ўнгиб кетган думалоқ гулдор дўппи қўнган, чопонининг шимарилган енгларидан паншахадек узун ва катта-катта қўллари осилиб турган, кўзлари чақчайган, күшбурун, худди бирор билан уришадигандай катта оғзи маҳкам қимтилган, важҳоти бежо бир йигит кириб келди. Йигит хонага кирибօқ бошини орқага буриб, ўнг қўлини баланд кўтарганича худди ҳужумга даъват қилгандай кескин олға силтаб қўйди. Шу асно хонага яна бир йигит кирди. Буниси анчайин силлиқроқ бўлиб, қиёфасида ҳам, кийинишида ҳам "колорит" бўртмаган, оддийгина эди. Ола чопонли йигит тияюриш қилиб келиб Самандарнинг қаршисида тўхтади. Қулочини кенг ёзиб сўрашиш учун иккала қўлини узатди.

- Исмимиз Шоди, феълимиз гарптак боди, - деди у паншаха кафтлари билан Самандарнинг қўлини махкам қисиб омонлашар экан. - Номаи аъмолимизни сўрсангиз: камина Бухораи Шариф-дандур. Каминанинг туби-таги: Ғиждувоннинг Гаждумаги. Ижтимоий келиб чиқишимиз: содда деҳқон боласи. Касбу коримиз: ҳозирча толиби илм, лекин келажакда ғолиби илм бўлиш ниятилиз ҳам йўқ эмас. Булар билан курсдошмиз, қолаверса юртдошмиз.

Шоди қизлар томонга им қоқиб қўйди.

Самандар ҳам ўзини танитди. Иккинчи йигит билан у қўл сиқишиб қуюқ сўрашди. Бу - Душвор эди.

- Бизнинг жўрамиз, шоири даврон Душвор! Ўзлари онамизни йўқотиб қўйсак, охтарадиган макондан, яъниким Учкўргондан.

Янги келган меҳмонлар ҳам дастурхон теварагидан жой олишиди.

- Омин, - Шоди кафтларини кенг ёэди-ю, бошини елкалари ичи-га тортди, чақчайган күзларини ола-кула қилиб атрофга алангла-ганича пичирлади. - Биз келдик, йўлтўсар безорилар келмасин. Оллоҳу акбар.

- Эшитдик, - деди у Самандарга бошини сараклатиб. - Қойилмиз сизга, яшанг. Аммо-лекин булар ўзи мани ҳимоямдаги қизлар эди. Уч-тўрт тола сочимдан бериб қўйгандим, ўша куни ёқишига улгиришмапти, бўлмаса етиб борардим.

Ҳамкурс йигитлар келиши билан сұхбат жонлашиб кетди. Шоди гурунг жиловини ўз қўлига олганди.

- Кечирасиз, ака, Фарғонанинг қаериданисиз? - сўради у.

- Марғилонданман, - дея жавоб берди Самандар.

- Иби, Марғилон?! - Шоди беҳад қувониб кетгандай қўзголиб қўйди. - Марғилон, Қўқон - қизиқчилар кони, асқиячилар макони-ку... Мани асқияга қурбим етмайди. Энди, бизлар - устоз кўрмаган йўргаловчилар-да, “самоучка” дегандай. Қисқаси, бизлар ҳа-васкор қизиқчи-да.

Шодининг қурби етгани - енгил-елпи мутойibalар ила талабалар кўнглини хушнуд қилиб юриш эди. Феъли шунаقا ажабтовур, жаги тинмайдиган, сергап. Асли исми Шодмон, аввал яқин жўралари ўртасида, кейинроқ ҳамма курсдошлари орасида “Шоди” бўлиб кетди. Ўзи ҳам мен талабаларнинг энг шодиман, деб юради. Мени Шоди қизик, деб атанглар, дерди у ҳамиша, бироқ бу лақабни ўзига ёпиштириб оммалаштира олмади. Оммага, Шоди бўлгани, уни соддагина қилиб Шоди, дея чақиришгани маъқул эди, чоги. Фақат Бокирагина уни Шоди қизик, деб атарди. Шоди чиндан ҳам қизик ишларни қилиб юрарди. Бир гал жўралари билан Бухорода айланиб юриб, Лаби Ҳовуздаги Насриддин Афанди ҳайкалининг эшагига мингашиб суратга тушгиси келиб қўлди. Хўжа Насриддиннинг орқасида жой йўқлиги боис Шоди унинг олдига мингашиб суратга тушди. Кейинроқ ушбу суратни курсдошларига кўрсатиб уларни кулдириб юрди.

Душворнинг чақирилмаган меҳмон сифатида кириб келиши қизларни оғринтирмади. У бегона эмасди. Қўлинча ижараҳонасини ташлаб, ётоқхонада, дўсти Шодининг хонасида тунаб қоларди. Сиёsatдонликдан кўра шеърга ихлос қўйган бу йигит бир-иккита машқини матбуотда “Душвор” деган тахаллус билан бостириб чиқарди-ю, шу-шу ҳамма учун Душвор бўлди-қолди. Сұхбатлари кулгу ва ҳазил ила дилкаш тус олиб давом этаркан, бир пайт Шоди Душвор билан пичирлашиб олди-ю ўрнидан турди:

- Бунай қараб турсам, жўражонлар, ман йўқ бўлсам, ўрисчаси-

га айтганда, чиройли кампания бўлар экансизлар. Сизлар кампания қилиб ўтириб туринглар, ман ҳозир...

Бироздан сўнг у қайтиб келди.

- Воҳ-воҳ-воҳ, қўлни музлатиб юборди-я, зангар, - дея ола чопонининг енгидан узун бўйли ароқ шишасини сугуриб стол устига қўйди.

Лекин “янада яқиндан танишишга” Самандар кўнмади, у умуман ичмаслигини айтиб уэр сўради. Ароқни Шоди билан Душворнинг ўzlари “майдалашларига” тўғри келди. Қизлар дастурхонга буғи чиқиб турган бухороча палов келтиришди. Паловни мақтаб, ижодкорларини олқишилаб, ундан тотина бошладилар. Шоди бухоролик қизларнинг паловга уста бўлишини, Ўзбекистон бўйича энг зўр кабоб Фиждувон кабоби эканини айтиб мақтанарди. Икки улфат бинойидек рангларига қон югуриб “банд бериб” қолган эдилар. Шоди қошиқни қўйиб, паншаха қўллари билан ошни туширап экан, ҳануз гап галини бошқага бермасди:

- Ман сиёсатдон бўлмайман. Урдик, Душвор... ух-х. Йў-ўқ, ман сиёсатдон бўлмайман. Раҳбарлик ҳунари мангга тўғри келмайди, раҳбарликда ҳунар кўрсата олмайман. Раҳбар бўламан деган одам қовоққа зўр бериши керак. Ман мана бу қовоқни айтмаяпман. Ҳозир бизда раҳбар бўлиш учун бу қовоқ рол ўйнамайди, уни зўриқтирасдан ҳам раҳбарлик қилса бўлаверади, - Шоди кўрсатгич бармоги билан бошини нуқиб кўрсатиб қўйди, сўнг қовоғини сийпалаб давом этди. - Ман мана бу қовоқни айтотман. Раҳбар одам доим қовоғини уйиб юриши керак. Мани бунга кучим етмайди. Раҳбарлик иши мангга ўта жиддийлик қиласди. Ман олим бўламан. Худди Фиртмак домулламга ўхшаб ажойиб диссертация ёзаман. Диссертациянинг мавзуси биласизми қандай? Мана бунай: “Фин урушида қўлланилган яроғлар пўлотининг сифати ва бу омилнинг ғалабамизни таъминлашдаги салмоғи”. Долзарб мавзу, тўғрими? Ман ўзимга оппонент ҳам топиб қўйипман. Маҳаллий дегрез Тошпўлот Темиров - мани оппонентим. Дарвое, Душварнинг ҳам раҳбарликка хуши йўқ, майли унга ҳам ўша қуролларнинг ёғоч қисмларини, қўндоқ-пўндоғини қолдираман. У ҳам олим бўлиб алсин-да. Душворга ҳам бирорта дурадгор-пурадгордан оппонент топамиз.

Ўтириш яна анча чўзилди. Ниҳоят Самандар кетишга изн сўрагач, ҳамма қўзғолди. Мехмонни ташқаригача кузатиб қайтганларидан сўнг, қизлар дастурхонни йигиширишди. Ишлар битгач, Ҳилола боши оғриётганини баҳона қилиб ётиб олди. Бокира чироқни ўчириб, қўшни қизларнига чиқиб кетди. Ҳона зим-зиё

зулмат қўйнида қолди. Қоронгулик қаърида ётган ёлғиз қизнинг дили ҳам чироқ ёқса ёришмайдигандай эди. Нариги хонада Бокира қўшни қизлар билан чақчақлашиб, қувнаб ўтирипти... Ичиқора, баҳил. Ҳамманинг диққат марказида бўлиши керак у. Ҳамма унга қуллуқ қилиши керак. Одам эмас. Жодугарнинг ўзи! Самандарни ҳам дарров жодуласб олди... Кетидан юргурганлар қанча, лекин у айнан Ҳилолага ёққанини танлаши керак. Балки тақдир уни атай Ҳилолага атаб юборгандир? Кўз уриштириб ўтиришини қара. Кўзинг тешисла бўлмасмиди. Бир гапириб ўн кулади. Самандар... У бўлакча... у қадамда учрайверадиган йигитлардан эмас... У худо ярлақаган йигит... Бамаъни, босиқ... унинг кўзлари бўлакча... одамни ром қилиб қўяди. Илтифотлилиги-чи... Уни худо ярлақаган... алпқомат, фариштали. Ҳилола ҳеч қачон бунаقا мард йигитни учратмаганди. Ӯша тундагидай тўқнашувларни, муштлашувларни хаётда сира кўрмаган, фақат ҳинд киноларида тамошо қилганди. Тавба, хаётдагиси минг бора қўрқинчлироқ ва таъсирироқ бўларкан... У ёвқур экан... Ҳеч нимадан қўрқмади-я... Ғазабланса жуда мафтункор бўлиб кетаркан. Тўрт бирдай давангир безорини шошириб қўйдия... Ҳа, Самандар Ҳилоланинг орзусидаги йигит. Анови ароқхўрлар - масҳарабоз Шоди билан қуруқопқочар шоир Душвор унинг ўртасидан фарқ очиб таралган қалин соchlарининг бир толасига арзимайди... Бокира гўзалми? Ҳа, у чиройли, аммо Ҳилола ҳам хушрўй-ку, ахир. Нега ҳамма Бокирага талпинади доим? Нега Ҳилола ҳамиша унинг соясида қолиб кетавериши керак? Бокира осмону, Ҳилола ерми? Нега барча илтифотлар Бокира учун? Нега Ҳилоланинг қадри йўқ, нега? Тақдир ҳам Бокирани қўллаб, биринчи бўлиб у Самандар билан қайта учрашиди. Агар Ҳилола шундай бўлишини билганидами? Шундай бўлишини ким билипти асли?.. Шошма... Тўйқус тагин хаёлида сирли ва жозиб гўша, ягриндор тогларнинг мусаффо ва сокин оғушидаги болалар оромгоҳи жонланди. Ӯша оромгоҳнинг номи “Дилшод” мидийкин, йўқ, “Дилкушо” эди, чамаси. Ҳа ҳа, “Дилкушо”! Ӯша атрофда болаларнинг бошқа оромгоҳлари ҳам кўп бўлиб, уларнинг ҳаммаси қўйида, яссилиқда эди. “Дилкушо” бўлса юқорида, тогларнинг нақд пойидаги ям-яшил ўрикзор тепаликда жойлашган ёлғиз маскан эди. Ӯша кез янги қурилган бўлса керак, қўйидаги оромгоҳларда шарроит ҳавас қилгудек бадастир бўлгани ҳолда, бу оромгоҳнинг спорт майдончаси, ҳар тонг-кеч умумий йўқлама ўтказиладиган майдонлари чала эди. Буларни болалар ўзлари битказиб олишди. Ажаб гўша эди: ҳавоси соғ, кўрки тиниқ... Салқин субҳи

Содиқ шиййончадаги каравотларида уйқудан күз очарканлар, рүп парада мағрур күкрак керган түқ жигарранг тусли чүнг қояга күзлари тушарди. Майдон четидаги симёғочга осилган карнайдан ҳамиша ўзбекча, тохикча күй-күшиқлар янграб турарди. Болаларнинг кий-чув түполони кечга қадар тинмасди. Ўшанда оромгоҳда дам олаётгандарнинг кўпчилиги ўғил болалар бўлиб, қизлар оз эди. Қизлар аро Бокира ва Ҳилола бошқалардан ажралиб туришарди. Чиройли кийинадиган, ўзлари ҳам кўркли бу икки қизалоқ ўғил болаларнинг дикқат марказида эди. Шўх болалар уларнинг атрофида кўпроқ айланишар, гапга тортмоқчи бўлишар, довюракроқ, сурбетроқлари ҳазиллашиб тегажоқлик қилиб қочишарди. Улар кўпроқ... Бокирага ёқишга ҳаракат қилишарди. Ҳилола кўпинчә ўзининг назардан четда қолиб кетаётганини сезарди. Улар юқори синфларга ўтиб қолишган, балоғат остонасида турардилар. Кўпчилик қизлар қатори Ҳилола ҳам ўсмир болалар эътибори ва сирли боқишлиари маънисига энди-энди тушуна бошлаган, кўнглида қинғирлик бўлмагани ҳолда, унинг туб-тубларида бундай боқишлиарга мойиллик сезар эди. Бироқ оромгоҳдаги болаларнинг ҳаммаси, ҳатто, уларнинг тан олинган “кузири” Омон зўравон ҳам кўпроқ Бокира атрофида гирдикапалак эди. Хушфөъллиги боисми, ҳатто, севимли мураббиялари ҳам қизлар ичida Бокирани айрича суряди. Ҳилоланинг кўксидаги Бокирага нисбатан илгарироқ уйғонган гайирлик ўти ўша кунлар кучайгандай бўлди. Уларнинг ўртасида бот-бот низо чиқиб, аразлашиб қолишарди... Бокира галати эди. Гоҳ қарасанг қувнок, гоҳ боқсанг ўйчан...

Оромгоҳда бир куни ёмғир ёғди...

Ёмғир ўрикзорнинг тўс-тўполонинини чиқариб юборди. Ёмғирнинг шашти зўрайгач, болалар ивиб кетмаслик ташвишида қийқирғанларича ётоқхоналари томон чопдилар. Нарироқда тўхтаб ўзларини чорлаётган мураббияларига Бокира жилмайиб кўл силтаб қўйди-ю чопишга ошиқмади. Ёмғирдан қочишига ундаётган Ҳилоланинг кўлидан тутиб ялинди:

- Шошмайлик, дугонажон, бирозгина айланиб борайлик.
- Иби, жиннимисан? - Ҳилоланинг кўзлари олайиб кетди. - Бунай ёмғирда ким айланади?
- Мен ёмғирни яхши кўраман! - дея Бокира қўлларини ёзиб энтиди. - Ёмғирда кезиб юраверсам, юраверсам дейман. Ёмғирда ажиб сехр бор-а?
- Ростдан жинни бўлибсан. - Ҳилола ғашланиб дугонасига бошдан оёқ кўз югуртирди.

Бокиранинг порлаб турган юз-кўзи, ҳатто, бутун вужудидан: ёмғирда баданига ёпишган куйлаги остидаги тўлиша бошлаган та-наси, эндигина бўртаётган кўкракчалари, икки ёнига кенг ёзилган кулочидан унинг алланечук соҳир тийғулардан ҳаяжони билиниб турарди.

- Мен... мен ёмғир ёғса ғалати бўлиб кетаман, ўртоқжон, - деди у титрагандай бўлиб. - Гўё у менга алланималарни ваъда қилаёт-гандай. Ёмғирда ивиб юраверсам-юраверсам, дейман.

- Бўлмаса, ўзинг ивиб юравер, - деди Ҳилола аччиқланиб. - Мен бўлсан касал бўлишни истамайман.

Ва ўрикзор поёнида кўриниб турган ётоқлари -“Кўк уй”га томон чопиб кетди. Анчадан кейин Бокира келди. Унинг ҳаммаёғи ивиб кетган, аммо ўзида йўқ шод эди.

Бокиранинг бехуда ивиб, бетобланиб юргани боис ўша воқеа Ҳилоланинг ёдида қолган эди.

* * *

Тун сеники.

Қоп-қоронғу тун оғушида бедорсан.

Кўз ўнгингда ул ойрухсор, ул кунтуғмиш... Шуурингдаги чехра ёғусидан борлик-да нурга чўмаётгандай. Идрокинг қатларида унинг гап-сўзлари. Унинг табассуми - унинг жон олгувчи табассуми. Ажаб, уйқу қани? Мижюқа қоқмай уни ўйлайсан. Тонг олди кўзинг илинганида ҳам уни кўрасан - ўша парирўй симо, ўша жоду кўзлар, ўша соҳир табассум. Тонг ёғду таратиб, борликни нурафшон эта бошлаганида ҳам уни ўйлаб ётган бўласан. Тавба, дейсан боз, ёш йигитча бўлмасанг, фўрлик остонасидан аллақачон ҳатлаган бўлсангу, наҳот... наҳот шунчалар қовжироқсан, бир пух деса борлинг ловуллаб кетгудек. Қийналасан. Мулоҳазангни кенгашга чорлайсан. Кўнмайди. Саркор қалб кўнмайди, измидан бўшатмайди. Қалбинг унинг ҳузурига ундаиди. Идрокинг енгилтак бўлмасликни шипшийди. Қай бирининг йўриғига юришни билмайсан. Овунмоқ истайсан. Ўқийсан, ёзасан, чизасан. Чизасан, ёзасан, ўқийсан. Буюртмаларни бирпастда уddeлаб ташлайсан. Сумкангни елкангта илиб, кўчага чиқасан. Юмушларингни бажарасан, буюртмаларнинг баъзиларини згаларига берасан. Қайтасан. Кўнглинг чопган жойга эмас, қайтишинг жоиз бўлган жойга. Қалбинг сендан аразлайди. Оғринади... Тонг-ла яна бошланади. Тирикчилик фарзлари асабий бир тарз яна қайтарилади...

Кечқурун қалбинг исён кўтаради. Овутишлар кор қилмайди. Унга

бўйсунмоқдан ўзга иложинг қолмайди. Бўйсунганинг ҳамоно ҳаракатларинг жадал тус олади. Зумда энгил-бошингни тўғрилаб, шитоб қопқаларни беркитасан ва ташқари отиласан. Қалбинг байрамга чиққан болакайдек қувониб хаприқади. Аммо унга сенинг ҳаракатларинг сустдай туюлади. Унинг измига кўниб, автобусга-да қаноат қилмай, енгил улов тўхтасану талабалар шаҳарчасига томон елдек елиб кетасан. Унинг қароргоҳи ила рўбарў бўлганингда қадамларинг сустлашади... Тайсаллайсан... Тўхтаб қоласан... Журъатинг етишмайди. Узокроққа, панароққа ўтасан. Чарогон қопқаларга боқасан. Чамалаб унинг қопқасини қидирасан... Ва топасан! Ундан оқкан нурга термулиб кўзларинг толмайди...

* * *

Бугунги машгулотларнинг деярли ҳаммаси катта маърузахонада бўлиши керак эди. Ойнаванд вестибулдан ўтиб тўгри ўша ёқка юрдилар. Факультет асосий биносиға узун коридор орқали туташган бу маърузахона алоҳида бинога жойлашганди. Меъморчилик нуқтаи назаридан у антиқа кўринишга зга бўлиб, тошсувоқ сиртидан мустаҳкам қалъани эслатар, доира шаклида қуидидан юқорига томон торайиб борган тош деворларида ташқи оламга бирорта ҳам дераза қўйилмаган, байни тўнтариб қўйилган челак монанд қўққайтириб қурилган эди. Ичкаридан қаралганда маърузахона насронийлар ибодатхоналарига ҳам ўхшаб кетарди. Маърузахона олд қисмида зина билан чиқиладиган баланд саҳна, саҳна ўртарогида маҳобатли минбар, қуида маърузахонанинг думалоқ саҳнини энлаб то шифтга қадар чўзилган тингловчи - маъқулловчилар учун ўтиргичлар, бир четда эскироқ лианино, саҳна тараф кўплаб ширлар или бежалган. Маърузахона хийла катта бўлиб, у йўналишдош гурухлар учун умумий маърузалар ва аҳён-аҳёнда ўтказилиб туриладиган маданий тадбирларга мўлжалланган эди.

Эшикдан одатдагидек башанг кийимда профессор Гиртмак кириб келганида сира еча олмаётгандари азалий муаммо устида тортишаёттан толиби илмлар гур этиб ўринларидан турдилар. Профессор Гиртмак саҳна ўртасидаги катта, ҳашамдор минбарга яхшилаб жойлашиб олди. Ҳар галгидай барча одатларини оғишмай тақрорлади. Бироздан сўнг унинг шанғи овози маърузахона деворларига урилиб, янграй бошлади ва тобора кучайиб бораверди:

- Олдинги маърузаларимизда, ўртоқ талабалар, биз тараққиётнинг қудратли локомотиви - сиёsat борасида, хусусан, унинг синфийлик характеристири хусусида сухбатлашган эдик. Синфий жамият

пайдо бўлиши баробарида сиёсат ҳам вужудга келган. Маълумингизким, инсондан ўзга илоҳ йўқ. Буюк арбобларимиздан бири: “Табиат инсонни тўрт оёқлаб юришдан халос қилганида унга идеални асо қилиб тутқазди” деб эди. Бизнинг идеалимиз аниқ ва биз мангулик қадар яшовчан бу идеалларимизга абадиян содик қоламиз. Бизнинг идеалимиз шундан келиб чиқадики, бизнинг сиёсатимиз бизгача бўлган ва ҳозир ҳам яшаётган, ўз умрини тугатаётган жамиятлар идеаллари, бинобарин сиёсатидан тубдан фарқ қиласди. Бизда дунёда энг адолатли, энг инсонпарвар, энг тинчликсевар жамият қурилган ва у тобора гуркираб бормоқда. У келажакда шундай жамиятга айланадики, унда дин, хусусий мулк каби инсониятнинг кўплаб чиркин иллатларининг қолган-қутган асоратлари ҳам буткул барҳам топади. Ҳозирги кунда бу борада улуғвор ишлар амалга оширилмоқда. Чунончи, ўтган беш йилликда, инсониятнинг ана шундай чиркин иллатлари ялпи ҳажмини мамлакат миқёсида 30,9 % га қисқартиришга эришилди...

Професор нақд уч соат маъруза қилди. Сўзлар селдек қўйишиб келар, у бўлса бетиним жўшиб сўзларди Ниҳоят толиқиб хансираф қолди. Тағин-да баландпарвуз жумлалар илиа ўз маърузасини якунлади ва оғир тин олди. Қоғозларини йигишириб, чарм жилдини қўлтиғига тиқди-ю, ёшига нисбатан анча илдам ҳаракатлар илиа саҳнадан тушиб, маърузахонани тарқ этди. Талабаларнинг боши мешдай шишган, қовогари уясидек тинимсиз гўнгилларди.

Тушлиқдан сўнг профессор Ғиртмакнинг энг ишончли шогирдларидан бири машғулот ўtkазиши керак эди. Тағин думалоқ маърузахонага йигилдилар. Бу олим илмий давраларда ном қозона бошлаган, айниқса, унинг фан оламидаги дадил тажрибалари оғизга тушган эди. Хусусан, талабалар билан бугун олиб борадиган машғулоти ўз моҳияти ва услубига кўра ўзгача бўлиб, унда бир вақтнинг ўзида бош соҳа - сиёсатдонлик билан руҳшунослик унсурлари қоришиб кетганди. Бошқача айтганда, машғулотда сиёсатдонлик, даҳрийлик, шунингдек илмнинг бошқа муҳим соҳалари руҳшунослик йўли билан, гипноз унсурлари ёрдамида талабаларга етказиларди. Олим ўз ёрдамчиси билан маърузахонага кириб келганида ҳорғин талабалар тушлиқдан қайтиб, эндигина ўз жойларини эгаллашганди. Олим минбарга чиқди, унинг ёрдамчиси бўлса пастдаги пианино олдидан жой олди.

- Диққат қилинг, - дея сўз бошлади олим талабаларга қаттиқ тикилиб. - Умуман олганда, диққат қилмасангиз ҳам майлига, ўзимиз диққатингизни жалб қилиб оламиз. Жамиятимиз - энг одил жамият, - бизнинг жамиятимиз, қайтараман, энг одил жамият...

энг одил жамият. Аммо у биз учун энг охирги мақсад эмас, пировард мақсад эмас. У биз интилаётган энг мукаммал, нурафшон, порлоқ жамиятнинг дебочаси ёхуд бошлангич босқичи, холос. Ул жамият бўлса... - Олимнинг ёрдамчиси пианинода майин мусиқани чала бошлади. Олим суръатни сусайтириб давом этди. - Бидъатчи-лар оғиздан беҳишт сўзини эшитгансиз. Улар тасавирлаган беҳишт аслида йўқ, луч бир нарса. Ўша беҳиштни биз ер юзасида ўз қўлларимиз билан яратамиш. Унда ҳамма нарса хусусийликдан уму-мийликка бориб, турфа индивидлар йўқолиб, ҳамма бирдай, нур-дай тоза ва шаффоф бўлади. Одамлар ўз гарданларидағи этиник белгилар деб аталмиш ортиқча, кераксиз, зарарли лаш-лушлардан ҳалос бўладилар. Миллий тил, миллий маданият деган нарсалар йўқолиб, ягона тил, ягона ҳалқ ва ҳамма маданиятларнинг синтези-дан иборат ягона байналминал маданият вужудга келади. Тасав-вур қилинг, ҳамма, оқ, қора, қизил, сариқ рангли одамлар - бани башар бир тилда гапира бошлайдилар. Ул жамиятда инсонлар янада ҳур ва фаровон ҳаёт кечира бошлайдилар. Моддий неъматлар мўл-кўл бўлади. Шундай мўл-кўлликка эришиладики...

Ёрдамчи мусиқани маҳорат билан ижро этар, талабалар олим-нинг тасавирлаши асосида сурур ила келажак жамиятнинг рангин манзараларини тасаввур этишарди.

Олим маъруzasини якунлаганида сурур таъсиридан чиқмаган кўзи юмуқ талабалар думалоқ маърузаҳонани гумбурлатиб, узоқ вақт қарсак чалдилар. Талабаларда қарсак чалишга - маъқуллашга кў-никма ҳосил қилиш ҳам машгулотнинг ажралмас қисмларидан ва асосий вазифаларидан бири эди.

**"Эзгуликка умид" дан
Чинор аммам ҳикояси.**

Тунда стамиз жўнаб кетдилар. Эртасигаёқ үйимизни ҳукумат одамлари босишиб. Амакимиз билан ҳовлимиз битта эди. Ҳуку-мат одамлари тавин икки үйнинг ҳаммаёғини титкилаб чиқди-лар. Ҳеч нарса топа олмагач, амакимиз, уларнинг оиласи, иним икковимиз, отамизнинг туридлари - ҳаммамизни сўрок қилишди. Барчамизни қамоққа тикишибди. Иним иккимизни битта ка-талакка қамашди. Гўдак иним қаттиқ кўрқди, икки кунгача ии-гидан тўхтамади. Зах ерга нари-бери тўшалган ҳас-ҳашак-лар орасидаги бурга-ю битлар азобидан зорланиб инграб чиқди. Вужуди соғуқдан қалт-қалт титраб кўрпа сўради, аммо

күрпә йўқ эди. Тергов қила-қила охирни Олтой томонларга бадарга қилишди. Мусофиричиллик заҳматлари, саргардонлик ўқубатларини тортиб юрган оғир кунларда ўзимча, оччиқ тажрибамга асосланиб баъзи ҳақиқатларни кашф қилдим. Биринчиши шуки, магзан пок, ҳалол инсонлар энг оғир чоғларда ҳам ўз инсонийликларини ўйқотмайдилар, имкони туғилса ўзлари каби ноҷорлардан адл ва мурувват қўлини тортмайдилар. Иккинчи сабоқ шуки, бир-икки муртадларнинг қабоҳатлари Важҳидан үлар мансуб бутун ҳалқни асло ёмон атаб бўлмайди. Сургунда бизга ҳайриҳоҳлик ила муносабатда бўлган, вамхўрлик қилган кўп оддий ўрис кишиларини учратдик. Улар бизга меҳр-мурувват кўрсатиб, кўнглимизни кўтаришди...

Орадан анча сувлар оқиб ўтиб, бизларга авф төгди, Маргилонга қайтишимизга изн беришди. Бўготлардаги поҳоллар шокиласини сумалаклар ямлаб ётган чирсиллаган қиши чилласида она юртга қайтдик. Ҳаммамиз ориқ, юпун зидик. Инимнинг бошида куя еган ягири теллак, оёғида тешик этик, елкалари қисиқ, юзлари ранглар, қуб-куб ўйталади. Қолганларимизнинг ҳам аҳволимиз үникудан беҳроқ эмас.

* * *

Ёзги имтиҳонлар мавсуми ҳам етиб келди. Одатда, кўпчилик талабалар имтиҳонлар бошлангунга қадар ёлчитиб ўқимайдилар. Профессор Фиртмак ва бир-икки қаттиққўл ўқитувчиларнинг дарслари бундан мустасно, албатта. Сессия бошлангач, хоналардаги столлар устида қўша-қўша китоблар пайдо бўлиб, жони ҳалак талабалар уларни асабий вараклай бошлайдилар. Шитир-шитир авжига миниб, ётоқхона бамисли ипак қурти боқилаётган жойга ўхшаб қолади. Толиби илмлар мук тушиб олганларича катта даҳага кирган ипак қуртлари янглиг китобларни еб юборгудай бир важкоҳат билан ўқишига тутинадилар. Бирор масала юзасидан савол туғилиб қолса, бир-бирларининг хоналарига жонсарак юргилайдилар. Коридорда учрашиб қолсалар, дераза олдида чекишиб ҳасратлашадилар, домлаларни гийбат қиладилар. Танишларининг олдига чопадилар, таниши йўқлар ўртага одам қўядилар. Хуллас, довондан ўтиб олгунча турли йўллар ва усувларни ишга соладилар. Талабалар орасидаги амалдорчалар - курсбошилар бу жараёнда мухим ўрин тутадилар. Имтиҳонларнинг ташкилий жиҳатларига масъул курсбошилар ўқитувчилар ёнида майда-чуйда қоғоз ишларини битириб, талабаларнинг тартиб билан кириб-

чиқишиларини назорат қилиб ўтиришади. Муросага кўнадиган ўқитувчиларга илтимос қилиб, бир балл-ярим балл қўштириб бериш, хуфёна савдода воситачилик қилиш, баъзан курсдошларига киши билмас кўчирма қозо киритиб бериш ҳам шулар зиммасида. Хуллас, то имтиҳонлар якун топиб, улардан қутулиб олган талабалар улоқдан чиқсан отдай эркин нафас олгунларига қадар шундай жонсараклик, шундай тиришқоқлиги зарбдорлик тўхтамайди. Сўнгра яна ҳаммаси одатдаги измига тушиб кетади.

Тонг-ла Бокира кутубхонага йўлголди. У ерда керакли китоблар кўп, бунинг устига шовқин-сурондан холи сокин жой, бемалол тайёрланса бўлади. Анҳор ёқасидаги бекатда тушиб, кутубхонага йўналди. Унга адабиётлар учун буюртмалар бериш ҳам шарт эмасди. Катта ўкув залининг тахмонларида ҳар бири кичикроқ ёстиқдек келадиган китоблар терилиб турарди. Бокира уларнинг ичидан ўзига кераклиларини танлаб олиб, ўқишига тутиндиди. Бу китобларнинг ҳам ичи тўла сиёsat. Қиз жумлаларни қайта-қайта ўқиб, тушунишга ҳаракат қиласар, керакли ўринларини дафтарига кўчириб оларди. Фалсафага оид бошқа бир китоб янада оғирроқ бўлиб, мутолаада айрича дикқат, фикрий зўриқишини талаб қиласарди. Мураккаб жумлалар шунчалик узун эдики, нуқтадан нуқтага етгунга қадар гапнинг боши эсдан чиқиб қоларди. Бокира беихтиёр Шодининг кечаги гапини эслади. Шоди қўлида шу китоб билан жиғибийрон бўлиб, уларнинг хонасига кириб келди: “Уф-ф, бир балога тушунаётган бўлсам ҳаром ўлай агар. Варақларнинг бир бетига тўғри ёзиб, орқа бетига худди ўша гапларни чалачасига ёзиб чиқипти”.

Кўпчилик ёдлаб оларди. Хотираси яхши қизлар имтиҳонларда ёдлаганларини шартта-шартта айтиб бериб юқори баҳолар олишар, аммо икки-уч кундан сўнг уларнинг мияларида ўқиганларидан ҳеч вақо қолмасди. Бокира қунт билан ўқирди. Ота-онаси нинг ишончи ва ўзига сарфлаётган маблағларини сунистеъмол қилмаслик учун астойдил тиришарди. Ҳилола ҳам ушбу фазилатдан холи эмас, у ҳам дугонаси каби яхши ўқир, деярли ҳамма фанлардан ўзлаштириши ёмон эмасди. Моддий томондан Бокира қийинчилик сезмасди. Ота-онаси ўз ҳунарлари орқасидан ҳалол пул топиб, фарзандларига сарфлашарди. Унинг отаси ўймакор наққош эди. Уста анча довруқли бўлиб, эшигидан мижозлар аrimасди. Ўсмирлик чогида устози унга чопон кийдириб, оқ матодан белига белбогу бошига салла ўраб, белбогига калтак қистириб қўл берган, яъни фотиҳа берганди. У устозининг ҳунарини олиб, ҳалол ишлади, ном қозонди.

Бухорои Шарифдаги кўплаб тарихий обидаларни таъмирлашда устанинг ҳам қўли бор. Уста хокисор одам эди. Пул устида тортишмас, Оллоҳ баракасини бериб турганидан кейин мижозларнинг дилини оғритмаслик керак, дерди камсуқумлик билан. Наққошлиқ, ўймакорлик унинг учун кўнгил иши эди. Шу боис хунарининг машақатлари ҳам билинмасди. Ҳафсала билан ишларди. Эшикми, деразами, одатда, ясаётган буюмини ташқарига, ҳовлининг салқинроқ жойига қўйиб олиб, борлиқни унутгандай соатлаб берилиб ишларди. Гўзаллик яратарди.

Бокира, бошида зар дўппи, эгнида каштали кўйлагу зар лозим кийган ширин қизалоқ отасининг ишини кўп ва хўп кузатарди. Бурама нақшларни нафис бармоқчалари билан силаб кўрар, катта-катта кўзлари ҳавас қувончидан порлар, завқидан кузатиб чарчамасди. Баъзан узун-узун қайрилма киприкларини пирпиратиб, тимқора кўзларини отасининг юзига тикар ва ботинмайгина ялинарди:

- Дада, мангаям гул солишини ўргатинг.

Уста бир муддат ишдан тўхтарди. Кўзойнаги устидан қизалоққа меҳр билан боқар, жилмаярди:

- Ой бийим, бу қиз боланинг иши эмас, мушкул иш. Санга-чи, ўзим бешик ясаб бераман, қўғирчогингни белаб оласан.

Сўнг меҳр билан қизчанинг манглайидан ўпиб қўярди.

- Ур-ре, дадам манга бешик ясаб берарканлар.

Бокира, қўнгироқдек овозининг жаранги ҳовлини тўлдириб уйга чопарди. Уйда онаси ҳам иш қилаётган бўларди. Онасининг этағида мудом зар жилоланаарди. Онаси Бухоронинг беназир зардўзларидан эди. Бокира онасининг узун-узун сеҳрли бармоқлари қандай эпчиллик билан ҳаракат қилаётганини кузатарди. Онаси уни ёнига ўтқазиб тикишни ўргатарди. У қизининг ҳам ўзи ва момолари қилиб келган ҳунарни давом эттиришини истар, унга зардўзлик сирларини ўргатарди. Онаси Бокиранинг бошига ўлчаб зардўппи тикиб берарди. Дўппи Бокирага жуда ярашар, унинг чиройини янада очиб юборарди. Ҳозир ҳам агар Бокира хусну латофатига тугал тож этиб, зардўппи кийиб олса борми, эртаклардаги не-не маликаларнинг пари рўйлари ҳам унинг олдида хира тортиб қолган бўларди. Борди-ю зар дўппили Бокира бир бора табассум қилас... шул табассум хирожи-чун не шаҳзодалар боши тикилган бўлармиди.

Ташқи қиёфа бобида Бокира онасига тортганди. Ёшлигиде онаси ҳам адл қоматли, камонқош, ойдин чеҳрали, малоҳатли аёл бўлган эди. Тиккан дўппиларининг гуллари, улар ораларига нақш

мисол жойлаб юборилган арабий битиклар унинг нозик дидли, қувваи ҳофизаси юксак аёл эканидан далолат берарди. Онасининг қизим ҳам чевар бўлсин, дея Биби Сешанбага илтижо қилишлари, отин бибига ўқитишлари наф бермади. Ўқувчилик кезлари Бокиранинг қалбida илмга, аникроги, тарих илмига қизиқиши уйғонди. Зардўзлик ҳунарини бўлса, у жуда эрта згаллаб олган, ҳозир ҳам бўш вақтларида ул-бул тикиб турар, битта ғаладонда ҳамиша унинг ип-ғалтаклари, зарлари, матолари бўларди.

Болалик тонгги насимдай гир этди-ю ўтди-кетди. Болалик ўйинлари, ҳаваслари қолиб кетди. Мактабда тарихга қизиқиши кучайиб бораверди. Кўхна Бухоро кўчаларида юраркан, у ҳайратланиб, ҳавасланиб толмасди. Миноралар, масжидлар, мадрасалар, мақбара-ю ҳонақоҳлар, кўшку саройлар... Шукуҳли ўтмиш ёдгорлари... қанча сир-синоатлар пинҳон улар бағрида. Не-не талотўплар, қирғинбарт урушлар, қақшатқич жанглар... Бухорони олиш учун, Бухорони бермаслик учун... Қиличлар жарангি, кесилганлар доди-фарёди, отлар дупури... Милтиқлар овози, замбараклар гумбури, аччик тутунлар, пештоқлари ўйилган мадрасалар, бағирлари ўпирилган миноралар... Шаҳарнинг неча бор топталиши ва шунча бор қайта тирилиши... Бой хәёлот дунёнгда мозий саси акс-садо бергандай бўлади. Сесканиб кетасан, ҳаприқиб кетасан. Фаҳрланиб толмайсан. Ният қиласанки, тарихчи бўламан, илмий ишлар қиласан, ҳеч курса мактабда болаларга тарих ўқитаман, деб. Ният қилди, ҳаракат қилди, интилди, мактабда унга эргашиб, ундан қолмаслик учун тарихдан яхши ўқиган, мозийгоҳларга бирга кирган, олимпиадаларга бирга қатнашган Ҳилола билан тарих факультетига ҳужкат топширди, аммо, тақдир экан, иккови ҳам сиёсатдонлик бўлимига ўтиб қолишиди.

Мана энди мураккаб жумлаларни ҳижожалаб ўқиб ўтирипти.

Пешинга яқин Бокира ўрнидан турди. Китобларни жой-жойига қўйиб ташқари чиқди. Бош майдон бўйлаб бекатга томон юрар экан, тагин Самандарни ўйлай бошлади.

“Ажаб, - дея кўнглидан кечирди у. -Наҳот бир инсонни биринки бора кўрибоқ унга ўйларинг, хаёлларинг, ҳисларинг билан шунчалик боғланиб қолсанг... Ажаб... хаёлларингга қуондай ёпирилиб келади. Қаршилик қила олмайсан. Қаршилик қилишга ожизсан. Буни... буни истамайсан ҳам... Ўзи ҳам қорасини кўрсатмай кетди. Нега келмаяпти экан? Уни... яна кўргим келяпти. Бу енгилтаклик эмасмикан? Ажаб, илгари сира бундай ҳолатга тушмагандим. Бу не синоат ўзи, бу не синоат? Севиб қолдимми? Севги шунаقا бўлармикан? Уни ўйласам, қалбим ёқимли ҳисларга тўла-

ди ва яна у ҳақда ўйлагим, ўйлагим келаверади. Ўзимни енгилтакдек тутмаяпманми?"

Бокира бекатда тұхтаган автобусдан ҳаяллади. Кейингисини күтгиси келмади. Шарақа-шурук қилиб бекатга етиб келган эски трамвайға чиқди. Чиқди-ю афсусланди. Трамвай тиқилинч әди. Унинг оғир, дим ҳавосидан диққинафас йүловчилар бүғриқиб, қизарып кетгандилар. Трамвай сүнгги бекатта судралиб етиб келиши билан одамлар пастта юлқиниши. Бокира ташқарига чиққач, ҳамма каби әркін нафас олди ва беихтиёр: "Шукур-ей" деб қўйди-ю, ётоқхона томон йўл олди.

Бокира хонасида ўзини яна бир нафис гулдаста кутаётганини билмасди.

У ётоқхонага етиб келмасидан жилла бурун, ҳаяжондан титратётган бармоқлар уларнинг хонаси эшигини аста қоқди.

Одатдагидек ўз жойида китоб мутолаа қилаётган Ҳилола зшикка йўналди. Қўшнилардан бирортасидир-да, деган уйда бамайли хотир бориб эшикни очган қиз кутилмаган йўқловчини кўриб шошиб қолди.

- Вой, сизмисиз? - деди у эсанкираб.

Ҳазилакам эсанкирамади. Самандар жилмайиб ҳол-аҳвол сўради. Йигитга салом берган қиз "Мен ҳозир, бир минутга" деди-ю, шошиб хонасига кириб кетди. Ҳаммаёқ саришта эрса-да, у ҳовлиқиб хонани тартибга келтирган бўлди. Ўзини ойнага солиб сочларини тузатди, эгнидаги халати кўнглига ўтирмай, ойнадаги аксига ғашланиб қараб қўйди. Афсус, энди кийимини алмаштиrsa бўлмасди. Ёқаларини тузатар экан, асабий титраб: "Пастда туриб чақириурса ҳам бўларди, бостириб келавермай. Навбатчи хотинга ҳужқат қолдириб чиқиб келаверган-да. Мен бўлсам уни ётоқхонадагилардан бирортасидир, депман" дея ўйлади. Шошапиша яна бир бор жойини тузатди. Бўсағада бир сония тин олиб ўзини босган бўлди-да, сўнг эшикни очди.

- Марҳамат, ичкари киринг, Самандар ака, - ҳаяжонини табасум билан пардалашга уринди.

Самандар ичкари кирди ва қўлидаги гулдастани қизга тутди. Қиз "Раҳмат. Овора бўлибсиз-да, - дея гулдастани олар экан кўнгли жуда ғаш бўлди. - Ну, албатта, Бокирага аталган гуллар. Ўтган гал гулдасталар иккита әди... Энди бўлса... Алвидо лутфу илтифотлар". Ичини бир нима тимдалаб ўтди. Йигитга базўр тишининг оқини кўрсатиб, ўтиришга таклиф қилди. Унинг чакана аччиғи чиқмаганди. Бир кўнгли "Эгасига ўз қўлингиз билан тутқазарсиз", дея гулдастани шартта қайтариб бергиси келиб йигитга қаттиқ тикилди.

Аммо ажаб: нигоҳи йигитнинг кўзлари ила тўқнашди-ю кўнгли мумдек эриди. Танаси қизиб кетгандай бўлди. Бўшаши. Ва, ҳов ўшанда, шу хонадаги илк учрашув чоги кўнглидан кечган ўй шуурода яна майнин ғимирлади: “Хушсурат йигит, ҳам паҳлавон, ҳам довюрак, ҳам илтифотли. Йигитинг бўлса...” Титради.

Ўйидан йигит воқифдай хижолат тортди. Қизариб кетмадимми-кан? - деган хавотир кўнглидан ўтди. Руҳий бекарорлигини хаспўшлаш учун жилмайди.

- Ўқишлир бўляптими? - сўради Самандар.

- Раҳмат, ўзингизнинг ишларингиз яхими, Самандар aka?

- Ҳа, раҳмат.

Суҳбат яна узилиб қолди. “Ҳозир Бокирани сўрайди”.

Ўйлаганидай Самандар ҳаялламади.

- Бокираҳон кўринмайдими? - ўзини бепарводай тутиб сўради йигит.

- Бокира кутубхонага кетганди, - тағин қаттиқ тикилди Ҳилола. - Келиб қолар.

Бу гал йигит ҳижолат тортгандай бўлди.

Ҳилола йигитнинг эътирозига қарамай столга дастурхон ёзиб, нон, қанд-қурс келтирди. Чой қўйди. Узуқ-юлуқ суҳбатлашиб ўтиридилар. Самандар Шоди, Душворларни сўради. Гап-гапга қовушмади.

Ногаҳон эшик очилганида иккови баравар бурилиб қараши. Остонада Бокира туарди. Бокира эшикни очди-ю, хона тўрида ўтирган Самандарни кўриб тўхтаб қолди. Кўзлари қувончдан порлаб кетгандек бўлди. Ҳов ўшанда, ёмғирли кунда кўчадан қайтиб кетганидаги шодлик ҳислари балқиди кўзларида. Ҳилола буни пайқади. У яна Бокирани кўриши билан Самандарнинг ўрнидан туриб кетганини ҳам кўрди. Ниҳоят Бокира салом бериб ичкари кирди.

Ҳайтовур ўзларини тутиб олгандилар. Анчайин сипо сўрашиши, аммо иккисида ҳам ҳаяжон асорати сезилиб туарди. Қайси қиз туйғуларнинг зоҳирий аломатлари мағзини чақа олмайди, дейсиз. Айниқса Ҳилоладай синчков қиз буларни назардан соқит қиласмиди.

Ҳаммалари дастурхон теграсидан жой олиши. Бокира чойнакни олдига олди. Чой қўйиб меҳмонга ва Ҳилолага узатди. Гарчанд суҳбат яна унчалик жонланиб кетмаётган бўлса-да, Ҳилола дугонасининг гулдай яшнаб ўтирганини кўриб туарди. Ҳилоланинг феъли айниди. Шартта ўрнидан туриб, хонадан чиқиб кетгиси келди. Ҳар тугул шайтонга ҳай берди. Пиёласидан чой симиаркан, ўгринча Самандарга назар ташлади. Йигит буни сезмади. Унинг икки кўзи

Бокирада зди. Бокиранинг эгнидаги янги кофта-юбкаси ўзига жуда ярашган, ҳуснiga ҳусн қўшиб юборгандай зди. Ҳилола тағин ижирғаниб хаёлан ўзини бошдан-оёқ кузатди. Бокиранинг олдида хира тортиб ўтиргандай...

Аста-секин сұхбат аввалидаги хижолатпазлик йўқолиб гап-гапи қовушиб бораётганди. Энди ўзларини анча эркин ҳис қила бошлигандар.

- Имтиҳонлар яқин-а? - дея сўради Самандар. - Тайёргарликлар бўляптими?

- Ҳа, - дея кулди Бокира. - Имтиҳонлар ташвиши билан ҳали кутубхонага, ҳали бошқага чопиб юрибмиз.

- Барibir сизларга анча осон бўлса керак, - кулимсиради Самандар. - Фанлар енгил, унча-мунча опқочса ҳам бўлаверади.

- Вой, қаёқда, - Бокира Ҳилолага қараб кулиб қўйди. - Домлалар ҳаммаси аниқликни талаб қилишади, обқочаман десангиз “Фактлар билан гапиринг” деб жеркиб беришади. Тўғрими, Ҳилола?

- Тўғри.

Айни ўша палла эшик тақиллаб, хонага Шоди кириб келди.

- Ана буни қаранг: жамоат жамул жам, битта Шоди кам, мана келди Шоди ҳам. - Шоди Самандар билан қизгин омонлашди.

У ярим згилиб, узун қўллари билан фотиҳа қилган бўлди-ю, ўтиришга кўнмади.

- Душвор келиб мани сўраса, ҳамқишлоқларининг олдига кетди, бирров бориб келаркан, деб қўйинглар, мана хона қалити, - дея хайрлашиб эшикка йўналди.

- Шоди ака, “Антик сиёсатдонлик”дан китобингиз бўлса ташлаб кетинг, тайёрланиб турайлик, - дея сўради Ҳилола.

Эшикни очған Шоди орқасига ўгирилиб қўл силтади:

- Иби, шундан ҳам китоб-питоми? Обқочса бўлади-ку. Обқочасиз-да.

Самандар ва икки қиз бир-бирларига қараб бараварига қаттиқ қулиб юбордилар. Ҳатто, Ҳилола ҳам очилиб кулди. Ташқарига чиққан Шоди кулгу товушини эшилди, “гапим нашъя қилди” деган ўйда эшикни очиб, мамнун тиржайган афтини намойиш қилди-ю, қайта ёпди.

- Вой, Шоди қизик-ей, - деди кулгудан юзлари қизариб, чиройи янада очилиб кетган Бокира. - Қовун тушириб кетди-ку.

- У сирларингни фош қилиб қўйди, - деди Самандар.

- Э, қанийди, ҳамма фанлардан ҳам шунақа обқочиб бўлса.

Шу баҳона сұхбат яна жонланиб, анча маҳалгача гаплашиб

үтирадилар. Самандар кетишга құзғолганида Бокира уни кузатиб қўйгани чиқди. Ҳилола йитит билан хонанинг ўзида хўшлаши.

Бокира хонага қайтганида Ҳилола ҳануз китоб варақлаб ўтирас, авзори бузук эди. У Бокирага қиё боқиб ҳам қўймади. Бокира стол ёнидан ўтиб, дераза токчасидаги гулдастани қўлига олди. Сувқоғозини қайириб, гулларни ҳидлаб кўрди ва “Чиройли гуллар экан”, деб қўйди астагина.

- Ҳа, чиройли гуллар! - деди Ҳилола заҳарханда қилиб. - Сенга аталган-да.

- Сенга нима бўлди? - Бокира дугонасига ҳайрон тикилди.

- Ҳеч нима! - деди Ҳилола қўрслик билан ва тагин асабий китоб варақлашда давом этди.

- Нима гап ўзи? - Бокира дугонасининг қошида тўхтаб, тагин унга қаттиқ тикилди.

- Ҳеч нима, дедим-ку! - Ҳилола деярли қичқириб юборди.

Бирдан у портлади. Тепасида турган Бокирага юзига қон тепиб қаҳр билан қичқира бошлади.

- Нимага менга ёпишиб олдинг?! Нимага ўзингни гўлликка соласан? Унинг бошини айлантириб юрганингни кўриб турипман-ку. Сен ўзи шунаقا ишларга устасан. Тенги йўқ устасан. Илгаридан устаси фаранг здингки, у ёқ-бу ёғи йўқ!

Кутилмаган маломатлардан Бокира эсанкиради. Ҳайратланиб Ҳилолага тикилганича беихтиёр унинг қаршисидаги стулга чўқди.

- Э, гап бу ёқда дегин, - паришон алфозда зулфини тўғрилаётган кафти ёноғида қотди.

- Сен нима деб ўйловдинг? Кўнгил фақат менда бор, деб ўйлаган-мидинг? Ўзингни гўлликка солаверма ҳадеб.

- Яхши-яхши, - Бокира асабий ўрнидан туриб кетди. - Сен билан бу масалада тортишмайман. Буни ўзимга эп кўрмайман.

- Энди тортишишнинг қизиги йўқ-да. Энди ҳаммаси ҳал бўлган. Сенинг фойдангта!

- Уят ҳам керак. Ҳилола, - Бокира товушини кўтарди, дикқат бўлиб яна жойига қайтиб ўтири. - Модомики...

Шаҳд билан сўз бошлаган ерида тўхталиб қолди. Ийманди. Афтидан кейинги айтмоқчи бўлганларини гапириш унинг учун осон эмасди. Фунча лаблари жуфтланганича тагин бироз тараддулдланиб туриб қолди, сўнг қатъий қарорга келиб ётиги билан гап бошлади.

- Модомики... сен ҳам унга даъво қилаётган экансан... - узун киприклари пастга қайрилиб, юзига маъюсият пардасини тортди. - Яхши, менинг қаршилигим йўқ. Лекин, биласанми, бу... кўнгил иши, иккала томондан ҳам монеълик бўлмаслиги керак. Агар у ҳам сенга шун-

дай... рағбатда эканини билсам, менинг ўртага тушишга ҳаққим йўқ.

- У сенга шундай рағбат кўрсатаяпти? Сен уни, ўша ёмгир ёқсан кун, биринчи учрашганларингдаёқ ўзингга жодулааб олгансан. - Ҳилола юзири сидириб ташлаб, тагин дугонасига маломат тошларини ота бошлади.

- Шунি биларкансан, нега иккаламиз тортишяпмиз?! Мен нима қиласай?.. - Бокира тагин пасайди, тагин ўнғайсизланиб жимиб қолди, қарори қатъйлашиб тагин оғиз жуфтлади. - Мен нима қиласай, ўртоқжон?.. Илгари сира бундай ҳолатга тушмагандим... Ҳайронман... Ўзимга ўзим ҳайронман, ўзимга ўзим тушуна олмаяпман, ўртоқжон!

Қайта хужумнинг бемаъни эканини англаган Ҳилола туйкус йиғлаб юборди.

- Ҳа, сенинг баҳтиңг кулган, сен омадлисан, омадлисан, омадлисан!.. - юзини ёстиққа ботириб, елкалари силкиниб-силкиниб, ғудраныб-ғудраныб йигларди.

Бокира уни овута олмай хуноб бўлди. Каравот суюнчигидан тутганича дилтанг, паришон ўтириб қолди. Йиғлаётган дугонасига тикилиб чарчади, кўзларига ёш қалқди. Ҳўрсиниб юзини четга бурди. Нигоҳи дераза токчасида турган нафис гулдастага тущди. Бармокларининг учи билан кўзларидаги ёшни сидириб ташлаб, бироз тикилиб ўтирди, сўнг ўрнидан туриб, шиша гулдонни қўлига олди. Унга сув қуйиб келиш учун ташқари йўналди.

Ҳилола бўғилиб-бўғриқиб гунгу бесар ёстиққа дардларини тўкаркан, бу дунёда уни ҳамиша тушунгувчи, юпатгувчи ягона касга - олисларда қолган паноҳига гойибона дил ёрди:

- Мен нега бундай яралдим?!

* * *

- Сан ўзи гўдаклигингдан шундай эдинг. Бошқаларга ўхшамаганинг учун ўқинма, аслида улар санга ўхшай олишмайди. Сан ҳам бугунча ётиб қолавер, қизим, кенг уйимга ҳамиша сиғасан, ана, кўрдингми, синглингнинг ҳам авзойидан афтоб мўралаб қолди. Қолавер, қайнонанг кетини судраб бориб, амаллаб авқотини пишириб ер. Гала етимнинг орасида ёлчиб авқот ҳам еёлмай рангингдан адашиб қолибсан, қизгина. Еб тўймас қайниларинг ҳам ўлгудай сук-ачофат, авқотни кўрсалар юзлари билан туша қоладилар, шунчаки ютиниб қўйсанг ҳам балога қоласан - “Оғзингиздаги нима?” дея бақрайишади. Ўзи ношудни ёмон кўрардим, келиб-келиб сангина ношуд, пияниста бир гўрсўхтага тушиб қол-

динг-а. Эпчилнинг ризқини эгам дарахтнинг учига илиб қўяркан, эпсизникини аёгининг остига ташлаб қўяркан. Эпчил интилиб-интилиб ўз ризқини олиб еяркан, сани эрингга ўхшаган ношудлар бўлса аёгини остидаги ризқини ҳам эплаб ёёлмай, злга шумшук бўларкан. Агар пул билан одамнинг пешонасини тўгрилаб бўлганида, сани эрингникини тўгриласа бўларди. Ўғилдир, қиздир, қадамидан ўт чақнайдиган бўлса экан. Рўзгорда минг қақшаб қолсанглар ҳам сандигингиздаги ёғ бор эди, туз бор эди, ун бор эди, гуруч бор эдилардан бир чимдим-бир чимдимдан олиб қўйинглар, ютаб ўлиб бораётган бўлсанглар ҳам ўшагина нарса турсин - ўрни бўшамасин, узилиш бўлмай турса, тезда қайта тўлади. Ман ҳамиша гўдақ укаларингга ҳам уқтираманки, кўчадан келаётуб бир кафт тутроқ бўлса ҳам обкелавер, ўша билан битта чуқурчоғинг тўлади, деб. Сан ҳам Мубор калнинг гапини айтасан, бачам, кал бўлса ҳам гапи тубли унинг. “Нега кал?” Ҳа, энди, кал бўлмаса ҳам “кал” дейман-да, ёқмаганидан кейин. Унинг ҳам эри ичувчи, сани тирик товонингга ўхшаб. Тўрут дона картишка сўраб чиқсан экан, тилёгламалик қилиб: “Жуда гапга чечансиз-да, бийи, нақлу маталлар билан ҳошиясини бежаб гапирасиз”, дейди. “Чеварман-да” дедим ман ҳам. Дадангни ҳам одам қилгунча эсим кетди-ку. Кўрмайсанми, энди унга бир хунук лақаб қўйиб олишибдики, хунукдан хунук. Косанг оқармагурлар. Хай, омборчи бўлса, ҳай, нимкоронги омборда уззукун гимирлайвериб кўзлари хирадлашиб қолган бўлса нима қипти? Биласан, даданг уйга ҳам кам келади. Бу гапни тағин ўша Мубор кал ўтган йил аччиқланаб дадангни уйга киритмай қўйган кунларимда айтиб берганди. Кўзлари ниманингдир таъмасида йилтираб туармиш. Нима эмиш, буюм сўраб киргандарни ичкари йўлатмай эшик ёнида тўхтатармиш, кўзлари хирароқ бўлгани учун буюмларнинг қофоз ёрликларини ўқий олмай, тахланган ёғоч қутиларга тармашиб, уларнинг тирқишидан мўралаб, исказ қўрармиш, қоғозга ўралган нарсаларнинг баъзан бир четидан тешиб ялаб қўрармишу, уларнинг нималигини билармиш, кейин уриниб-суриниб қутиларни ўзи кўтариб чиқармиш. “Ажаб қилади”, дедим шақ-шак Мубор калга. Гўлабирдан келгани, суяги бузуқлиги, елкалари бироз эзиклигига қўлларининг узун-узунлиги, лунжлари осилган катта юзи ҳам баайни шу лақабга мос эмиш. Тилёгламалик қилиб манга ёқаман, демай ўл, деб Мубор кални қувиб солдим. Вой нима бўларди “каламуш” деб лақаб қўйишибти экан-да, яшшамагурлар.

- Бийи, бугун-чи, жисмоний тарбия дарсида муаллимни идорага чақириб қолишувди, у қисқа масофага чопаётган қизларнинг

күрсаткичларини ёзаётган дафтарини менинг қўлимга тутқазиб «Ma, сен ёзиб тур, сенинг ичинг қорароқ» деб кулди, ҳазилими, чиними билолмадим-ку, аммо қизларнинг ичида роса ўсал бўлдим.

- Вой, мунча қўпол бўлмаса-я, бийижон, гапини совуқлигини қаранг, муаллим деган ҳам шунаقا бўладими? Дафтарини юзига отиб юбормадингми, сингилжон.

- Шуни айтгин, ҳақорат қиласа ҳам чурк этмай тураверган-да. Тилинг кесулгурга боплаб жавоб қайтармайсанми? И-и, ана шунаقا-да бу... ўшандаги йиглашинг керак эди, йиглаб қошимга келишинг керак эди ман бориб ўша муаллимингни обрўйини бир пулга тенг қилиб келардим. Обидийда қиласи бу. Майли, ҳалиям бўлса эртага бориб бир тузлаб келаман яшшамагурни. Илоё тилгинанг заҳар бўлмай ўл, мирзакуруқ.

- Битта у эмас, бошқа муаллимлар ҳам мани ёқтиришмайди. Уларнинг ҳаммаси, синфимиздаги қизлар ҳам, бачалар ҳам Боки-рани яхши кўришади. Мандан ўзларини четга тортишади. Айтган-ман-ку, охир.

- Ўша Бокиранинг қаери ортиқ экан сандан. Доим йўлингга тўғаноқ бўлгани бўлган, жодугар-да, жодугар. Ҳаммани ўзига оғдириб олади. Бийисидан ўтган унга ҳам.

- Кечаки бўлса Зарнигор мани “Чақимчи” деб ҳақоратлади, қизлар мани яккалаб қўйишди. Ман нега бошқачаман-а, бийижон. Бошқалар манга... гўл бўлиб туюлаверади, ўзим бўлсан бошқалар кўрмайдиган иллатларни ҳам дарров сезиб қоламан, ёки бошқалар булашиб билишса ҳам индашмайдими? Ман бўлсан, сира чидаб тура олмайман, фош қилмагунча ичим қизиб кетаверади. Улар бўлсан мани “сотқин” деб аташяпти. Қалбакиликка чидай олмасам нима қилай? Кимдир, ўртоқларимдан бирори осонгина бир нимага эришса, ичим ёниб кетгандай бўлади. Айниқса Боки-рани ёмон кўраман, у истаган нарсасига осонгина эга бўлаверади.

- Бийим ҳам ҳеч бир нарсада ундан орқада қолиб кетишингни истамайдилар-ку, Ҳилол. У нимаики янги кийса, санга ҳам олиб берадилар. Яна нимада сандан ўтиб кетяпти?

- Фақат кийим эмас-да.. Нима десам экан... ўзим ҳам ундан ўтиб кетишига, ҳеч йўқ, орқада қолмасликка харакат қиласман. Бежиримроқ ручками, шунга ўхшаш майдачуда нарсалари ҳам кўзимни куйдириб, юрагимни ўртагандай бўлади, ман ҳам худди ўшанақасидан сотиб оламан. Лекин, барибир ... сотиб олиб бўлмайдиган нарсалар ҳам бор экан-да.. Нега унинг ўртоқлари кўп-ку, маники йўқ? Нимага ҳамма унга талпинади, мандан бўлса ўзини олиб қочишади? Шунга ҳеч тушуна олмайман.

- Нимасига тушунмайсан? Айтдим-ку санга, у жодугар, деб. Зоти шунақа асли. Бийиси шунақа, бийисининг бийиси ҳам шунақа бўлган. Одамни ўзига оғдириб олади. Тилёглама тулка-да. Сен бўлсанг, ҳақгўйсан, бачам. ҳақгўйларни ҳеч ким ёқтирумайди ўзи. Айёр бўлиш керак.

- Ўша ичиқорани яна дугонам, деб юрибсан-а сингилжон.

- Нима қиласай, қўшни бўлсак, ўзи ман билан доим бирдай ўртоқ бўлиб келаётган бўлса.. Уришиб қолсак, бошқалардай дарров қочиб кетмаётган бўлса, Ахир, кимдир мангаям ўртоқ бўлиши керак-ку.

- Опанг билан сани ўртангда тўртта бачам турмади. Сани умрингни худодан тилаб-тилаб олганман. Гўдаклигиндан папалаб ўстирдим. Исмингни ҳам дастлаб опангга эргашиб юргин деб Эргашхон кўювдим. Эсингни таниб, кўчада ўйнай бошлаганингдан кейин, бачалар мазах қилиб кун беришмаяпти, деб йиглаб келавердинг-келавердинг. Исмингни ўзгартиридик, шундай қилиб сан Ҳилолага айландинг. Ўзи, кичикилигиндан чиройли нарсаларга ўч бўлдинг. Ёқтириб қолган нарсанг ўзингники бўлишини истардинг ва олдирмагунча дийдиёнг тугай демасди. Опанг тўғри айтди, Бокира нимаики янги кийган бўлса, сангаям олиб берганман, ҳатто, ундан ошириб ҳам кийинтириб келганман. Ман ҳам ҳеч бир нарсада ундан қолиб кетишингни истамайман, ба-чам.

"Эзгуликка умид" дан.

Чинор аммам болалик хотирамда нурли из колдирган.

Огушларида чиройли, меҳрибон сиймосидан кўз узмай, майин, таъсирили товушига қулоқ бериб ётарканман, ҳикоя-эртаклари, қасида-марсиялари тушларимга ұланар, унинг сокин саси тушларимга ҳам оқиб кирарди:

... талагану топтаган ётлар, эл кўзини очган эр зотлар, сўлиқ билан сув ичган отлар, этик билан сув кечган мардлар, от-отлар, дод-додлар-киргинбаротлар... Ёдлар, ёдлар, ёдлар...

Эсимни таний бошлаган кезларимдан Чинор аммам менга арабий имлони ўргата бошлади... Сургундан қайтганларидан сўнг ҳам "Халқ душманининг тирноқлари" деган тамгадан кутула олишмаган, совчи чиқавермагач, аммамни ноилож, ёши ўтиброк қолган бир кишига турмушга узатишган. Фарзанд кўрмаганлари сабаб чолининг Вафотидан сўнг аммам ёлгиз қолган Ва тагин биз билан яшай бошлаган. Бу пайтда катта амакимиз Ва янгамиз оламдан ўтган эдилар.

Мен ота-онамдан кўра аммам билан кўпроқ бирга бўлар, Улуғ Бобом ва унинг китоби тарихини ҳам қайта-қайта аммамнинг оғзидан эшишган эдим. Дадам бу ҳақда умуман оғиз очмасди. Оқ-корани таний бошлаганимдан сўнг “Нега шунака?” дея аммамдан сўрадим. Аммам менга шундай ҳикоя қилиб бердилар:

Иним, яъни сенинг даданг оиласизнинг кенжаси эди. Отамиздан жудо қилганларида у ҳали жуда ёш, гўдак бола эди. Сургунда амаким ва мен муттасил иш билан, тирикчилик ташвишлиари билан банд бўлганимиз боис үнга тузукроқ тарбия берадиган одам йўқ ҳисоби эди. У кўп вақтини сукутда ўтказарди. Мен үнинг индамаслигига ажабланардим. Фаҳмимча, НКВД қамоқхоналаридан, сургунларда үнинг қалбига мислсиз қўркуз чўкканди. У бу қўркуздан бир умр қутула олмай ўтди. Қалтису бекарор замонининг қуткуларидан кўрқарди. Иложи бўлса, ўтмииш билан бөглаб турган ҳамма ришталардан бирданига ҳолос бўлишни, тинч, хотиржам яшаши истарди. Мургаклигидан кўп азобларга гирифтор бўлгани боис үнга машаққатлардан сўнг топган озгини баҳти омонат туюларди. Еб турган нони ҳам, кўраётган куни ҳам омонат туюларди. Отамиз үнга Мұҳаммад Аминбек деган улугвор исм қўйгандилар. Кейинроқ у Мұҳаммадаминбек деб чақиришларидан ҳам чўчий бошлади ва исмини гўё замонга мослаб Дамин деб ўзгартириб олди. Унинг чало-ярим илми-ю эътиқоди ҳам “Дамин” га мос - ёрти эди. Қалбининг қолган ярмини қўркуз ва ҳадик тўлдирганди. Мен үнга “Нега бундай қиласан?” десам, у менга “Асли “Дамин” деганларидан ҳам ҳавотирга тушаман, ўтмиишнинг мана шу кичик риштасидан ҳам қутисаму бутунлай исмсиз қолсан ҳам майлийди, ўшанда бутунлай бехавотир юрадим”, дерди. Оталарни фарзандлар ковла-ковла қилмайдилар. Бунга ҳақлари йўқ. Аммо оиласиз, шажарамиз тарихини ёзишда холис бўлиш учун ушбу сянчли тарих, отажоним тақдирини ҳаспўшлаб ўтолмадим. Чунки отам раҳматлини қалбининг ярмидаги ана шу қўркуз қурбон қилди. Эски қутқуларнинг ҳуружи қайта қўзголганида, ўша қўркуз кучайиб кетиб, бечора отамнинг бутун қалбини қоплаган ва бу ҳуружга үнинг юраги дош бера олмаган. Отамдан икки-уч йил кейин мушфиқа онам ҳам касаллик орқасидан қазо қилдилар ва мен Чинор аммам билан қолдим.

Чинор аммам Улуғ Бобом тарихини йиғлаб ҳикоя қилиб берарди. “Биз, албатта, ўша китобни топишимиш керак”, дерди у. Йиллар ўтиб, биз аммам билан Бухорога бордик. Мен түгилмасимдан илгари ҳам аммаларим бир-икки бора Бухорога бо-

ришган ва Улуг Бобом тақдирини билишга үринишган, китобни қидиришган. Аммамнинг аниқлашича, Улуг Бобом Бухорога етиб боргандаридан сўнг, бир неча кун ўтгач, ҳукумат одамлари Порсо маҳсумнинг ҳам үйини босишган, Улуг Бобом ва Порсо маҳсумни ҳибсга олишган. Аммо ҳарчанд үринмасин, Улуг Бобом тақдирини ойдинлаштира олмаган. Баъзи шоҳидликларга қура, хибсга олинган уламо ва арбабларни Тошкентга олиб кетишган, бирок Тошкентда-да Улуг Бобомнинг сўнгги изларини тополмаган. Порсо маҳсум Ҳуил-қизларининг кейинги тақдирни ҳам аммам, оталаримнини янглиг кечипти. Уй-жойлари мусодара қилинган, ўзлари қама-қамалардан сўнг, узок ўлкаларга сурғун қилиб юборилган. Чинор аммам Порсо маҳсум фарзандларининг сурғундан кейинги яшаш манзилларини аниқлай олмай ноумид орпига қайтган...

Ўшанда, илк бора Бухорога қандайдир зиёратчилар автобусида кириб борганимизда тун ярмидан оғган, мен қаттиқ ўриндиққа қалишиб пинакка кетгандим. Ҳамроҳларнинг ҳаяжон или “Бухоро, Бухоро!” деган хитобидан уйгониб кетдим. Ойна орқали тун чадрасига буркалган Бухорони томоша қиларканман, гўё эртаклар оламига кириб бораётгандай ҳис қилдим ўзимни. Тунги шаҳар руҳи бола кўзларим билан менинг қалбимга кирди. Ва ҳар гал улоғда Бухорога ҳоҳ уйгоқ, ҳоҳ ухлаб кириб борарканман, қулоқларим остида болалигимдаги ўша ҳаяжонли хитобни эшиштаман “Бухоро, Бухоро!”

* * *

- Икки қалб бир-бирига
- интиқсалар...
- талпинсалар...
- тошсалар... -

Бу дарднинг номи не?...

Ошиқ йигит... Не савдолар тушди бошингга? Шу ёшга етгунингга қадар ҳаёт йўлингда не мураккабликларни кўрмадинг, не синовларга дуч келмадинг. Уларни енгib ўтгунингча қуоқ қора сочларингга эрта қиров инди.

Не қизларга йўлиқмадинг йўлингда. Ҳеч бирига кўнглинг илимади.

Қалбинг гўзалликка ошуфта эди. Осмон, ер, осмону ер аро яшнаган олам, борлиқ мавжудот, инсонлар-да - ҳайрат эдилар

туганмас. Эрта баҳор дунёга кўз очган бодомнинг илк ғунчалари - севинч эдилар тубсиз. Навниҳолларда бўртган тириклик куртаклари - мўъжиза эдилар чинакам. Силаб-сийпалардинг, суйиб, ардоқлаб. Шира-шарбат диёридаги боларидай мамнун тўйинардинг. Тирикликка Чинор амманг ўргатганидай шукроналар айтардинг. Кеч кузда сайёр қушлар галаси ҳазин хўшлашиб олис, номаълум маъволарга хижрат айласалар титроққа тушардинг. Ҳисларингга оппок қоғозлар сирдош бўларди баъзан, Йилт этган гўзалликка шу қадар ташна здинг... Аммо... ўйлаганидинг ҳеч, қиз болага шунчалик кўнгил бериб қўйишни? Борлик-борлигинг билан унинг хаёлига боғланниб қолишини - банди бўлишини? Ўйларинг қўнимидан, жонинг ҳаловатидан айро тушиб, азобларга қолишингни? Бахтни унинг васлида кўришини? Ўйлаганидинг ҳеч? Ўйлаган бўлсанг ҳам инонмагансан. Дунёда шундай қиз борлигига инонмагансан.

Маъшуқа қиз... Сенга не бўлди? Хаёлларинг паришон, руҳинг мувозанати қалқкан?

Мўъжизага ишонардинг, мўъжизани кутиб яшардинг, мўъжизаси шулмикан? Қанча йигитлар ортингдан чопдилар... Қанчаси қошибингда кўнгил ёрдилар. Титраб, ёлвориб, йигламоқдан бери бўлиб сендан шафқат тиладилар, сендан муҳаббат сўрадилар. Кўнмадинг. Ойлаб ортингдан соядек зргашдилар... Қўрслик ҳам қилиб кўрдилар, чарслик ҳам. Аразлаб ҳам кетдилар гўдак мисол, зардалаб ҳам. Пойингга бош уриб, тагин қайтдилар. Қайтдилар ва айтдилар: “Ёш жонимга қасд қиласман, уволимга қоласиз”. Парво қилмадинг. Қасамлар ичдилар, ваъдалар бердилар оламу жаҳон, ҳатто, наслу наслабин, шароитин пеша қилиб мақтандилар ҳам. Кўнглинг илимади. Таъсирчан йигитлар оқ қоғозларга ҳисларин тўкиб, узун-узун ишқий мактублар ёздилар, қасидалар бағишлидилар, мувашшахлар битдилар, гулдасталар қўйнига солдилар-у сенга тутдилар. Қиё боқмадинг. Узун кечалар сенинг гийбатинг билан, сенинг ҳасратинг билан соч оқартириди... Сени магрурликда, тошбағирлиқда, ҳатто, ҳиссизликда айбладилар ...

Мана энди... ўша “тош” бағринг нурга йўғрилгандай бўлди... Қалбинг тилаганим, кутганим шу, деди. Сен қалбингга инондинг. Чунки у бошқалар ўйлаганидек ва сўйлаганидек беҳис, одамларни ёлвотиришга иштиёқманд эмасди. У гулдек нозик эди, эзгуликларга таъсирчан эди. Уни ларзага солиб, мувозанатидан чиқарган ҳолат ҳам Самандарнинг олийжаноблиги бўлди.

Икки қалб бир-бирига интилсалар, талпинсалар, тошсалар - бу дардинг номи не? Ишқми ё муҳаббат? Бу дардинг давоси не? Хаёлми ё висол?

Энди икков кунда, кунора учрашадилар. Кўчаларда, хиёбонларда бирга кезадилар. Айро йўллар туташганди. Юраклар ҳамоҳант тепиб, ўзларини учраштирган тақдирга, қайта топиштирган ўша ёмғири кунга шукроналар айтадилар. Бир умр бир-бирига айтиш учун йигиб юрган дардларидан сухбат айлардилар. Диллар мажлиси - баҳт ва қувонч изхори эди. Дунё севгувчи нигоҳларда зъозоз ва ардоқ топарди. Энди сукутлар-да ўшандоқ латиф ва маъноли эди. Энди хатти харакатлар-да илтифот ва назокат лаҳжасида изҳорлашадилар. Ҳижронга сира-сира чидай олишмасди. Ҳайрлашув соғинчга туташарди дарров... Масъуд здилар. Ўйлардиларки, асли барча инсонлар беғараз, барча баҳтта муносиб, бу дунёда барча ззгуликка умид ила яшайди.

Ўзларининг баҳти кимгадир жуда-жуда малол келаётганини, уларни куйиб, ўртаниб кузатаётган кўзлар борлигини пайқашмасди. Бокира соддалигига бориб, охирги марта тортишиб қолганимизда орани очик қилиб олдик, дугонам ҳаммасини тўғри тушуниб инсофга келиб қолади, дея ўйларди. У баҳтиёр эди. Унча-мунча икир-чикирни парвосига келтирмасди. Орадаги совуқчиликни дилкашлик ва некбинлик ила кўтариб ташламоқчи бўларди. Эгилиб Ҳилолани кучар, гуноҳкорона табассум ила унинг кўзларига термуларди: “Айт, мен нима қиласай, ахир? Ўртоқжон, ундан кеча олмайман, лекин сендан ҳам кеча олмайман.” Ҳилола унинг самимиятини тушунмасди. “Бунинг жодугарлигини қара, - дея баттар ўртанарди у. - Буқаламундай турланади. Отишга ўқи йўқ-ку. Мен сира бундай қила олмаган бўлардим. Ёмон кўрган одамимга ҳеч қачон суйкала олмасдим.” Бокира суюб унинг тумтайган юзларидан ўпарди: “Жонингдан кеч, дессанг кечаман, аммо... ундан кеча олмайман”. Ҳилола ижирганарди, дугонасини итариб юбориб, унинг огушидан чиқарди: “Ким сенга жонингдан кеч деяпти?! Менга сенинг жонинг керак эмас! Умуман, мендан нима истайсан ўзи?!” Бокира Ҳилоланинг терс гапларини инжиқлилка йўярди. Аммо энди Ҳилоланинг унга нисбатан кичкиналигидан бўлган файирлиги-да ҳолва бўлиб қолганди. Энди Ҳилола дугонасини бутун вужуди ила ёмон кўриб қолган, унга Бокиранинг турган-битгани иллат бўлиб, босган ҳар бир қадами ўзига нисбатан қилинаётган қитмирлик бўлиб кўрина бошлаган эди. “Яна нега бундай ғаламисларнинг иши юришаверади”, дея фигони фалакка ўрлар, ўйлаб-ўйлаб иситмаси чиқиб кетарди. Энди андишани йигишишиб қўйиб, Бокирани орқасидан ёмонлашга ўтганди. Шу йўл билан унинг обрўсини тўқяпман, дея бадҳоҳлик ила кулиб қўярди. Ўзининг янада майдакаш бўлиб, гийбатчига айланиб бораётганини билмасди. Эшитаёттанлар синфдош дугонасини гийбат қиласвергани учун, авва-

ло, ўзининг устидан кулаётгандарини сезмасди. Кечқурун уйқуга ётганларида “Бунча азоблар ким туфайли? Не учун” дея хаёли ўқтин-ўқтин бузилар, ўртанар, шартта ўрнидан туриб кетишдан, кўнглидаги йигилиб қолган зардобни Бокиранинг юзига тўкиб-тўкиб солишдан базур ўзини тийиб қоларди. Ичига ютарди.

* * *

Сиёсатдонлик бўлимида “Даҳрийлик” дарсига ҳам салмоқли соатлар ажратилган бўлиб, ушбу “фан”дан олифта, шипиллаган бир фан номзоди маъруза ўқирди. Бу йигит кўп нарсада профессор Гиртмакка тақлид қиласарди. Илк маърузалари давомида у виждан ва диёнат хусусида шавқ ила тўлқинланиб сўзлади. Шу боис талабаларда рисоладагидай одам тасаввурини уйготиб, унча-мунча хурмат ҳам қозонди. Аммо қиши имтихонлар давридаёқ унинг пуллама обрусининг ели чиқиб кетди. Олимнинг диёнат борасидаги баландпарвоз фикрлари тил учидаги гаплар экан, холбс. Бунга ўша имтихонлар пайти ҳамма амин бўлди.

Ўша куни эрталаб Шоди “Даҳрийлик”дан имтихон топширилаётган аудитория эшигига сиртдан “Эй, Оллоҳ, ўзинг мададкор бўлгин,” деган ёзувни ёпишириб қўйиб, ҳаммани кулдирди. Бироқ кулиб кирган талабаларнинг кўпчилиги ичкаридан қовоқ-тумшуқлари осилиб қайтиб чиқишиди. Домла билетдан ташқари бўларбўйлас саволлар бериб, уларни “йиқитганди”. “Йиқилганлар”нинг аксарияти йигитлар эди. Қайта топшириш куни домла имтихонга курсбошини ҳам аралаштирмай, “қарздорлар”ни якка-якка қабул қилди. Қайтиб чиқишигач, баъзилар кулиб, баъзилар гижиниб айтишдики, домла уёқ-бўёқдан айлантириб тагин қийин саволлардан берипти-да, кейин очиқчасига “Неча баҳо керак ўзи?” деб сўрапти. “Тўрт” деганларга “Тўрт бўлса буёғиям тўрт-да” депти бармоқларини қисирлатиб. Имтихон дафтарчасини қатидаги қирқ сўм иловаси билан қабул қилиб олиб келишилган баҳони қўйиб берипти. Ана шу тартибда “уч”га рози бўлганлардан ўттиз сўмдан олипти. Шундан кейин олимнинг маърузалари ичидаги ҳалоллик ва тўғриликка оид оташин гоялари талабалар юзига изтехзо уругларини сепадиган бўлди.

Домланинг ўзи ҳам ўша имтихон вақтидаги баъзи тафсилотлар сабаб айрим талабаларни яхши эслаб қолди. Имтихон охирроғида кирган “тўрт”га даъвогар талабалардан бири билибми-билмайми имтихон дафтарчаси қатига қирқ сўм ўрнига қирқ беш сўм солиб қўйипти. Олим мийигида кулиб, талабанинг юзига назар ташлаб қўйди. Бешни қайтармади.“Ким айтипти ўнга меъёрни буз-

син деб, - дея үйлади у. - Майли, бирорта семинар дарсида “беш” билан бешини узиворарман. Энди сиз бизни қарздор қилиб қўйдингиз... Қирқ бешов“. Олим талаба исм-шарифини ўқиш учун дафтарчага қараб ўтиrmади, унга ихтиёrsиз тарзда шундай ном тиркаб қўиди. Талабанинг исм-шариfinи кейин ҳам эслаб қолмади, унга бунинг қизиги ҳам йўқ эди. Талаба “Қирқ бешов“ бўлиб, унинг ёдида қолди. Ҳар гал ичида уни шундай атаб завқланар, мийигида кулиб қўярди. Бир гал, ҳатто, маъруза орасида жаҳли чиқиб «Гаплашмай ўтилинг, ҳой, Қирқ бешов» деб юборишига жиндай қолди. Яхши вақтида хушини йигиб, гапининг ундалмасини ичида узиб қолдиришга улгурди. Ўша имтиҳонда яна бир талаба “Домла, сизга адам салом айтиб юбордилар”, деб қолди. Олимнинг “Адангиз ким?” деган саволига талаба унинг бир таниши исмини айтди. Бу таниши амалдор бўлмаса-да, ўз соҳаси бўйича яхшигина уста эди. Олим доимий мижоз сифатида унинг устахонасига йўли тушиб турар, ҳожатбарор уста унинг ишларини навлатсиз, кўнгилдагидай қилиб битказиб берарди. Агар олим чўнтақ ковлай бошласа, уста “ҳафа бўлиб” қоларди. Ўша “ҳафа бўлганлари” ҳаққи, олим устанинг ўғлини курсанд қилиб чиқариб юборди. “Шу болани яхшилаб эслаб қолайин, у фойдали одамнинг ўғли экан”, - дея кўнглидан ўтказди олим. Фойдалининг ўғли ким бўларди - Фойдалиев-да! Ҳа - Мамадалиевdir, ҳа - Сайдалиевdir, унинг учун эса Фойдалиев бўлгани маъкул. Тўгри-да, ҳар йили қанча талабалар қўлдан чиқади. Уларнинг исм-шарифининг нима қизиги бор, магар моддий жиҳатдан қизиги бўлмаса. Ҳамма нарсани моддият мезони билан ўлчаш керак. Ахир, бизлар бежиз моддияончи эмасмиз! Нафсилаамрини айтганда, қишки имтиҳонлардан олимнинг нафси қонмади. Бу имтиҳонлар моддияончилик мезонлари нуқтаи назаридан талаб даражасида эмасди. “Қишки мавсум уччалик баракали бўлмади, - дея қайд қилди у ўзича. - Ҳудосизликда жуда билимдон бўлиб кетяпти чоги бу худобехабарлар. Яхши ўқитворяпмиз чоги. Майли, ёзгисида қишигининг ҳам ҳиссасини чиқариб оламиз, худо хоҳласа“.

Олим думалоқ маърузахонага шипиллаб кириб, минбарга жойлашиб олгач, дарсликдан юлқилган чала-ярим фикрлар ва моддияончи файласуфлар бисотидан ўғирланган кўчирма гапларни чайиб, ҳосил бўлган мағзувани дунё динлари устидан тўка кетарди.

- Маълумингизким, ҳар қандай дин пуч бир нарса, такбир, - кечирасизлар, таъбир айтиш жоиз бўлса, дин инсонни яратмаган, балки инсон динни яратган. Яъни, айнан: дин табиат ва жамият стихияларининг инсон онгидаги хаёлий инъикосидир. Ҳозир бутун

дунёда беш мингдан ортиқроқ дин ва мазҳаблар бор...

У бармогини кўкка бигиз қилганича қизғин нутқ ирод қилас, бироқ энди талабалар уни деярли тинглашмас, шавқли хитоблари дилларни чимиллатмасди.

Бир гал дарсда шундай воқеа юз берди. Олим ислом динининг вужудга келиш тарихини моддийончилик нуқтаи назаридан баён қилиб берәётганди:

- 7 аср бошларида объектив зарурат туфайли диний-сиёсий идеология бўлиб юзага келган ислом янги диний система сифатида монотеистик ғояга асосланган эди. Унинг келиб чиқиши 6 аср охири ва-7 аср бошларида Арабистон ярим оролида юз берган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар билан бөглиқ. Саҳроларда кўчманчи чорвачилик билан шуғулланган араб қабилалари ўртасида бу даврда патриархал уругчилик-қабилачилик тузуми емирилиш ва синфий муносабатларнинг таркиб топиш даври бошланган эди. Ўша муҳитда қабилавий маҳдудлик ғоясига асосланган мушрикийлик эътиқодлари ҳукмрон эди. Араб қабилалари орасида Макка шаҳрининг диний марказ сифатида роли анча юқори эди. Маккадаги Каъба ибодатхонасида энг катта қора тошдан ташқари ҳар бир қабиланинг аравоҳлар ва худоларини ифодоловчи фетишлари - тошдан ясалган уч юз олтмишта санамлари жой олган. 6 аср охири, 7 аср бошларида Арабистонда майдонга чиққан ханифлар маҳаллий қабила худоларига уларнинг санамларига эмас, ягона худога итоат қилишга даъват этганлар. Уларнинг монотеистик ғояларини дастлабки пайтда саҳрои араблар қабул қилмаганлар, билъакс, улар ўзларининг қабила худолари бўлган санамларга, яъни тош ҳайкалчаларга сигинишда давом этганлар...

Бу асли семинар дарси бўлса-да, олим профессор Фирмакка тақлидан уни давомлигина маъруза билан очганди. Маърузасини яқунлагач, энг олдинда ўтирган дадилгина бир қиз савол бериш учун қўл кўтарди. Бу қизнинг оғзи қийшиқ эди, бироқ унинг қийшиқ оғзи тўғри гаплар чиқаришга монеълик қилмас, баъзан бундай гаплар анчайин қалтис ҳам чиқарди. Қиз қалтис гапириб юборган кезларида ҳам жабр тортганини бирор кўрмаган, сабаби оддийгина - у ўта йирик бир амалдорнинг фарзанди эди.

- Кечирасиз, домла, қизгин маърузангиз асносида ғалати бир савол туғилиб қолдики, уни ошкор этмасак, барибир, бўлмайди,

- деди қиз қийшиқ табассум билан юзининг ўнг қисмини обод айлаб.

- Марҳамат, - дея олим олифталик билан соchlарини тўғрилаб қўйди.

- Ҳозиргина сиз баъдавийлар тошдан ўзларига ҳайкалчалар, яъни қўлбola худолар ясаб, ўшаларга сигинганлар, дедингиз, - дея давом этди қиз. - Бу ҳайкалчалар худолардан ташқари арвоҳларни ҳам ифодалаган экан. Галати фикр шуки, бизлар ҳам тараққиётнинг спиралсимон ҳаракатида, ёки ўзбекча қилиб айтадиган бўлсак, бу чархпалак дунёда ўша баъдавийларга ўхшаб қолмадикмикан? Ахир, бизлар ҳам тош ҳайкалларга сигинамизку, ҳамма жойда ҳайкаллар, ҳайкалчалар. Тўғри, улар дохийларимизники, аммо, барибир, ҳайкаллар-да, уларга сигинишимиз ҳам факт. Ҳисоблаб чиқилса, бизники уч юз олтмиштадан ҳам анча ортиб кетади. Адашмасам, ўзингизнинг столингиз устида ҳам ўшанақа ҳайкалча бор...

- Қандай тилингиз борди?! - олимнинг кўзлари ола-кула бўлиб, қизга қичқирапкан, соchlари силкиниб, тагин пешонасини беркитди. - Бу қандай бемаъни савол?!

Қиз пинагини бузмади.

- Саволимни тугатиб олай, домлажон, -деди у тагин қийшиқ жилмайиб. - Мен айтмоқчиманки, бизнинг бу... эътиқодимиз, деймизми, - худо ясовчилик ёки монотеистик неофетишизм змасмикан?

- Шаккоклик қилманг! - деди олим ранги учиб.

- Шаккокликни сиздан ўрганяпмиз-ку, домлажон, - деди қиз таптортмай.

- Мен қачон шаккоклик қилипман?! - олимнинг баттар зардаси қайнади.

- Ахир фанингиз “Шаккоклик” ми?

- “Шаккоклик” эмас, “Даҳрийлик”! “Шаккоклик” - диндорларнинг ўйлаб топган ибораси. Бизники - “Илмий даҳрийлик”. Мафкурангиз чатоқ! Гапларингиз мантиққа зид, улардан афюннинг ҳиди келяпти. Мен керакли ўртоқларни бундан воқиф этаман. Ўтиринг!

“Замон нафасининг жиндай илиб келаётганини элдан бурун сездингми, юмронқозиқ, - дея ичиди қаҳри қўпди олимнинг. -Майли, пайти келиб шундай адабингни берайки, додингни худога айтгин, жин чалган, тасқара!..”

* * *

У дераза қаршисида қўл қовуштирганича, ташқарига кўз тиккан, рўпарасидаги манзарани томоша қилаётгандай туюлса-да, аслида қўзлари бир нуқтага қадалиб, чукур хаёлга толганди. Бокира шутобда Самандар билан университет маданият саройида бўладиган Шоирнинг адабий кечасига кетди. Иккови ҳам бу Шоирни жуда

яхши кўришармиш, унинг шеърларини ва ғазалларини ёдлаб катта бўлишганмиш. Дидларингни бир-бирига пой-пatak қилмай ўл. Уларнинг кетидан Шоди билан Душвор ҳам узун-қисқа бўлиб, лўкиллаб жўнашди. Ҳилола бормади. Ҳозир унинг кўнглига шеър сиғмасди.

... Муносабатлари сира ўнгланмади. Узоқлашиб боравердилар. Илгарилари тез-тез тортишиб қолсалар-да, аммо ҳартугул эл кўзига “синфдош дугоналар” эдилар. Энди улар камроқ бирга бўлишар, муомалалари ҳам совуқ, расмий тус олганди. Уларни яқиндан билган қўшни қизлар, курсдошлар, болалиқдан бирга ўсган бу икки дугонанинг ўзаро пардали муносабатларига ҳайрон қолишарди. Вакт ҳамма дардга табиб, дейдилар, аммо вақт ўтиши билан ҳам Ҳилоланинг дарди енгиллашмаётган эди. У Самандарни унута олмади. Ундан кеча олмади. Бокирани у билан бирга кўрганида ич-ичидан куйиб кетишлари сўнмади. Бокирани ёзғирар, уни жодугарликда, ичиқораликда, енгилтаклиқда, айблар, анчадан буён Бокира тимсолида энг катта душманини кўрарди. Жиззакилиги янада ортган, ўрни келиб қолса, дугонасини чақиб-чақиб оларди. Иккисининг гаплари қовушмас, агар Бокира ҳам унинг кўрслигига мослаб муомала қилса, ўртада чақин чиқиб кетиши ҳеч гап эмасди. Бироқ Бокира паст келарди.

Барибир яқинда улар қаттиқ жанжаллашиб қолишди.

- Нега аччиқ қилаверасан? - деди Бокира тоқати тоқ бўлиб, - Одамни эзиб юбординг-ку.

- Мен сени эзиб юбордимми?! Кўй, гапни чўзаверма. Мен, умуман, гаплашишни хоҳламайман. Мени тинч қўйсанг, бўлди.

- Ҳалиям мен сенга ёпишиб олаётганим йўқ.

- Ёпишиб оляпсан!

- Бўпти, энди ёпишмайман, хотиржам бўл, - деди Бокира ўзини босиб. - Кулоқ сол, сенга бир гап айтаман. Эсингдами, илк учрашувимизда, бизни безорилардан қутқариб, гойиб бўлиб қолган куни сен уни “Хизр бова эмасмикан?” дегандинг... Биласанми, сен ҳак экансан, у чиндан ҳам Хизр бова экан.

Бокира бир муддат тин олди. Ҳилола кўзларини катта-катта очиб анграйиб қолганди.

- У Хизр экан, - давом этди Бокира. - Бир ҳақиқатни англадим: ҳар бир инсон учун, ҳар бир қалб учун ўз ҳамроҳини топиш ҳазрати Хизрни топиш билан баробар экан.

Бокира илкис бош кўтарган Ҳилоланинг кўзларидаги унсиз зътиrozни тушунди. Унинг кўнгли юмшади.

- Ахир, айтдим-ку, мен ундан кечолмайман, жонингдан кеч десанг, кечаман, аммо ундан кеча олмайман, - деди у Ҳилоланинг кўзларига ёлворгандай тикилиб.

- Менга сенинг жонинг керак эмас! Жонинг ўзингга сийлов. - Бокиранинг ялинувчан оҳангдаги ошкора иқрори акс таъсир берди. Ҳилола асабий титраб қичқиришга тушди. - Биламан, энди сени ундан ажратиб бўлмайди, энди сен унга канадай ёпишиб олгансан! Сен уни йўл-йўргини қилиб жодулааб олгансан!

- Тилингни тий! - Бокира ҳам титраб кетди. - Оғзим бор деб гапираверасанми?! Ҳе, юзсиз.

- Ким юзсиз, менми?!

Ювош отнинг тепкиси қаттиқ келди. Ҳилола бир муддат эсанкиради. Ҳамиша паст келадиган Бокиранинг ҳақорати ботиб кетганди. Ҳилоланинг кўксидагазаб вулқондек портлади.

- Ўзинг-ку юзсиз, ювиқсиз, беандиша! - Ҳақоратларни қалаштириб ташлади у. - “Ким юзсиз?” деса, ҳамма энг аввал сени кўрсатади!

Қаттиқ уришдилар. Бокира ҳам қизишиб кетиб, аччиқ-тизиқ гапларни айтди. Ҳилола асабий чинқириб ёстиқни отиб юборди, вужуди титраб йиглашга тушди. Бокира тилини тишлади. “Нега у билан учакишидим? Ўзи шундогам тутаб турганди... Тубанман, тубан.” Бир кўнгли кечирим сўрагиси келди, аммо дугонасининг важоҳатига бокиб фикридан қайтди. Асабий, паришон ҳолда хонадан чиқиб кетди.

Ҳилола талвасага тушгандай типирчилади. Бокирани орқасидан қарғади. Бўзлади...

* * *

Кутилмаганда йўлдан Шаҳзод чиқди.

Кузнинг илк кунларидан бирида чошгоҳга яқин Ҳилола дарсдан чиқиб, Олой бозори ёнидаги автобус бекати сари кетаётганида кимдир уни чақирди. Ҳилола туйқус ёнига ўгирилди. Йўлакда одам гавжум, йўловчилар тинмай у ёқ-бу ёққа ўтиб туришарди. Серқатнов улов йўли четида қора кўзойнек таққан бир йигит пастак темир панжарага оёғини тираган кўйи унга қараб жилмайиб турарди.

Ҳилола ҳам беихтиёр табассум қилди:

- Яхшимисиз, Шаҳзод ака?

- Аҳволлар қалай, Ҳилолаҳон? - келишган, олифта йигит панжара ҳатлаб қизнинг олдига келди. Ҳилола унинг ранги синиқканроқлигини, нашъаси ҳам паст эканини пайқади.

- Камнамосиз, Шаҳзод ака? - деди у йигитнинг аҳвол-руҳиясидан ичиди ажабланиб. - Бугун ҳам дарсга келмадингиз? Иккала турұхга кўшма маъруза бўлди.

- Э, бу профессору доцентларнинг икки-уч соатлик маърузасини сиқиб-сиқиб ташласангиз юз грамм мазмун силқимайди. Юраманми бошни қовоқ қилиб.

- Сизга бўлаверади-да, - Ҳилола кулди. - Кимсан Ғиртмак домланинг ўзи...

- Қўйинг ўша домлаларни, - Шаҳзод ижирғангандек қўл силталиди. - Сиёсатнинг хиди келадиган нарсаларга аллергиям бор.

Ҳилола гапи бўлинганига оғринди.

- Мени кечиринг, Ҳилолаҳон. - Шаҳзод айбдорона зўраки илжайиб қўйди. - Ўша профессорни ҳам кўргани кўзим, отгани ўқим йўқ асли... Рухсат берсангиз, сизни кузатиб қўйсанам.

Талабалар йўллари бир бўлиб қолса, икки-учтадан бўлишиб автобус ёки бошқа уловда ётоқхонага кетаверишади. Баъзан ўз уйларида ёки ижарада яшайдиган талабалар ҳам ётоқхонада ишлари бўлса дарсдан кейин уларга шерик бўлишарди. Шу боис Ҳилола Шаҳзоднинг таклифига ажабланмади, аммо Шаҳзоднинг кўпда синашта эмаслигидан қиз бироз хижолат тортди:

- Ётоқхонада ишингиз бормиди, Шаҳзод aka?

Шаҳзод тасдик маъносида бош иргаб қўйди.

У катта йўл ёқасида такси тўхтатди. Қизни ўтқазиб, ўзи ҳам жойлашиб олгач, хайдовчига ётоқхона эмас, ёшлар билан гавжум бўладиган хиёбонни айтди.

- Нега ундей қиласиз, Шаҳзод aka? - деди Ҳилола аччиқланиб. - Машинани тўхтатинг! Мен ётоқхонага боришим керак.

- Менга ишонмайсизми, Ҳилолаҳон. - Шаҳзод ялинганинмо табассум қилди. - -Наҳотки мен қиз ўғирлайдиган қароқчига ўхшасам?

“Билиб бўладими...” - Ҳилола уни биринчи дафъя шундай жонсарак, алағда ҳолатда кўраётган эди. Соқоллари ҳам олинмаган.

Машинадан тушишгач, қиз тайсаллаб туриб қолди:

- Бу ерда нима қиласиз?

- Уэр, олдин сизнинг розилигингизни олиб, кейин бу ёққа опкелишим керак эди. - Шаҳзод, ҳар қалай, кечирим сўраган бўлди. - Пича салқинлаб дам оламиз, кейин сизни ўзим ётоқхонага элтиб қўйман. Хавотирланманг.

Ҳилола жаҳлидан тушган, аммо кўнгли ҳамон безовта эди.

Хиёбоннинг қоқ ўртасидаги ёзги сўлим қахвахонага келишди. Гулдор соябон остидаги столлардан бирини эгаллашди. Шаҳзоднинг имоси билан стол устида музқаймоқ, салқин ичимликлар ва ўзи учун ажнабий ёзувли узунчоқ идишда пиво пайдо бўлди.

- Шаҳзод aka, муддаога ўтмайсизми? -деди Ҳилола ўртадаги жимликни бузиб.

- Муддао? - Шаҳзод қошини учиреб, синик жилмайди. - Муддом - сиздек гўзал курсдошим билан ҳамсуҳбат бўлиш. Наҳотки бунга хаққим бўлмаса?

Ёзги қаҳвахонада одам сийрак эди. Магнит лентасидан майин хорижий мусиқа янграп, икки ёш аста у ёқ-бу ёқдан суҳбат қура бошлаган эдилар.

- Дарвоқе, дугонангиз кўринмайдими? - дея ўзини бепарво тутиб сўради Шаҳзод.

- Ўзим ҳам ўйловдим-а... - Ҳилола нигоҳини четга буриб истеҳзоли кулди, сўнг Шаҳзоднинг юзига масхараомуз тикилиб, пичинг қилди. - «Дарвоқе», денг?

Кўз-кўзга тушди. Шаҳзод бу нигоҳ маъносини англай олмади. Кулгу етовида чекинишни мақбул кўрди.

- Ахир, дардимни биласиз-ку, Ҳилолаҳон. - Йигит кулгу аралаш луқма ташлаб гўё эркалик қилди.

- Биламан, сиз ҳам жодуланган шаҳзодалардансиз. Лекин, яна билишимча, дугонам сизга ўз жавобини айтганди, чоги.

- Биринчиси ҳисобмас, биринчиси нозга ўтади. - Шаҳзод бошини солинтириб, пиво идишини айлантирганча ёрлигини томоша қиласкан, ўзига ўзи гапирагандай рухсиз алфозда ғўлдиради.

- Аммо дугонамнинг эгаси бор, Шаҳзод ака.

- Эгаси?! - Шаҳзод ғижиниб қўй сильтади. - Эшитдим, аллақандай тайнисиз ҳаваскор рассом эмиш. Ҳеч қаерда ўқимайди ҳам, ишламайди ҳам - люмпен пролетар. У Бокираға эгалик қила олмайди. У Бокиранинг тенги эмас.

Ҳилола оғринди, ҳатто, жаҳли қўзий бошлади. Суҳбатнинг бу тарзда давом этиши унга малол келаётганди. Шаҳзодни жерка солиб ўрнидан туриб кетгиси келди. Аммо ботинмади. Ўзини тийиб Шаҳзоднинг қўзига тикилди ва дона-дона қилиб деди:

- Шаҳзод ака, Бокира уни севади. У ҳам... - Давомини айта олмади, сўнг бутунлай ўзгача оҳангда қўшиб қўйди. - Бокира ўзи қизларга қараганда йигитлар билан кўпроқ яхши чиқишади...

Ҳилола бу гапи билан Бокиранинг обрўсини тўкмоқчи, “У йигитларга қандай ёқиши билади, уларни ўзига оғдириб олишга устаси фаранг”, дея шаъма қилмоқчи бўлди. Ушбу тагдор гапини у илгари ҳам бир-икки йигитта айтган. Бу зўраки мажнунлар келиб-келиб дардини Ҳилолага достон қилишади. Журъатсизроқлари Бокиранинг ўзи билан ҳали юзлашмай туриб, Ҳилолага маслаҳат солишарди, дадилироқлари аввал Бокираға дил ёриб, раддия олгач, Ҳилоланинг мададидан фойдаланмоқчи бўлишарди. Шаҳзод иккинчи тоифага мансуб. Дадил, рад жавобини олган, аммо кўнгил

узолмаганлардан. Мақсадига етмоқ учун мүқобил йўллардан фойдаланмоқчи бўлганларга.

Шаҳзод ҳам аввалги йигитлар каби коса тагидаги нимкосани тушумади ёки парво қилмади.

- Шаҳзод ака, қўйинг, обрўйингизни тўкманг. Ўзингизга эпми шу?.. - Ҳилола юзида хайриҳоҳлик аломатларини бўртириб гап қотди.

Шаҳзод индамай пиво симиришда давом этди.

- Биласизми, Ҳилолаҳон, - деди у бироз сукутдан сўнг. - Менинг характерим шундай: ёқтирган нарсам ўзимники бўлишини истайман, фақат ўзимники бўлишини. Бу камчиликми, нуқсонми, билмайман, аммо... ҳаётдаги позициям шундай. Энди қайта олмайман, қотиб қолганман. Бурисам синиб қоламан.

- Буни қаранг, менинг ҳам шунаقا характерим бор, - деди Ҳилола астойдил ажабланиб.

- Э, шунаقا денг?! - Шаҳзод биринчи марта ёйилиб кулди. - Демак, икковимизнинг феълимиз бир хил экан-да. Қўлни ташланг.

Шаҳзод стол устидан қўлини чўзди. Одатда йигитлар шундай кўл ташлашарди. Ҳилолага Шаҳзоднинг бу қилиғи эриш тувласада, унинг раъйини қайтара олмади.

- Раз шундай экан, биз бир-биримизни қўллашимиз керак, - деди йигит.

Ҳилоланинг юзига тағин масхараомуз кулги ёйилар-ёйилмас, унинг фикрини уққан Шаҳзод изоҳга ошиқди.

- Йўқ, мен сизни воситачилик қилинг, ёки бошқа, демоқчимасман. Бу - менинг стилим эмас. Очиги, мен ўртогингиз ҳақида салпал маълумот олмоқчиман. Ўрганилаётган объект сифатида.

Шаҳзоднинг кулгуси Ҳилолага ёқмаётганди. “Нега мен билан бунчалик очиқ гаплашяпти?” деб ўйлади у. Ҳилола Шаҳзоднинг руҳшуносликка тузуккина лаёқати борлиги, икки дугона муносабатларининг паст-баланд жиҳатларини илгаб юргани, унинг руҳидати хусусида ҳам анча-мунча тасаввурга эга эканлигини билмади. Ҳилола ёнидаги сухбатдоши ўзини қизлар қалбининг билимдени деб ҳисоблашидан ҳам бехабар эди.

- Бора қолайлик, Шаҳзод ака? - деди Ҳилола соатига кўз ташлаб.

- Майлингиз, - деди Шаҳзод. - Аммо сухбатимиз ҳали якун топмади, деб ҳисоблаймиз.

Шаҳзод қахвахона хизматчиси билан хисоб-китоб қилгач, улар кўчага чиқишиди. Йигит қизни таксида ётоқхонагача кузатиб, қайтиб кетди.

Шаҳзод сиёсатдонлик бўлимида ўтган ўқув йилининг бошлари-да пайдо бўлиб қолди. Бунгача у санъат инсититутида ўқиётган экан. Кўшиқ айтишга ҳаваси зўр, ҳам бу борада анчайин истеъ-додли экану, дадаси “Сендан, барибир, Шерали чиқмайди”, деб сиёсатдонлик бўлимига ўtkазиб кўйипти. Баланд бўйли, келиш-ган, пўримлиги билан кўпчилик олифта талабалардан ҳам ажра-либ турадиган янги курсдош ҳақида атрофдагилар билган узук-юлук маълумотлар фақат шулардан иборат эди, холос. Баъзи жиҳатларни сиртқи аломатларга қараб тахмин қилса бўларди. Ҳусусан, унинг дадаси нуфузли шахс эканлиги, Шаҳзоднинг ана шу нуфуз соясида эмин-эркин вояга етгани ва сиёсатдонлик бўли-мида ҳам шахсан профессор Гиртмак паноҳидаги сара талаба-лар қаторида ранж-риёзат чекмай ўқиб кетишини пайқаш қийин эмасди.

Шаҳзод бир йилдаёқ аввал ҳамкурслари орасида, сўнgra сиё-сатдонлик бўлими ва университет миқёсида танилиб, шухрат қозонди. Ўқишдаги мубаффакиятлари билан эмас, балки санъати билан. Шаҳзод чинакам ҳассос қўшиқчи, бунинг устига киришимли, кўп ўқиган ва кўп биладиган йигит экан. Рақста ниҳоятда уста, замонавий ўйинларни қийиб юборарди. Бир йил давомида сиё-сатдонлик бўлими талабаларининг ярмидан кўпи, биринчи нав-батда қизлар унинг муҳлисига айланишди. Университет миқёси-даги ҳеч бир маданий тадбир унинг иштирокисиз ўтмайдиган бў-либ қолди. Даставвал у пахта мавсумида ўзини кўрсатди. Тे-римдан кейинги кечки концертларда бир-икки бор “чиқиш” қил-ганидан сўнг, бундай томошаларга ўқитувчилар ҳам қатнашади-ган бўлиб қолишли. Шаҳзод пахта термасди. “Штаб” да ўрала-шиб, хўжалик ишлари мудири билан шаҳарга тушиб, автобусда озиқ-овқат маҳсулотларини тақсимлаб юарди. Оқшомлари, ал-батта, қўшиқ куйларди. Кўлинча умумий концерт ва дискотека-лар тугаганидан сўнг, чинакам муҳлислар илтимосларига кўра бирор четроқ хонада ёки иккала барак ўртасидаги шийпончада дилбар мусиқа кечаси давом этарди. Шаҳзод сўри ёки каравот-да ўтириб куйларди. Қизлар қуида тиқилишиб ўтиришиб, уни-tingлардилар. У муҳаббат ҳақида куйларди. Гитара ҳам гўё сеҳр-ли бармоқларидан руҳ олиб, синграганча дил ёрап, торлар мун-гдан титраб-титраб, ҳазин-ҳазин нолалар чекар, шиквалар қилас, дилларни тигларди. Оҳанглар турфа ва жозиб эди. Ҳижрон нола-лари висолни мадҳ этувчи янгроқ созларга уланарди. Баъзан у

фавқулотда мунгли күй чалар, ажабтовур марсиянамо қўшиқни куйларди. Маъсума қизлар бу қўшиқни кўзларидан шашқатор ёшлар оқиб, сел бўлиб тинглардилар. Кўй уларнинг руҳларини элитарди. Шунда бошини солинтириб ўтирганча бағридаги но-маълум қийноқлардан азоб чекаётган, бу азоблардан қандай куту-лишни билмай ингранаётган, сингранаётган, ийглаётган, сочсоқо-ли ўсиқ, юзига дала нуқси урган дардли йигит қўл етмас юксак-ликларга кўтаришлар, бошқача, бўлакча, олийжаноб ва ... беғубор зотга айланар, сеҳрли кўй таъсирига тушган руҳлар унинг асирига айланар, унга талпина бошларди. Унинг қўшиқларида ҳурлик, эр-кинлик бор эди. Овози дилларни яраларди. Бу овоз ҳақиқий эр-какка хос йўғон ва ширали, айни чогда масъум эди. Шикаста, дардга йўғрилган эди. Қизларни йиглатиб-йиглатиб, олис, сирли маъволардан ортга қайтар, синик, камтарона жилмайганича олк-ишларга қуллуқ қиласди. Гитарасини кўйиб, дам олаётганида қиз-лар саволга кўмиб ташлардилар: “Нега катта саҳналарга чиқмай-сиз?”, “Нега телевизорга чиқишга ҳаракат қилмайсиз ёки, ҳеч курса, кассетангизни чиқармайсиз? Ахир сиз талантсиз! Ишо-нинг, унча-мунча артист сизнинг сояңгизда қолиб кетади” ва ҳо-козо. Ҳозиржавоб эди у. Ана шунаقا саволларни беришанида хоккоргина кулиб: «Бир шоир ёзганидай: «Машхур бўлиш одоб-дан эмас...»¹ деб қўярди. Қизиқувчан қизлар тагин савол берар-дилар: “Ўзингизга қайси артистлар ёқади, аникроғи, қайси ар-тистларга тан берасиз, демоқчимиз?» Шаҳзод матбуот анжума-нида ўтирган машхур арбобдек бўрттирилган жиддийлик билан жавоб қайтарарди: “Бундайлар кўп эмас. Дишимга ўтиришади-гандарнинг биринчиси хирқироқ овозли машхур рус қўшиқчиси, ҳа-ҳа, худди ўша сиз айтган, фаранг киноактрисасига уйланган қўшиқчи. Иккинчиси - ҳам рассомлик, ҳам қўшиқчилик қилган ўзимизнинг фидойи дарғамиз. Айтгандай, нуқул зобитлар ва гу-сарлар ҳақида ашула айтадиган рус романчиси ҳам менга ёқади. Уларнинг қўшиқларида руҳ кучли. Сизга ғалати туюлар, балки менинг эстетик қарашларим консервативдир, аммо, нетайки, рок-н-ролл ва брейкнинг отаси менга ёқмайди. Мен фақат унинг клип-ларига тан бераман, холос.”

Аслида камсуқумлик, тўғрилик-булар фақат зохирий аломат-лар эканини қизларнинг кўпи фаҳмламас, ҳамма истеъодод соҳиблари ҳам улар ўйлаганидек, софдил ва холис бўлавермаслигини билишмасди. Шаҳзоднинг руҳияти тақдирни каби хийла мураккаб

¹ Б. Пастернак сатри

зеканини хаёлларига ҳам келтиришмас зди. Тез орада баъзи қизлар унинг ботиний дунёсидан қисман воқиғ бўлдилар.

Чин муҳаббат хақида ёниб-ўртаниб куйлаган, вафо ва садоқатни кўкларга кўтариб мадҳ этган ҳофиз йигит пахта мавсуми давомида анчагина қизларнинг бошини айлантириб, улар билан ошиқмаъшуқ ўйинини ўтказгач, ташлаб кетди. Хонаки концертларидан кейин кўпинча у кўзга яқинроқ бирор қизни пинҳона учрашувга таклиф қиласди. Бечора қизнинг боши осмонга етар, ўзининг енгилтабиат йигит учун қисқа муддатли кўнгил эрмаги бўлаётганини ўйлаб ўтирасди. Ўзига яраша ақлли ва ўқтам, фавқулотда ёрқин истеъоди билан ҳамманинг дикқат марказидан жой олган йигит кимни ҳам ром этмайди, дейсиз. Айнан шу борада ҳам у ўзини айрича қобилиятга эга деб ҳисоблар, тажрибаси бўлса етарли зди. Унинг туйкус сиёсатдонлик бўлимига ўтиб қолишининг ҳам аслида бўлак сабаби бор зди. Санъат институтида туз-насибаси битиб, қадами қирқилишига айнан ишқий можаро сабаб бўлди... Шаҳзод, ўзимда қизиқиш уйғотган ҳар қандай “ишқий китоб” ни иқтидорли “китобхон” сифатида сатрма-сатр ўқиб ўтирамай, саҳифаларига бир қур назар ташлабоқ тагига етиб қўяқоламан дерди. Яъни саҳифалар бўйлаб узунасига бир кўз юргутириб, гапларнинг кесими ни ўқиб чиқсан кифоя, асарнинг бутун моҳияти-ю магзини пистадек чақиб қўя қоламан, дея мақтанарди. Баъзи соддадил қизларга эрмак учун ошкора шундай дерди ҳам. Бояқиши қизалоқлар унинг бу гапларини асл маъносида тушунардилар.

- Нега айнан кесимларини ўқиисиз? - дея сўрашарди улар.

- Бутун мазмун кесимда-да. Кесим - амалий иш дегани. Аниқловчи, тўлдирувчиларга тоқатим йўқ. Кесимга не етсин.

- Эга-чи? Эгасининг қизиги йўқми?..

- Биласизми, умуман олганда, қизиги йўқ шу “Эга, от” деганлари. Уларни тезроқ унуби юбориш керак. Сифатга келсак, бу бўлак масала. Сифатга контрол бўраман, аммо сифатини ҳам кесимни ўқиш жараёнида баҳолаб оламан.

- Бундай ўқишининг нима қизиги бор?

- Қизиги шундаки, китоблар кўп, янги-янги, қизик-қизик, ажойиб китоблар, умр деганлари бўлса - қисқа. Уларни - турфа ҳил китобларни мумкин қадар кўпроқ ўқимоққа улгуриш керак.

- Жуда кўп ўқиган бўлсангиз кераг-а?

- Санамаганману, лекин тўғри айтдингиз, анчагина бор.

- Кутубхонангиз каттадир?

- Кутубхона? Кутубхона нима қиласди менда? Китоб йигиши ёқтиромайман. Бир марта ўқилган китобнинг нима қизиги бор? Янги-

янгиларини топиб ўқиб, кейин уларни ҳам ташлаб кетавераман.

Соддадил қизлар бу сипо йигит уларнинг устидан кулаётганини фаҳмлашмасди. Айни чоғда Шаҳзод учун ўзлари ҳам янги, ўқила-жак мароқли “китоб” эканликлари, муғамбир йигит ўзича аллақачон уларнинг мундарижаси билан таниша бошлаганини билишмасди. Санъат институтидаги қизнинг ҳам бошини айлантириб, уни иш-қий саргузаштларга бошлаган, ўзича севгининг «Минг бир кеч» китобини вараклашга киришганди. Аммо кечалар ҳаммаси адогига етмай туриб, сурурли эртаклар ниҳоя топди. Воқеа ошкора бўлгач, ишнинг поёни жаңжалга уланиб кетадиганга ўхшаб қолди. Шаҳ-зоднинг дадаси бу можарони хамирдан қил суғургандай ими-жи-мида тинчиди. Аммо бебош, тийиқсиз ўғлини бошқа илм даргоҳи-га ўтказишни лозим топди. Аниқроги, ушбу иш, ўша нозик вазият тақозоси ила бирдан бир тўғри чора сифатида ўйлаб топилгани йўқ, у ота кўнглида аввалдан мавжуд эди. Фақат ана шу фавқу-лодда вазият, ёки тўғрироги, ўғилнинг чуви чиқиши амалга ошмай келаётган ушбу режжанинг юзага қалқиб чиқиши учун имкон түғди-ди, холос. Шаҳзоднинг дадаси ўз ўғлини замонанинг етук вайсақи даргалари сафида кўрмоқни истарди “Ашулачилик жиҳдий иш эмас, уруғимиздан бу «нон»ни еган кимса чиқсанмас, мутахассислигинг вайсақилик бўлса, истаган соҳанга тез ўсасан!” - отанинг ақидаси ана шундай эди. Мана энди кирдикорлар ривожи ўз айбига биноан саркаш ўғил кавушининг ота ихтиёрига монанд санъат институти-дан сиёsatдонлик бўлими томон тўғриланишига олиб келди. Бироқ Шаҳзод сиёsatга қизиқмас, сиёsatдонлик бўлимида ҳам халиги йўсин санъаткор сифатида ном қозона бошлаган эди.

Ёзги сессиядан сўнг, сиёsatдонлик бўлими талabalari Русия ша-ҳарларига сафар қилишди. Унда ўзбек ва рус гуруҳларидан кўн-гилли тарзда ҳаммаси бўлиб қирқ чоғли талаба гуруҳ раҳбарлари бошчилигига иштирок этишди. Сафарда Бокира ва Ҳилола ҳам қатнашдилар. Беш кун теплоходда Волга дарёси бўйлаб суздилар. Ҳар оқшом теплоход палубасидаги рақс майдончасида концерт ёки дискотека бўларди. Навбатдаги маданий тадбирларнинг бири-да ҳамкурслар давра бошловчисига Шаҳзодни тавсия қилишди. Бошловчи навбатни унга берди: “Ўртоқлар, даврамизда бир гуруҳ тошкентлик талabalар ҳам иштирок этмоқдалар. Ҳозир навбатни уларга берамиз. Келинглар, талabalар фольклоридан ҳам баҳра-манд бўлайлик-чи”. Шаҳзод гитарасини чертиб русча, италъянча, немисча эстрада қўшиқларини ижро этди ва кўпчиликнинг оғзини очириб қўйди. Албатта, ажнабий қўшиқларни у жаҳонга машҳур эстрада юлдузлари ҳамда гуруҳларининг кассеталаридан қайта-

қайта тинглаш асносида курук ёдлаб олганди. Аммо жозибадор ширали овоз, мохир ижро услубининг ўзи таҳсинга лойиқ эди. Қарсақлар чалинди, олқишилар ёғилди. Ўртага чиқишидан олдин тузуккина кайф қилиб олган Шаҳзод бу ҳолатдан янада сархуш бўлиб, илҳомланиб кетди. У хизматдаги даста созандалари билан чугурлашиб олди-ю, давра ўртасига чиқди.

- Хурматли публика! - деди у атрофни қуршаган йигит-қизларга юзланиб. - Сизнинг ижозатингиз ила мен ва партнёршам янги, ультразамонавий рақсни бошлаб берамиз. Ўзингизга маълум, рақслар кўп ва хилма-хил: вальс, танго, рокк-н-ролл, твист, брейкденс ва ҳакозо. Бироқ буниси булардан тубдан фарқ қилгувчи янги рақс. Ҳозирда бутун гарб: инглизлар, чехлар, булғорлар - миллионлар ушбу рақсга ўйнамоқдалар. Қани, даврани кенгрок олинг, ҳамда қаршиланг: гўзал ва бетакрор Ан-фиса!

Қарсақлар остида Шаҳзоднинг ёнига рус гуруҳидаги чиндан ҳам гўзал ва нафосатли Анфиса исмли қиз чиқиб келди. Давра бўйлаб шўх ва дилрабо мусиқа оқди. Шўхки, томирлардаги қонингда тоғ ирмоқларининг жўшқинлиги ва тошқинлигини ато этиб кўпиртиргудай. Дилбарки, дилинг қатларида ҳамал чечаклари янглиғ нафис ва нозик ҳисларни гимирлатгувчи ёқимли ва соз! Ўйноқи оҳанглар дилни қитиқлаб, давра курган ёшларнинг вужудини тебратар эди. Ўртада Шаҳзод гурухдоши Анфиса билан ана шу ўт олдирувчи қўшиққа мос жозибали ва жумунваш рақсни бошлаб юборганди. Келишган, адл қадди-бастига ярашган қоп-қора майка ва янги урф бўлган юпқа шилдироқ матодан шим кийган, ҳаракатлари енгил ва бардам Шаҳзод рақс бобида ҳам бекиёс эди. Чор-атрофдан порлаётган чироқлар ёғдусида ялтирагувчи, товлангувчи ажаб силлиқ, ажаб майин кокиллари опоқ елкаларини ўпаётган, қўймичинигина қўздан лана қилган калта “мини” си остидаги чиройли, хушбичим оёқлари мусиқага монанд учайётган шижоатли, эҳтиросли, тоғ эчкисидай чаққон ҳам эгилувчан, кетворган ёқимтой Анфиса чиндан қойилмақом эди. Улар кўл тутишиб рақсга тушишар, мутаносиб, ўйқаш ҳаракатлар ила гўё эпчиллик ва абжирлик бобида беллашар эдилар. Ҳаракатлар навқиронлик сурори талқинлари, эҳтирос ёлқинлари эди. Бу рақсда мавжулар йўқ, фақат шошқин тўлқинлар бор эди. Навқирон жуфтлик берилиб ўйнашар: тиззалар букилар, беллар эшилар, елкалар орқага кескин ташланар, бир дамлик ажралишдан сўнг таналар бир-бирига интилиб тагин бақамти бўлар, шу алфозда ҳам рақс давом этарди. Тагин шаҳд ила айрилишар, аммо кафтлар тугуни ечилмас, билаклар қайтадан чирмашар, қўймичлар, тиззалар илдамлик ҳам шижоатда, уйгунликни фаромуш қил-

масдан боз беллашишар, вужудлар гүё бир-бирининг оташин оғушига ошиқишарди. Ора-сира учқур ҳаракатлар пича сусайиб вальс түштігандек бел ва елка тутишар, киройи рақс бошлашар, аммо бирозгинадан сүңг тагин бosh айлантирали, тезкор усуулларга қайтардилар. Ҳаяжондаги ҳамкурслар қалбларидан тошган ҳислар-нинг бутана оқимини оташин хитоблар билан изхор айлашиб, давра қўйнидаги раққоси олқишлий бошладилар Оташин давра қўйнидаги ўйинчилар хеч нимага парво қилмай тегсанг гүё баданингни куйдургудай тафтли ўйинни давом эттиришарди. Йўловчилар орасидаги ёш йигит-қизлар, баъзи тана қўйган ўрта ёшли зрак ва аёллар ҳам аллақачон ўйинга берилиб кетишган, кимлар боягилардай жазавага минар, кимлар вальс тушишар эди. Томошабинлар кўп бўлиб, улар орасида турли тоифадаги кимсаларни кўриш мумкин. Теплоходнинг юқори қаватидаги чиптаси қиммат икки кишилик маҳсус каюталарда яйраб кетаётган башанг либосли пулдор сайёху савдогарлар ҳам, тирикчилик қўйида йўлга чиққан ва дарё сохилидаги кичик бекатчаларда тушиб қоладиган тубжой аҳоли, олисроқ манзилни кўзлаб сафар қилган, юқорироқ қаватлардан жой олишга қурби етмаган оддий йўловчилар, трюмдан жой олган, ҳожатингизни чиқаришга кўл-оёқлари чаққон, томоқлари мудом виносираб турадиган, уст-боши ҳам, ранг-рўйи ҳам ўнгигб кетган тузалмас ичувчилар ҳам бор эди. Улар кўл қовуштирганча ўртадагиларнинг жазавали рақсларини томоша қилишар, бир-бирларига илжайиб, бosh чайқаб қўйишарди.

Ўша куни оқшомда Шаҳзодни меҳмонга таклиф қилишди. Муштариyllар каютасида уларнинг яна икки шериги, жами тўртта кавказлик ўтиришар, ҳаммаси башанг кийинган, олифта эдилар. Улар шодон қўйкириб Шаҳзодни қарши олдилар ва стол тўрига ўтқаздилар. Шойи костюм кийиб, қизил бўйинбог тақсан соқолли ва гавдалиси ўзини ҳамда шериларини танитган бўлди.

Улар арманилар экан, Шаҳзодга ароқ тўла қадаҳ тутдилар. Стол усти егулик ва ичкиликларга тўла. Алёр айтиб қадаҳларни чўкиштиридилар. Шаҳзодни мақтадилар. Тагин юзта-юзтадан “уришди”. Шаҳзод мезбонлар илтимосига кўра қўшиқ айтди. Қайта-қайта ичишди. Мезбонлардан бирининг кайфи ошиб қолди.

- Биласанми, Шахрезада, бизлар кимлармиз? - деди у кўзларини чақчайтириб. - Биз ўғрилармиз... аммо бизнинг профилимиз кенг. Қисқаси бизнинг айтганимиз-айтган, деганимиз-деган. Тушундинг?

Шерилари ўз тилларида чуғурлашиб уни тинчлантириб қўйишиди. Бироқ Шаҳзод ҳам айни дамда пўписага пинак бузадиган

ҳолатда эмасди. У гитарасини чертиб, ярим тунда темир панжара ортида туғилган ва шайтонлар ўғри бўлсин, дея чўқинтирган бола ҳақидаги қўшиқни бошлаб юборди. Мезбонларга мойдек ёқиб тушган қамоқхона қўшиқларидан яна бир нечасини ижро этиб берди. Охири “Ара, вай” ни куйлаб, арманиларнинг бошини осмонга етказди. Эртаси бошқа бир гуруҳ сайёҳлар уни юқори қават емакхонасида бўлаётган каттароқ базмга таклиф қилишди.

Шаҳзод муҳлиса курсдошларига: “Ўзимни худди ўз кемасида сўнгги сафарга кетаётган Мартин Идендек ҳис қилаяпман, аммо мен чўкиб ўлмоқчи эмасман”, деди. У тасодифий ҳамроҳлар орасида ўз санъати билан тузуккина иззат қозонди. Модапараст, энг пешқадам замонавийликни foятда қадрлайдиган, бундай енгил оқимларнинг заифгина эзкинига ҳам хислари чайқалиб, жунбушга келадиган баъзи танноз қизлар наздида унинг бўй-басти камида яна бир-икки каллага ўсганди. Улар учун Шаҳзод салкам “кумир”га айланди. Бироқ Шаҳзод билагидан тутсанг, кўзлари сузиладиган бундай жононаларга айни ушбу сафар чоғи рўйхушлик бермаётганди. У Бокирани ёқтириб қолганди. Бир фаранг адабининг китобида ўқигани “Янги расм бўлган либослар учун илгичга айланиб қолган”, эндиликда сўнгги расм сифатида сочи-ю либослари каллакланиб, эркакча шамойилга яқинлашган, арzon ва сийقا истиғнолари илиа меъдага урган ойимчалар олдида бу қиз ўзга бир олам зди. Нафосатли, орастা, фикр доираси кенг, тушунчаси яхши, энг муҳими, табиий гўзал, ўта ёқимтой, Хуллас қалом, руҳ ташналигини ҳам қондиргувчи ажойиб, камёб хилқат. Шаҳзод ўзича уни анча илгарироқ кўз остига олган, суриштирганди. Аммо кўпчилик “Бу қизга гап қотиб барака топмайсан, жуда ўзига маҳкам қиз”, “Унинг йигити бор”, қабилидаги гаплар билан шаштидан қайтармоқчи бўлишди. Шаҳзод бундай гапларга парво қилмади. У, ўзига маҳкамларнинг кўпини кўрганмиз, агар кулоги бўлса тошни ҳам мумдек зритаман, бунинг чораси лутфу хушомад-да, деб биларди. Сиёсатдонлик бўлимидаги шуҳратига орқа қилиб, талаба қизлар орасида менинг иҳтиёrimга монеълик қиладигани йўқ бўлса керак, деган хавоий фикрда зди. Алалхусус, унинг нозик табъи миллий гуруҳдаги бу foятда хушрўй ва дилбар қиз ҳам менга бефарқ эмас, у фақат тузукроқ илтифот, дадилроқ ҳаракатни кутяпти, деган гумонда зди. Дадилроқ ҳаракатни кейинга суриб келаётганди. Айнан ўша сафар чоғи у фурсат етди, деган қарорга келди. Вазиятнинг қалтисроқ эканини ҳисобга олиб, у боягидай енгил-елпи овунчоқлар билан ўйинларини анча олдин буткул тўхтатганди. Муомаласи шириналлиги боис барча қизлар

қатори Бокира ва Ҳилола билан ҳам яхши, дўстона муносабатни йўлга қўйганди. Ихтиёридаги барча омилларни чамалаб, айниқса, бу сафарги ҳаракатга анча пухта тайёрланганини ҳисобга олиб ишондики, натижка кўнгилдагидек бўлади. Ўша ишонч билан Бокирага “муҳаббат” изҳор қилди. Кутганига қарши ўлароқ рад жавобини эшитгач, эсанкираб қолди. Фижинди. Газаби қўзиди. Аммо ажабки, газаби тез сўнди. Бу сўнишнинг оқибати нохуш кечди - у умидсизликка тушиб қолди. Қайтадан газабини қўзгатишга ҳаракат қилиб кўрди. Бўлмади. Руҳи баттар эзилиб, мунғайиб чўқди. Афтидан, мени ҳам ёқтирилдиганлар бор экан, деган совуқ ўй унинг магрут, бироқ мўрт руҳини караҳт қилиб қўйганди. Бу мен ҳамиша ҳақман, тўгри иш қиляпман, деб ўйловчи одамнинг совуқдан- совуқ ва қатъий танқид ўқига учрашига ўхшаш ғоят ёқимсиз холат зди. Унинг муқобил жинс оламидаги юришлари шу вақтгача беистисно фақат зафарли юришлар зди. Энди бўлса... Йўқ, у Бокирани севиб қолмаганди, бироқ бу гал енгил-елпи кўнгил майлига унинг чуқурроқ қатларидан озгина эрса-да саринроқ хислар эш бўлганди. Эҳтимол қиз пича юмшоқроқ тарзда, дейлик, хижолатомуз кулимсираб: “Шаҳзод ака, мен сизни жуда ҳурмат қиламан, менга нисбатан ҳисларингизни ғоятда қадрлайман, аммо биласизми...” дея дастакларини пеша қилиб раддия билдирганида, эҳтимол бу қадар дили оғримас, энг муҳими, ботини бунчалик талотўпга тушмасди. Аммо қиз уни совуқ ва қатъий рад этди... Вужудини ларзага солган ўша газаб йилдиримидан сўнг Шаҳзод ўксиди. Ўқинч, Захар-заккум ҳис. У дилининг хилват қаърларида биқиниб ётган кўхна дардини таталаб, энг нохуш ҳисларни урчишиб юборди. Чўкиртакдан ҳадиксираган иштонсиздай, болалигидан бирор камситиш ёки таҳқирга дучор бўлса, у бунинг сабабини ихтиёrsиз ўша дардига боғлар, ўйлана-ўйланана ўзини азобларга гирифтор қиласди. Мактаб даврида ўқитувчилар қаттироқ тессалар ёхуд болалар ўйинга қўшмасалар, унинг аччиғи чиққандек бўлар, лекин кўксига ўз-ўзидан ўша хўтирашар уйғониб тили қисилар, кўнгли чўкарди. Бундай совуқ муносабатни ўша дардига ошкора шаъма дея тушунар, ўзининг аччиғи хотиротлари боғлиқ ярамас исноддан бошқалар - буни билмайдиганлар ҳам воқиф бўптилар, дея андуҳ чекарди. Унинг қалбида ўша кўхна яра асоратлари битмай келаётган зди... Ўша куни унинг тўйиб-тўйиб ичгиси, чеккиси келди. Ўзи деярли ҳар куни иchar, наша чекар, айниқса, қўшиқ айтгани даврага чиқишидан олдин дадиллик учун кўпроқ ичib, чекиб оларди... Тағин ичди. Аммо ўзини унута олмади. Дарди чуқурлашиб бораверди. Яна, яна ичди. Руҳини кепади.

мираётган бераҳм саволлар хуружи пасайгандай бўлди, аммо азоби босилмади. "Мен қотил эмасман, қотил бошқа! Мен қотил эмасман. У... у қотил! Йўқ, мен қотил эмасман... Тағин бошланди бу хуруж. Қийналиб кетдим. Ичимни бўшатаман, десам... Қачон фориғ бўларканман?! Ўшанда болалик қилдим - бу ифлос битимга кўндиндим. Гўдак бошимдан тавқи лаънатни бўйнимга илдим. Ўшанда ҳаммага ҳақиқатни айтиб солсам, мен гуноҳкор эмасман деб бутун оламга, бутун оламга жар солсам бўлмасмиди? Билганларим, айтмолмаганларим ичимга чўқди. Энди нима бўларкан? Нахот яна шундай кетаверади. Ўшанда нега кўндиндим, нега?! Болалик қилдим, болалигимга бордим... Ахир, олти яшар бола здим-а, олти яшар бола! Қандай баҳтли здим... Баҳтим қатл қилинди. Касофатга учради... унинг касофатига қолди... Ҳаётим заҳарга айланди... Шўрлик бошим, шўрлик бошим-а... Қандай азобларга қолдим гуноҳсиз гуноҳкор бўлиб... Олти яшар бола, олти яшар бола... Кўрган кунларим қурсин... Гўдаклигимдан бошим ҳам бўлди, но мим қора бўлди. Мен қора бўлдим, мен... Билган ҳам, билмаган ҳам мени коралай бошлади. Ундан кўрқадиган, ундан жабр кўрганларнинг кучлари менга етди, менга осилишиди. Аблахлар! Кейин ҳам бош кўтармадим. Нега?.. Кўрқдим. Бошим бор... аммо у ҳануз ҳам, унинг олдида ҳануз қисинаман... Унга ҳануз дангал гапиришни истамайман. Мақсадларимни шартта-шартта айтиб йўлимни очиб ололмайман. Бу нима? Кўркувми? Ҳа, кўркув. Мен ундан кўрқаман. Бу кўркув қон-қонимга сингиб кетган. Йўқ, унга очиқ гапиришни истамайман ҳам. Сира истамайман. Унинг ўзи, унинг истаклари мен учун паталок паталок, пастак осмоним. Энди уча бошлаганимда "шап-шап" этиб унга уриламану пастга қулайман. Ваҳоланки мен талантман, та-ланти!.."

Ғуссали ўйларининг боши-ю адоги бир одамга - отасига бориб тақаларди.

* * *

Нафсилаамрини айтганда, ота ҳам ўғлидан начандон хурсанд эди. У Шаҳзодни аввал-бошдан сиёсатдонолик бўлимида ўқитмоққа жазм этди, ўғил хоҳламади. Унинг истагини - артистлик эмиш. Ота уни қайира олмади. Синдириб қўйишдан қўрқди. Лаънати ўғил. Ҳаракатларида қандайдир изчиллик бордай. Мақсади не унинг? Ғазаби қўпарди-ю, аммо ёшлигидан не-не бадтаринларни жиловлаб тажриба орттирган ва ҳозир ҳам қаттиққўллиги билан ном чиқарган бу одам ўз ўғлига қолганда журъатсиз бўлиб қолар-

ди. Нега? Ачинадими? Аядими? Ёки ростдан ҳам уни синдириб күйишдан күрқадими?... Шахзод ўзи бўлакча. Ота уни бежиз "Менинг нотўғри вариантим" демаган. Ахир вайсақиликнинг чиндан ҳам кўлами кенг-ку. Вайсақилар жамият бошқарувининг барча жабҳаларида сув билан ҳаводек зарур. Отанинг ўзи ҳам профессор Фиртмакнинг қўлида вайсақиликка ўқиган. Иш фаолиятини бўлса милицияда сиёсий қисм бўйича ўринбосарликдан бошлиди. Мана ҳозир у кимсан, барча юксак доираларда маълуму машҳур полковник Искандар Азларбеков. Ҳозирги мавқеи тез кунларда юлдузининг янада каттароқ бўлишини ва ёрқинроқ чақнашини тақозо этаяпти. Юлдузлар оламига меърож қилишни ва айнан ўша катта, ёрқин юлдузларнинг бирига соҳиб бўлишни у анча йиллар бурун яхши аскар сифатида кўзлаб қўйганди. Нега шундай одамнинг ўғли бундай бетайин, бундай лаванд, бундай... бундай дардисар бўлиб вояга етишяпти. Унинг фақат қизлар бобидаги шўхликларигина полковник Азларбековнинг ёшлигини... инсоф билан айтганда, бугунини ҳам эслатади. Нега у Азларбековнинг қолган тўққиз юз тўқсон тўққизта шумлигини ўрганишга мойил эмас? Ахир, бу борада бошлангич маълумотни ўз отасидан олган полковник, ана шу шумликларнинг тўла мажмуини, гарчанд бегона бўлса-да, профессор Фиртмакнинг этагидан маҳкам тутиб, ундан ўрганганди-ку... Энг муҳими, Азларбеков ўзи бошдан бўладиган бола эди. Шахзоднинг базъи хатти-харакатлари амакисини, полковникнинг марҳум акасини эслатади. Кўнгилчаммий. Бувиси Шахзодга ҳам болалигидан эртак айтиб беравериб уни шундай бўш-баёвга айлантириб қўйди, чоги. Полковникнинг акаси ҳам эртакларга ишонарди. Ўн ўшга тўлгунича ҳам ишонарди. Онасидан тинмай эртак сўрарди. Онаси "Қайси эртакни айтиб берай, ўғлим?" дерди. "Лайлакни" дерди етти-саккизга кириб қолган бола. Онаси лайлак ҳақидаги эртакни, аниқроғи, "Олтин тарвуз" эртагини айтарди: "... Келаси йил баҳорда оёғи синган лайлак ўзини тузатиб, учирив юборган дехқонга тумшуғида уч дона тарвуз уруғи ташлаб кетипти. Дехқон уруғни экиб тарвузни етиштирипти. Тарвузлар пишгач уйга олиб келиб сўйса, ичи тўла тилла экан. Шундай қилиб, дехқон бойиб кетипти. Буни эшитиб унинг бой қўшниси ҳам пойлаб туриб сув ичгани қўнган лайлаклардан бирининг оёғини тош билан уриб синдирипти ва уни даволаб учирив юборипти. Баҳорда лайлак тумшуғида бойга ҳам тарвуз уруғи ташлаб кетипти. Бой тарвузни етиштирипти. Пишган тарвузларни уйга олиб келиб сўйса уларнинг ичи тўла қовоғари экан. Қовоғилар бирпасда бойни талаб, ҳаммаёғини чақиб ши-

шириб ташлапти. Оғриққа чидолмаган бой ўзини катта сувга ташлаб чүкиб ўлипти. “Она бу эртакни такрор-такрор айтарди. Гоҳо тұнғич үғли билан сұхbatлашиб ўтириб, гап орасыда “Үғлим, катта бўлсанг бой бўласан, менга бозордан кўп-кўп, яхши-яхши нарсалар опкелиб берасан-а?” дерди. Тұнғич ўғил кўзлари каттакатта бўлиб: “ Йў-ўқ, бой бўлмайман, хеч қачон бой бўлмайман, бой бўлсам қовоғарилар чақиб ўлдириб қўяди-да” деб бош чайқарди. Она аввалига тушунмасди, сўнг ўғлининг эртакдаги бойни назарда тутаётганини фаҳмлаб унинг соддалигига, ишонувчанлигига ҳайрон қоларди. Азларбеков бошқа олам эди, у акасини ҳам алдарди. Онаси айвонда тарвуз сўяркан, ҳовлининг этагида ўйнаб юрган тұнғичини чорларди. Тұнғич “Мен боргуnumча емай туриңглар” деб ариқчада қўлини ювмоққа тутинарди. Она унинг галини эшишиб турса ҳам жўрттага, синамоққа кичик ўғлидан сўрарди “Аканг нима деди, болам?” Азларбеков, уч яшар бола: “Қўлимни ювиб олай, сизлар еб тураверинглар” деяпти “,дерди кўзини лўқ қилиб. Акаси раҳмдил эди. Похол остидан янги туғилган қип-қизил сичқон болалари чиқиб қолса, у дилдираб турган жишишаларни четроққа олиб, устини хашак “кўрпа” билан ўраб қўярди. Азларбеков кўрпа-мўрпаси билан қўшиб эзид ташларди. Акаси олийжаноб эди. Азларбеков бирор болани хафа қилиб йиғлатса, акаси кўксини йиғлаганга тутиб берарди: “Ур мени, ур!”. Катта ўғил содда эди. У онасининг эртакларига ишонарди. Соддалиги, телбалиги боис дарёда оқиб кетди. Кичиги бўлса... бой бўлди - қовоғарилар чақиб олишидан қўрқмади. Кичик ўғил кўп маҳол ишларни уddyалашнинг имкони борлигига, ҳатто қовоғариларни ҳам алдаб ковакка киритиши мумкинлигига ишонарди. У онасининг чўпчакларига ишонмасди. Уларга қизиқмасди ҳам. Унинг ҳаёlinи бўлак нарсалар олиб қочарди. Масалан, уни наган қизиқтиради. Нагани у үлардай яхши кўрарди. Дадаси хукуматнинг одами эди. Ёнида доим наган осиб юрарди. Болакай кичкиналигидан дадасига осилиб наган талашарди. Дадаси баъзан, кайфияти кўтарганда ўғлини тиззасига оларди-да наганни ўқларидан бўшатиб, унга тутқазарди. “Сен менинг ишимни қўлимдан оласан, болам. Ота-бала бир бўлиб ҳалқ душманларининг тухумини қуритамиз”, дерди. Ўғил сандал устида туриб наганни баланд кўтарганича отасининг кейинги галини тўтиқушдек такрорларди. Азларбеков ўқишини янги битирган йиллари ҳам бу гапларни кўп такрорлар, энди моҳир вайсақиларга хос бурролик билан таъкидларди ушбу жумлаларни. Милиция маҳкамалари сиёсий ходимларга - вайсақиларга муҳтоҷ эди. Профессор Фиртмакнинг

мадади ила Азларбеков ушбу соҳанинг нуфузли идораларидан бирида, гарчанд пойгакроқдан бўлса-да бир ўриндики эгаллади. Бошланишига бу ёмон эмасди. Профессор Гиртмак ўз шогирдига ўсиш сирларини ўргатар экан, унга шумликлардан энг асосийси олиш ва узатиш “санъати”дан пухта назарий сабоқ берганди. Бу “санъат” ни шартли равишда “Қўл қўлни танийди” деб атаганди. Бироз муддат ишлагач, ёш миршаб ўсиш йўлида ғоятда қўл кела-диган бу ҳунарга анча қўли келиб қолди. Олиб узатаверганидан кейин чиндан ҳам қўли қўл таниди. Бу қўллар кейинчалик ҳам қўп бора уни қўлладилар. Юксалиш йўлида етишмай қолган қўшимча маълумоту ҳужокатларни ҳам ана шу йўл билан қўлга киритди. Ахир бу дунёда сотилмайдиган нарсанинг ўзи йўқ-ку. Азларбековнинг бир неча бор чуви чиқиши тайнидай пайтлар ҳам бўлди. Аммо у гўё савқи табиий билан хавфларни олдиндан сезарди. Балки айнан ана шу қобилияти учундир уни бошқарувнинг энг юқори доирасида узоқ вақт ишлаган, саркотиблар ўзгарганда ҳам, даврлар эврилганда ҳам нуфузли ўрнини совутмаган, фитналарга моҳир, битта давлат тўнтаришини амалга оширишда бошқош бўлган машҳур вайсақига менгзай бошлашди ҳатто. Илгарироқ қадди-қомати келишгани ҳамда олифталиги, қолилларга сифмайдиган баъзи қиликлари учун Шимолий Африкадаги араб мамлакатларидан бирининг инқилобий раҳнамоси ва давлат бошлиғига ҳам қиёслашган, орқаворотдан ҳазил аралаш ўша арбоб исми шарифи билан атай бошлаган эдилар. Бироқ бу гапларга энди анча бўлди...

Хўш, шундай одамнинг ўғли нега отасига тортмади? Ахир, полковник уни болалигидан талтайтириб ҳам юбормади, бирор жиҳатдан қисиб ҳам қўймади-ку? Нега у ношукурлик қиласпти? Йўқ, Азларбеков йигитчанинг қизларга ўчилигидан хуноб эмас. Ахир, айғир изини той босса, не бўпти? Йигитлик мавсумида юрсин, яйрасин. Бироқ, у айнан полковник Азларбеков наслидан бўлгани учун ҳам сархуш кишинаб юрганларининг қадрига етармикан? Нега у кейинги пайтларда тагин бошқача бўлиб қолди? Наҳотки ... унута олмаётган бўлса? Наҳот у ханузгача юрагида отасига нафрат сақлаб келаётган бўлса?

Шаҳзоднинг соҳт-сумбати мархума онасига ўхшарди. Новча, адл қоматли, юзи оппоқ, манглайи кенг ва баланд, тулашиб кетган пайваста қошлари остидаги тиниқ кўкиш кўзлари одамга ўқдек қадалади. Хатти-ҳаракатлари бироз асабий. Бу жиҳати ҳам онасини эслатади. Шаҳзод яқин-яқингача, сиёсатдонлик бўлимига ўтгунига қадар сочини ўстириб юрарди. Фарқи ўртадан очилган

соchlари манглайнин очик қолдириб икки чаккасидан қулоқлари-
нинг олдигача осилиб турар, юрганида селкиллаб баъзан кўзини
тўсиб қўяр, шунда у бошини кескин орқага силтаб соchlарини
тўғриларди. Фариданинг, Шаҳзоднинг мархума онасининг ҳам шу-
наقا одати бор эди. Азларбеков уни деярли эсламайди. Аммо...
Баъзи-баъзида кўкси ачишади. Фарида... Аёл кишига чўрткесар-
лик, тезоблик тўғри келмас экан... Ушанда Фарида кескин гапир-
маганида, қўполлик ва шартакилик қилиб, ҳаддидан ошмагани-
да... Эҳ, Фари, Фарида... Ахир, Азларбеков сени ташлаб кетиб
қолаётгани йўқ эди-ку. Унинг кўнгил уйи кенг эди, "кўноқлари"
кўп бўлгани билан улар фақат "кўноқлар" эди, холос. Сен эса
мезбон бўлиб, тўрда қолишинг мумкин эди. Агар бироз кенгроқ
бўлганингда, газабингни боса билганингда. Сенинг оғзингдан бўл-
са бодинг кириб, шодинг чиқди. Ахир, Шарқ аёли ҳам шунаقا
бўладими? Оқибат... бунаقا ишлар бўлиб кетди. Энди сенинг хо-
тиранг ҳам кўнгилни илитмайди, йўқ. Охирги гапларинг ҳаммасини
ўпириб кетди, ҳамма-ҳамма нурли томонингни. Кўнгилда муз
қолди...

Азларбеков зинога жон-дилидан берилганди. Кейинги пайтлар-
да Фарида буни сезарди. Фарида чарсроқ эди. Бир-икки қур
жанжал ҳам қўзимоқчи бўлди-ю, аммо Азларбековнинг ҳам қаҳри
тошни ёргудек эди. Хотин дардини ичига ютди. Иттифоқо ғала-
мислардан бири Азларбековни сотди. Назардан қолган ойимча-
лардан бўлса керак, кўнғироқ қилиб Фаридага аниқ манзилни
айтди. Дарров етиб борди. Эрининг дўндиқ ўйнашласини юлиб
ташлади. Азларбековни ҳақорат қилди. У хотинини тарсакилади.
Бу қалбида қўпган газаб тўфонининг енгил шарпаси эди, холос.
Азларбеков икки кун уйида ётмади, учинчи куни бирров уйига
келганида Фарида унга яна маломат ёғдира кетди. Азларбеков
урди, Фарида авжига чиқди. Азларбеков дўппослади. Дўппослаб
бўлиб, томоги қирилиб бақирди: "Уч талоқ қўйдим! Жўна, ман-
жалақи, энди сен менга хотин эмассан! Бошинг очиқ!" Шунда
Фарида буткул тутоқиб кетди. "Хо, қилғиликни қилиб қўйиб энди
оппа-осон қутулмоқчимисан?! Сенга уйни бўшатиб берадиган ахмоқ
йўқ! Шунча вақт ичимга солиб юриб, асабларим тамом бўлди!
Энди уруғингни қуритиб юбораман!" Азларбеков қутурди. Сўки-
ниб, хотинига ташланди. Аёвсиз үрди. Калтак зарбидан талваса-
га тушган аёл бутунлай юзини сидириб ташлади. Эрини ҳаромдан
олиб, ҳаромга солди: "Уйни ҳаром қилмай ўзинг бўшатиб қўй!
Билдингми? Ипириски жалабларинг билан наҳс босган паккала-
рингда юравер, ювуқсиз! Сени нима қутуртираётганини биламан!
Чўнтакларингга сиғмай кетаётган, сени қутуртираётган ҳаром пул-

лар қаердан оқиб келаётганини ҳаммага ошкор қиласан!“ Азларбековнинг ўти чиқиб кетди. “Қайт!” деди у бўкириб. Аёлининг билагидан чанглаб тутди. Шунда Фарида шаҳд ўгирилди-ю сумкачаси билан Азларбековнинг юзига тушириб қолди ва эшикка томон шитоб отилди. Азларбековнинг ихтиёри кўлдан кетди. Энди уни ғазаб ва қаҳр идора қила бошлади. Ўнг қўли ўз-ўзидан ёнбошига югурди. Ғилофни очиб, унинг ичидан совук тўппончани суғуриб олди. Қарсилаган овоз янгради ва эшик тутқичидан тутган аёл қалқиб кетди. У деворга боши билан урилди-ю, “шилқ” этиб ёнбошига ағдарилди. Азларбековнинг ичидаги нимадир узилиб кетгандек бўлди. “Тамом”. - Ҳаёлига келган биринчи ўй шу бўлди. Оташдай қизиб ётган танаси бир зумда муз қотди. Қалтироқ кирган бармоқлари ёзилиб кетди. Тўппонча тарақлаб полга тушди. “Мен нима қилиб кўйдим?!“ - ваҳима ичидаги ўйлади у. Шоша-пиша бориб хотинининг қўлини ушлаб кўрди, кўкрагига қулоқ тутди. Аёлнинг танасида жон асари йўқ эди. Азларбеков силласи қуриб, ўтириб қолди, пешонасидан муздай тер чиқди. Ҳўрлиги келди, томогига шўртак нарса тиқилди. Қанча ўтириб билмайди. Бир вақт эшик очилиб останада Шаҳзод пайдо бўлди. Олти яшар ўғилчаси. Шаҳзод кўзларини катта-катта очиб, полда қонга беланиб ётган онасига тикилди. Титраб кетди. Бошини кўтариб, онасининг ёнидахуд-бехуд ўтирган дадасига термулди. Кўз-кўзга тушди. “Ўғлим...“ - Азларбековнинг томогидан йигламсираган хирқироқ товуш отилиб чиқди. Боланинг кўзидан мунчоқ-мунчоқ ёш оқа бошлади. У отасидан кўзини узиб онасининг жасади томон талпинди. Азларбеков тиззалаб юриб ўғлини тўсади ва қучогига олди. Юлқинаётган, чинқириб йиглаётган Шаҳзодни маҳкам қучганича, боланинг майнин соchlарига юзларини суртиб хўнграб юборди. Шаҳзоднинг икки кўзи онасида эди. Она кўзларини катта-катта очиб, ғайритабиий алфозда буралиб ётар, орқасидаги ярасидан оққан қон ҳалқоби оёқлари томон ўйилмоқда эди. Азларбеков йиглар экан, талвасада титраб: “Бахтсиз тасодиф, ўғлим, бахтсиз тасодиф“ дерди тинмай. Ногоҳон у йигидан тўхтади. Бир муддат ҳаракатсиз қотди. Туйкус чақнаган фикрдан энди унинг мисси шитоб билан ишламоқда эди. Бироздан сўнг шаҳд билан ўрнидан турди. Нарироқда ётган тўппончани олиб, ўғлининг олдига қайтди. Шаҳзод онасининг устига энгалиб, юзига, қўлчаларига қон юққанича унинг кўлларидан тортиқлаб тургизмоқчи бўлар, қичқириб йиглар эди. Азларбеков унинг кўлтиғидан даст кўтариб деворга тираб тургизиб қўйди. Тўппончани ўғлининг кўлига тутқазиб, бақувват панжалари билан унинг кафтчаси устидан қисди. Болакай бармоқчалари оғриб бат-

тар чинқириб йиглай бошлади. Ота бунга парво қилмади. Азларбековнинг кўзлари ёниб кетган, важоҳатидан кўрқулик эди. У иккинчи кўли билан ўғлининг жағларидан чанглаб ўзига қаратди. Йиглаётган болакайнинг кўзларига қаттиқ тикилиб, ўзига ўзи гапираётгандай саросима қўйнида шивирлади:

- Бахтсиз тасодиф, ўғлим, бахтсиз тасодиф... Буни сен бўйнингга олишинг керак. Сен гўдаксан, қонунда сенга жазо йўқ. Сен бўйнингга олишинг керак. Акс ҳолда, отанга-хана! Қип-қизил етимча бўлиб қоласан, болам...

Бола ҳеч нарсани англамади. Унинг бармоқчалари отасининг кафти ва тўпонча дастаси орасида эзилиб оғримоқда эди. У кўлини силтаб чиқариб олишга, ўзини ҳам отасининг чангалидан халос этишга уринарди. Азларбеков хаёлини жамлаб олиб, ўғлини энди кўраётгандай унга бошдан-оёқ разм солди. Унинг кўлини бироз бўшатди, аммо қўйиб юбормади. Ранги пахта бўлиб қолган болакай деворга тиralган кўйи куйиниб, тиришиб йигламоқда эди. Азларбеков унинг юзидаги қонни кафтининг орқаси билан артиб ташлади.

- Сендан сўрасалар, бу ишни мен қилдим, дейсан. Тушундингми, ўғлим ? - деди у иложи борича юмшоқлик билан. - Онамни мен отиб қўйдим, дейсан, тушундингми, ўғлим? Бўлмаса дадангни ҳам опкетиб қамаб қўйишади. Сен битта ўзинг ёлғиз қоласан, тушундингми ўғлим? Сен шуни истайсанми? Сен менинг айтганимни қилгин, кейин мен сенинг пойингга бутун дунёни тўшаб ташлайман. Сенга мана шунча ўйинчоқ опкелиб бераман. Ҳоҳлаган нарсангни муҳайё қиласан. Тушундингми, ўғлим?

Бола индамади. Дадасига тикилган кўйи бўғилиб йиглайверди.
- Сенга айтяпман, онамни мен билмасдан отиб қўйдим, дейсан, тушундингми? - деди Азларбеков дона-дона қилиб. Унинг кўзлари яна совуқ ёна бошлаганди. - Бўлди, йиглайверма! Мен билмасдан ўйнаб ўтириб, онамни отиб қўйдим, дейсан. Тушундингми?

Бола кафтласи билан оғзини тўсиб, йиглашда давом этар экан, катта-катта кўзлари кўрқувдан янада олайиб тез-тез бош иргади.

Азларбеков шошилиб қўшни хонага чиқди. У телефон гўшагини кўтариб милицияга қўнғироқ қилмоқчи бўлди-ю ўйланиб қолди. Бироз тургач, шоша-пиша бошқа рақамларни терди.

- Алло, ким бу? Устоз, ўзингизмисиз? - деди у товуши қалтираб. - Устоз, бошимга оғир иш тушди. Фожеа юз берди, фожеа. Маслаҳатингизга зорман...

У шоша-пиша вазиятни тушунтирди ва жон қулогини гўшакка берди. Қиёфасидаги даҳшат саросимаси ва гуноҳкорона мутелик

аломатлари беш дақиқалик сұхбатдан сүнг бироз тарқаб, юзи
сал ёришди. Қайта-қайта қуллуқ қилиб, милицияга сим қоқди:

- Алло, Фалончиев, сенмисан? Биласанми, баҳтсиз тасодиф юз
берди. Үглим онасини отиб қўйди. Ҳа! Ҳўп, тез, тез...

Миршаблар келгунича Шаҳзодга нима дейиш лозимлигини қайта-
қайта уқтирди. Кўп ўтмай уйни миршаблар босиб кетди. Профес-
сор Фиртмак ҳам етиб келди. Жасадни синчилаб текширган бў-
лишди, тўппончани олишди. Форма кийган салобатли-савлатли
одамлар Шаҳзодни ўртага олиб, сўроқ қила бошлашди. Йигидан
шишиб, эсанкираб қолган болакай деворга тирадланган кўйи уларга
жавдираб термулар, саволларга кўзлари олайганича фақат бош
ирғаб ёки чайқаб жавоб қайтарарди. Сўнг ота-болани милиция
идорасига олиб кетишли. У ерда тагин сўроқ-саволлар, қогоз
тўлдиришлар. Машинада ортга қайтаётгандарида Азларбеков үгли-
нинг бошидан ўпди. Тергов жараёнида боланинг тасодифан ўз
онасини отиб қўйгани тасдиқланди. Азларбековга ҳам бир неча
енгил айблар қўйилди. Жазо чоралари ҳам шунга яраша енгил
бўлди. Ишини алмаштиришига тўғри келди, бироқ бу олиши ло-
зим бўлган ҳақиқий жазо олдида ҳеч нарса эмасди. Азларбеков
сувдан қуруқ чиқди. Ана шундай ҳаловатсиз кунларда у ўзини
олдириб қўйди. Бурунги қиличдек Азларбековга ўхшамасди. Кўнг-
лида кўрқув, хавотир ҳисларига қоришиқ виждан азобига ўхшаш
оғриқ ҳам ғимирларди. Тўғри, унинг қаҳри қаттиқ эди, аммо у
“халқлар отаси” каби тошюрак эмасди. Дастлабки кунларда ўз
танмаҳрамининг ҳаётига зомин бўлганига қайғурди. Бироқ ҳар
гал Фариданинг сўнгги сўзларини эслаганида кўнгли совиб кетар-
ди. Мархуманинг ҳақоратлар ёғдираётган чоғда жирканишни ифода
этган чақчайган кўзлари, юз мушакларининг пир-пир учайтгани,
юқори лабининг асабий тиришиб кўтарилиб туриши кўз олдига
келиб, кўнглини баттар муз қиларди.

Азларбеков Шаҳзодни онасининг ёнига юборди. Кампир чоли-
дан сўнг ёлғиз яшаётганди. Буви болага меҳрибон эди, аммо
унинг овутишлари, эркалашлари ҳам болани қувонтира олмасди.
Бола маъюс бўлиб қолганди. Тунлар уйқусида чўчиб қичқирав,
босинқираб онасини чақиравди. Кампир болани тинчлантирмоқ-
чи бўлиб, соchlаридан силар, юзларидан ўпар, кўзёшларини ар-
тиб, овутмоқчи бўларди-ю, ўзи ҳам қўшилиб йиглайверарди. Ориқ-
лаб кетган, ранги синиқ болага боқиб жони ачишар, чорасизлик-
дан ич-ичи эзилиб, юм-юм йигларди. Бола кўчага чиқмас, тизза-
ларини маҳкам қучиб, мунгайганича узоқ-узоқ хаёл сурарди.
Кампирнинг даъвати билан қўшни болалар уни ўйинга чорлашди.

Болалик ўйинқароқлиги күнглига бот чўккан андухни ювиб юбор-
гандай бўлди. Аммо тагин отаси, аникроғи, унинг меҳрибончилиги
ишнинг чувини чиқарди. Азларбековнинг гоҳо ўзи келтирадиган,
гоҳо ҳайдовчисидан бериб юборадиган совға-саломлари маҳал-
ла болаларининг кўзини ўйнатарди. Ўйинчоқлари сабаб бўлиб,
Шаҳзод қайта-қайта қон қақшади. Бир гал унинг шериклари ҳов-
лиқанча кампирни чақириб чиқиши. Ранги бўзга айланган Шаҳ-
зод кўчанинг ўртасида кўл-оёғини ерга уриб, титраб-қақшаб ётар,
нуқул “Мен одамхўр эмасман, мен одамхўр эмасман”, дея жа-
завада чинқиради. Ҳаллослаб етиб келган кампир болакайлар
ёрдамида бир амаллаб уни ичкарига олиб кирди. Болакайларнинг
айтишича, ўз коптогини талашгани учун катта болалар уни копток
 билан уриб йиқитишипти, сўнг тагин-тагин, бир неча бор дуч кел-
ган жойига копток билан уриб “Онасини ўлдирган одамхўр”, “кел-
гинди” деб таҳқиrlашипти. Шаҳзод бетоб бўлиб ётиб қолди.
Хеч нарса татимай кўйди. Дамбадам алаҳсирап, “Мени ҳамма
ёмон кўради. Мен ўлишни истайман. Онажонимнинг ёнига кетиши-
ни истайман. Онажон, мени олиб кети-нг” дея зор-зор йиғларди.
Гоҳо кўзига онаси кўриниб алаҳлар, туриб кетар, қайлагардир
жўнамоққа чоғланиб кийим-бошларини йиғишириарди. Уни касал-
хонага ётқизиши. Узоқ даволанди. Соғайиб чиққанидан сўнг,
одамови бўлиб қолди. Кўчага чиққани безилларди. Ўқувчилик
кезларида ҳам худди шундай жанжал юз берди. Энди кўпчилик-
нинг ичиди уни “қотил” деб аташди. Тагин талваса, тагин алаҳ-
лашлар, онаси чорлашлар... Тагин муолажа... Бир нарса ажаб-
ланарли, у бирор марта бўлсин, ҳатто алаҳлаганида ҳам “Онамни
дадам ўлдирди”, демади. Касалхонадан асабий бўлиб чиқди ва
бувисининг кутубхонасига беркиниб олди. Бу жойда китоб титиб,
суратлар томоша қилиб кунни кеч қиларди. Кейинча соддадил
қизларга мақтанганидек, у чинакам китобхонлик бобида ҳам ту-
зуккина қобилияятга эга эди. Ҳали қуий синфлардаёқ айрича ид-
рок билан йирик романларни ўқиб ташларди. Лекин қўшиқчилик-
ка ҳаваси баланд эди. Онаси раҳматли санъатшунос эди, эҳтимол
санъатга қизиқиши ундан ўтгандир. Ҳар қалай бола яхши куйлар-
ди. Куйласа енгил тортарди.

Азларбеков бўлса дил ярасига муҳаббатдан даво излади.

Зинокорлик унинг ҳаёт тарзига айланганди. У ҳаётимни бусиз
тасаввур қилолмайман, дея ўзини овутар, кўнгил майлига идроки
ва иродаси билан монелик қилмасди. Кўп ўтмай у ишига ҳам
тикланди. Янги уй сотиб олиб, кўчиб ўтди. Уйланди. Ешина, дур-
кунгина жувонга. Кампирнинг вафотидан сўнг, Азларбеков Шаҳ-

зодни уйига олиб келди. Ўгай она ўзига ортиқ бино қўйган аёл зди. У Шаҳзодни ёқтирмасди, бироқ эрининг қаҳридан қўрқиб, болага ошкора зуғум қилмас, ёмон гапирмасди. Шаҳзодга фақат зарурат түғилганида, мажбурият юзасидангина муомала қиласарди. Бошқа пайтлар эса унга гўё бўш жойга қарагандай қарар, боланинг бор-йўқлигини пайқамасди. Аёл, юмуши чиқиб қолганида келишган қадди-қоматини бўрттириб намойиш этувчи ҳарир ич-кўйлакда хонама-хона бемалол кезаверар, кўпинча катта кўзгу қаршисида ана шу алфоз тараниб-ясланиб ўтиради. Шаҳзод ўсмирик остонасидан хатлаган кезлар ҳам аёл ярим ялангоч ҳолатда хонама-хона таманно билан кезиниш, буралиб, солланиб ўзини кўзгуга солишини ташламади. Баъзан шу ҳолатнинг устидан чиқиб қолган Шаҳзод унинг қизларнидек таранг баданига, дик-кайган бўлиқ кўкракларига кўзи тушиб ҳижолат тортарди. Ишқий романларни эрта ўқиб чиқсан болада ҳирс барвақт уйғонганди. Кейинроқ у тўғриларидағи хонадонда яшайдиган милиция сержантининг ёши ўзидан каттароқ қизи билан дон олиша бошлади. Қизнинг ота-онаси кундузлари ишда бўлар, уйда қизнинг ўзи ёлғиз қоларди. Иккала ёш дўстона муносабатлари қандай қилиб ишқ-бозликка айланиб кетганини билмай қолишиди. Шаҳзод бу пайтда кўзга яқин, кўркам йигитча бўлиб қолганди. Қизнинг хаёлини унинг ана шу сифатлари ўғирлаган бўлса ажаб эмас. Улар чиндан ишқ-ибоз эдилар. Кўришиб, эшикни беркитган заҳотлари бир-бирларига чиппа ёпишиб қолишар, жой танламай ағанашаверарди. Шундай эҳтиросли учрашувларнинг бирида шундоқ даҳлизнинг ўзида Шаҳзод қизнинг номусига тегиб қўйди. Сержант бундан воқиф бўлгач, тўполон кўтарди. Азларбеков ўғлига қаттиқ танбеҳ берди. Йигитча отасидан илк бор қўпол сўкишлар эшитаётган эди. Унинг дили оғриди. Уйдан қочиб кетди. Икки-уч кундан сўнг Азларбеков уни маст-аласт даврадан топди. Ўғилча гирт маст зди. Азларбеков унинг улфатларини тирқиратиб қувиб урди. Шаҳзодни машинага судради. Газаби қайнаб урмоқчи бўлди, аммо ўглининг кўзига тикилиб ўзини босди. “Қизлар билан юришингта қарши эмасман,- деди бироз шаштидан тушиб, - Аммо чегарадан чиқмайсан, уқдингми? Ичмайсан! Ичсанг...” Азларбеков чайналиб қолди. Кутимаганда ўғлининг кўкрагига дўстона муштлади: “Ўша қирриқнинг найнов қизидан бошқа қиз қуриб кетганми сенга? Э, дидингга сени... Ёқимтой қизчалар билан паркларда културний бўлиб сайрибоғ қилиб юрмайсанми, болакай!” Отасининг уни ўзига тенг кўриб, муомала қила бошлагани, барибири, Шаҳзодни пича қувонтирди. Ихтиёрига эрк берди. У кўчага чиқди. Кўнгил кўча-

ларини обод қилди. Санъат институтида таҳсил олаётган кезлари икки-уч дафъя қаттиқ маст ҳолатда кўриб ота тергади, аммо бундан нарига ўта олмади. Ниҳоят ҳамкурс қизчаси билан ишкий муносабатларда “чегарарадан чиқиб кетганлиги” отанинг сабр-косасини тўлдирди...

Шаҳзод қизларга нисбатан қалбида қоришиқ туйғуларни ҳис қиласарди. “Мен ҳеч қачон уйланмайман”, дерди у. Қизларни ўзича дарроғ суйиб қоларди. Аммо аслида у бирорға қизни ҳам чина-камига сева олмасди. Бу фақат ёқтириш эди, холос. Ёқтиришлар бўлса кучли ёки заифроқ бўлиши мумкин эди. Унинг қизлардан кутадиган пировард мақсади бўлса... “тўшак” эди, холос.

“Эзгуликка умид”дан

Бу дафъа, Чинор аммам билан иккинчи бор Бухорога йўл олганимизда, аммамнинг қўлида Порсо маҳсум фарзандлари яшаётган манзил кўрсатилган бир парча қозоғ бор эди. Аммамнинг қайта-қайта суриштирувларидан сўнг, Бухародан жавоб келганди.

Улуғ Бобом қадрдонининг фарзандлари бизни илиқ қарши олишиди. Аёллар кўзёш қилиб омонлашишди, ҳатто мени ҳам қучиб, бағриларига босишиди. Айтишларича, Улуғ Бобом Бухорога етиб келгач, бир неча кун шу ерда кўноқ бўлгандар, кейин Бухородан бир уй сотиб олганлар. Жойланиб олишгач, Маргилонда қолган яқинларини олиб келиш учун ишончли кишиларини йўллаганлар. Кўп ўтмай уларни оталари Порсо маҳсум билан бирга қамоққа олишган, арабий имлодаги жуда кўп китоб ва қўлёзмаларни иккита чойшабга солиб олиб кетишган. Порсо маҳсум ва Улуғ Бобомнинг кейинги тақдирни не кечгани биз каби буҳороликларга ҳам қоронгу экан. Афсуски, улар Улуғ Бобом китоби ҳақида ҳам ҳеч қандай маълумотга эга эмас, шундай китоб борлигини билишмас ҳам экан. Бизга Улуғ Бобомнинг сўнгги күнлари кечган уйни кўрсатишди. Аниқроги, ўша уй аллақачон бузиб ташланган, ўрнига бошқа иморат тикланиб, унда бегона кишилар истиқомат қилишаётганди... Тагин на Улуғ Бобом, на китобининг тақдирини билолмай бошимиз қотди. Чинор аммам иккимиз Бухорода хийла бақт қолиб кетдик.

Ниҳоят сўнгги күнлар Улуғ Бобом ҳизматида бўлган бир одамнинг дараги чиқди. Ўша мўйсафидинг ҳикоя қилишича, чамаси, Улуғ Бобом ҳукумат одамлари бостириб, ҳибсга олишлари-

дан бирмүнча олдин китобини шу кишига бергәнлар ва тайинли жойга яшириб қўйишни, фақат Маргилондан келадиган жигарбандларига беришни қаттиқ тайинлаганлар. Кўп фурсат ўтмай чиндан ҳам Улуг Бобомни ҳукумат одамлари олиб кетишиган. Бояғу киши китобни яхшилаб кўмган. Замон қутқулари босилмаган ва унинг ўзини ҳам бир неча бор тергов қилишган. У кўрқиб кетиб, кўмиб қўйган жойидан китобни олмаган, уни қўзготишга ҳам юраги бетламаган...

Биз табаррук қўлёzmани ковлаб топганимизда, унинг ярми тупроққа ем бўлган эди. Қўлёzmани қўлга олганимизда, унинг ҳилвираб, чириб қолган жойлари ҳам тупроққа тўкилиб кетди. Биз йиглаб юбордик. Аммам тиз чўккан кўйи қўлёzmани авайлаб қозларига, кўксиларига босиб, қорайган, саргайган саҳифаларидан ўпиб узоқ йиглади. Мен ҳам унинг ёнида йиглаб турровердим. Бир вақт аммам йиглаган кўйи ёнбошига ағдарилиб беҳуш ётиб қолди. Мен чинқириб юбордим. Бояги мўйсафид бир пиёла сув келтирди ва ёнимизда у ҳам йиглаб турроверди. Аммамга сув тутдим. Уни ёлғиз дараҳтга суяб ўтиргиздик. Аммам қўзларини очди, Улуг Бобом қўлёzmасини кўриб, тагин йиглай бошлади. Ҳаяжондан қалт-қалт титраётган қўллари билан қўлёzmани қўзларига яқин келтириб, куруқшаган товушда бир неча сатр ўқиди...

* * *

Дилга тошдек чўккан азобли хислардан фориғ бўлиш бунча қийин. Баъзан сени таҳқиrlаётган ёқимсиз ўйлардан халос бўлишга тиришсанг-да рашк ва аламнинг ёлқинли тили туйқус кучайиб, кўксингни куйдира бошлайди. Шуурингга тирмаша бошлаган бу қўш тилли ёлқинга яна аллақандай мубҳам гуссалар тиканаги эш бўлиб, уни чандон кучайтиради. Ўртанасан, бетоқат бўласан, ўзингни қўйгани жой топа олмай қоласан. Асабий пичирлаб, бу кўргуликларга ягона айбдор санаганинг, назарингда бир умр сенга ғайирилик ва ғанимлик қилиб келган кастга лаънатлар ўқийсан. Ёзғирасан...

Нега у бу қадар ёлғиз? Болалигида ҳам ёлғиз эди. Бошқа қизларга илакишиб кета олмагани, муроса қилолмагани боис кўпинча ёлғиз юрарди. Ўқувчилик кезлари чиндан ҳам Бокирадан бўлак дугонаси йўқ эди. Ҳозир ҳам, айни яйраб юрадиган, ўйнабкуладиган онларида ёлғизлик ва маҳзунликдан қийналаяпти. Бўлмаса ҳеч бир жиҳатдан бошқалардан кам эмас: на чиройда, на ақлда, на кийиниша. Қизиқ, нега ҳамма бир-бирига талпинади,

бир-бири билан дүстлашади, бир-бирига киришиб кетади-ю, у бўлса...? Икки-уч кун кўришмай қолсалар ялаб-юлқашиб, узокроқ дийдорлашмасалар, ҳатто, кўзёши қилиб кўришадилар. Нега ҳамма шундай, у бўлакча? Нега у мудом ёлғиз? Ҳатто ўзини тузукроқ эплай олмайдиган шалвираган қишлоқи қизлар ҳам бошқа қизлар, ҳатто, йигитларга бир гапириб, ўн кулиб, эл бўлиб кетадилар, у бўлса?... Нега шундай? Бошқаларнинг юзида, манглайида сирли оҳанрабоси борми? У табиатан шундай жозиба, шундай сеҳр ва шундай таъсирдан маҳрум яралганми? Ҳануз унинг Бокирадан бўлақ яқини йўқ-ку, ахир. Нечун у бу қадар ёлғиз? Балки у теваракка ўзгача нигоҳ ташлай билгани, юзаки аломатларга учмай, инсонларнинг сийратини фаҳмлагани, иккисизламачилик қила билмагани, ҳақиқатпарастлиги чуқур оқибатида ўзига муносиб маҳраму ҳамроздан мосуводир? Балки у ақлан, руҳан... бошқаларга ўҳшамас. Бошқалар тушуна олмаётган, тан олмаётган, тан олиши душвор бўлган ноёб олам - руҳ ва ақл соҳибаси, сирлироқ хилқатдир? Балки бу ёлғизлик эмасдир - танҳолик, яктоликдир?.. Эндиликда Бокира билан ҳам ораларига кўринимас дарз тушган, бир хонада яшасалар-да, руҳан бир-бидан олис-олисларда эдилар. Бунга ҳам у айбдор эмас-ку. Айбдор Бокира-ку... У ёлғиз. Қалби бўм-бўш, ҳеч нимага илимайди. Битта илигани, битта ёқтиргани, битта сайлагани - Самандар ҳам... Тушунмади унинг кўнглини, тушуна олмади. У ҳам ўзгалардек калтабин, сўқирқалб. Ҳамма каби алданувчан, арzon жилваларга, ишваларга, жодуларга учадиган лақма, гўл. Ҳаёлида бот-бот илк учрашув кечинмалари... иршайган, қийшайган олчоқ башаралар... юлқилашлар... тортқилашлар... шалоқ луқмалар... жирканч-пишнаш... юэсизлик... юэсизлик қошидаги мислсиз нафрату ожизлик алами... қўркувдан юракнинг кўкракни ёргудек силтланиши, нажот истаб бўзлашлар, умидсизлик даҳшати... ва бирдан... туйқусдан... овоз... унинг овози - орқадан... буйдалаётгандарнинг ҳам, жон ҳалпида юлқинаётгандарнинг ҳам бирдан ялт этиб ўғирилишлари... вужудингга қон янглиғ, жон монанд умиднинг қайтиши... унинг хотиржам қиёфасини кўргандаги қувончу алланечук хавотир... Бадкирдорларга унинг шердек ташланиши, олатасир муштлашув... бир ўзи тўрт бирдай безорига бас келиб, мардона олишуви... нихоят унинг зарба еб қулаши... Очик, нурли сиймоси... Дилгинанг чексиз миннатдорлик туйғуси ва алланечук сўлим ҳислар эпкинидан, меҳрданми-ей, мавжланиб унинг бошида парвона бўлишларинг... Ногаҳон хонадан сирли, изсиз ғойиб бўлиши... Сўнг унинг қайтиши... Ўша воқеа синоатли тушдек хотирда

Гаройиб асорат қолдириб, унинг ўзи эса ғойибдан келган сирли халоскорга менгзалиб қолганида қайтиши... “Сиз қоп-қора костом-шимда, бўйнингизда қирмизи бўйинбог ила, илкингизда оловдай ёнган қўш гулдаста бирла хонамизни файзиёб этиб таъшиф буюрдингиз... Ўшанда сиз... жуда-жуда чиройли здингиз” - бағрини илитган рангин лаҳзалар хаёлида қайта жонланиб, йигитга ғойибона дил ёради.

Энтиклирувчи хаёлларга берилган қиз бирдан титраб кетар, юзларига беихтиёр югура бошлаган мунис табассум недандир чўчиғандай исзис йитарди. Бу хотиралар қанчалик ёқимли бўлмасин... Энди у... бегона. “Мен уни бой бериб қўйдим”. Чўкаётган кемасини гуссали кузатаётган унинг мискин сохибидаи қизгина буткул умидсизланиб ўзидан тобора узоқлашиб, ётлашиб бораётган саодат шамойилини узатарди.

...улар - чиндан-да саодат тажассуми - нигоҳларда ҳавас тўратиб, қароғларга ҳайрат тўлатиб кетиб борардилар олислашиб-олислашиб. Гўё юзиб борардилар толе ва баҳт оғушида хушнуду хуррам. Севгувчи нигоҳлар-ла оламга боқиб, оламга ёқиб... Гапсўзлар, туйгулар, ҳатто, хотиралар бир-бирин тўлдириб, бир-бирин илитиб, кетиб борардилар илиқлик ҳам ёруғлик нишоналарин олиб йироқлашиб - йироқлашиб... Қўл етмас мазгилларга, тушуниксиз мазгилларга... унга насиб этмаган мазгилларга...

Ҳилола юм-юм йигларди. Сўнгги умид қатраларини тўкарди.

Ташқарида хаёлчан кезинган нигоҳлари, дераза ойнасига мавхум суратлар чиза бошлаган нафис бармоқлари ҳаракатсиз қотар, дунёлари файзсиздан файзсиз эди.

* * *

Бўзрайган бу файзсизлик қўйнидан туйқус Шаҳзод қалқиб чиқарди. Сахт-сумбатли, давлатли, шуҳратли - кўп жиҳатдан кўплардан устувор. Унинг ҳам ботинида бир ҳадик, бир асабийлик бордек, аммо юзлари табассум ва тавозе ила зийнатланган. Қизнинг кўнгли илиғандай бўлар, ҳатто, баобрў бу йигитнинг ўзини йўқлаб келишидан гуурланишга монанд ожиз, чучмал ҳис дилининг тубларида гимиirlар, бироқ бу хушомадлар замираида қандай мақсад пинҳонлигини билгани боис тагин ичидан зил кетарди. Шаҳзоддан-да ихлоси қайтар, уни-да гўл ва аҳмоқлар қаторига тиркаб ижирғанарди. Ана шу ижирганиш таъсирида Шаҳзодга “келманг” дейишга ўзида журъат топарди:

- Шаҳзод ака, менга умид қилманг, сизга ҳеч қандай ёрдам бера олмайман. Илгари ҳам айтгандим.

Шаҳзод Ҳилола англаши мушкул мужмал жавоб қиласарди.

- Бу дунёда ҳеч нарса мутлоқ эмас, Ҳилолаҳон!..

- Тушунмадим.

- Галимнинг мағзини чақиши - ўзингизга ҳавола. - дерди Шаҳзод ним табассум билан... Сиз бошқаларга нисбатан зийракроқ ва ақллироқсиз.

Ҳилола ажабланарди. Ажабланар ва юмшарди. Ўз шаънига бундай гапларни ўзгалар оғзидан илк бора эшиши эди.

Шаҳзод келишини қўймасди. Гоҳо хушёр, гоҳо ширакайф... Ҳилола бошда унча рўйхушлик бермаган зурса-да бора-бора унинг иродасига монеълик қиломасди.

Ташрифларининг бирида Шаҳзоддан қайта сўради.

- Шаҳзод ака, "ҳеч нарса мутлоқ эмас", деганингизда нимани назарда тутган эдингиз?

Шаҳзод янада мубҳамроқ, ҳайратангиз жавоб қўлди.

- Биласизми, биз баъзан юзаки, зоҳирий жилваларга чалғиб кетамиз-да, ҳақиқий гўзалликни кечикиб пайқаймиз.

Шаҳзоднинг йўқловлари, лутфу илтифотлари аста-аста кўнглини илитадиган, азобли ёлғизлик юқидан фориг этгудек енгиллик баҳш этадиган бўлиб қолди. Ташрифларининг бирида Ҳилола унинг тагдор гаплари тагига етолмаётганини, шу боис йигитнинг ўзи уларга ойдинлик киритишини сўради. Шаҳзод қизни танг қолдириб бу гал фавқулотда ойдин гап қилди:

- Ойдек ҳусну малоҳатли, сирли-синоатли, тўқис бир дилдор, хаёлий бир хилқатнинг харидори эдим. Юзаки, зоҳирий жилваларга берилиб, чалғиб кетган пайтларим ҳам бўлди. Сиз билан яқинлашганим сари мен учун қоронғу томонингиз - ички оламингизда ҳам ноёб бир нур мужассам эканини ҳис қилмоқдаман.

Ҳилола ҳаяжондан қизариб, ғалати ахволга тушиб қолди. Кутимаган бу... дил рози ўзи ҳақидаги ҳақиқатларининг ўзгалар оғзидан биринчи эътирофи ҳам эди. У ўзининг бўлакчалиги тўғрисида кўп ҳолларда иштибоҳ ила, баъзан хуноб бўлиб ўйлаган бўлса, "кўплардан устивор" бир йигитнинг бу "ёрилиши" уни юксакларга кўтармоқда эдики, қизгинанинг қалби ўша юксакликнинг оний сурурини ҳис қилгандай халприқиб кетди. Айни чогда илк дафъя ўзининг Бокирадан устун қўйилаётгани ақлини шошириб, бағрини илик, тўлқинли қувончга тўлдирди. Бир неча сониялик ёқимли эсанкирашдан сўнг ўзини унутаётган Ҳилола бироз ҳушини жамлади ва ...иномади. Вужудидан бояги ҳаяжон тафти аримай, руҳи аллаловчи сўзларнинг тотли юқидан тамшана туриб қиз "кўплардан устивор бу йигит"нинг юзига ранжитмай рад сўзи

айтиш ташвишидан жонсарак бўлди. Шунда анча тиниқкан шуури бир ҳолатни илғади: сўзлар чиндан-да ой нури янглиф жилвагар, аммо... ҳароратсиз эди. Тиниқлашиб асносида хотирдаги яна баъзи икир-чикирлар, хусусан, ёзги қаҳвахонадаги илк учрашув тафси-лотлари теранроқ кўрина бошлади. Шунда бояги андишасининг эпини қила олмаётган югурик тили ечилиб кетиб, сира кутилмаган гапларни айтиб юборди:

- Адашмасам, ўрганаётган объектингиз бўлак эди чоги?! Ёки сизнинг “стилингиз” шунақами?

Эсанкираш энди Шаҳзодга ўтди. Унинг кўзлари катта-катта очи-либ, Ҳилолага тикилиб қолди, ранги ўчди. Бир муддат шу алфоз-да ўтиргач, кулди. Кулгиси зўрма-зўраки ва алланечук синиқ чиқди:

- Сизни бекорга зийраксиз демагандим-да... Лекин... ширакайф одамнинг ҳазили чинга ўтаверадими, Ҳилолаҳон?

- Хушёргингизда ҳам унинг ортидан анча юргургандингиз, чоги? Ёки ёдингиздан кўтарилидими? - жаҳлдан қизарган Ҳилола чимирилган кўйи яна чақиб олди. - Хотирангиз шунчалик чатоқми?

Шаҳзоднинг ҳолатида ғалати бир саросима, тайсаллаш бор эди. Узунгина сукутдан сўнг, у деярли ялинганинамо сўради:

- Агар мен ўша дастлабки фикримдан қайтдим, айнидим, десамчи?

- Ишонмайман.

Шаҳзоднинг руҳиятидаги эврилиш кучайганди. Ҳилола қарши-сида чақноқ кўзларининг нури суст тортган, руҳсиз, мунғайған йигитни кўриб ажабланди ва “ҳамманинг ҳаваси келадиган ўша Шаҳзод шуми?” дея кўнглидан кечирди. Шаҳзод унга тикилган кўйи тилдан қолғандай тагин сукутга кетганди. Ниҳоят, боягидан ҳам музтарона бир кепатада лабларига зўрга илжайиш юборди:

- Сиз ... шунчалик тошбағирмисиз, Ҳилолаҳон?

Бу сўзлар Ҳилолага ёқмадигина эмас, ботиб кетди. Унинг бир кўнгли “Бўлганим шу!” дея жеркиб солгиси келди. Аммо, ҳайто-вур қурби етганича аччиғини ичига ютди.

- Биласизми, бу гапларнинг кераги йўқ. Бари бефойда ...

У гапини тугатмади. Йигитни ҳайрат илиа кузатишда давом этар экан, бирдан юмшади.

- Шаҳзод ака, сиз хафа бўлманг. Тушунинг, мен...

Ҳилола гапини йўқотиб кўйди. Буёғига нима дейишини билмай ўзи ҳам йигитга тикилган кўйи индамай ўтириб қолди. Шаҳзод кўзғолар экан, руҳсизгина деди:

- Хафа эмасман. Мен сизни тушундим...

Ортига ўгирилмай, “хайр” деб қўйди аста одимлаб кетиб бопаркан.

- Кеп туринг...

У қизнинг сўнгги сўзларини англадими-йўқми, қадамини тезлашиб узоқлашиб кетди.

* * *

...Мана, тагин иккимиз ҳамдаммиз. Иккимиз яқинмиз ҳар қачон-гидан. Яхши! Сену мен... мену сен... иккимизгина.... Бўлак ҳеч ким йўқ. Бўлак инсон зотининг турқини кўргим келмайди. Сен яхши улфатсан, ҳабибим - гап йўқ. Мулоим, вазмин, босиқ... Тўғри фақат маҳзунлик онларида яхвисан. Нега ўксиксан? Ахир, қачон қутуласан бу қисинишлардан? Бу дард чангалидан қачон фориг бўласан? Ўксима! Ич! Ахир, ўлиб турганинг йўқ эди-ку. Фақат ўйнатмоқчи, яна аниқроғи, ишрат қилмоқчи эдинг. Кайф қилмоқчи эдинг, кайф! Бундай нарсаларга сенинг суягинг йўқ. Гўзали-кў майли-я, буниси ҳам ноз қиласди-я. “Бефойда” эмиш. Шу даражада паст кетдикми? Шунақа пайтларда сенга ҳам тан бермай қўяман. Одамни ўсал қилиб қўясан. Кечвортим кеп кетади сендан ҳам, ўзимдан ҳам. Ич! Ичавер! Йўқ, умуман, мен нима қилиб юрипман бу ерда. Бу савдоилар орасида улоқиб, адашиб. Тумтароқ жумлаларни ёдлаб, “эмпириокритицизм”ларнинг мағзини чақаман, деб. Менга диалектиканинг нима кераги бор?! Менинг диалектикам - қўшиқ! Бошқа диалектиканинг кераги йўқ менга! Сенинг ўзинг қўшиқсан. Қанча дард бор сенда, қанча мунг бор - бошқаларнинг тушига ҳам кирмаган ... Лаънати! Болалигими-ни экспроприация қилди, энди талантимни ҳам экспроприация қилмоқчи. Афсуски, энди унинг йўригидан юришга мажбурман, сабаби - айб ўзимда. Раққоса билан... айб иш қилиб қўйганман... Тўғри, ишқ ўйини - бу ўзгача ўйин! Бу - таърифга бўйсунмайди, таърифлаш маҳол. Севги нима? Севги бу эмпириокритицизмга ўхашаш нарса. Мен тушумайдиган, қизиқмайдиган абстракт тушунча. Ишқ ўйини - бошқа масала! Бу мароқли, конкрет бир жараёнки, унинг асносида кўпинча ўзинг ҳам абстракт тушунчага айланиб қоласан. Менга барча алломалари ичиди фақат Зигмунд Фрейд дегани пича қизиқарлироқ ва тушунарлироқ... Энди тўла унинг измидаман. Ҳаётимнинг мазмуни, керак бўлса бош маслагим ўша - зино. У менга ўсмиrlигимда келди - кучли, ўжар, хукмига бўйсундирадиган курдат. Кейин нафс келади. Кейин юҳога айланамиз. Аждарҳога!

Танамда мендан бошқа, ҳатто сендан бўлак яна кимдир бордай. У ким ўзи? Не замонлардан буён вужудимда яшаб келаётган. Мени тарқ этмаётган, менга азоб бераётган... Қўрқоқ ва серҳадик, елкалари қисиқ ва боши эгик. Муте - ким нима деса кўнади. У ... у сўнгиз даҳшат ва ваҳшат ифодаси, бемеҳрлик ва йиртқи қаҳр илки билан яратилган аянчли асар. Унинг қисиниб-қимтиниб юришлари, одамларга ботинмай, ёввош, ҳайқиб, уялин-кираб боқишлари, қаттикроқ муомаладан, қўрсликдан жони оғзига тиқилиб чўчиб тушиши ва қалтираб кетишлари, елкаларини қисиб гарифона одимлашлари... бу ўша ёвуз ижодкор маҳоратининг талқинлари ... Менга яна нима бўляпти? Бу тарзда фикрлаяпман. Кўп ўқиганларим таъсири бўлса керак. Ҳа, нима бўлганда ҳам мен тўлақонли одам эмасман. Жисмим тўлақонли одамга ўхшайди, холос. Ичим чатоқ - соглигим жойида эмас. Сен чатоқсан, ҳабибим. Сенда тормозланиш бор. Нега қолиб кетмаяпти бу дардинг?! Фақат ичсам, тўйиб ичсам, ўзимни унутар даражада ичсам иккимиз ҳам тузаламиз. Бошқалар мени бундай мискин аҳволда тасаввур қила олмайдилар. Сенда шунча гусса борлигини, баъзан хун-хун ийглашингни хаёлларига ҳам келтиришмайди. Аблаҳ! Мени шундай яримта одамга айлантириб қўйди. Энди ким дардимга малҳам бўлади, ким?! Мени мағрур дейишади, лекин сенда қўркув бор, гулгула бор, саросима бор, яна алламбало ярамас дарду иллатлар бор. Мен тўқнашувлардан, ҳатто, ўлимдан ҳам қўркмайман, аммо ўсал бўлишдан қўрқаман. Ўсал бўлиб, сени фош қилиб қўйишдан, айниқса, унинг - вужудимдаги учинчи одамнинг ошкор бўлишидан жуда қўрқаман... "Мен қотил эмасман, қотил бошқа! Мен қотил эмасман... қотил у! Мен қотил эмасман!" Хурож... Нега йўқолмаяпти бу хурож?! Қалтироқ... Қора терга тушиб кетдим. Яна ичмасам бўлмайди... Энди кеч... Ушандা айтиш керак эди... Энди қорлар ёғиб, излар кўмилган, тавқи лаънат бўйинга илиниб бўлган. Бир кун келиб мени хароб этмасайди. Бу хурожни ҳеч нарса тўхтата олмайди. Вужудимда унга қарши туриб берадиган куч йўқ. Мен... тугаган одаммани? Жаллод! Онамни отдинг! Онам, шўрликкина онам-а... Муштдайгина бошимда қонни кўрдим, онамнинг қонини... Онамнинг жасадини... Тушларимга кириб чиқади. Кўз олдимдан кетмайди. Шўрлик онамнинг кўзлари, оёқлари қақшаб ётишлари, ёйилиб оқаётган қон... қон... қон... Даҳшат, даҳшат!!! Ҳозир миям ёрилиб кетмасайди! Ич, ича қол! Онажо-он, бунча эрта ташлаб кетдингиз мени?! Ким менга сизни қайтариб беради, ким?! Агар сиз тирик бўлганингизда менинг албатта, санъат йўлидан кетишимга кўмаклашар эдингиз. Дунё

дан күзи очиқ кеттән онажоним-а! Қанчалик етишмаяпсиз менга. Қанчалик қыйналдым-а. Муштдайгина бошимдан не балолар зөрлил мади... Ҳақоратлар, камситишлар, таҳқиrlашлар... “Қотил”, “одамхүр”, “онасини отган абллах”... Эй, худо-о-о, булар не учун?! Ка-салхоналар, муолажалар, укол устига уколлар! Инсон зотидан бе-зиб, инсон зотидан нафратланиб хилватта биқиниб олишларим. Яна касалхоналар, яна муолажалар... Болалигим, эсиз болалигим-а... савил қолган болалигим. Гунохсиз гунохкор болалигим, сүяги қотмаган, мурғак, нимжон елкачаларингга ис nod деган зил, шалтоқ юкни ортиб қўйдилар. Залвори вужудингни майиштириб, жигар-бағрингни эзib, шалтоғи башарангни бўяб ташласа ҳам бир сўз демай, унсиз кетавердинг. Қўрқдинг, бўлакча бўлиши мумкин эмас деб ҳисобладинг. Бўлакча бўлишини тасаввур эта олмадинг. Ахир бола эдинг-да, олти яшар бола! Шўрлик болалигим... Ҳаммасини ичингга ютдинг. Уни сотмадинг... Содда, баёв, ишонувчан болалигим. Энди у кунлар қайтиб келарми? Ичамиз! Савил қолган болалигимиз учун, горатга қараб кетаётган ҳаётимиз учун тубида қолдирмай кўтарамиз. Энди биз вайсақи бўламиз! Энди биз катта саҳнани минбарга, қўшиқни маърузага, тил айланмайдиган аллам-бало сиёсий терминларга алиштирамиз. Чунки зоти олийларининг инон-ихтиёри шуни тақозо этмоқда. Энди шунчаки қўшиқ куйлаши-миз ҳам душвор бўлиб қолди. Таъқиқ ва таъқиб кучаяяпти. Бу вайсақига, бўлажак амалдорга ярашмайдиган, унинг авторитетини бузадиган иш эмиш. Мендан профессор Гиртмак ҳам норози эмиш. Гиртмакка бўлса: “Бу менинг тескари вариантим” деган эмиш. Мен ҳеч қандай вариант-париант эмасман. Агар вариант бўладиган бўл-сан, мен онамнинг вариантиман. Ич, ичавер, тўйиб ич бу фам бода-сини! Энди таскинимиз фақат май ва қизлар. Бизни ҳаётга қайтар-ган қўшиқ ва китобдан ташқари энди яна шу йикки юпанчимиз бор-май ва малаклар. Эндиликда бизни ҳаётда сақлаб турганлар ҳам шулар. Аммо кейинги пайларда бу жабҳада ҳам қоқиляпмиз. Пеш-ма-пеш бизни рад этмоқдалар... Бунисига оғиз солишининг нима кераги бор эди. Ахир асл мақсадинг бўлак эди-ку... Ўйин қилмоқ-чи бўлдинг. Ўйинингга берилиб кётдинг. Мана оқибати. Модомики унга эришмоқчи экансан, кўпроқ ёқишига ҳаракат қилишинг керак эди, ана шунда у ўзиники бўлишингни истаб қоларди. Буниси-ку майли-я, аммо униси... Униси жуда бўлакча. Зўр нарса. У менга жуда ёқиб қолди. Бир кеча, бир кечагинад меники бўлслайди. Майли, ўксима, маҳрамим, ҳали умидни узмаймиз, кечмаймиз. Хун-хун йиғлаганларинг қасди у, албатта, бир кун сеники бўлади.

Улар автобусдан тушишгач бекатда анча туриб қолдилар. Ўша - ёмғирли бекатда - ҳайтлари туташган жойда, йўллари уланган жойда. Хув нарида, ётоқхона муюлишида иккисининг ашаддий ғанимлари пойлаб турар, улар буни билишар, ундан кўрқишар, ўша томоннга қарагилари-да келмасди. Ёмғирли бекатда сухбатлашиб, узоқ қолдилар. Вақт алламаҳал бўлганида кўнгил майлига қарши чор-ночор ётоқхона томон одимладилар. Тағин ўша ҳолат: тиллар айланмас - сўзлар қаҳат, фақат бийрон кўзларгина ботиний туйғуларни ошкор қилишарди. Нихоят юраклари бетламаётган ўша жойга, бераҳм ёғий - ҳижрон пакка қурган ётоқхона муюлишига етиб келдилар. Сира ажралгилари келмасди. Зўрга узилишди. Қиз ётоқхона томон йўналди, уни меҳрли нигоҳи билан узатган йигит ортига бурилди. Бағри соҳиблари ҳижрат қилган уйдек ҳувиллаб ғоят азиз бўлиб қолган бу маскандан узоқлашди.

Яқиндагина Бухорода бўлишди. Шоди уйланди. Тўйга Шодининг кўпчилик курсдошлари қатори куёв боладан таклифнома олган Самандар ҳам борди. Бир гуруҳ ҳамкурслар олдинроқ жўнаб кетишганди. Бокира, Ҳилола, Самандар, самарқандлик бир йигит билан қизилтепалик бир қиз ва юмушлари кўпайиб кетиб деканатда ушланиб қолган Душвор поездда кейинроқ йўлга чиқишиди. Қизилтепа шоҳбекатидан Ғиждувонга автобусда етиб келишиб, чойхонада унинг машҳур кабобидан тановул қилишди, шўртаъм чойидан ичишиди. Шодиларнига етиб боргандарида Тошкентдан келган толиби илмлар куёвнинг ҳамқишлоқларига эл бўлишиб, тўйнинг файзига файз қўшаётган эдилар. Ким енг шимариб, аччиқ-чучук тайёрлаётган, ким қовун-тарвуз сўяётган, ким бошқа юмушларга чопқиллаган, четроқда, букри ўрик остидаги стол теграсида қора костюм-шим ва бўйинбоғли қиличдай уч-тўрт ҳамкурс йигит Шодининг дилкаш жўралари билан қадаҳ чўкишириб “танишаётган” эдилар. Ҳали-ҳануз гулдор дўпписи-ю ола чопонини ташламаган Шодининг ўзи ҳали у даврага, ҳали бу даврага бош суқиб, мутойиба қилар, меҳмонларнинг кўнглини оларди.

- Э, бизни билгандаримиз профессор Гиртмакнинг фанига ўхшаган чала ярим назария. Сенда, ахир, практика бор - ўргатгин-да, - дерди у жўрасини туртишни қўймай.

Шу пайт тўйхонага олтовлон кириб келишди. Келгандарни хушнуд кутиб олдилар. Шоди меҳмонлар билан омонлашиб, уларни уйга бошлади.

Кечки базм ширингина ўтди. Ўзбекча, тоҷикча нағмаларга толиби илмлар “шоҳ ташлаб” ўйнадилар. Ҳатто Душвор ҳам, ўйин-

га унча уқуви йўқ, анчайин сипо курсбоши ҳам “учиб” қолиб, санъаткорлар гуруҳидаги ўйинчи қиз билан берилиб ўйнар, қиз чарчабми ё бу хирапашшадан қутулиш учунми, жойига ўтириб олса, уни ҳоли-жонига қўймай даврага тортар эди. Тўйхонага эндинга келганларида уларни ичкари бошлаган Шоди “Бизда кечки базмда мўйсафидлар ҳам тўй томоша қилиб, столда ўтиришади, ароқ қўйилмайди, шу ерда тўйгунча ичиб олинглар” дея пешма-пеш ичкилик киритиб, дўсти Душворни анча “пишишиб” қўйганди. Кечки базм чоги стол устида ичкиликлар қайтага янада кўпайиб, “Мени ҳурмат қилмайсизми?” саволбозлиги авж олди. Ниҳоят эгнидаги одатий либосини янги куёвлик саруосига алмаштириб, давранинг тўрида келинчаги билан ўтирган Шоди ўзининг жўнгина ҳийласи кутилмаган ажойиб ҳосила - сархуш сакраётган Душворни етилтирганидан нашъа олиб ... қотиб-қотиб куларди. Келиннинг қаватида ипга тизилган маржондек қатор терилиб ўтиришган унинг дилбар дугоналари бўйинларини чўзиб, бошчаларини эгиб, бу гаройиб куёвни жилмайиш ва лаб буриш билан томоша қилишар, бу ёқда куёвжўралар ҳам кулгига дастурхон бўлиб ёйилган лаб-лунжларини йигиштириб ололмай куёвболани тергашар, тартибга чақиришарди. Тўй интиҳосида ёшлар келин-куёвни даврага олиб ўйнатаётганларида Шоди қўққис келинчакни даст кўтариб, улоқни ердан узган чавандоздек даврани ёра лўк-киллаганича чимилдиқли уйга кириб кетиб, яна ҳаммани кулдирди.

Эртаси тарқалишиди. Ҳар ким ҳар ёққа. Кўпчилик Тошкентга, шу атрофда яшайдиган талабалар, жумладан Бокира ва Ҳилола ҳам уйларига жўнадилар. Самандар ўзи анчадан бери Бухорога келишни ўйлаб юрганди. Тадқиқотлари ривожи, мاشақатлар билан очмоқчи бўлаётгани Улуг Бобоси тақдири, унинг китобига дахлдор баъзи мубҳамликлар Бухоро сафарини тақозо этмоқда эди. У Бухорода бир ҳафта қолиб кетди, ота қадрдонлар авлодлари билан дийдорлашди. Архив, мозийгоҳ, кутубхоналарда маълумотлар йигди. Янги манбалар илинжида Қаттақўргонга ўтди. Бир муддат Самарқандда бўлиб, ниҳоят тунда Тошкентга етиб келди.

Деярли кун бўйи бирга бўлдилар. Шодининг тўйига доир тафсилотлар ҳам кула-кула эсланди. Бокиранинг сўрови билан Бухоро сафари, Самандарнинг изланишлари натижалари хусусида сухбат очилди. Самандарнинг тарих борасидаги мулоҳазалари, кутилмаган оҳорли фикрлари қизни ўйга толдирав, йигитнинг тадқиқотлари уни жуда қизиқтириб қўйганди. Мулоқот асносида Бокираада баъзан иштибоҳ түғилар, Самандарнинг аниқ асос-далиллари қаршисида сукутга чўмарди. Гарчанд сиёsatдонлик бўлими-

нинг кучли талабаларидан саналса-да, ўзининг ҳам сиёсатдонлик-нинг ғариб ақидалари асосида анчайин жүн фикрлашга одатланып қолганига, ўқув дастуридаги “Жануби-ғарбий славянлар тарихи” деган фанларни изчили ўзлаштиргани ҳолда она юрт тарихини саёз, юзаки билишига амин бўларди. Самандар пайғамбарлар ҳаётидан тортиб тасаввуф таълимотигача, Амир Темур Кўрагон тарихи, бекёс салтанат, буюк маърифат субҳи, темурийлар-нинг гумроҳликлари, таназзул ... ва бошқалар ҳақида сўзларди. Гарчанд, Бокира Бухоро фарзанди эрса-да, шу вақтгача яхши билмагани, айримларининг, ҳатто, умуман, номини ҳам эшитмагани Абу Хавс Кабир Бухорий, Баҳовуддин Нақшбанд, Хожа Мұхаммад Порсо, Имом Бухорий, Абдухолиқ Фиждувоний, Ҳожи Ориф Моҳитобон, Сайд Амир Кулол, Ибн Сино каби алломалар хусусидаги гаройиб маълумотларни илк бора Самандардан эши-таётган эди. Тасаввуф ҳақида сўзлар экан, Самандар Бокира илгари сира эшитмагани ана шу таълимот бўйича “Қалб Ҳақ на-заргоҳидир”, “У нурлар тўпланадиган жойдир” дерди. Баъзан Бокирани чўчитиб “Куръон - муқаддас китоб. У инсон даҳоси-нинг ҳар не ижодидан бемисл юқори туради” деб қолар ёки уни баттар қўрқитиб миллий истиқлол ҳақида тўлқинланиб ҳикоя қилас-кан, Мадаминбек, Турор Рисқулов, Беҳбудий, Мунаввар Қори-ларни, бошқа жадидларни фаҳр ила “миллий қаҳрамонларимиз” деб атарди. Бокира ҳазилакам чўчимас, хавотир или аланглаб бундай қалтис фикрларни минбаъд ўзидан бошқага айтмасликни, учини чиқармасликни ўтинарди. Бешак-шубҳа, Самандарнинг би-лими кенг, мантикли, унда теран таҳлил мавжуд эди, аммо дилни тирнаган ташвиш шуки, бу билимларни юзага чиқариб бўладими? Юзага чиқаришдан кимга фойда, кимга зиён-заҳмат? Бу билим-ларни, олиб борилаётган тадқиқотларни ҳукмрон расмий “фан”, мафкура қабул қиласми?

Шундай хавотир Самандарнинг ўзида ҳам йўқ эмасди. Бокира-нинг ўша андишасини эслаб, хаёли беихтиёр тадқиқотларига оғди. Улуғ Бобоси китоби тақозоси билан расмий илм-фан дастуридан ҳоли, эски алифбодаги манбалар асосида мустақил изланишлар олиб борар экан, юрт тарихи чиндан ҳам беҳад-беҳудуд ўрганилмаган бир уммон эканига тобора ишончи комил бўлмоқда эди. Изланишлар асносида кўнглидаги қониқиш баробарида ташвиш ва хавотир кўлагаси ҳам чўзилиб, дили ғашланар, бағри туз сепгандек ачишарди. Чунки билганинни, энди ўзида сақлай ол-масди. Аммо қандай қилиб? Қалби ана шу саволдан тутғёнга ке-ларди. Сўнгги ҳаракатлар, Бухоро, Самарқанд, Каттақўргондаги

изланишлари давомида дуч келгани янги далиллар шуурида күтилмаган ёркىн фикрлар, мулөзазалар уйғотганди. У ҳаяжон ила она юрт тарихининг мураккаб бир давридаги ўзаро боғлиқ воқеа-ҳодисалар силсиласи ҳақида ўйларди. Зоҳиран кузатганда, турли жойларда ўз ҳолича юз бергандай, чуқурроқ таҳлил қилинса қонунный яхлитлик касб этгувчи ушбу улуғ ва қутлуғ жараённи қоғозга туширишда шу қадар нозик йўл тутмоқ жоиз бўлардики, муроса учун неки хаспўшлаш лозим эрса қўллаган ҳолда, уларнинг залворини асло камайтириб юбормаслик зарур эди. Бунинг учун ҳодиса ва тафсилотларни шундай маҳорат билан ўрни-ўрнига қўйиб тера билиш талаб этилардики, улар мухаррир элагидан ўтаётуб тарқоқ ҳолича тушсин, аммо теран назар ва чуқур мушоҳада қаршисида асл моҳиятини тиклаб намоён бўлсин. Ўйламай бўладими? Ташвиш чекмай бўладими? Самандар Улуғ Бобоси, унинг маслакдош-сафдошлари, буюк ишлари ва интилишлари ҳаққи ҳурмати ана шундай чўнг масъуллик ҳис қиласарди. Тадқиқотлари га Бокиранинг қизиқиши, руҳан қувватлаши уни беҳад шодланти-рар, жисми-жонига чексиз кудрат бахш этарди.

Бироқ...

Илкидан келганича, ана шундай эҳтиёткорликларнинг эпини қилиб, мақола битди - тадқиқотларининг бир бўлагини оқقا туширди, аммо ҳеч бир рӯзнома-журнал ҳали-ҳануз уни қабул қилгани йўқ. Бильякс, кўп жойларда ҳозирдан бошига маломат ёғдира бошли-дилар.

"Эзгуликка умид" дан

Улуғ Бобом китобини ўқий бошладик:

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

Аллоҳга беадад шукроналар бўлсинки, анинг марҳамати ила ушбу битикларни ёзмоққа киришдим. Ниятим, маним етти отамнинг йўқотилган китобларини авлодлар учун тиклаш ҳамда до-лғалик бул замонда мулҳаза қилганларим - ҳақиқатни баҳоли кудрат баён этмакдур.

Инсон, аввало, ўзини англамаги возибдур. Ўзини англамаган, ўзини танимаган кас бамисли бир бесар ҳас, оқим уни ҳар кўйга солмоғи мумкун бир ҳолдур. Ўзини таниган ўзгани ҳам топтамас. Инчунин, китобим ибтидосида, иншооллоҳ, ўз шажа-рамиз тарихини баён айлаб, етти отамнинг қутлуғ номлари, аларнинг ноъмаи амолларини муфассал шарҳ этсам...

Минг афсуски, құләзманинг ушбу үрни намдан қорайш, чириғаны бос ұарчанд үринмайлик, әбет нимани үқий, англай олмадик, кейинги барча сағифаларнинг ҳам ҳудди шу - остки үринларига пүтүр етгани туфайли, уларнинг фақат яхши сақланған юқори қисмидаги ёзувларнегина ярим-ёрти үқий боролдик.

* * *

У үйқусини йүқотганига анча бұлди. Тун ярмидан оғаныда ща оғир дард хуружидан тұлғона-тұлғона үйгониб кетади. Ноқуш ўйлар ёпирилиб келади. Улардан қутула олмайди - үйқуси буткул қочади. Юраги үртаниб, бегам-беташвиш ором олаёттан, Бокирата ҳасад билан боқади. Хаёллари беихтиёр Самандарга оғади. Уни ўйлай бошлайди. Үйлайверади, ўйлайверади... Ҳаёт қизик... Кетаверасан-кетаверасану үзингда йүқ нарсанинг йўклигини баъзан ҳис қилмайсан ёки, аниқроғи, бунга у қадар эҳтиёж сезмайсан... Аммо, дағығатан шундай нарсанинг борлигини билиб қолсанг, ҳис қилсанг, унинг тафтини бир лаҳза туйсангу, яна зумда, ҳатто дийдорига тузукроқ тўймай туриб йўқотиб қўйсанг, бой берсанг ёмон бўлар экан. Топганингга ўзгалар эга чиқсалар ўн карра аламли ва аччиқ бўларкан. Ҳаёти, хаёллари шу тарзда остин-устун бўлиб кетиши тушига кириптими? Юраги ториқар, ҳаётда бундан баттари бўлиши мумкин эмас, дея дарди-дунёси коронғу бўларди. Ўйламайман, дейди, йўқ, керак эмас ул номард, етаклатма... Жодугарнинг ўзига сийлов, жодугари билан қўшмозор бўлсин. Менга нима? Керак эмас, йўқ... Дейди-ю тинчлангандай бўлади ... Аммо, яна зум ўтмай коронгулик қаъридан у юзиб чиқади... Йўқ, аввал товуши келади, жон ҳалпida юлқинаёттан Ҳилола таърифсиз кувончу умиддан энтишиб ўгирилади ва уни кўради. Уни кўраверади! Керак эмас, йў-ў ... - инкори оёқланмайди, инкори инкорга учрайди: "Сиз қол-қора костюм-шымда ... жуда-жуда чиройли эдингиз". Бағри куйдай хуш, нурдай илиқ бир сеҳр тафтидан титраб кетади. Бир зум бўшашиб, тек қотади. Сўнг безгакка чалингандек қалт-қалт титраб юзини ёстиққа босади. Аламдан нафаси бўғилгудек бўлиб, тұлғонишлардан ҳориб-безиб каравотга ўтириб олади. Бирозгина енгил тортади. Лаблари гезарид тағин асабий пичирлайди. Мана, дейди, турипти ҳали ҳам жонимни қақшатиб - сен санчган заҳарли ўқ. Ҳа, ой ҳам, кун ҳам сенга боққан. Сен омадлисан, сен устунсан, устун. Аммо ҳозирча... Сенга ҳам боққан бало бордир...

Тонгда түнгі азоблар ҳуружини бирга тотған чойшабини тұғрилар экан, кечаги жаңжал үчүн кулимсираб ундан кечирим сұра-моққа өсілгендегі ҳамхонасидан юзини үгіриб олди. Шишиңқираган юз-күзини совук сувда узоқ чайды, рұксиз кепатада бұлак юмушларини бақарди. Хонада Бокираннанғ борлыгини пайқамагандек унга орқа үгірганича совуққина бўлиб икки пиёла совуқ чойни симирди. Ҳеч кимга қарамай күчага чиқиб, дарсига жүнади. Рухи қарахтдай эди-ю, ботинида ажыб бир совуққонлик ва вазминлик бор эди. Ҳамкурслар билан бош иргаб омонлашди. Уйқусизликдан боши гувиллаётган бўлса-да, ўзини тетик тутишга интилди.

Иккинчи дарс думалоқ ўқув хонасида рус гурухи билан биргалиқда олиб борилди. Рус гурухи талабалари орасида Шаҳзодга кўзи тушди. Шаҳзод ҳам рұксизроқ, мискинроқ кўринди кўзига. Маърузадан сўнг, ойнаванд йўлакда чекиб турган Шаҳзодни кўриб бир дам тайсаллади-да, сўнг дадил юриб қаршишига борди.

- Шаҳзод ака, бир минутга мумкинми?

Шаҳзод сұхбатдошидан юзини үгирди, ажабланиб ва чимирилиб унга бокди. Четроққа юрдилар. Шаҳзод чаккасидан силлиқиб тушиб, кўзининг ярмини беркитган узун соchlарини кескин, асабий бош силтаб тўғрилаган бўлди ва “Нима дейсан?” деган маънода пайваста қошлари остидаги тиник кўкиш кўзларини Ҳилолага ўқдек қадади. Ҳилола бир лаҳза талмовсиради, айтмоқчи бўлган гапини йўқотди. Бироздан сўнг ўзини тутди, тамаки тутатаётган Шаҳзодга ҳижолатпазлик илиа кулимсиради:

- Мен... ўша куни сизга қўпоплик қилдим, чоги. Шундан ҳижолатдаман. Мендан хафа бўлманг... Сизга шуни айтмоқчидим.

Шаҳзоднинг ҳолати ўзгармади. Асабий алфозда сигаретани кетма-кет чуқур-чуқур тортди ва чертиб юборди. Ниҳоят, юз-күзини ҳоллаган ўйчанлик ва кескинлик булутини бироз кўтариб чала табассум балкди.

- Ҳар тугул, сиз дугонангиздан инсофлироқ ва илтифотлироқ чиқдингиз... - текис садаф тишлари ялт этар-этмас лаблари тағин маҳкам қимтилди.

Тағин дугонаси эслатилгани учун Ҳилоланинг гаши келди. Кин тиги бағрини тилиб ўтгандек бўлди. Бироқ сапчиб кетмади, совуққонлик билан ўзини босди, ҳатто, илжайишга-да куч топди:

- Биламан, сизга қўпроқ дугонамининг инсофи ва илтифоти керак.

Шаҳзод ҳижолатомуз, аммо ёйилироқ кулиб қўйди. Чүнтагидан яна тамаки олар экан, бутунлай нописандлик билан гап қотди:

- Агар мен яна бир марта дастлабки фикримдан қайтдим, десам-чи?

- Қўйсангиз-чи, Шаҳзод ака, - Ҳилола бироз қизиши. - Унга қандай термулишларингизни кўрмайди, дейсизми? Бутун дарс давомида кўз узолмадингиз-ку.

Бошини зганича тамакисини ўт олдираётган Шаҳзод бир сония тек қотди. Сўнг лабларининг бурчидаги қўндирилган сигарета билан елка қисиб, икки қўлини икки ёнига кенг ёйди:

- Зийраксиз, Ҳилолахон, зийраксиз.

Бежирим ўт олдиргичини чўнтағига солиб, тамакини ложарам тортаркан, Ҳилоланинг юзига қаттиқ тикилиб қўйди.

- Аммо бу... қаҳат-ку?

Қизнинг ҳайкалдек миқ этмай турганини кўргач, яна журъатсизроқ гап қотди:

- Демоқчиманки, ўртоғингиз... жуда... қаттиқ-ку. Сира бунақасини кўрмагандим...

“Ҳайкал”нинг кўзида ҳайриҳохлик учқунлари зуҳр этганини илфаб, дадилланди ва таваккалига иршайиб кўрди:

- Олдидан борсанг тишлайпти, ортидан келсанг тепаяпти... Ҳайронман.

Ниҳоят, “ҳайкал”га жон битди.

- Унинг ўзи шунақа... боши қаттиқ-да...

Шаҳзоднинг беихтиёр коши учиб, қизга янада синчков тикилди. Қиз пинак бузмай турарди.

- Ёмон экан, - деди Шаҳзод бош чайқаб, кетидан изоҳли кулди.

- Феълини айтаман-да.

- Ҳа-а, феъли ёмон...

Ҳилола гапининг нишибини қаёққа тўғрилаб қўйганини сезиб, Шаҳзод яна кулди.

- Ҳўп, энди борай, - деди Ҳилола зинапоя томон бурилиб. - Маърузага кеч қолдим.

- Яхши, Ҳилолахон.

Кўл олишиб қўйдилар.

* * *

Ниҳоят...

Ниҳоят, изланишлар самараси бўй кўрсатди. Қанча оворагарчилик, сарсон-саргардонликлар билан Самандар мақолосини марказий рўзномалардан бирида чоп эттириди. Бобоси қатагон қурбони бўлған бир муҳаррир жасорат қилиб, унга ёрдам қўлини чўзди. “Туркистоннинг фидойи ўғлонлари” - қийинчилклар или кечаетган изланишларнинг ilk муждаси ана шундай номланганди. Бу кичик

асарда қатрадаги қуёшдек нотаниш муаллифнинг кўламли тадқикотлари бўй бериб турарди. Мақолада марказий ўрин Улуғ Эшон ва унинг китобига берилган эди. Улуғ Эшон ва салафларининг ҳаёт йўли, фожеавий тақдирлари уларнинг эл ғамидаги эзгу гоялари шуъласида ажаб теранлик билан ёритилганди. Баҳор шарпасини злас илғагач, оламни кўришга ошиқкан, нағис манглайи билан ураура аёз қобигини ёриб чиққан чечакдек муnis, маъсум, мўъжиза-кор эди бу мўъжаз асар. Некбин диллар ундан ҳайратландилар, қувондилар, уни қутладилар - пинҳона, гойибона. Илк бора ошкор зтилаётган Улуғ Эшон китоби ҳамма учун кутилмаган ҳол эди. У кўпларнинг фикрини чайқалтириб чинакамига ўйга толдирди, воқеа-ходисалар моҳиятига теранроқ, тўғрироқ назар ташлашга туртки берди. Қисқа бир муддат Самандар ва муҳаррир қалбларида чинакам қувонч ҳиссини туйдилар. Тез орада марказий нашрлардан бири "Туркистоннинг фидойи ўғлонлари"га қарши ғазаб ва қаҳр нафаси уфурган "Жаҳолат" номли мақолани зълон қилди. Бироқ, бу бошланажак шиддатли қаҳратон бўронларининг дебочаси эди, холос. Ҳаялламай бўлак рўзнома ва журнallарда ҳам шу мазмун, шу руҳдаги норозилик изҳорлари босилиб чиқди. Раддияларни ўқишдан зериккан Самандар янги мақола битди, лекин бу мақолани энди ҳеч қаерда чоп этмадилар. Илк мақолага ўз рўзномасидан жой берган бечора муҳаррир бўлса ўнгу сўлдан пешма-пеш ёғилаётган маломат тошларидан ўз бошини ҳимоялаш билан овора эди. Туйилиши ҳамоно дилни яйратган оний илиқлик, соний тафт қайларгадир йитди. Гўё сира бўлмагандай. Вужудни қақшатиб, руҳнида парчинлашга қасд қилган аёз кучайди... Ёмон бўлар экан бу хил зврилиш.

* * *

Мискинсиз...

Ғуссалисиз...

Гарчанд.. кулиб қошимга келсангиз ҳам, сездирмайман десангиз ҳам изтироб чекаётганингизни куриб турибман. Ёлғон билмас кўзларингиз қатида ғамлар яширин, теран ғуссалар урчиётир. Яширишга тиришсангиз-да, мен сизни ҳис қилиб турибман.

Мискинсиз, ғуссалисиз... Руҳингиз бунча тушкун? Биламан, сизга жуда мушкул... Бошқаларга осон-ку... Ана, яшаётли ўзгалар, ҳою-ҳавас бандалари - бегам оломон, сира-сира ташвишни билмай. Нега сиз риёзат чекасиз ёлғиз? Биламан, сиз бошқалардай ҳаёт кечира олмайсиз. Биламан, ўзгача ҳаёт, енгил-елпи ва мазмунсиз,

бекадр ҳаёт сиз-чун йўқлик, сиз-чун ғорат. Салмоқли ва эзгу мақсадларингиз бор. Одамларга фақат яхшиликни соғинасиз. Бегаразсиз... аммо... ҳаёт нега бунча бешафқат? Одамлар нега бунчалар олчоқ? Омаднинг ҳам кўзлари сўқирми чиндан?

Огир сизга, ҳозир жуда оғир. Аммо бошингизга маломат тошлари ёғилса-да, чўкмайсиз сира. Иштибоҳларга бўйин эгмайсиз. Азатимат, бироқ... Сизни йўқотиб қўйишдан кўрқаман. Шу шафқатсиз ҳаёт, олчоқ одамлар сизни балоларга гирифтор этмасалар, деб кўрқаман. Кўрқаманки, гирромликка қонун-коида йўқ, у ўз номи билан гирромлик. Кўрқаманки, ҳалоллик ва мардлик анчайин мўрт. Шундан алағдаман. Жуда-жуда алағдаман.

* * *

"Эзгуликка умид" дан

Улуг Бобом китобидан

... Авлодимиз бул китобни ўқир эркан, демак биз ўлмаймиз. За-монлар алмашади, урф-одатлар, афкору амаллар, либослар ва бўлак нимарсалар алмашинади, аммо биз ўлмаймиз. Биз - ул бўлурмиз, биз унга ўтurmиз, унда яшармиз, унинг илки ула улуг ишлар қилурмиз. Бул китоб бизнинг кўнгул зурриёдимиздур. Насл зурриёди эътиқоду иҳлос-ла уни ўзлаштирас эркан, сўнгги дуобаҳаш сатрлар ҳосиятидан баҳра олиб, аниг магзини чаққани замон бизнинг магзимиз уни жо бўлур. Бул китобнинг сеҳрли хислати шул эрур.

* * *

Ниҳоят, "Туркистоннинг фидойи ўғлонлари" муҳокамаси матбуот саҳифаларидан даҳанаки жанг жабҳасига кўди.

Куни аниқ белгиланган муҳокамани негадир олдинга суришди. Бу ҳақда Самандар издиҳомдан бир кун бурун оқшомда огоҳ этилди.

У йигилиш тайин этилган бино зиналаридан кўтарилад экан, ҳали олдинда ўзини кутаётган кўргуликлар кўламини ҳис қила олмас эди.

Дўй-зуғумлар иси анқиб турган кенг, совуқ хона уни чақчайиб кутиб олди. Тўрда, ҳайъатда рўзномаларда "Туркистоннинг фидойи ўғлонлари"га қарши аёвсиз ўт очган ва бугунги анжуманга мутасадди бўлганлар - профессор Гиртмак, унинг шогирдлари ҳамда бўлак арбоблар ўтиришарди. Раислик қилгувачи тунд ва совуқ қиёфада йигилишнинг мазмун-мақсадини баён қилиб, уни очди.

Биринчи бўлиб “Жаҳолат” мақоласи муаллифи, профессор Фиртмак шогирдларидан бўлган узун бўйли, озғин танаси бироз эгик, хат ўқиганида бир қоши иккинчисидан мудом баланд келиб юзига тажанглик ва серзардалик туси бергувчи олим сўзга чиқди. У бироз йиғлоқи, баланд шанғи овози билан зални титратиб бирданига энг муқаддас ақидалардан сўз очди. Кеңг тўхталди ушбу мавзуга. Сўнгра улуг сўғищ бекурбон бўлмаслигини уқтириб, барча тўгри ниятли ҳаммаслаклар жабҳанинг бир томонида событ ва содик туришини, ушбу сафдан ташқаридағилар эса ҳамиша душман аталишини таъкидлади ҳамда “адашган тўда”, “бебош оломон”, “қабих унсурлар” ҳақида қаҳр ила фикр юритди. Маърузаси сўнггида у Самандар мақоласининг бир жойига ахли анжуманнинг айрича дикқат қилишларини сўради. “Туркистоннинг фидойи ўғлонлари” бағрида Улуғ Эшон китобидан олинган сўзлар бор эди: “... Тўлғоқ бошланади. Бир хосиятлик тўлғоқ, бир қутлуғ тўлғоқ. Замонлар дўнади. Бир ойдин тонг отади... Маним буюқ срезум, маним башоратим ана шул эзур...” (шу ўриндаги “Озодлик тонги” жумласи Самандар томонидан олиб ташланган эди).

- Бундан ниманинг иси келаётганини сезаяпсизми, ўртоқлар?! - товушида йиғлоқилик кучайиб, ўнг қоши чапидан чандон баланд келиб маърузасини якунлади нотиқ.

Шундан сўнг профессор Фиртмакнинг бошқа шогирдлари бирин-кетин сўзга чиқдилар. Барчаси тўтиқушдек бир хил гапларни айтар эдилар. Йиғилганлар эътиборини мақола хотимасига - Улуғ Эшон башоратига қаратмоқчи бўлдилар. Не ажабки, анжуманда Самандарни ҳужумдан ҳимоя қилишга ботинганлар, мақоладаги Улуғ Эшон башоратини “Эврила бошлаган замон”га боғлаб муроса йўлини тутмоқчи бўлганлар ҳам топилди. Не ажабки, булар ҳам профессор Фиртмакка ҳайриҳоҳ, аниқроги, унинг измидаги шотирлар эди. Ғала-ғовур қўпди. Профессор Фиртмак сўзламади, тўполонларга аралашмади ҳам. Унинг саҳнага чиқишига хожат йўқ эди. Ғала-ғовур узоқ чўзилмади. Бироз тортишувдан сўнг, ҳаммалари бирданига жимиб қолишиб. Жимжитлик узоққа чўзилмади. Очик қолган рақибни бир зарба билан ерпарчин қилиш учун пойлашга етгудек бир неча сониялик.

Ниҳоят шундай савол беришди:

- Хўп, шундай деб ҳам ҳисоблайлик, у ҳолда муаллифга яна бир гоятда муҳим ва ҳақли саволимиз бор... Хўп, Эшоннинг фикрича, дейлик орзусича, дейлик башоратича “Тўлғоқ бошланиб, замонлар дўниб, отажак ўша тонг” да Қуёш қайси томондан чиқади?

Самандар ўрнидан турди. Олдинда ўтирганлар дув ўгирилиб, унга юзланиши, орқадагилар бўйинларини чўзганча ўринларидан туриб кетиши. Залга бир дам оғир, жуда оғир - қабристон сукунати чўкди. Самандар энтикли.

- Қуёш Шарқдан чиқади, - деди у ниҳоят.

Аввалгидан бешбаттар тўполон кўпди. Гўё ҳаммаёқ остин-устун бўлиб кетди. Самандарни ортиқ гапиришга қўйишмади. Ғазабланган оломоннинг қаҳрдан бўғилган, чинқираган, чийиллаган омухта қичқириғи унинг товушини босиб кетди. Тўда - профессор Фиртмак тарафдорлари тарафидан "Олчоқлик!", "Сиёсий кўрлик!", "Онгли бузғунчилик!" деган тиғдор хитоблар янграй бошлади. Раислик қилгувчи тартибни тиклаш илинжида беҳуда уринарди. Оломоннинг газаби жунбушга келиб кутурар, тўполон ҳали-бери тинчийдиган эмасди. Ниҳоят, профессор Фиртмакнинг аралашувига тўғри келди. Зал тинчигач, минбарга пешма-пеш яна профессор Фиртмакнинг шогирдлари ва бўлак сиёсатдонлар кўтарилиши. Минбардан Самандарнинг бошига бири-биридан совуқ ва мудҳиш айбловлар ўқдек ёғила бошлади. Сўзга чиқгувчиларнинг навбати чўзилиб издиҳом интиҳоси нотайинликка томон суриларди. Шунда раислик қилгувчи ранги-кути ўчиб, ўрнидан турди.

- Ўртоқлар, ўртоқлар, илтимос, тартиб сақлайлик, - деди у ялинганнамо оҳангда. - Эҳтимол укамиз адашгандир, ўйламай гапириб қўйгандир, гапларининг маънисига етмагандир. Сезишимча, ўзи ҳам ҳозир айтгандаридан пушаймонда. Келинглар, агар хулосасини чиқарган бўлса, яна бир бор ўзидан сўраб кўрайлик. Ахир, Қуёшнинг бизга Ғарбдан чиққани кундай равshan нарса-ку, шундай эмасми-а, ука?

Тагин ҳамма айланиб-буралиб, чўзилиб-чувалиб Самандарга тикилди. Профессор Фиртмакнинг ўзи ҳам кўпни кўрган кув чағир кўзларини чақчайтирганича Самандарга қаттиқ тикиди. Залга тагин ўлик жимлик чўкди. Ғазабдан титраган Самандар оғир қўзғолиб, ўрнидан турди. Томогини бўғган аччиқ зардобни ютиниб енгди-ю, дона-дона қилиб деди:

- Қуёш, барибир, Шарқдан чиқади...

Раислик қилгувчи бир нима дейишга улгурмади, Самандар ортиқ бир сўз демай ортига бурилиб эшикка йўналди. Та什қари чиққач, бир онгина енгил тортиб энтишиб қўйди. Пальтосининг ёқаларини кўтарди. Кўкка боққан кўзларига бирдан адоқсиз ҳасрат чўкди. Бир дам тек қотди. Сўнг совуқдан қунишганича йўлакдаги ўткинчилар оқимиға қўшилиб, жадал юриб кетди. Одимлари янада тезлашиб, юргургудай бўлиб муюлишга етиб борди. Уловга ўтириб, талабалар шаҳарчаси томон елиб кетди.

Бахтига Бокира ўз хонасида экан. Зиналардан ошиқиб чопиб, иккинчи қаватга күтарилиганида қиз ҳам унинг истиқболига оти-либ чиқди. Шаҳло кўзларида таърифсиз қувонч чараклаб ту-рарди. Улар бир-бирларига термулишиб бир дам туриб қолди-лар.

- Хавотирландим... - деди ниҳоят Бокира. У энтикиб гапира олмай қолди. Кўзларига ёш қалди. - Кўнглим нотинч... кутуб-хонада сира ўтира олмадим.

Самандар ҳануз унсиз эди. Қиздан кўз узолмасди. Бокира нафис бармоқлари билан кора қуралайлардан сизиб чиқаётган биллур қатраларни сидириб ташлаб жилмайди:

- Узоқ кутдим. Келаётганингизда деразадан қараб ўтиргандим... Тинчликми, Самандар ака? - Бокира хижолат чекиб, ним қизарди. - Вой, эсим курсин, нега бу ерда гаплашяпмиз. Ичкарига юринг, марҳамат.

Ўзи йўл бошлади. Унинг навниҳол қадди-бастига ярашиб тушган хушбичим либослари бир нафосатига ўн малоҳат кўшган, куюқ қаро зулфи тўлғониб-тўлғониб борарди. Хонага кирдилар. Қиз лутғ ила Самандарни дастурхон тўрига таклиф этди. Кўнгилсиз ва ғирром воқелик бирданияга бебаҳо онларга эврилди. Бу лазиз, ганимат лаҳзаларда йигит дафъатан дунёдаги энг баҳтили инсонга айлангандай бўлди. Қалбida шаффоф шодлик тўлқини мавжла-ниб, тош қотган гусса ва аламлар унинг тубларига чу-ди. У қизга термулиб тўймасди - қиз қалдирғоч қанотидек нафис қайрилма қошлари учиб-учиб, мужгонлари пирпираб, садаф тишлари ярақ-лаб жилмайганча сўзлар, йигит сўзлар маънисини англаб турсада, унчалик эътибор қилмас - қизга термулиб тўймасди.

- Тинчликми, Самандар ака? - Бокира иккинчи бор шу саволни берди. - Йигилиш ўша кунга аниқ тайин бўлғанми?

Самандар сергак тортиди. Қизнинг синчков назаридан кўзини олиб қочар экан, дили яна сим-сиёҳ бўлди. Еқимсиз хотираларнинг ирkit панжаси бағрини тимдалаб ўтди. Ўй асносида боши қуйи солинганини сезди, ўнгайсизланиб қаддини ростлади.

- Йигилиш... бўлиб ўтди, - деди у жилмайишга куч топиб.

Қизнинг қуюқ қайрилма мужгонларига саросима инди:

- Йўғ-е... ҳазиллашяпсизми, Самандар ака?

- Рост. Тўғри йигилишдан келаяпман, - Самандар ўзини хушҳолроқ тутишга тиришса-да, галининг охири руҳсизроқ чиқди. - Хо-зиргина тугади...

- Ахир, йигилиш бошқа куни бўлиши керак эди-ку?

- Уни тезлатиб юборишипти. Бу ҳақда ўзим ҳам кечак оқшом эшиздим.

- Нега буни менга айтмадингиз?
- Биринчидан, улгурмадим. Иккинчидан... - Самандар қизга кулиб тикилди. - Иккинчидан, сизга айтишимнинг ҳожати йўқ эди. Сиз бўлсангиз... сизнинг олдингида ўзимни жуда ноқулай хис қилган бўлар эдим.

Қиз уни тушунди. Мажлиснинг қандай рухда кечганини, нега Самандарга унинг иштирокида ноқулай бўлишини ҳам нозик фаҳми ва шуури ила илғаб етди. Илғаб етди-ю, кўнглига чўнг қўркув тушди.

- Нега бу қадар шошилинч?! - деди у ранглари оқариб. - Нега?
- Билмадим. Менимча, бунинг унчалик аҳамияти йўқ.

Самандарнинг кўзларига чўккан мунг, унинг хатти-ҳаракатидаги асабийлик Бокиранинг зийрак нигоҳидан яширин қолгани йўқ. Бир неча сония бир-бирларига унсиз термулиб қолдилар. Жимлик чўзилиб, маҳзунлик қуюқлаши.

- Демак, танқид аёвсиз бўлган? - деди Бокира ўйчанлик ила.

Самандар унга жавобан ҳеч нима демади.

- Демак, сиз муросага кўнмагансиз? - деди Бокира ҳазин.

Тагин жавобни унсиз Самандарнинг кўзларидан уқди. Қиз кўл қовуштирганча паришон қиёфада чуқур ўйга чўмган, шу алфозда соатлаб кўзголмасдан ўтирадигандек эди.

- Сизни хафа қилиб кўйдим... Кечиринг, Бокирахон, - деди ниҳоят Самандар ҳижолатомуз.

- Йўқ-йўқ. Шундай бўлиши табиий эди, - дея Бокира шошиб бошини кўтарди. - Кўнглим буни сезиб турарди, лекин...

У нимадир демоққа оғиз жуфтлади, Самандарга кўз тики, аммо айттолмади.

Самандар ўзини ноқулай хис қила бошлади.

- Майли, мен энди борай, - деди у ўрнидан қўзғолиб. - Сизни ташвишга кўйдим.

- Ўтирангиз бўларди, Самандар ака, - деди Бокира ўтинч оҳангода. - Энди гина келдингиз-ку.

- Раҳмат, Бокирахон.

Самандар эшикка йўналар экан, Бокиранинг юзига меҳрли нигоҳ ташлади. У илгичдан устки кийимларини олиб кийина бошлади. Бокира уни унсиз кузатиб тураркан ботинмайгина сўз қотди:

- Ҳар қалай, шароитни унча-мунча ҳисобга олиб... муросасозроқ бўлгандирсиз?

Йигит бир муддат тек қотди. Сўнгра Бокирага ўгирилди. Бокира ундан аниқ жавоб кутиб, шаҳло кўзлари жавдираб турарди.

- Мен уларга Қуёшнинг Шарқдан чиқишини айтдим, - деди йигит қизнинг кўзларига тик боқиб.

- Вой, ўлай, нималар деяпсиз? - Бокиранинг кўзлари катта-кatta очилиб кетди. - Қуёшнинг Шарқдан чиқиши?! Ахир, шундай деб бўларканмї!

Қиз беихтиёр оғзини кафти билан тўсди. Таҳлика ва қўрқувдан катталашган кўзлари намланди, мужгонлари пирпираб, унсиз титраб, йиглай бошлади.

Унинг ташвишини ўзидан ҳам ортиқроқ тортиб куйинаётган шул кунрухсорга, титраётган, химоясиз, нозиккина шул вужудга боқиб, айни дам уми - суюкли ва жондан азиз шул хилқатни ёлғиз ташлаб кетишига мажбур эканини ўйлаб, йигитнинг кўнгли тўлди, бўғзига алланима тиқилиб, оғир ютинди.

- Йигламанг, йигламанг, Бокирахон, - деди товуши титраб.

Бокира ўқраб юборди ва ўзини Самандарнинг бағрига, отди. Йигит қизнинг нозик елкаларидан маҳкам қучиб, огушига олди. Шунда йигитнинг дуд босган, тутаб ётган кўксидан оташин бир хўрсиник отилиб чиқди, мижжаларини тўлдирган қайнок кўзёши огушидаги паривашнинг гул бўйли зулфлари орасига томди. Бир изтиробдан ўртаниб куяётган, титраётган икки вужуд яқтан бўлгандай эди. Қиз йигитнинг кўксига бошини қўйиб, “Ахир шундай деб бўларканми, шундай деб бўларканми” дea куйиниб йиглар. Йигит бўлса тинмай “Йигламанг, жоним” дea шивирлаб, унинг бошлиридан ўпарди. Гул исидан йигитнинг боши айланди. Унинг меҳри жўшиб, қизнинг бошини икки қўли ила маҳкам тутиб ой чеҳрасига тикилди-ю, дурлар ёгилаётган шу муnis чеҳрадан ҳассос бўсалар ола бошлади. Қиз гапира олмай қолди. Унинг нозиккина жуссаси қишилик кийимларда янада хурпайган азamat йигитнинг бағрига сингиб кетгандай эди.

- Фақат сиз... фақат сиз мендан ранжимасангиз бўлгани... Мен... мен ҳаммасини енгиб ўтаман... ишонинг... Ҳаммасини енгиб ўтаман... - дерди йигит қизнинг чўғдек қизиган дудоқлари, бўйинларидан эҳтирос билан ўпар экан.

Қиз нозик кўллари билан йигитнинг кўксидан итариб, ўзини халос қилди. У дув қизариб кетганди. Бу иш шунчалик кутилмаганда юз бердики, қизнинг ўзи ҳам сезмай қолди. Илгари сира бундай бўлмаган, йигит, ҳатто унинг билагидан ҳам тутмаган эди. Қиз бетаргиб тўзгиган зулфизарларини тузатар экан, унинг икки кўзи ерда, уятдан ўзини қўярга жой топа олмас эди. Йигит ҳам қизнинг юзига боқа олмай, хижолат чекиб, эгнини тўғрилаган бўлди.

- Кечиринг... бормасам бўлмайди. Зарур ишларим бор, - деди Самандар ҳануз кўзларини олиб қочиб.

Алланарҳа бўғзига тиқилиб келиб, димоқларини куидирди. Қизга

талпингаңдек бўлди, аммо ботинолмади. Қиз нигоҳлари ер чизиб миқ этмай турарди.

- Саҳарда етиб келаман. Фақат ҳозир... Ҳозир бормасам бўлмайди... зарур ишларим бор. - деди Самандар товуши қовжираб.

Қизга мунгли боққанича, ортига бурилмай тисарилиб бир-икки қадам ташлади. Эшик тутқчини пайпаслаб топди. Унга жуда оғир эди. Назаридаги юраги ўпирилиб қолаётгандай, куч билан ортига ўгирилиб, эшикни очди. Пойидаги ерни сезиб-сезмай, кўзи тиниб йўқликка томон бир-икки одимлади. Савқи табиий билан қизнинг шарпасини сезиб ўзини тутди ва орқасига ўгирилди.

- Бояги гапларим эсингизда турсин, - деди у ҳазин жилмайиб.

Бурилди-ю жаҳд билан юриб кетди. Бир неча қадам ташлаб бурилишга етмасидан қиз уни чақириди.

- Ўзингизни эҳтиёт қилинг, Самандар ака, - деди қиз остоңада йиглаб турар экан. - Сизга бир гап бўлса... мен чидай олмайман.

Йигит унсиз бош иргаб қўйди ва йўлида давом этди.

Ташқарида борлиқ ҳувиллаб ётар, аёзинг қаҳри зўрайганди. Самандар чўнтакларига қўлини суқиб, осмонга бокди. Самода, аёз нафасидан шокила-шокила булдуруқлар осган оғочлар узра хур парку булуллар юзиб юрарди. Йигитнинг шу топда ана шу йўқлик парчаларига ҳаваси келди. Унинг киприклари намланди. Орқасида юзта кўзли ётоқхонанинг қадрдан бир бўлмасида ўзига термулиб турган жондан азиз хилқат нигоҳларини вужуди билан ҳис этиб, ортига ўгирилди. Жилмайганча унга қўл силтаб қўйди ва йўлга тушди.

Каталакдек хонасига кира солиб қоғозларини йигиштира бошлиди. Эшитганлари асосида ҳаёлан ўз қули билан чизган Улўғ Бобосининг бир неча сурати, рўзномаларда босилмаган мақолалар қўлёзмалари, йиллар давомида йигилган манбалар - яна шу янглиғ холис тадқиқотига асқотадиган битиклар... Уларнинг ҳаммасини саранжомлади. Каравот остидан эскигина жомадонини олди. Жомадон ичидаги ҳам бир тахлам қўлёзмалар - холис тадқиқотлари баёни бор эди. У беихтиёр қоғозларини титкилаб, уларга ошигич кўз югуртира бошлади. Бир неча лаҳзадан сўнг, жонсараклик билан уларни ҳам саришта қилди. Ҳаммасини жомадонга жойлади. Сўнг хонтахта ёнига чўкиб, шошилиб хат ёза бошлади. Мактуб битиш асносида унинг юз-кўзи ҳаяжондан ёғдуланиб, бармоқлари билинг-билинмас титради. Ниҳоят мактубни якунлаб, қоғозни буқлади-да, жомадонга солиб қўйди. Жомадонни қўшни уйлардан бирида ижарада яшовчи қозоқ қизларга топшириб, кимга бериш керак эканлигини қаттиқ тайинлади.

Хонасига қайтиб каравотига беҳол чўқди. Ўй суреб қанча вақт ўтирганини сезмади. Ўйлар гирдоби фикрини энг чуқур қаърларига тортиб кетганди.

Бир пайт кўчага енгил машина келиб тўхтагани эҳитилди.

Бироздан сўнг кўча эшиги оҳиста тақиллади. Самандар хотиржам ўрнидан туриб, энгил-бошини тўғрилади. Ташқарига шом қоронгулиги ёйила бошлаганди. Пастаккина кўча эшиги олдида чиройли, батартиб кийинган, ўзи ҳам келишган ўттиз ёшлардаги бир йигит турарди. У Самандарнинг саломига енгил бош иргиб, ундан исм-шарифини тасдиқлатиб олди.

- Марҳамат қилиб мен билан юришингизни сўрайман - деди йигит кўччанинг нариги четида турган зулукдай қоп-қора "06" руслами "Жигули" автомобилига ишора қилиб.

Машина ёнида Самандарга кўз тикиб турган яна бир дароз йигит лўқиллаб улар сари йўналди.

- Аввал ўзингизни таништирсангиз, - деди Самандар йўқлагувчиларнинг фуқаро кийимига кўз югуртириб.

- Марҳамат, - чиройли йигит қўйин чўнтағидан ҳукумат одами эканини тасдиқловчи суратли гувоҳномасини олиб кўрсатди. - Етарлимис?

- Нимага асосланиб мени олиб кетмоқчисиз? - дея сўради Самандар.

- Башарангиздан аҳмоқ йигитга ўхшамайсиз, буни ўзингиз жуда яхши тушуниб турипсиз, менимча, - деди ҳукумат одами ва яна да совуқ, расмий оҳангда қўшиб қўйди. - Биз буйруқни бажа-рувчи шахслармиз. Барча савол-жавоблар тегишли жойда бўла-ди.

Самандар кийиниб чиқиш учун хонасига бурилди. Ҳукумат одамилари ҳам эргашиб келиб, остонаяда ундан кўз узмай кузата бошладилар.

Кўп ўтмай қора "Жигули" катта кўчага чиқди ва чироқларини ёқкан турли автоуловларни қувиб ўтганча тунги шаҳар бўйлаб марказ томон елиб кетди. Самандар орқа ўриндиқда дароз ҳукумат одами билан ёнма-ён ўтириб кетар экан, чуқур уйга чўмганди. Унинг фикри-хаёли тагин Бокирага кўчганди. Бир неча чорраҳадан ўтганларидан сўнг Самандар ҳукумат одамига мурожаат қилди:

- Ҳар қалай, мени қаерга олиб кетаётганингизни айтарсиз?

Ҳукумат одами миқ этмади. Самандар саволимни эшифтади, деган ўйда тагин сўрамоққа чоғланиб турганида у хушламайгина жавоб берди:

- Сиз билан полковник Азларбеков сұхбатлашмоқчи.

Бокира тун бўйи мижоқа қоқмади. Изтироблар бағрини тимдалаб, азоб берар, қиз ўртанаради. Баъзан совуқдан совуқ ўлар бостириб келиб фикрини чулгар, беитиёр ўрнидан туриб, улардан қочмоқчи бўлгандай хона бўйлаб тез-тез у ёқдан бу ёққа юра бошларди. Баъзан бир нарсага жазм қилгандай шитоб юриб эшикка томон йўналар, аммо тагин тўхталиб, ўлланиб қоларди. Ўйлаб-ўйлаб ўйининг тагига ета олмас, чорасизликдан юм-юм йигларди. Ниҳоят тун қартайиб, соchlари оқарди. Қиз ювениб, апил-тапил кийинди ва йўлга отланди.

Шошиб, юраги ҳаприқиб, таниш кўчага етиб келди. Муюлишдан бурилиши билан таниш уйнинг кўча эшигига катта қулф осилганини кўриб, бирдан мажоли қуриди. Юришга ҳоли қолмай, унсиз туриб қолди. Анчадан сўнг ҳаёллари сочилиб, қўналғанинг кўча эшигига яқинлашди ва қулфни тортиб кўрди. Хуши бошидан учди. Бирдан жонланиб, қозок қизлар ижарада турадиган қўшни ҳовлига йўналди. Одаатда Самандар бирор ёққа жўнаб кетгудек бўлса, омонат гапини шу қизларга айтиб кетгувчи эди.

Қўшни қозоқ қиз совуқдан қунишганича кўча эшигидан уйқусираган бошини чиқариб аввал Бокирага, сўнг Самандарнинг эшигига ажабланиб назар ташлади, “Тинчтикли?” деб қўйди-ю индамай ичкари кириб кетди ва Самандар қолдирган омонатини олиб чиқиб берди. Бокира жомадонни олди. Бир неча қадам юрди-ю чўнқайиб, жомадонни очди. Букланган бир варақ қоғоздаги битилган мактубни ўқий бошлади:

“Азизам, Бокиражон! Келгүнингизга қадар мени олиб кетишлари мумкин. Сизни ҳафаҳол ташлаб келганим, азиз бошингизни тошвишларга қўйганим учун дилхун бўлиб ушбуларни ёзмоқдаман. Қўнглимдагиларни сизга юзма-юз ойтуб берсан яна ҳам яхшироқ бўлур эди. Булар шу вақтгача ҳеч кимга, ҳатто, сизга-да айтмаганим, айтшишга ботинмаганим фикр ва кечинмалардир. Таассуфки, энди уларни шу ўйсун баён қилишга тўғри келяпти. Ганимат фурсат менинг шундай йўл тутишишни тақозо этаяпти. Чунки... Мухокама жуда кескин ўтди. Айниқса мақоламда кёлтирғаним Улуғ Бобом китобининг хотима қисмидаги башорати уларни газабга келтирди. Менга энг кескин сиёсий айблар тақашди. Кечиринг, эҳтимол эҳтиётсизлик қилгандирман, аммо... Сиз мени ҳамиша тушуниб келгансиз, ишонаманки, бу гал ҳам тўғри тушунасиз. Мен ўз маслагимдан асло қайта олмайман. Ҳақиқатга зид сўзлаш ёки уни инкор этиш Улуғ Бобом руҳини чирқиратиш билан баробар бўлур эди. Тадқиқотларим моҳият-йўналиши ўзингизга яхши маълум, улар учун илгари ҳам кўп бора калтак еганман, бирор зинҳор-базинҳор улар-

дан кечмоқчи эмасман. Улардан кешиш мен үчүн ўзлигимдан кешиш, ийүклик дегани... Таассуфки, бизнинг кунларга келиб "халк үчүн", "юргүчүн" деган гаплар аксар ҳолларда фақат чирайли, баландпарвөз жумлаларгина бўлиб қолди... Қарзларимиз жуда кўп.. Ииккандаримни Вактинча сизга қолдираяпман. Буларни боя тўғри олдингизга олиб борсан ҳам бўларди, лекин сизни қўрқитгум келмади, эзгуликка умид қилдим. Ушбу ишлоримни ҳам "Эзгуликка умид" деб номладим. Ишонаманки, ҳар не кулфат юз бермасин у үзокқа чўзилмайди. Фақат сиз менга ишонсангиз, сиз мени кутсангиз бўлди. Ҳеч кимга ялинманг, ҳеч кимга зорланманг. Мадад керак бўлса фақат Душворга суюнинг.

Мен жуда баҳтиёрман - Тошкентда сизни топдим. Толеимда яраклаган ўша кунни - тақдир иккимизни учраштирган ёмғирли кунни ўла-ўлгунимча алқайман. Дунёни покловчи, уни мусаффо этгувчи Ёмғир борлигини хис қилиб яшаш қандай соз.

Энди сизга энг асосий гапни айтмоқчиман. Уни ҳали ҳеч кимга айтмаганман. Бир-икки гал сизга ва дўстим Душворга айтмоқчи бўлдим, лекин ботинмадим. Уни шу тобда сизга жуда айтгум келяпти. Улуг Бобом китобининг мутолааси менга катта ҳақиқатни ойдинлаштирум оқди. Биз яшаётган замон - тескари замон. Ахир, аждодлар номини унумтишга, боболар меросини даф этишга, чиритиб тупроққа ойлантиришга, ўзлигиндан кечишга маъжбур қиласиган замон тескари замон эмасми? Сўнгги маъқолаларимда бу ҳақиқатни пардаланган ҳолда баён қилдим, аммо... қолган гаплардан ўзингиз ҳабардорсиз... Китобда ёзилишича... Йўқ, келинг, яхшиси қолган ҳақиқатларни дийдор кўришганимизда бафуржা айтиб бераман. Ўзимдан қўшишмча қилиб, эҳтимол Улуг башоратгўй боболаримдан ўтган савқи-табиий билан хис қилиб турганим ҳақиқатни оён этсам... замон, барибир, ўнгланади. Уни ўнглайдилар. Ахир, томиримизда ҳазилакам даҳоларининг қони оқяптими. Ўнгланган замонда ҳамма ўнг юради, ўнг ётиб, ўнг туради. Ўнг фикрлайдилар. Ўнг фикрлаб, Қуёшинг, шубҳасиз, Шарқдан чиқишини баралла айтадилар. Ўнгланган замонда умидларимиз ижобат бўлиб, эзгулик тантано қиласи.

Мана, ўзимни ҳаяжонлантирган, юрагимнинг туб-тубида сакланганим фикрларимдан сизни Воқиф этдим.

Мунисам, сизнинг меҳрингизни хис қилиб яшаш менга тогдек кудрат баҳш этадики, буни сўз билан изҳор этиш маҳол... жуда маҳол...

"Эзгуликка умид" ларимни асранг.

Самандар.

Бокира мактубнинг сўнгги сатрларини кўзлари хиралашиб, зўрга ўқиди. Бирдан ҳолсизланиб мактуб тутган қўли шилқ этиб ёнига тушди. Кўча ўртасида юраги увишиб беҳолу bemажол туриб қолди. Вужуди титрап, кўзёшлари шашқатор бўлиб юзларини ювар эди. Қанча вақт шу кўйи турди – билмади. Ниҳоят у ўзини бироз қўлга олиб, оғир жомадонни кўтарди. Уни дамо дам бир қўлдан бошқасига олганича, йиглай-йиглай катта йўлга чиқди.

Тунги азоблари кундузги изтироблар олдида ҳеч гап бўлмай қолди. Ҳартугул улар хавотирлар эди, холос... Бокира жисму жони қақшаб, тинмай йигларди. Қаерга боришни, нима қилишни билмас, қалби чорасизликдан ўртанарди.

Ўша куни Душворнинг туғилган куни эди. У туғилган кунини ётоқхонада, дўстлари даврасида нишонламоқчи бўлди. Тушга яқин Бокиранинг кўксида потирлаган акс-садо бериб эшик тақиллади. Орзиқиб эшик очган қизнинг хафсаласи пир бўлди.

Шу кеч ётоқхонанинг тантаналар хонасига Душворнинг барча гуруҳдошлари, Тошкентда ўқийдиган синфдош дўстлари жам бўлдилар. Совға-салом кўтариб келган меҳмонлар Душворни сўрашар, аммо унинг ўзи йўқ эди. Олис-яқиндан ташриф буюрганларни Шоди ва Душворнинг ётоқхонадаги бошқа дўстлари дастурҳон атрофига бошладилар. Ҳамма йигилиб жойлашиб бўлган, аммо кеча сабабчиси ҳануз йўқ, барча бундан таажжубда эди. Ниҳоят кетишига чоғланган меҳмонларни ола чопон, гулдор дўппили Шоди қистаб жой-жойларига ўтқазди ва “базмда ўзи қатнаша олмаётган чақалақ” учун узр сўради.

- Зиёфатнинг “айбдори” иш қилди хўп айбона,

На қиламиз, қутловларни йўллайверинг гойибона. - дей йигилганларни кулдириб, вазиятни бироз ҳаспўшлаган бўлди. Шоди яна қизиқчилик қилди, Шаҳзод мұҳаббат ҳақидаги қўшиқларидан куйлади, дўстлар “гойибона” табрик айтдилар ва рақсга тушдилар. Даврага рух кирди, аммо базмнинг охирига қадар ҳам Душвор келмади. Вақт алламаҳал бўлганида давра тарқалди.

Ярим кечага бориб Бокиранинг эшиги тагин тақиллади. Бедор ва интизор қизъаялламай эшикни очди. Бўсағада турган хоргин, тунд йўқлагувчига нафис қошлари керилиб, иирик шахло кўзлари жовдираб саволомуз нигоҳ қадади.

- Уни ҳеч қаердан топа олмадим, - деди Душвор рухсиз кўзларини олиб қочиб. - Туман миршабхонасига ҳам, қўшни туманлар миршабхоналарига ҳам бирма-бир кириб чиқдим, йўқ, олиб боришмапти, қўналғасига тагин ўтиб келдим. Йўқ.

Бир неча лахза жимлиқда кечди.

- Эртага саҳардан яна қидираман, - ноқулай жимликтин бузиб деди Душвор. - Уни, албатта, дараклаб топамиз.

Душвор Шөдининг хонасига қайтди. Ўзидан көтгунча ичди.

Эртаси Самандарни қидириб, шаҳарнинг тит-питини чиқаришиди. Аммо унинг дараги чиқмади. Ҳеч ким тайнинли аниқ бир гап айта олмади. Баъзи идораларда уларни қўполлик билан қаршилаб, ҳайдагудек қилиб жавоб беришди. Қош қорайганда ноумид шумшайиб ортларига қайтишди. Душвор руҳи жуда тушкун ва паришон Бокирани эртага қидиришга чиқмасликка кўндиromoқчи бўлди. “Икковимизнинг ҳам овора бўлиб юришимизга ҳожат йўқ, - деди Душвор. - Эртага профессор Гиртмакнинг маърузаси бор. Биласиз, юз фоиз давомат бўлишини талаб қилади. Гиртмакни қанчалик ёмон кўрманг, вазият билан ҳисоблашишга, унинг маърузасига қатнашишга мажбурсиз. Мен кўнгироқ қилиб, ундан рухсат олишга ҳаракат қилиб кўраман”. Бокира унамади.

Ниҳоят Самандарнинг шахсан полковник Азларбеков бўйруги билан ҳибсда сақланяётганини аниқлашди. Бироқ полковник Азларбеков қабулига йўл йўқ эди. Самандар билан учрашишга ҳам рухсат беришмади.

- Айтмоқчи, полковник Азларбеков Шаҳзоднинг отаси-ку. Мен Шаҳзод билан гаплашиб кўраман. Балки у ёрдам қилас, - деди Душвор.

Эртаси Душвор Шаҳзод билан учрашди.

- Бир дўстимизнинг бошига кулфат тушиб қамалиб қолди. Аниқлашимизча, уни сизнинг отангиз бўйруги билан қамоқда ушлаб туришибди. Илтимос, уни қутқаришга ёрдам беринг.

- Ким экан у?

- Самандар. Уни сиз ҳам танийсиз.

- Ҳа, дарвоҷе... эшитгандим.

Шаҳзод узоқ вақт жим қолди. Қора кўзойнак орқасидан унинг кўзлари кўринмаса-да, чиройли юзларига ним табассум ёйилганди.

- Дўстингизни қутқариш мушкулроқмикан дейман, - деди у ниҳоят садаф тишлигини ярақлатиб. - Билишимча, уни сиёсий айб билан ҳибсга олишган. Бундайларни... Бунинг устига у билибмиймайми кимсан профессор Гиртмакка тутун қайтарипти... Дўстим, замон қаҳрамонликни кўтарадиган замон эмас, индамай, ҳеч кимга халақит бермай, тинчгина ўз аравангни тортавер... лекин, майли, отам билан гаплашиб кўраман. Яхшилаб илтимос қилинса, балки кўнгар.

Шаҳзод бирдан хушҳоллик билан Душворни қўлтиғидан олди,

- Юринг, шоир, “эллик-эллик” қиласиз. Иккимизнинг ҳам кўнглиминиз ярим. Иккимизга ҳам роса элликтадан етишмаяпти. Эскилар айтганидай, икки ёрти бир бутун. Э, қўрқмай юраверинг, ўзим эрийман, зиёфат ҳақи эллик-эллик эмас.

Душворни қўлтиқлаган кўйи судрагудек етаклаб кетди.

- Иккимизни “икки ёрти” деб бекорга айтмадим. Сиз билан биз ижод аҳлимиз, нозиктаъ зотлармиз, аллақандай материалистлар ва эмприокритицистлар орасида улоқиб адашиб юрипмиз. Шундан кўнглиминиз ярим - дерди Шаҳзод йўлда кетиб борарканлар. - Ижод аҳлига илҳом керак. Юраверинг, сиз билан бир қадаҳ чўқиштиргим, улфатчилик қилгим келиб қолди. Ҳа, сездингиз, боя дарсга келаётib ҳам юзта уриб олгандим. Мен кўпинча шундай қиласман: эрталаб дарсга келаётib бирор бар ё реторангга кираману “как обычно” дейман, доимий мижозини таниб қолишган - юзта қўйиб беришади, уриб оламану дарсга кириб кетавераман. Бўлмаса, сиқилиб ўлиб қоламан. Кўпчилик ўртасига чиқишиларимдан олдин ҳам, албатта, ичиб оламан ёки қуруғидан тортаман, бўлмаса, ўзимни росмана одамдек ҳис қилиб, эркин куйлай олмайман, ҳаяжон бўғзимдан олади. Кеча ёзиб берган янги шеврингизни куйга солдим. Во қўшиқ бўлди! Икки ёрти бир бутун бўлди-да, куйи биздан, шеъри сиздан. Так что, “эллик-эллик”га арзийдиган сабаб бор.

Шоҳқўчагача яёв юриб, шундоқ муюлишдаги ресторонга кирдилар. Шаҳзод буюртма берди. Икковининг ҳам кайфияти бутлана бошлади.

- Сиёсатга аллергиям бор, - дерди Шаҳзод қадаҳларни қайта тўлдирап экан: - Маърузаларда руҳим чўқади... Йўқ, сингудек бўлади. Баъзан дарсдан қайтаётib, мана шу точкада ҳам бироз дам олиб, ўзимни даволаб кетаман. Қадаҳни олинг. Келинг, шоир, дўстлашамиз. Сиз билан ўзи илгаридан ҳамдаммиз, рўзномадаги шеврингизни қўшиқ қилганимдан бери. Энди, янада яқинроқ дўст бўламиз. Қаранг, ўтирган ресторанимизнинг номи ҳам “Дўстлик”. Дўстлигимиз учун!

Шаҳзод қадаҳни бўшатиб, таомдан тотинар экан, нарироқдаги столда ўтирган мижозларга хизмат қилаётган хушбичим официант қизни им қоқиб чақирди. Қиз қошига келгач, унга бир қадаҳ коњъяк тутди:

- Ол.

- Хизматдаман, - қиз нозли жилмайди ва Душворга кўз қирини ташлаб қўйди.

- Ола қол.

Йўқ, дема, қадаҳ сун, зй қора кўзим.

Бул кеч ёқут лабинг менинг ризқ-рўзим¹.

- Қалай, шоир?

Қиз стулга омонат чўкди-ю, қадаҳни шарт кўтариб юборди.

- Вечером жду, - қиз жилмайганча узоқлашар экан, Шаҳзод бармоқлари учини енгил силтаб қўйди.

У ростмана маст бўлиб қолганди.

- Сизни яхши кўраман, шоир... яхши ёзасиз, - дерди у қўли қалқиб, қадаҳларга тўкиб-сочиб конъяқ қуяркан. - Олинг, паймо-нангизни тўлдириб қўйдим. Бизлар... яъни сизу мен... ижод ахли... май ва малаклардан бот-бот заряд олиб туришимиз керак...

- Бошини хиёл буриб, кимгадир гойибона зарда қилиб қўйди. - Маърузаларинг бўлса, ўзларингга сийлов, энангни эмгир эмприок-ритицистлар. Нима дедингиз, шоир? Ие, қадаҳингиз бўш-ку.

Бу кун баҳтиң боғи гулга тўқинди,

Кўлинг нечун майсиз, юрагинг тиндири... ²

тағин қадаҳларга конъяқ тўлдириди.

Ресторандан чиқишанида иккиси ҳам тебраниб-тебраниб туришарди. Қадрдонлардек қайта-қайта ўпишиб хайрлашдилар

Душвор ерни топиш қийин бўлаётгандай оёқ остига қаттиқ кўз тикиб, мўлжаллаб-мўлжаллаб қадам ташлаб бораркан, Шаҳзод унинг кўнглидагини жуда тўғри топиб айтганига ажабланиб тўхтади. Чиндан, унинг ҳам сиёсатдонликка, умуман, хуши йўқ... Ҳаёт йўлидаги тасодифий қайрилиш туфайли бошқа кўчага кириб қолганди.

* * *

Ииллар давомида бунга аста кўника бошлаган, аммо бу адашиш ўзига қимматга тушишини, орзулаган оламидан олислашаётгани унга қайтмоқни душвор қилаётганини дурустроқ англамас эди. У танбаллик хасталиигига гирифтор бўлмаган оз сонли талабалардан бўлиб, гарчанд сўнгги пайтларда кўп ича бошлаган бўлса-да, анчайин тиришқоқлик билан ўқир, етук сиёсатдон бўлишни бошқалар каби дил-дилидан истамаса-да, яқинларининг ишончини сунистеъмол қиласлик кунжида вақтини бекор ўтказмасликка уринарди. Кунбўйи кутубхоналарда мутолаа билан машғул бўлар, ярим тунга қадар хонасида китоб варакларди. Бироқ ўқиётгандари Шоди билиб-бilmay айтган “варакларининг бир бетига тўғри ёзилиб, орқа бетига

· Умар Хайём сатрлари.

чаппаси ёзилган китоблар" эканини фаҳм этолмасди. Тескари китоблардан маъно ва мантиқ қидириб миясини зўриқтирас, феълидаги соддалик ва ишонувчанлик боис уларга ишонарди...

Қуёш аёвсиз қиздириб ётган бу азим шаҳарга илк бора қадам босганида Душвор хали жуда ёш, гўр йигитча эди. У кичик дарахтзор ўрмон ва сўлим ўрикзор бағридаги кенг-мўл, овлоқ уйда туғилиб ўсан камсуқум ўсмир эди. Беҳиштсифат бу ажаб гўша Душворнинг Худо раҳмат қилгур бобоси ва отасининг пешона тери билан бунёд бўлганди. Илгари бу овлоқ уй...

Илгари бу овлоқ уй гавжумгина қишлоққа туташ, унинг бағир-бўллаги эди. Йитиб кетган қишлоқ кўчау кулбалари жўн, ҳашамдан холи бўлса-да, файзли эди. Қишлоқ аҳли - қўли қадоқ, баёв эр-хотинлар, болаларнинг аксари кунчиқардан кунботаргача қишлоқнинг кунчиқар ва кунботаридаги далада кетмонлар тиғини ялтиратиб гимирлар, тушлик пайти катта тош ўйл билан қишлоқни уловчи улов йўли ёқасидаги шийпонда толларга сяялган, ҳовуз ва ариқлар четига ботириб кўйилган кетмонларга-да дам бериб салқинда бир коса-бир коса оби ёвғон билан истироҳат қилган бўлар, шу шийпондаги боғчада энага кампирнинг энтақ-тентагини чиқарган шумтакаларни бирров сўйган, бирров овутган бўлар, эмизиклиси бор ёш оналар офтобда қизиган кўкракларини бигиналаётган мурғаклар оғзига шоша-пиша тутардилар. Оқшомлар уйларнинг даҳлизу айвонларидағи лойўчоқлар мўриларидан куюқ тутун бурқситиб қора қозонлар қайнар, ташқарида тагин не юмушлар ила куймаланиб юрган каттани кичик, кичикни катта чорлаши ила дастурхон тевараги бутланар, шу алфоз тирикчилик ўтиб борарди. Йўриқ-йусинлари, тўйларининг шукуҳи ўзгача эди чекка қишлоқнинг. Ҳар кимнинг ҳоли-хайрига ҳавола дошқозонларга топгани - атагани тушар, гоҳ биқирлаб суюқ қайнаса, гоҳ мой қусиб эт пишар, сийланган меҳмонлар мойланган кафтларини дуога кенг очиб, элга дастурхон ёзганнинг умидворлари ҳамда ўзини рози этишар ва тарқалиб кетишарди.

Кейинроқ... бу маконда лойўчоқлару тўйўчоқларнинг тафти сўнди. Ер юзига кўп кўрилган қишлоқ бузилиб йитди. Қишлоқ аҳли иккига бўлинниб кўним топдилар. Қишлоқнинг олдинги авлоди илгарироқ, катта-ю кичик, ёшу қари аралаш-кимнинг чекига битилган бўлса ўша, дарахзор поёнидаги сокин ясси тепаликдан бошпаналар олиб кўчиб ўтган ва бир жамоат бўлиб шунда қўним топган эдилар. Кейинги авлод бўлса ҳовлилари ўрнини пахтазорга бў-

шатиб бериб, уч-түрт чақирик ғарброқдаги катта қишлоққа ёппасыга ҳижрат айладилар.

Тақдир-насиб: кейинроқ айримлар ушбу қишлоқдан ҳам бўлак-бўлак манзилларга сочилиб кетдилар. Ясси тепаликдаги жамоат манзили томон элтадиган ёлғизоёқ сўқмоқ йўл бора-бора кўп-ларнинг ёдидан фаромуш бўлди. Баҳорда томларини майса-ю чечаклар қоплайдиган бир хил бошланаларни макон айлаган жамоат сафига йўл олислиги ва ноқулайлиги боис аллақачон янги-лар келиб қўшилмай қолган ва бундагиларни йўқлаб келгувчилар-нинг-да қадами сийраклашган эди. Йўқолган қишлоқдан бир вақ-тлар бу яшил тепалик сари кўчганларни элтиб қўйган улов - ёғоч тобут ҳам қияликда тура-тура сочилди ва чуруди. Шундай қилиб дарахтзор ва ўрикзор бағридаги кенг-мўл, баракали уй орқа қил-гани - гавжум қишлоқдан ажралиб, сўппайиб қолди. Қишлоқни ютиб юборган пахтазор хуружи уйнинг орқасигача сурилиб ке-либ тўхтади. Ўрмон хўжалиги тасаруфидаги ҳудудда жойлашга-ни боис бу уй бузилишдан омон қолди. Қишлоқ билан бирга болакай Душворнинг шумтака ошналари ҳам бу ошённи тарк эт-дилар. Душвор киндик қони тўкилган шул сулув маъвода онаси ва энаси қарамогида улғая бошлади. Урушдан кейинги йиллар қамишзор тўқайли ўр-тепаларни сурдириб ер очган ҳам сув чи-қарган, ўнлаб чақиридаги каналлар бўйларидан қаламчалар ке-сиб келиб терак сукқан, кўчат экиб боғ қилган заҳматкаш Йўл-дошвой ота ва Мамасиддиқ акалар бу пайтда икки яшар Душ-ворни ака ва опалари билан сағир айлашиб, дунёдан ўтган, ясси тепага кетган эдилар. Ёши улуғлар миннатдорлик ила ёдлашади-алқашадики, улар саховатли бойлар эдилар. Дунё топишди, ле-кин тўплашмади, топғанларини эл билан баҳам кўришиди. Қарз илинжиди қисинганларга қайшишиар, унча-мунча пул ё жонлиқни “қоп кетар” ё “еб кетар”га бериворишаверар эди. Тўй бўлмаса-да бу уй ҳамиша тўйхонадек эди, катта қозонда кун- бехато томоқ қайнар, қора қумғонлар уни ўчмасди. Тушлик пайтидир, пешин чоғидир, далададир, боғдадир не юмуш билан андармон-лар мудом Йўлдош отанинг чорловини эшитар эдилар: “Хов, Жў-равой ака, ҳов, Умархон ака, келинглар энди”. Келмаганларни истаб бориб, қистаб олиб келардӣ. Дов-дараҳтлар салқинидаги дастурхон теварагида бир кося-бир косадан қатик, чалопу гули-гули шўрва ила иссиқда ҳориганларнинг чарчогини доритган оқсо-қол қарзидан қутулган ҳожатманд монанд мамнун фотиха ўқирди. Ва кунда шундай. Кўрганларга: “Довруқли Йўлдош ота ва Мамасиддиқ акалар қандай инсонлар эди?” дейилса, ҳали-ҳануз

шундай жавобни эшитиш мүмкін: "Худо раҳмат қылсын, ичкілик ичмас зәилару, аммо улфати зәилар, қимордан ҳазар қылардилару, аммо давкор зәилар. Мекнат орқасидан бойиган сергайрат зәилар, беш вақт намозни беказо аді зетгувчи поксийрат зәилар. Тузини күп ичғанмиз худо раҳматиларни".

Кейинроқ Душворлар ҳам катта қишлоққа имарат тиклаб, күхна, овлоқ үйни ташлаб кетдилар.

Катта қишлоқ деганимизнинг номи ғалатироқ - "Биринчи бўлим". "Қўғай" хўжалигининг биринчи бўлими бўлгани боис уни шундай атаб қўя қолишган. Ер юзида не жаннат гўшалар бор: тоғли, бօғроғли, шаршарали, кўзни қувнатадиган, бироқ шарқироқ ариқлари, кўкка бўйин чўзиб, мағрур кўқрак керган сарв дараҳтлари нақд мўъжиза бўлиб ошуфта йигитчанинг кўзларини тубсиз ҳайрат ва қувонч жилвалари или нурлантира оладиган бўлак макон оламда йўқ. Ўзга юрт ва шаҳарларда мусофири бўлиб, қўмсай-қўмсай қайтганларида оқшомлар ва тунлар унинг дийдорига қонмай кўчаларда кезинаркан, ташналик билан симираётган ҳавосидан ҳузурланиб сархуш энтикарди.

Биринчи бўлим ва шу атрофдаги бошқа қишлоқлар учун Қўғай деганимиз пойтахтдай бир гап, неки ҳожатлари бўлса шу ерда битади. Ишлагани зовут-повут, олди-сотдига бозору ёйма, уч-тўрт улфат бир бўлиб "кабоб сидирмоққа" майл этсалар чойхона-ю ошхона - ҳаммаси бор. Сафар ихтиёри йўлга ундаса Учқўргон билан Ҳаққулободу Намангандан Андижон ораси деярли бир хил чақиримда, улардан олисрорги Ҳўқанду Тошкентга боргувчи автобусу поездлар-да Қўғайга бирров бош суқиб ўтардилар. Хулласи индаллоси, Душворнинг қулогига чалингани - автобусдаги бир йўловчининг "Қўғайга яқинлашганимиз сайин бош оғригим тарқаб кетяпти" деган сўзларидан ортириб бир сўз айтиш қийин.

"Эзгуликка умид" дан

Хаёлимда мудом олов, гуриллаб ёнаётган, узун-узун ёвуз тиллари эшилиб-бўралиб бебаҳо бир дафинани домига тартаётган, ямлаб ютаётган, даф этаётган... ва гўё ўз жунуни, баҳшиндан ўртана кетиб чирсиллаб зикр тушаётган үлкан олов... У мудом ёнади... ҳеч ўчмайди, ҳеч кўчмайди... ёнаверади-ёнаверади... Хотирамнинг ярмини банд этган, ҳеч нимани ундирмаиди, ҳеч нимани яқинига йўлатмайди... Хотирамда тупроқ... Кора, гўё қилмишидан юзлари шувут... бир тенгсиз тилсимни еб қўйган тупроқ. Хотирамда... ўзлигини тупроққа берган кўхна би-

тиклар, ўлаётган, қүл текизилиши билан ҳарф-баҳарф хок бүлиб түкилаётган...

Шу шамойиллар - улуг бир мероснинг заволи зухри.

Нажот илмдандур, - дейди Чинор аммам. - Ўксик қўнглингга юланчу малҳамни фоқат ундан топасан. Илм шундай беназир газнаки, қунту ихлос-ла изланиш ҳаққи баъзида ўитганлар ўрнига ҳам тўлов беради.

Мен илм истадим. Улуг Бобом изларидан кўздан шаҳар, шахристонларга тортилган йўлим охир пойтахтга уланди. Илм олишиниуниверситетнинг шарқшунослик факултетидагавом эттира бошладим. Англаб етдимки, кечмиш синоату асрорларга тўла тубсиз бир үммон экан, сен қанча қаърига интилсанг, у шунча нарига суринади. Риёзат чекиб изланганинг сари шуцирингга ёғду иниб, руҳинг-ла бутлик саодатини туя бошлийсан. Ўқиш, ўрганиш, илм излаш, бир сўз билан айтганда, маънавий озиқланиш мен учун ошу нон заруратидек ҳаётий бир эҳтиёжга айланганди. Ҳали мактабга кирмай турибок Чинор аммам Васийлигигида эски алифбодан савод чиқардим. Юқори синфларга ўтганда арабий тилдаги китобларни ўқиб, магзини чакиши менга мушкулот түгдирмасди. Пойтахтда ўқиш менга ёқар, дарсдан бўшадим дегунча нодир қўлёзма ва китоблар газнасига чолар, у жойга кирдим дегунча вакт тушунчи мени учун ўз аҳамиятини ўйқотар эди.

* * *

Ҳажр тунлари ёвуз ва узун. Кўзларингга уйқу йўлатмайди. Кўкка кўз тикиб, мижона қоқмай тонг оттирасан. Киприкларингга күш уйқуси пириллаб иниб, омонатгина қовушганида ҳам уни кўра бошлийсан. Сесканиб кўз очасан. Қалбингга қамалиб қолган кўркув дукурлаб уни аёвсиз тепкилайди. Тиз қучиб, девор суюнганча тонг қадар бедор ўтирасан. Руҳинг хавотир чодрасида синграйди. Дод дегинг, дунёларини бузиб дод солгинг келади - мунгларга тўлиб кетган кўксингни бўшатиб. Тағин кўкка кўз тикасан. Ҳолингдан хабар олгани бағри ярим ранглар ой деразангга юзиб келади. Ўша қаро айрилиқ кунидан бери шу ой ҳам икки бора тўлишиб, қайта эт ташлади. Ундан ҳануз дарак йўқ, ҳануз қутублиб чиқишининг тайини йўқ. Не бўлди, ҳоли не кечди унинг? Яна қанча ҳибсда тутишади? Наҳот яхшиларга сира кун йўқ? Наҳот эзгуликка ажр шу? "Эй, худо, худо-жон, уни менга тезроқ қайта-

риб бер, художон, тезроқ қайтариб бер!" Күнгилга малҳам бўлгувчи бир илиқ мұжда йўқ. Нажот ахтариб кўп идораларга борди, қанча ҳатлар битди, аммо ҳеч бир иш чиқара олмади. Самандар билан дийдорлашувга-да мұяссар бўлолмади. Жимжитлик, совуқ ва хосиятсиз жимжитлик дилга баттар қўркув солади. Неча бор беихтиёр сесканиб, сапчиб ўрнингдан туриб кетасан - гирдо-бига тортиб кетган совуқ ўйлар босимини енгиб, қалқигандай.

Унинг ранглари оқариб, ёнокларининг сайқали-ним қизиллик тиниккан, озганидан юзи ҳам чўзинқирагандай. Маъюс шахло кўзлари янада катталашгандай ва тагин-да қорайброқ қолгандай. Бу кўзлар анчадан бери кувонч нури билан порламайди, уларнинг туб-тубини теран бир дард ошён айлаган. Энди дарслару маърузалар унга янада зерикарли туюла бошлаган, маърузалар чоғи хаёли тамом бошқа ёқларда паришон кезиниб юргани сезилиб турарди. Ҳеч кимга зорланмай, бирорвга оғирлиги тушмай ўз дардини ўзи кўтарганча маҳзун бир алфозда жимгина дарсга келиб-кетиб юрса-да, кўплар орқаваротдан висир-висир қилишиб, уни муҳокама этишарди. Кимdir ачингандай, кимdir пинҳона қувонгандай, кимdir устидан ошкора кулгандай... У буларни сезмасди, аҳён-аҳёнда сезиб қолса-да аҳамият бермасди. Бирдан ёпирилиб келган кўргулик жафоси, фусса-ю ҳадиклар қошида булар унинг-чун арзимас нарсалар эди. Ахир, Самандар хибсда, қачон қутулиб чиқишининг тайини йўқ. Унга яна қандай сиёсий айбловлар тақашади-ю, қандай қисматни бўйнига илиб қўйишиади? Уни қутқариш учун, жиллақурса қисматини енгиллаштириш учун нималар қилиш мумкин, нималар қилиш керак?! Қизнинг бошида фақат мана шу саволлар айланарди. Унга қайишадиган бирдан-бир одам - Душвор ҳам хафсаласи пир бўлиб, узлатга чекингандай камнамо, кўришганда ҳам ундан ўзини олиб қочиб юрас, ажабки, кейинги пайтларда кўп ичадиган бўлиб қолган. Яна бир зайлда кўнгилсиз кун оёклар, борлиққа гаридан-гариб оқшом чўқар, дилни топтаб-топтаб толган оқшом ўрнига уни баттар эзиди. Тун айлагувчи қаро тун ёпирилиб келарди.

Бу орада жимжитлик бузилди, таассуфки, яхшиликка эмас. Рўзномалардан бирида тагин Самандар мақоласининг қўрини титкилашди ва телкилашди. Вайсақилардан бири унда яна неларнинг асари ва ҳиди борлигини аниқлаган, исботлаган бўлди. Хулоса совуқ эди. Жонсарак Бокира яна у ёқ-буёққа чопди. Энди у нотайинликдан асабийлашар, фикри-ёди Самандарни қутқариш билан банд эди. Тушлари айниб қолган, ирим қилас, тиланчиларга садақалар берарди.

Охир бир кун минг истиҳолада Ҳилоланинг қошига келди ва унга ёлворди:

- Ҳилола, сендан илтимос... ўтиниб сўрайман... худо хайрингни берсин, дугонажон... Самандар акамни кутқаришга ёрдам бергин.

- Мен қандай ёрдам беришим мумкин? - Ҳилола чимирилди.

- Шаҳзодга айтгин, дадаси билан гаплашиб Самандар акамни чиқаришга ёрдам берсин... Ахир, эслаб кўр, у иккимизни безорилар чангалидан кутқариб хаётимизни сақлаб қолганди-ку.

Ҳилола деразадан ташқарига кўз тикканича тек қотган, юзидан кўнглида нелар кечайдиганини ўқиб олиш қийин эди. Ниҳоят у юзини бурмай астагина деди:

- Майли, айтиб кўраман.

Бокиранинг узун киприклари пирпираб ботинида кечаётган мутаассирлик ифодачиларини илаштириб чиқди. У кўзларини артиб Ҳилолага раҳмат айтди. Қалбида умид учқунлари пайдо бўлганди.

Икки кундан кейин Ҳилола унга шундай деди:

- Шаҳзод “Бундай ишда воситачилик қила олмайман, бундай масалада сира дадамга мурожаат қилмаганман” деб айтди. Истасанг ўзинг унинг дадаси билан гаплашиб кўргин экан. У сени дадаси билан юзлаштириб қўйишга ваъда берди.

Бокира ўйга толди. Унинг иккиланаётгани, асабийлашаётгани билиниб турарди.

Шаҳзод билан факультет вестибюлида гаплашдилар.

- Умуман, сиёсий айблов билан қамалганларни осонликча қўйиб юборишмайди. Буни бўлажак мафкура ходими сифатида ўзингиз яхши тушунасиз. Умуман, оқимга қарши сузиш, шамолга юзланиб тупуриш, кўр-кўронга қаҳрамонлик... билмадиму, кап-ката одамга тўғри келмайдиган иш... Суриштириб келса, киммиз ўзи - ҳеч ким... Давр буларни кўтармайди. Буни ўйлаш керак эди.

- Ахир қачонгача аждодларимиз меъросини топтаб келамиз?
Уларни оёқ ости қилиш...

Бокира қизишиб кетганини сезди. Ҳозир Шаҳзод билан тортишишнинг сира мавриди эмасди. Унинг юз-кўзини чулғаган ёлқин пасайиб бирдан жимиidi-ю, пича ўтгач ётиги билан гапира бошлиди...

- Самандар акам дадангизнинг буйруги билан тутқунда ушлаб турилибди. Шаҳзод ака, илтимос, уни кутқаришга ёрдам берсангиз... Курсдошлигимиз хаққи-хурмати, сиздан ўтиниб сўрайман, ёрдамингизни аяманг...

Бокиранинг кўнгли бузилди, аммо у ўзини тутди. Ўзи бегара, кечиримли қиз бўлгани боис одам зотининг кўкси кин, гараз номини олган маразларни яшаси ва урчиши учун қанчалик қулай ошён бўла олишини ҳис эта олмас, хаётида кўплардан дил рози эшишиб, уларни рад этишга тўғри келгани, кейинчалик уларнинг анчаси билан яна муносабатлари тикланиб кетганидан ҳозирги синиқ ва ёлворувчан ҳолати ила Шаҳзоднинг дилига қай дара жада ҳузур ва қоникиш баҳш этиб турганини билмасди. Йигит беназир гўзал қизнинг хуш суратига боқиб дили тотли бир титроқдан ширин орзиқиб энтикли. Ана шунда унинг қалби азалий мувозанатини йўқотди. У болалик қарғишларини унугиб, хаётида илк бора дадасининг милицияда ишлаши, унинг ҳаром-ҳариш йўллар билан эришган нуфузи бағоят баланд экани ва у ўзигагина хос бўлган қаттиққўллик, бағритошлиқ ила аллақандай саркаш ҳам аҳмоқ Самандар деган кимсанни мана икки ярим ойдан ошиптики, қудуққа ташланган тошдай маҳкам тутиб турганидан мамнун бўлди. Оқибат, мана... Мана-да - ойдек париваш, кундек соҳибжамол бир нарса унинг оёқларига бош ургудай бир алфозда ялиниб турити. Такаббурликлари, кўполликлари қаерда қолди бу малакнинг? Қасос дунё эканда-а, ойимқиз?

Шаҳзод кўнглидан кечачётган ўйларни сездирмаслик учун юзига кўпроқ тундлик беришга уриниб чўзилиб кетган жимликни бузди:

- Сизга яна қайта айтаман, сиёсий гумроҳларга кечирим бўлиши душвор. Мафкура масаласи нозик. Билмадиму, лекин... Тўғри, дадамнинг обруси баланд, унча-мунча масалани шахсан ҳал қилишга унинг қурби етади. Ахир, ҳар ишда ҳам истисно ҳолатлар бўлади. Қийин-ку, лекин пайтими топиб дадам билан гаплашиб кўрилса бўлади.

Шаҳзод бир лаҳза тин олди, сўнг тундлик пардасини қиялатиб кулимсираган бўлди:

- Биласизми, сизнинг хатти-ҳаракатингиздан таъсирландим. Унинг учун... шунча азият... шу қадар ҳаракат... Фақат китобларда ўқигандим, аммо, хайрият, ҳаётда ҳам бўларкан сиздақа қизлар. Майли, дадам билан гаплашиб кўраман. Бир чораси топилиб қолар, балки ҳеч бўлмаса учрашишга рухсат қилиб берар. Аммо арзингизни дадамга ўзингиз айтасиз. Айтгандим-ку, у ўртага тушганларни ёқтирумайди. Ҳа, ишонарли бўлиши учун дадамга сизни Самандарнинг синглиси деб таништиргман, бўлмаса... қандайдир ноқулай. Сиз буни тасдиқлайсиз. Яна бир маслаҳат: сиз унга Самандарнинг шароитини тушунтириңг, ҳеч кимимиз йўқ, гирт етим-

чамиз, деб айтинг, таъсирли чиқсин-да. Бўлажак вайсақисиз, пича опқочасиз-да энди.

Бокира Шаҳзоднинг шартларини қабул қилди. Умидсизлик комидаги гажир ўй-кечинмаларга таланган идроқи нажот учун бирдан бир чора сифатида полковник Азларбеков билан учрашишгина қолганини кўрарди.

Ҳилола билан аввалгидай қалинлашиб кетмаган бўлсалар-да, ҳар тугул энди яна гаплаша бошлаган здилар. Ҳилола ҳануз унча рўйхушлик бермас, Бокира ўнғайсизланарди. У, Ҳилола оғир кунимда мадад сўрасам йўқ демади, инсофи бор экан, мен ўзи ошиқча жizzакилик қилиб унинг кўнглини қолдирдим, деган хижолатда эди. У Ҳилолани бирорларницида ётиб юрма, дея ўз хоналарига қайтишга даъват қилди. Ҳилола қайтди. Шаҳзод яна дарсга келмай қўйган, Бокира ўз илтимосига жавоб кутиб илҳақ бўлар, юраги Шаҳзод айтдимикан, айтган бўлса дадаси нима дейдикан, кўнмай қолмадимикан деган ҳадикдан титраб турад, бетоқат бўларди.

Ниҳоят Ҳилола Шаҳзоддан жавоб олиб келди. Шаҳзод қулай фурсат туғилиб қолгани, зартага тушдан кейин дадаси уйда бўлиши, Бокира келса, уни танишириб қўйиши мумкинлигини айтиб юборганди. Бокира полковник Азларбековга юзма-юз арз қилиши, жиллақурса Самандар билан кўришишга изн олиши мумкин бўлар экан. Бу орзиқиб кутилган хабар эди, аммо Бокиранинг хаяжондан потирган қалби бу хабарни эшишиб тайсаллади.

- Нега энди уйларига бориш керак экан? Идорасига бора қолсам бўлмасмикан?- деди паришон бўлиб.

- Шаҳзоднинг дадаси маҳфий бўлимда ишлармиш-ку, у билан идорасида учрашиш ва гаплашиш мушkul эмиш. Бегоналарни киритишмас экан, ўзинг ҳам шунча қатнаб кўрдинг-ку.

- Бўлмаса сен ҳам мен билан бирга боргин, дугонажон.

- Гувоҳ иштирокида сен билан гаплашмасалар керак? Ёки мени ҳам Самандар аканинг яна бир синглиси деб таниширамизми?

Қаро тун қўйнида дилтанг иккиланиб ётаркан, каталакдай бикик, қоронги бир гурбатхонада унинг азиз сиймоси ёруғ оламдан узилиб ҳориган, эзгуликка умидлари соб бўла-бўла дунёлардан безган бир суратда кўриниб кетди-ю, ўз-ўзидан “йўқ-йўқ!” деган фикр сачраб тасаввуридагини чайпатиб юборди: “Бораман, бораман! Мен сизни ҳақсизлик чангалидан қутқариш учун имкониятни қўлдан чиқармаслигим керак. Мен сизни қутқаришим керак! Тезроқ қутқаришим керак!”

Узоқ вақт унинг суратига термулиб ўтирди. Кўзлари жонли одамни-

кидай... уларда ёниқ меҳр жилваланаётгандай эди. Айни чөғда не-
дандир үпкалаш, ранжиш бордай эди бу күзларда. Қиз охири “Бо-
раман, ззгуликка умид қиласман”, дея пичирлаб қўйди.

Дарсга ҳам бормоқчи эмасди. Душвор билан маслаҳатлашиш учун
борди. Бу шаҳарда айни дам кўргуликка учраган Самандарга қайи-
шадиган, демак Бокирадан ҳам ёрдам кўлини тортмайдиган бир-
дан-бир кимса Душвор эди. Аммо шу куни Душвор дарсга келма-
ди. Икки соатдан кейин Бокира Душворнинг келмаслигига амин бў-
либ, унинг ижара уйига йўл олди.

Душвор қишлоқ хўжалиги машиналари ишлаб чиқарувчи завод-
нинг ортида бузулишга маҳкум этилган эски ҳовлилардан бирида
ижарада туардди. Бокира Олой бозори рўпарасидаги бекатдан ав-
тобусга ўтириб ўша ёқقا жўнади. У поида пиёдалар йўлаги ҳам
йўқ, қатнов гувиллаган катта асфальт йўлга бақамти пастаккина кўча
эшикни узоқ тақиллатди. Умидини узиб кетмоқчи бўлиб турганида
ичкаридан дўқиллаган ҳасса ва оғир-оғир қадамлар саси эшитилди.
Эшик ортида кимdir харсиллаб куймаланганича уни оча бошлади.
Ичкаридан жуда гавдали, ҳаддан ташқари семиз, оёқлари шишиб
кетган рус кампир ёғоч асога таяниб чиқиб келди ва тиник мовий
кўзларини Бокирага тикди.

- Ассалому алайкум,- деди Бокира русчалаб. - Безовта қилганим
учун кечирасиз, менга Душвор керак эди.

- Душвор, Душвор, ҳаммага керак Душвор, -деди кампир Боки-
рани баттар хижолат чектириб аччиқланганича. Афтидан эшикни
очиш оворагарчилиги унга малол келмоқда эди. - Йўқ, Душвор,
йўқ! Чиқиб кетган қайгадир.

Бокира гарансиб қолди.

- Дарсга ҳам бормади. Қаерда бўлиши мумкин? Балки кутубхона-
дадир?

- Кутубхона?! Қанақа кутубхона? Ичяпти у! - деди кампир тагин
жаҳли қўзгаб. - Бемаъни шишадошлар орттирган... кутубхона эмиш.

Бокира жовранаётган кампирнинг тиник мовий кўзлари кўрмасли-
гига амин бўлди. Қизни ўй босди. Ҳасрат дафтари очилган кампир
шикоятлари паришон қизнинг қулоғига кирмаётганини қандайдир ички
туйгу билан сездими бир муддат жим қолиб, сўнг юмшоқ оҳангда
савол берди:

- Ўзингиз ким бўласиз? Нима юмушингиз бор?

- Мен унинг курсдошиман, бирга ўқиймиз. Ундан ёрдам сўраб
келгандим.

- Ёрдам?! Унинг ўзига ёрдам керак шу топда. Ё худо, ёрдам
эмиш. Ўзи ёрдамга муҳтоҷ ҳозир...

- Кечирасиз, сизни безовта қилдим, - деди Бокира қимтиниб.
- Балки уйга кириб бироз кутиб турарсиз, - кампир Бокирани ғам босиб маҳзун қунишганини ҳис қилди - Келиб қолар.

Тарааддулланиб турган Бокира соатига қаради-ю “Йўқ, йўқ, вақтим иўқ”, деди шошиб, хайрлашиши ҳам унтиб, ортига бурилди.

- Кимсиз, ахир? Испингизни айтиб кетинг, қизим.

Бокира кампирнинг гапларини эшифтади. У плашининг этаклари ёйилганича бекатга келиб тўхтаган автобус томон чолиб борарди.

Сўраб-суритириб, қофоздаги манзилда кўрсатилган уйни топиб келди. Иккинчи қаватдаги эшик олдида ҳаяжонланиб туриб қолди.

Нихоят журъатини йигиб, титраётган бармоқлари билан кўнғироқ тумгачасини босди. Иккинчи бор тумгачага қўл чўзмоқчи бўлиб турганида шарақ-шурӯқ этиб эшикни очаётгандарини эшифтди.

Остонада Шаҳзод турарди. У кўзларига ишонмагандай Бокирага тикилиб, бироз туриб қолди.

- Э, Бокирахон, келинг, келинг, - деди нихоят очилиб кулиб, ва бошини орқага асабий силкиб, пешонасига силлиқиб тушган сочларини тўғрилаган бўлди. - Саломатликлар яхшими? Яхши етиб келдингизми? Қани, марҳамат, ичкарига киринг.

- Йўқ, раҳмат, - деди Бокира ҳижолат чекиб. - Дадангизни чақириб берсангиз. Илтимосимни шу ерда айта қолсам.

- Қизиқмисиз, Бокирахон. Ким, ахир, остонада туриб гаплашади. Ўзбекмиз-ку, ҳар қалай. - Шаҳзод ичкарига бир қараб олди-да, товушини пасайтириб, жиддий давом этди. - Ундан кейин, полковник Азларбеков арзгўйларни остонада қабул қилмайди. У деворларнинг қулоғидан чўчиди.

Бокира ноилож остона ҳатлади. Шаҳзоднинг ортидан узун даҳлиз орқали кенггина хонага кирди. Шаҳзод тавозе ила уни столга таклиф қилди. Қиз омонат чўқди. Хонага бир қур разм солди. Шаҳзод садаф тишларини ярақлатиб хушҳоллик билан яна кулди, қизга бошдан оёқ кўз югуртириб:

- Хуш келибсиз, Бокирахон, - дея қайта ҳол-аҳвол сўраган бўлди.

- Кечирасиз, Шаҳзод ака, вақтингизни олмай, - деди Бокира атрофга бетоқат нигоҳ ташларкан юраги ториқиб. - Дадангиз шу ердами ўзи? Менга тезроқ чақириб берсангиз.

- Бирпас сұхбатлашиб ўтирипмиз-да, Бокирахон. Ахир, ҳар куни ҳам ҳамсұхбат бўлаётганимиз йўқ-ку. Сиздай азиз меҳмонни кўй сўйиб ҳам чақириб бўлмайди.

Бокира сергак тортиб, илк бора Шаҳзодга синчиклаб зеҳн солди. Кўзларининг маистона сузилиб кетишлари, ўзига хумор тики-

либ тиржайишлари қизда шубҳа уйғотди. Шаҳзоднинг ширакайф эканини у энди сезди. Хонага, даҳлизга яна бир бор олазарак назар ташлади. Күнглига зилдай оғир ва совуқ алланима чўқди.

- Мен кетаман - у қовогини солиб илкис ўрнидан турди. - Да-дангиз қаерда?

- Кутиб туринг, Бокирахон, - Шаҳзод ховлиқиб икки қўлини кўтарди. - Дадам ҳозир етиб келади. Тушга етиб бораман, деганди, ҳайронман, негадир кечикяпти.

- Дадангиз уйда йўқлигини боя дарров айта қолмадингизми? - деди Бокира кескин. - Онангиз қаердалар?

- Онам... онам йўқ... Биз дадаги иккаламиз яшаймиз.

- Мен кетдим, - Бокира жаҳлдан қизариб кетди. - Бемаврид келипман.

- Ахир, ҳозир келиб қолади, деяпман-ку. Дадам махфий бўлимда ишлайди, бунинг устига вақти ҳам зиқ... Бундай қабуллар уйда пинҳона тарзда ўтказилади...

- Майли, кейин.

Бокира шошиб эшик томон юра бошлаганида Шаҳзод унинг билагидан тутди.

- Тўхтанг, Бокирахон, балки бу учрашувни мен бир умр кутгандирман. Дардимни эшитиб кетинг. Мен сизни...

Бокира қўлини силтаб тортиб олди-ю отилиб даҳлизга чиқди. Илгичдаги плашига ошиқиб қўл чўзётганида илондек совуқ қўллар белига чирмаша бошлаганини сезди. У сапчиб тушди. Кескин ортга ўгирилганида ичкилик, яна аллақандай ўткир гиёҳ ҳиди анқиган иссиқ нафас юзига урилди:

- Гўзалим, мен сизни...

- Аbla-аҳ!!!

Ич-ичидан қаҳр отилиб келди. Қўлидаги сумкачаси билан Шаҳзоднинг юз-кўзи аралаш аямай солиб-солиб юборди. Зарбанинг зўридан Шаҳзод деворга қапишиб қолди:

-Аҳ!

Бирдан Шаҳзоднинг ранглари оқариб-кўкарди, юзи алланечук кўрқинч тусга кирди. Оғизлари аянчли қийшайди. Важоҳатидан кўрқулик эди. У титраб-қалтираб чаккасини силади. Гангиган каби меровланиб қизга тикилди. Қўкимтирик кўзлари телба олайиб, уларда ёвузлик қалқиди.

- Аҳ! - важоҳати янада даҳшатли тус олди.

У жон-жаҳди билан, титраб-қалтираб эшикни очишга уринаётган қизга ташланди. Қиз йиртқич чангалига тушган полапон каби жон ҳалпида типирчилаб кутурған вужуд оғушидан ўзини ҳалос қилиш-

га беҳуда уринаркан, унинг ёрдам тираб зорланган чинқириғини ҳеч ким эшитмади.

Бокира бор кучи билан тиришиб, анча вақт қаттиқ қаршилик қилди. Жазавага минганд телба ёвуз хуружини кучайтириб, унинг бошини полга аямай урганида “Оҳ” деди-ю инон-ихтиёри ўзидан кетиб, хуши бошидан учди.

Хушига келганида борлиғи чим-чим оғрир, күнгли беҳузур бўлганича полда ётарди. Гандираклаб ўринидан турди. Даҳшатдан муз қотган қўлларини базур қимирлатиб энгил-бошини тузатди. Ихтиёрсиз суратда плаши ва сумкаласини қўлига олди. Нарироқда, девор остида тескари ўғирилганича хўнграб ўтирган Шаҳзодга қараб ҳам қўймади. Гангиган куйи эшик томон юрди. Шунда Шаҳзод югурга келиб йиғлаганича тиз чўкиб унинг қўлларига осилди:

- Кетманг, илтимос, кетманг, мени кечиринг! Мен пушаймонман, пушаймонман. Илтижо қиласман, кетманг...

У Бокиранинг кўзларида кўйдириб юборгудек мислсиз нафратни кўриб беитиёр бўшаши, қўллари шалвираб икки ёнига тушди.

Бокира хонани тарқ этди. Рұксиз, хиссиз қуруқ тана зиналардан судралиб зўрга ташқари чиқди.

Ташқаридаги ҳеч нарса бўлмагандай ҳаёт қайнар эди. Уйгонаётган қайсиdir төғ-адирнинг ҳур бағридан елиб келаётган сайёр насим кечикаётган баҳорнинг узрини етказиб оғир ҳаво залворини писанд қўлмай шўх ўйноклаб ўтиб кетди. Шўрлик қиз буни ҳис қўймади, ажабланмади. Дунё хунук эди, хунукдан хунук: иркит ва хира. У ажабланишга-да, ҳайратланишга-да арзимасди. Бир сафда қўқайган баланд уйларнинг чангу губордан юзлари қора, либослари қачонлардир юлқиб олинган ва поида чириб битаёзган шармсиз дараҳтлар совуқ безрайган, муолишдан гийқиллаб бурилаётган темиртан трамвайнинг зорланган чинқириғи юракни ўртагудай аянчли ва ззгин. Йўқ, дунё ажабланишга-да, ҳайратланишга-да арзимасди. У сариқ чақа қийматидан паст эди. Ажаб, яқингинада у дунёга суқланиб боқарди, унинг рўё чиройига термулиб тўймасди, ундан завқ оларди. Шу олчоқ дунёдан-а?! Йўқ, дунё ҳеч бир ардоққа муносиб эмас. У гўллигидан, гўрлигидан дунёнинг чаплама ҳашамига учиб, унга маҳлиё бўлипти. Аслида ҳаммаси омонат, ҳаммаси чиркин, ҳаммаси ҳалокатга маҳкум. Тез кун келиб барининг соати битади, бари бузилади, тўзгийди, ер билан абгор бўлиб йўқолади. Чунки ҳаммасининг устидан, адолатсиз бу дунёнинг-да устидан бир кун келиб қазо ҳукмини ўқигувчи ўлим бор. Ўлим! Нега шуни у эрта ҳис этмади, ботроқ тушуниб етмади. Эскилар ғофиллик деб шуни айтсалар керак. Ҳа, фақат ўлим

ҳақ! Фақат ўлим гўзал. У ёлғончи дунёning туганмас оғриқларидан, ранжаларидан фориг этувчи ягона нажот. У - халоскор.

Қиз ғайришуурый равишида бекатга келиб, улов кутиб турар экан, назарида ҳамма нарса имиллаётгандай бўлиб кўринарди. Атроф тинч, "тиқ" этган шовқин-сурон йўқ, трамвай ҳам имиллаб темир излардан секин ва сассиз суриниб борар, машиналар ҳам яхмалакда сирғангандек секинлик билан шувиллаб ўёқ-буёққа сузиб ўтишар, тошбақа оёқлик эринчок одамлар йўлакда гимирлаб нарибери юришар, вақт аччик ичакдай чўзилиб кечмоқда эди. "Нега бунча шошқалоқлик? Шошиб нимага эришдинг?!" - хаёлига келган илк ўй шу бўлди. Автобуснинг совуқ ойнасига манглайнини тираб кетиб бораракан, қулоқлари остида бирдан бўғиқ хириллаш аралаш пишнаш эшитилгандек бўлди. Бўғиздан "А-а" деган заиф ингрок отилиб чиқиб у жонҳолатда кафтлари билан қулоқларини беркитиб олди. Сесканиб хушини йигиб олганида жирканганича ўзига қаради. "Нега бунча шошилдим?! Барибир уни чиқара олмадим-ку! Энди мен ким деган одам бўлдим?!" - аламли шу ўй яна бағрини тилиб ўтди.

Ётоқхона олдида одатдагидек толиби илмлар танбаллик хасталиги азиятларини хаспўшлаш илинжида икки пулга қиммат ҳангомалардан лақиллашар экан, Бокира уларнинг олдидан унсиз қунишганича ўтиб кетди.

Ҳилола хонада экан. Уни кўриши билан ўрнидан сапчиб турди. "Келдингми?" деди ранги-кути ўчиб. Бокира унга нафрат билан тикилди, аммо бир сўз демади. У беҳол жойига чўқди.

- Сенга нима бўлди? - Ҳилола олазарак бўлиб ботинмайгина унинг қошига яқинлашди.

- Тегма менга!-қилич дамидек кескир хитобдан Ҳилола жойида таққа тўхтади.

Бокиранинг ич-ичидан аччик хўрсиниқ отилиб келди. У ўтирган жойида кўзларини маҳкам юмганича унсиз йиглай бошлади. Иккинчи хўрсиниқ ўкирик бўлиб отилиб чиқди. Бокира юзини ёстиққа буркаб олди. Елкалари титраб, вужуди силкиниб аянчли бўзлай бошлади.

- Бокира, нима бўлди ахир, ўртоқжон? - Ҳилола жонсарак каловланиб, унинг титраётган елкасидан тутмоқчи бўлди.

- Тегма! - тубсиз нафрат силтоворидан Ҳилола анча нарига сурлиб кетди. -Минг лаънат сенга! Илоё, уволим тутсин сени—

Ҳилола қунишганича турди-турди-да хонани тарқ этди. Бокира бағри хун-хун бўлиб узок йиглади.

Шу кеч унинг хонасида чироқ ёнмади. У тинмай йиглаб чиқди - оқшом тунга зврилгунча, тун тонгни тўрагунча...

Хилола қайтишга ботинолмай бошқа хонада тунади.

Субҳи содиқ бир неча сониягина кўзи илинди. Туш кўрди. Ям-яшил, гўзал бир хиёбон, Самандар кутулиб чиқсан, иккиси шу хиёбонда бирга саир қилиб юришар эди. Шуурининг бедор алла-қайси буржи ила у кўксини тўлдирган шодумонлиқ ҳиссидан мосуво бўлмоқдан қўрқди - уйқуси узилаётганда ҳам қўзини асло очгиси келмади. Уша латиф маъволарда қолиб кетишини истади. Сесканиб кўз очди-ю яна совук ва мудҳиш воқеликка қайти - андуҳлари яллигланган дунёга. Кўзларидан тағин қатра-қатра марваридлар қуишилиб, дардкаш ёстиқ кифтига сингди. Кўнгил бўшайдиган эмасди. У таг-туби йўқ ғам баҳрига айланганди.

Эртаси, индини деб аталган кунлар ўтдилар. У дарсга бормади. Ҳол сўраб кирган дугоналари, курсдошларига тоби йўқ эканини баҳона қилди. Тузук-қуруқ гаплашмади. Учинчи куни уни йўқлаб Душвор келди. У англадики, Душвор ҳаммасидан воқиф.

- Мени сўроқлаб ўтган экансиз... - деди Душвор қизнинг кўзига қарай олмай.

Бокира индамади. У мижжаларига қалқиб чиқсан кўзёшларини сидириб ташлади. Энди ҳамма нарса унга бой берилган беғубор ўтмишини эслатиб кўнглини бузмоқда эди. Э воҳ, атига уч кунгина олдин, уч куннинг нарисида у ана шундай пок ва беғубор ўтмишда яшаётган эди. Ахир уша куни ҳам ўқишдан нари шошиб-тошиб Душворнинг ижара уйига ўтганида, машиналар гувиллаб ўтиб турган катта йўл ёқасидаги пастак эшикча ёнида Душворнинг "кампир" билан гаплашиб турганида аслида... бугунгидан кўра қанчалар баҳтиёр экан. Нега ўшанда кўринишидан жаҳлдорроқ, аммо оқкўнгил қампирнинг таклифига кўниб, уйида унинг билан бирпас чуғурлашиб, Душворнинг келишини кутиб ўтира қолмади? Нега бунчалар ошиқди? Оқибат нимага зришди, нимага? Нега кечмишдаги воқеалар силсиласи унинг шармисор бўлиши, ҳалокатга юз тутиши учун шунчалар мутаносиб тизилиб, бундай мудҳиш интиҳо учун шу қадар қулайлик яратди. Кимнинг кўли бор бунда?!

Дунёнинг номардлиги шу змасми?

- Кечиринг, - Душвор нигоҳини ердан узиб, Бокиранинг юзига илкис қараб қўйди.

Бокира кўзларидан яна дувва ёшлари қуишилиб, бошини сарак-сарак қилиб қўйди.

- Кечиринг, сизни ёлғизлатиб қўйдим. Сизни бало-қазолардан ҳимоя қила олмади.

Душворнинг товуши титраб кетди. Бокиранинг назарида унинг товуши олис-олислардан, мавҳум туманлик қўйнидан келарди.

- Керак эмас, - деди Бокира йиглашдан тұхтамай. - Керак эмас, Душвор ака.

Шу билан айтладиган гап қолмади, чамаси. Пичадан сүнг Душвор үрнидан турди.

- Дарсга бориб туринг, - деди у Бокирага ялингансимон тикилиб.

Бокира күзларини ердан узмай унсиз бosh иргади.

- Душвор ака, - деди Бокира хаста товушда - Мен барибир... кетаман... Үндән алғадаман... күнглим тинчимаяпти. Унинг омон қутулиб чиққанини эшитсам бас, күзига күринмай ғойиб бўламан. Мен унинг саломат қутулиб чиққанини билиб кетишум керак... Мени шу илинж тутиб турипти.

Бўсағада турган Душвор юпатмоқчи бўлди. Алланималар деди, аммо гаплари қовушмади. Маҳзун хайрлашдилар.

Умр дафтарининг қоп-қора саҳифаларидан тагин бир нечаси варакланди. Нурсиз, тафтсиз бу қаро кунларда унинг сўлгин че-чақдай зальфарон суратигина қолди. Қўксидаги дардӣ зил, бироғга на ёрила, на зорлана олади. Қисмат ўзига атаган ғам заҳрини бироғга билдиримай матонат ила сипқоришга мажбур. Имиллаб кечаетган замон ва хувиллаб ётган маконда гимиirlаб кун ўtkазиш унинг меъдасига урганди. Ҳеч нарса билан үрнини қоплаб бўлмайдиган унинг гўзал ва тугал дунёлари кечмишда қолди, мангуга йитди. Энди фақат пушаймонлик ва алам ўтида ўз ёғига қоврилиши қолди. Сўнгги кунлар бу ўт чандон кучайиб жисми-жонини жизгинак қила бошлади гўё. Чидамоқ душвор... Тонгги гира-ширада туриб ювиниб-таранди. Каравот остидан Самандарнинг жомадонини олди. Самандарнинг даста-даста қўлёзмаларини қўлига тутди. Уларни назардан ўтказиб, баъзи-баъзи жойларидан ўқиди. Қўлёзмаларнинг баъзилари машинкада босма қилинган, баъзилари Самандарнинг қўли билан ёзилган эди. Бокира Самандарнинг дастхати билан битилган қўлёзмаларни тавоғ қилди, яна йиглади. Уларнинг ҳаммасини саранжомлаб, қайта жомадонга жойлади.

Саҳар қоғозларига кўмилиб ўтирган Душвор кўча эшикнинг оҳиста тақиллаганини эшитди. Ташқарида, кўчада ҳали қатнов ҳам бошланмаган, саҳар нафаси этни жунжитадиган эди.

Эшик олдида оғир жомадонни кўтарганича Бокира турарди. У рўмол ўраб олган, чеҳраси сўлгин ва маҳзун бўлса-да жуда жозибали эди.

- Мен Бухорога кетяпман, Душвор ака, - деди Бокира күзларини ерга тикиб. - Ҳозирча шу жомадон сизда турсин, дегандим. Бу -

Самандар акамнинг омонати. Бунда унинг тадқиқотлари... мақолаларининг қўлёзмалари бор... Илтимос, эҳтиёт қилинг... бошқа ҳеч кимга ишонмадим... худо хохласа, қутулиб чиққанида унинг ўзига қайтарасиз.

Душвор юраги увушиб Бокирага жовдираб термулди.

- Бокира, кетманг, ишонинг, ҳали ҳаммаси яхши бўлиб кетади.

Бокира ҳазин кулимсиради. Шу ожиз ва аччиқ кулимсираш шарпаси ҳам чехрасида ялт этди-ю сўнди.

- Кетманг, ҳаммаси яхши бўлади, ишонинг, - деди Душвор жонсараклик билан.

Бокира унга қарамай бosh чайқади:

- Иложим йўқ... Кетишим керак.

- Сизсиз унга оғир бўлади. Мен уни яхши биламан. У... у чидай олмайди, асло чидай олмайди.

Бокиранинг йиғлаб толмаган шаҳло кўзларидан яна маржона қатралар отилиб чиқдилар.

- Сиз унга... сиз унга менинг интизор кутганимни айтинг. Айтинг-ки... айтингтики ёмғирга ишонсин. Мен унга ёмғиримизни ташлаб кетялман.

- Унинг қутулиб чиқишини кутмайсизми?

- Чарчадим... Ортиқ чидолмайман. Аммо кўнглим сезяпти, у яқинда чиқиб келади. Сиз жомадонни эҳтиёт қилинг. Бунда унинг зэгуликка умидлари жамланган. - Бокиранинг эски жомадонга ташланган бир зумлик нигоҳида ҳам меҳр учқунлари жилва қилиб ўтди.

- Хайр, яхши қолинг.

Бокира бурилди-ю тез-тез юриб узоқлаша бошлади.

- Тўхтанг, шошманг... ахир, ҳаммаси яхши бўлади, деяпман-ку, менга ишонинг.

Душвор томгги сокин кўчада товуши жаранглаб гангиб-гарангсиб қичқирди. Бокира тўхтамади.

Душвор қўлида оғир жомадон, қалбига ҳам оғир юк чўкиб узоқ вақт туриб қолди.

Ичкари киргач, жомадонни нимқоронги ётоқхонасидаги каравот остига жойлади. Ўй босиб ўтириб қолди. Бокиранинг ғамгин чехраси кўз олдидан кетмасди. У одатига хилоф саҳардан ичклик тилай бошлаган кўнгил майлини енгиб стол ёнига келди. Стол усти бўяб-бежалган ёзуви қоғозларга тўла эди. Душвор ярми қораланган қоғоз узра қаламини қитирлатиб ёза бошлади. Қоғоз юзасида шундай сўзлар пайдо бўлди:

“Ёмғирга ишон! У сенга Ёмғирни, ўз Ёмғирингизни ташлаб кетди”.

* * *

Бокира поездда Бухорога етиб көлди.

Қадрдон уйининг останасини ҳатлаши билан муштипар она унинг рўйий руҳиятидаги улуғ маҳзуниятни кўриб, қалби потиллади.

- Вой, айнониб кетай, ой бийим, санга нима бўлди, болажоним?
- она қизини маҳкам қучиб ўпар экан унинг юзларига жавдиради.
- Тинчмисан, болагинам?

- Яхшиман, хавотирланманг,- Бокира куч билан жилмайиб онасини қучди. Димогига она соchlарининг қадрдон иси урилди, кўзларига соғинч ёшлари қалқиб, волидасини янада маҳкам қучиб олди.

- Рангларинг бир аҳвол? Нима бўлди ахир? Онангдан яширма!
Тузукмисан, қизгинам? - онанинг кўнгли тинчимасди.

- Тузукман, онажон, сира хавотирланманг. Бироз мазам қочганди, энди тузукман, худога шукур

Она унга қаттиқ тикилди. Ишонмади. Қизининг кўзларидаги чўкинди андух, қиёфасидаги сўнгги кунлар изтиробларининг нүкси она нигоҳидан пинҳон қолмади.

Бошлишиб сўрига келдилар.

- Яширяпсан, болам. Сенга... нимадир бўлган. Ўқишларинг яхшими ишқилиб?

- Ҳаммаси яхши. Айтдим-ку, онажон, - тагин ўзини мажбурлаб кулди Бокира - Бироз тобим қочганди. Энди тузук бўлиб қолдим.

Бокира ака-укалари, сингилларининг ҳол-аҳволини сўради. Қизининг синиқлиги, маъюслиги, бунинг устига ранглари олиниб қолганига дили хижил она учун дийдорлашув қувончи ҳам унча татимай турарди.

“Мен кетсам онамга қийин бўлади, - ичидан зил кетиб ўйлади Бокира. - Лекин на илож... Муштипаргинам, қизингиз бир кунликкина меҳмонингиз эканини билмайсиз...“ Она ҳануз полапонининг тепасидаги қушдай гиргиттон бўлиб айланиб-ўргуларди. Раҳматли отаси ясаган жимжимадор панжарали ёғоч сўрида ўтириб, она-бала чой ичдилар. Бокира эшитаётган янгиликларига ўзини қизиқаётгандай қилиб кўрсатар, аммо унинг қалбига чиндан-да... нимадир бўлган, ботини совуқ ва ҳиссиздай эди. Ҳатто киндик қони тўкилган мана шу ҳовли, отаси ўз қўли билан тиклаган шу уй ҳам унинг кўзларини қувнатиб, дилини яирата олмас, азиз манзаралар ҳам бутун борлиқ каби ғарибдайгина эди. Фақат мушфиқа онасини кўриб, унинг кўнгли мунгга, ачинишга, шафқатга тўлар,

онасининг азиз елкарига осилиб, ўкраб-ўкраб юборишдан базур ўзини тутиб ўтиради... "Мен ўлсам ҳаммадан ҳам сизга оғир бўлади, онажон, - онасининг юзларига боққанича ичи ачишиб уйларди у. -Лекин не қилай, заволим етди, онажоним, паймонам тўлди. Мени кечиринг, ғаниматим, онажоним".

Она қошида яна икки кун меҳмон бўлди. Она юрагига ғулу солмаслик учун очилиброқ юришга тириши. Ўзича, она мушкулини осон қилиш учун... анча ишлар қилди. Уйларни тозалади: эшикдераза пардаларини юваб дазмоллади, гилам палосларнинг чангини қоқди, ойналардан тортиб, идиш-товоқларгача ярақлатиб артди, ҳовлидан ахлатларни ташиди, деворларни оқлади. Она-нинг кўнглига ҳеч бир хижиллик чўкмасин, деб очилиб-сочилиб юришга уринди.

Шу кеч жуда-жуда онасининг бўйнидан қучиб ётгиси келди. Узун кун тин олмай ишлагани, толганига қарамай, шу тун мижона қоқмади. Ноңушта чоги унинг қизарган кўзларига, шишинқираган юзларига боқиб, онанинг кўнгли бузилди, кўзлари ўшланиб товуши титради:

- Сан маңдан ниманидир яширяпсан, болам. Санга нимадир бўлган. Онагинангнинг бағрини зэмай айта қолмайсанми, жон қизим, нима бўлди? Ахир, онангга ёрилмасанг, кимга ёриласан?

Она йиглаб юборди. Вужуди титраб йиглар экан, Бокира уни тезроқ овутиш учун жонсарак бўлди.

- Ҳеч нима бўлгани йўқ, онажон, менга ҳеч нима бўлгани йўқ, - деди у куйиниб шоша-пиша. - Тобим йўқ. Кейинги пайтларда асабийлашиб... бошим бироз огрийдиган бўлиб қолди. Сира қолмаяпти, шунга диққатман... кечаси билан яна бошим оғриб чиқди.

- А-а? - она енги билан кўзларини артиб, ишониб-ишонмай қизининг юзларига ҳадик-ла боқаркан, унинг кўзларига ўш сизиб чиққанини кўриб, типирчилаб қолди. - Уриниб қолгандирсан-да, шунча иш қилиш шартмиди, болам, бўлайди-да аста-аста. Ўқища ҳам ўзингни зўриқтириб қўйгандирсан-да. Сани биламан, ҳеч ўзингни эҳтиёт қилмайсан, бир нимага киришсанг жон-жаҳдинг билан қиласан. Шунча иш қилиш шартмиди, бўлайди-да ҳаммаси аста-аста. Сан ичкари кириб, дори ичиб ётгин, хўпми?

Онанинг кўксини кемирган ғашлик тарқамади. Дили сим-сиёҳ бўлса-да қизим ўзи ёрилар, деган ўйда унинг юрагини баттар сикқиси келмади. Қизининг қаршилигига қарамай, уни ичкари хонадаги каравотга ётқизиб, устини ўраб қўйди.

Бахтга қарши шу куни маҳаллада мушкулкүшод бор эди. Қўшни хотинлар чақириб келишганида онанинг боргиси келмади. Улар-

нинг қистови ила чор-ночор янги маҳсисини кияр экан, отинойидан қизининг мушкулини осон қилиш учун ўқиб қўйишни сўрашини дилига тугди. Бокира асли шу фурSATни кутаётганди. У нималарнидир уқтира-уқтира чиқиб кетаётган онага мунгли жилмайиб бош иргаркан, кўзларини тўлдириб мұйнисасига тикилганича хаёлан у билан видолашди, ундан ризолик сўради. Дарвоза беркилиб, кўчадаги гўнғир-гўнғир узоқлаша бошлиши билан у ўрнидан турди. Ҳаммомга кириб, тез ювиниб янгидан кийиниб чиқди. Отасининг устахонасига беркитиб қўйган жойидан арқонни олиб наравондан чордоққа кўтарили.

Том қирғогида тин олиб, дунёга армонли кўзларини тикди. Борлик ҳануз изгирин ҳукмидан эди. Март, куни-суви битиб қолаёзган зерса-да, на куни, на сувининг тайини бўлмай, муз-музтар ўтиб бормоқда эди. Изгириннинг гув-гув нафаси зўрайиб, оламни кару караҳт этар, уйғонишга интилган дараҳларни мутеона қуллуқ қилдирап, рўпарадаги пастак ошхона томи узра қиялаб шоҳ ёзган, ҳали барг чиқармай яккам-дуккам гунчалашга ботинган окўрик ниҳолчасини қайирганича тавбасига таянтириб-таянтириб ошхона томига беаёв уради. Ҳовлидаги ҳамма нарса, катта уйга ёндош қурилган қўшимча ишоратлар, сараланиб экилган мевали дараҳтлар покдомон ва саришта отасининг қўли билан бунёд этилган эди.

Олис-олислардан, тафтли кунлар бағридан меҳрибон, азиз бир ун борлиқни тўлдира келди:

“Ой, бийим, санга-чи, ўзим бешик ясаб бераман”.

Отасининг қадрдан, нурли сиймоси йириклишиб қаршигинасида балқди, катта, серқадоқ кўллар ҳаводан униб, унинг боши узра аста кўтарили ва соchlарини меҳр билан силади. Отаси уни суйиб қўяётганида кўзойнак гардиши чаккасига ботганини хис қилди. “Ур-ре, дадам манг... дадам манг бешик ясаб берарканлар”. Қуёш нурларига тўла ҳовлини қўнғироқдай товуши тутиб, кўлларини силкитганича қувониб-энтикиб чопиб келаётган зар дўпили, зар кўйлагу зар лозимли жажоқи қизалоқни аниқ-тиниқ кўриб турарди. Тағин муштипар онасини ўйлади. “Энди мен ҳам уни ташлаб кетяпман” - изтироб залворидан бағри эзилиб хун-хун бўлди.

Қиз том четида йиглаб тураркан, унинг келганини сезган, ортига қарамаса-да унинг шарпа-шамойилини хис қилиб турарди. У анчадан бери шу жойда эди. Сал нарида гўдайганича қизнинг тайсаллаётганидан норизо бетоқат бўлиб турар, шум қутқуси ила юракни хаприқтириб ошиқишга ундарди. Ниҳоят ўзининг совуқ

шарпаси қызнинг этини сескантириб, титрата бошлаганини қўриб қатъйлашди ва ютоқиб қизга яқинлашди.

- Мен келдим, - деди у гезарган муз лаблари оғир қимиirlаб. - Маъзур тутасан, беш кун илгари келдим.

Бокира елкаларига муз ўрмалаганини сезди. Қайрилиб ичкари томон кетиб бораркан, йигидан шишиб кетган юзини ортига бурди ва уни кўрди. У олислардан йиглаб келарди - бечора мажнуни... Қиз тагин тайсаллаб бир дам тўхтади, ёшли кўзлари билан унга тикилиб қолди, хаёлан у билан видолашди ва юрагини баттар ззмаслик учун қайтиб бошини унга бурмасликка жазм қилди. Эски бешиклар, синик ромлар, калта-култа тахта бўлакларига тўла чордоқнинг ўртарогига келиб тўхтади. Оёғи остига кўйиш учун болалигига ўйнаган эски ёғоч сандиқчани қучоқлаб кўтариб келди. У сандиқча устига чиқди. Қўллари титраб-титраб арқондан сиртмоқ ясади, икки хари туташган жойдан арқоннинг иккинчи учини айлантириб ўтказиб маҳкам боғлади. Сиртмоқни бўйнига солди. Шу алфоз бошини яна ўнгга - ташқи оламга бурди. Сўнгги бор ғаддор ва... фусункор дунёга боқди. Сандиқча устида титрай-титрай туаркан, юраги ҳаприқиб-ҳаприқиб сўнгги ғанимат нафаслари дунё юзига уфирилар эди. Вужудидаги ҳаёт ўлгиси келмас, яшагиси келар, тириклик аталмиш улкан нахрдан ажралмай, унинг-ла ундошу уйқаш бўлиб қўшилиб оқиб, узоқ-узоқ йиллар яшагиси келар эди... Яна хаёлан онаси, ака-укалари, сингилларидан розилик сўради, улар билан видолашди. Олислардан тагин йиглаб келаётган уни - баҳтиқаро мажнунини кўрди. У энди йиглаган кўйи чопа бошлаганди. "Йўқ, - дея сиртмоқли бошини чайқади у.

Ва бирдан оёғи остидаги сандиқчани тепиб юборди. Сиртмоқ томогидан ғиппа бўғди. Ёғочлар зорлангандек ғижирлаб юбордилар. Кўзлари олайиб жон ҳалпида типирчилади. Сиртмоқ азоб бериб баттарроқ бўға бошлади. Чордоқ паст ёпилганидан унинг нафис оёқлари томдан бор-йўғи бир қаричча баландликда типирчилар эдилар. У жон талвасасида буралиб-эшилиб яна бироз питирлади, ажал билан беҳуда олишди. Ажал уни маҳв этди ва ўзи ҳам толиб кетгандай бир сакради-ю рўпарадаги ўргимчак тўрини силкитганича унга ястаниб олди. Қизнинг кўзларни қувнатган гулгун вужуди йўғон, қўпол арқонга осилган жонсиз танага айланган, тана жоннинг ўзини қутқариш-чун қилган сўнгги уринишлари силтовидан чайқалиб, тебраниб турарди.

Йўриқдан қайтган она уйга кириб, Бокиранинг ўрнини бўш кўрди. Юраги безовта ҳаприқиб Бокирани чақирганича бошқа хона-

ларга, ҳаммому омборларга бир-бир кириб чиқди. Мактабдан қайтган кичик қизини югуртириб құшнilarниkiга чиқарди. Бокира ҳеч қаерда йўқ эди. Она ичидан зил кетди. Мадори куриб ўтириб қолди. Бирдан кўзи нарвонга тушди. Юраги “шув” этиб, ранги-қути учib, кичик қизига кўрқа-писа, ботинмайгина деди: “Ҳай ўлмагур, томга ҳам... чиқиб ҳара-чи.“ Қизалоқ нарвондан томга кўтарилиди. Бироздан сўнг чордоқдан унинг даҳшатли чин-қириғи эшилди. Том четига югуриб келган қизча галира олмас, кўкариб кетган, ҳадеб чордоқ ичкарисини кўрсатиб имлар, файритабий овозда чинқириб йигларди. Она қизалоқ чинқиригини эшилган заҳотиёқ адо бўлди. Сакраб туриб кетган они кўз олди: еру осмон, осмону ер битта бўлиб чир-чир айланди, юраги қаттиқ санчди, ҳаво етишмаётгандек оғзини каппа-каппа очиб, ҳансираб оғир-оғир нафас оларкан қовжироқ лаблари пирпираб базўр: “Бок... Бок... Бок...“ дея олди ва “шилқ“ этиб, ерпарчин бўлди.

* * *

Бокиранинг ҳалокати ҳақидаги шум хабар тезликда Тошкентга етиб келди. Ётоқхонада ҳаммани ҳайрону тонг қолдириб, кўпларнинг чакагини очиб чир-чир айланди... ва яна қайта... чир-чир... чир-чир... чир-чир... То чакаклар толмагунча, то қулоқлар безмагунча, то энсалар қотмагунча... чир-чир... Хонадан-хонага учib ўтди. Қайта-қайта учib кирганида шишиб семирди, беўхшов кўпчиди, асли-аввалидаги ихчам шамойилига сира ўхшамай қолди. Ётоқхонани...ничи бор айланишида уни бу ерга ўзи олиб келган қиз - Бокира ва Ҳилоланинг Тошкентда ўқийдиган синфдошларидан бири зинапоянинг иккинчи қават майдончасида учратиб қолиб мутлақо таний олмади. Бокирага ҳамкурс икки талаба қиз уни шишиб-кўпчиган ҳолда дастурхонга солиб, залворининг зўридан зиналарга тўкиб-сошиб учинчи қаватга олиб чиқиб кетишашётган эди.

* * *

Бокиранинг ўлимини курсдошлардан биринчи бўлиб Ҳилола эшилди. Синфдоши бу мудҳиш хабарни айтганида хонада яна икки ҳамкурс қиз ўтиради. Бокира икковининг орасига қайтадан ва абадул-абад чоҳ солган ўша... воқеадан сўнг Ҳилола шу қизларницида ётиб юрганди. Бокиранинг ўз жонига қасд қилганини

эшитди-ю титраб кетди. Қулоқлари шанғиллаб, эшитганларига ишонмади. Синфдош қиз Бокиранинг чимилдик күрмай кетгани боис иримини қилиб дугоналар “Ёр-ёр” айтганлари, кейин чи-қарғанларини йиглаб сўзлаб берар, икки ҳамкурс қиз ҳам кўзлари шашқатор бўлиб тинглашарди.

Ҳилоланинг руҳи, шуури, вужуди-да муз бўлиб тўнгигандек қарахт эди. Наҳотки, наҳотки шу гап рост бўлса? Наҳот Бокира ўзини осди? У меровланиб, телбаланиб йиглаётган қизларга алантларди. Куйиниб йиглаётган қизларга қараб туриб юраги шиф этиб кетди. Уларга қўшилишиб йиглагиси келди, аммо йиглай олмади. Ҳануз ишонгиси келмас, бироқ бу энди кўксидагимирлай бошлаган гуноҳкорлик туйғуси ва виждан азоби хуружини босиш учун ихтиёrsиз равишда ишонмасликка тиришиш эди. У ўзини ноҳуш сезаётганини баҳона қилиб кўрпастига ўраниб ётиб олди. Кўрпа остида чиндан қалтираб ётаркан, синфдош қиз қачон кетди англамади ҳам. Ўртадаги сирдан, Бокира икковининг ораларидаги совуқчиликнинг туб сабабларидан бехабар ҳамкурс қизлар “Не қилса ҳам болалик ўртоги экан-да“ дея унга ачинишиб, тасалли берган, ҳамдардлик билдирган бўлдилар.

Ҳамкурслар билан она Бухорога, Бокиранинг фотихасига борди.

Қадрдан кўчаларига бурилиб, Бокираларнинг уйига яқинлашганларида қадамлари тайсаллаб, юраги орқага тортиб кетаверди. Курсдош қизлар қаторида худ-бехуд бўлиб ҳовлига кирганида мусибатнинг сувратини кўрди. Оқ рўмол ёпингган сонсиз ёш-қари аёллар қатор тизилишиб куйиниб бўзлашар, жудолик азобидан кўкси пора бечора она ўртаниб ох урарди. Бу йигидан кўра жони қаттиқ оғриётган инсоннинг оғриқка чидай олмай дод солишига, фарёд чекишига ўхшайдиган аянчли нола эди. Ҳилоланинг юмшамаган бўксалари шу аччик фарёдни эшитиб муммум бўлди. Қўзларига ёш тўлиб, жойида серрайиб туриб қолди. Ғамбода она уни маҳкам қучиб, ситамгар фалакнинг жабридан аччик-аччик зорланганида, онанинг иссиқ нафаси юзларига урилиб, кўзёшлари бўйинларига томганида қиз ўзини йўқотиб қўйди. Наздида дунё охир бўлаётгандай туюлди. Ичидан алланима тўлиб-тошиб келди, ув тортиб ўкраб юборди. Чирқираётган она оғушидан халос бўлганида ҳам ўзига кела олмай талвасаланиб йиглайверди-йиглайверди. Ўзининг онаси йиглашиб кўришди ва қўлтиқлаб уйларига олиб чиқди. Уларнинг кетидан ҳаялламай оласи ҳам ҳарсиллаб чиқди. Унга сув ичирдилар, хай-ҳайлаб тасалли бердилар.

- Мунча куйинаверма-е, - дейишиди онаси ва опаси тетик то-вушда. - Ўзингнинг соғлиғингни ўйла. Бирор унга ўзини оссин дептими?

- Менга қара, ҳай, жодугарингга бир нима бўлганми? Шундан гапир. Нега у дабдурустдан ўзини осиб қўйди? Бир балоси бордир, ахир?

Ҳилола вужуди силкиниб-силкиниб йиглар экан, онаси ва опасига кўз ташлади. Улар кўзларини лўқ қилиб бетоқатлик билан ғезини пойлашарди. Ҳаётида илк бор уларнинг иккиси ҳам кўзларига хунук кўриниб кетди.

Тошкентдан келган барча курсдошлар билан Бокиранинг қабри тепасига боргандарида ҳам дили сим-сиёҳ эди.

"Эзгуликка умид" дан

Қизиқишларим таъсирида илм билан мустақил рағишида кўпроқ шуғулланганим сари, расмий ўқув дастурига киритилган аксар "фанлар" даги пуч ва юзаки жиҳатлар менга тобора аниқроқ кўрина бошлади. Мен улардан қаноат ҳосил қилмас, биль-акс, соҳта, нотўғри талқинлардан қалбимда норозилик уйгонар, умуман тескари, бўхтон фикрларни эшиятганда газабдан түгёнга келардим. Маърузаларда, семинар дарсларида ўқитувчилар билан тортисиб қола бошладим. Устимдан деканатга шикоятлар тушшиб, муҳокама қилишиди. Интизом, аниқроги, штоат факультетда ўқишини давом эттира олишиим учун ягона шарт қилиб белгилаб қўйилди. Бундаи тарангликинг танглиkkа бориб тақалиши тайин эди. Ниҳоят "Сиёсат" дарсида ўша танглиkk келиб чиқди. Мен маъруза ўқийдиган доцент билан баҳслашиб қолдим. Баҳсимиз эртаси кунги "Сиёсат" дарсида ҳам давом этди ва индинига, "Ва яна Сиёсат" дан семинар чоги якун топди - кейинги дарсга ўтмади. Сабаби, кейинги дарсда баҳслашгувчи иккичи томоннинг ўзи ўйқ эди. Мени ўқишидан ҳайдашди. Доцент профессор Гиртмакнинг шогирдларидан эди. Кейинги дарсига унинг тақлифи билан шахсан профессор Гиртмакнинг ўзи ташриф буюриши ва бизларга маъруза ўқиши куттилаётган эди. Шундай мўтабар зотнинг маърузасида "аффбош ва фикри бузук" бир тала-банинг катнашувига асло йўл қўйиб бўлмас эди. Мен ўқишида қолиш учун ҳаракат қолдим, бироқ ҳаракатларим зое кетди. Кексайиб бот-бот бетоб бўлиб қолаётган Чинор аммамдан ҳавотирда Маргилонга қайтдим. Дунёдаги якка-ю ёлгиз меҳрибоним-

нинг ёнида бўлиш, унинг меҳрваш тафтини хис қилиш яримта кўнглім учун адоксиз баҳт эди. Ўзим ҳам уни шаффоф меҳр билан сурар, дунёдаги ҳар недан ортиқ унинг саломатлигини Оллоҳдан сўрадим, лекин аммам тобора картайиб, куч-кувватдан қрайтиб борар, уни бу аҳволда кўриш мен учун жуда оғир эди. Ногаҳон у мени ташлаб кетганида юрак-багрим ўтирилиб тушгандай борлик-бутлигимга инонмай қолдим. Идроким ўзимга қайтганида Чинор аммамни маҳкам кучганча унинг кўксига юзимни босиб ўтирадим. Нетайки, мени ҳамиша сўйгувчи юрак, суягувчи тиргак оҳу-фарёдимдан түгёнга келмади. Анча бақтгача Чинор аммамнинг ўлганига ишонмай юрдим. Унина мешрӯбон қиёфаси, товуши шууримга, ботинимга шу қадар сингиб кетганди-ки, баъзан хаёл ё йўқу оғушида уни эшишгандаи, кўргандай бўлар, бироқ сира ўзини топа олмасдим...

Чинор аммамнинг маърака-йўриклиарини ўтказиб яна Тошкентга қайтдим. Ўқишини давом эттириш умидим бор эди, ўз ҳакхўкумни талаб қилиб анча югурдим, бироқ ҳеч иш чиқара олмадим. Илмдан үзилиб қолишни сира истамасдим. Мустақил изянишларни давом эттирадим. Кунларим тагин кутубхона ва архивларда кеч бўларди, түнлар тириклик азми билан қалам тебратар, ўқув чизмалари борми, расмми, ёзувларми, ҳуллас, мижозлардан нимаши буюртмалар тушган бўлса шуларни бажаришга киришардим.

* * *

Бу орада Самандар қутулиб чиқди. Юраги бетоқат, унинг қошига талпинди. Қанот боғласа-да қуш бўлиб учиб борса. Тезроқ... Талабалар шаҳарчасига етиб келгач, кўзига ҳеч нарса кўринмай унинг ётоқхонаси томон югурди. Ётоқхонага яқинлашгани сайн ҳовлиқиб кетаверди. Зиналардан икки хатлаб иккинчи қаватга чиқди. Илк дафъа Бокиранинг берк эшиги олдида эсанкиради, борлигини қоплаган таърифсиз соғинч, ҳаяжон, қувонч ҳисларига эш қалбининг тубларида гимирлаётган алланечук мубҳам хавотир кучайди. Эсанкираш чулғовида қўшни хона эшигини тақиллатди. Эшик очилиб остонаяда Ҳилола кўринди. Йигитнинг карахт кўнглига Бокира ҳам шу ерда деган нурдай тафтли умид иниб, беихтиёр ичкарига кўз ташлади, аммо ичкарини эшик пардаси кўздан пинхон тутиб турарди. У яна Ҳилолага кўз тикди. Кўз тикди-ю айнрайиб қолди. Ҳилола ранглари бўздай оқариб, лаблари гезарган, кўзлари олайиб даг-даг титрай бошлиганди. Самандар уни ҳозир ийқилиб тушади деб ўлади. Суяб қолмоққа шошилиб қўл чўэди.

Хилола юлқиниб, үзини ичкари урди. Самандарнинг қалбиға қўрқув тушди. Жуда ёмон қўрқув, совук қўркув. Эшик қоқишига маҗоли келмай қотиб қолган қўлларини куч билан кўтармоққа чоғланиб турганида ичкаридан “Вой, ким экан у?” деган янгрок овоз келди ва парда сурилиб қўшни қиз кўринди. Кулиб келаётган қизнинг лаблари бирдан қийшайиб кетди. У оғзини ёпишни-да унутиб, бир қўли билан эшик пардасидан тутганича Самандарнинг юзига тикилган кўйи анқайиб қолди. Самандар бир лаҳза үзини борлик ва йўқлик орасида муаллақ хис қилди. Шундай бир ҳолат ичра идрокининг бир бурчи ила қия очиқ пардадан мўралаб хонада Бокира йўқ эканини илғади. У қуруқшаган лабларини базўр қимирлатиб, гўлдираб, тутилиб Бокирани сўради. Шунда қизнинг кўзларига йирик-йирик кўз ёшлари сизиб чиқди.

- Бокира... йўқ... У... қазо қилди. - зўрга шундай дея олди ва кафти билан оғзини беркитиб пиқиллаганича у ҳам үзини ичкари урди.

- Ни-ма?!

Назарида оёқлари остидаги ер қалқиди, силкинди, сурилди, алламбало бўлди. Назарида борлиқ остун-устун бўлиб ағдарила бошлади. Бу талотўп асносида кимдир кўксига пичноқ ботириб, бураб-бураб олди. У мувозанатини йўқотди. Даҳшатдан кўзлари олайиб, жонҳолатда қўлларини олдинга чўзди... Ҳуши аллақаерлардан үзига қайта бошлаганида кўксига қамалиб олиб, юрагини беаёв талаётган сонсиз йиртқичларнинг олис-олислардан келаётгандай хунхўрона хуришини, улишини эшилди. Юраги улар ўтасида талаш-қонталаш бўлиб, манглайи ва муштлари ила деворга суюнганича ҳансираф, оғир-оғир нафас олиб турарди. Кўксидаги оғриқ салгина пасайиб оёқ-кўлининг қалтироғи бироз босила бошлиши билан сильтаниб, девордан узилди ва қизлар хонасига кирди.

- Нима дедингиз? - деди товуши қовжираб синиб.

Йиглаётган учала қиз ўринларидан тутиб кетишди.

- Нега мени алдаяпсиз?! Нима учун?! - кутилмагандан ёввойи ҳайқириқ отилиб чиқди.

Қизлар чирқираб хона тўрига, дераза олдига қочдилар ва ҳатар қошидаги полапонлардек гуж бўлиб олиб, изиёнлай бошладилар.

- Рост, рост айтяпмиз, акажон, рост, у жонига қасд қилди, беш кун бўлди, - ўтакаси ёрилган қиз йиглаганича бирласда чулдираб ташлади ва тагин уввос торта бошлади.

- Нега?! Нега ахир?!

- Билмаймиз, биз билмаймиз, акажон...

- Ишонмайман...

Буткул гангиб Бокиранинг эшиги олдига келди, қаттиқ-қаттиқ тарақлатиб, уни яна тортиб кўрди. У елканлари синиб, чамасини йўқотган кемадай адашиб йўқлик дунёсида юзиб чиқди. Учинчи бор айланишида ўзи чиқкан зинапояни топиб пастга тушди.

Ташқаридаги ўтиргичда гаранг-меров Бокиранинг деразасига жовдираб, узоқ ўтирди. Ниҳоят шитоб ўрнидан турди-да катта йўлда уловга ўтириб Душворнигига елиб кетди.

Хали бақамти келмай турибоқ Душворнинг авзойидан ҳам ўша мудхиш ҳақиқатни ўқиди:

- Ишонмайман! - деди ўжарлик билан кескин бош чайқаб.

- Рост, - деди Душвор кўзларини ерга тикиб. - У ўз жонига қасд қилди... ўзини осиб кўйди.

- Алдаяпсан! - Самандар кўзлари косасидан чиқиб кетгудай бир важохатда қўшқўллаб Душворнинг ёқасидан сикимлади. Телбавор фижиниб асабий бармоқлари билан ёқани фижимлай бошлидии.

- Қўйвор! - Бўғилиб қолган Душвор ёқасини Самандар чангалидан халос қилди. - Бир кун келиб менинг ёқамдан олишингни билардим.

- Нега у ўзини осади?! Нега?!

- Билмадим... Сир ўзи билан кетди.

Самандар Душворга ғалати тикилди. Ғалати эди нигоҳи: таъноми, ёлворишми, юпанч умидими, тағин аллақандай номсиз коришиқ туйгулар зоҳир эди нигоҳларида. Душвор у ўзининг ичидаги-ларни ўқиб тургандек ўнғайсизланди, унга раҳми қелди.

- Ишонмайман, - деди Самандар вужуди титраб - Ҳамманг мени алдаяпсиз.

Душвор унинг ортидан эргашиб кўчага чиқди.

- Жомадонинг менда, - деди у Самандарга. - Уни менга Бокира бериб кетди, у Бухорога, ўз уйига бориб... ўзини нобуд қилди.

Самандар тўхтади, бир дам тек қотди. “Жомадон сенда тура турсин”, деди у умидсиз товушда. Ортидан яна Душворнинг товушини эшитди.

- У сенга ёмғирингизни ташлаб кетаётганини айтди.

Самандар танасига тиф ботаётган дараҳт монанд турган жойида елкалари титраб, вужуди силкиниб-силкиниб кета бошлади. У елкасидан тутган Душворнинг қўлини сидириб ташлаб, юзига қарамай сўради:

- Сен нега уни тўхтатиб қолмадинг?

- Ожизлик қилдим. Қурбим етмади... ожизлик курсин.

У яна ўзини англай олмай қолди. Оёқ-қули іүк, аллақандай нотайин мавжудоттай эди. Құхна құналғасыга қай ийсін, қай пайт келди - англай олмади ҳам. Борлық ҳувиллаган совуқ бўшлиққа эврилган эди. Ҳувиллаган бўшлиқда шувиллаб кунлар ва тунлар ўта бошлади. Унинг қошига кимлардир, оёқ-қули бор, бинойи кимсалар келиб-кетдилар ўз дардлари билан. У ётган кўйи маъносиз кўзлари билан уларга боқиб, маъносиз сўзлар магзини чақишига уринди. Ҳеч нимага тушунмади. Бўшлиқ... Баъзан у қисқа ва оғир уйқуга кетар, кўз очиб яна ҳу-ув-ҳу-ув этган совуқ бўшлиқни кўрарди. Та什қаридан хаста қуёш ва бемор ой галма-галдан айланниб ўтар, бўшлиқ бағрини ёриб киришга беҳуда уринар, аммо уларнинг кокилларини ямлаётган суқ бўшлиқ ўзларига-да даъф қилгудай сиёқда эди. У'кӯчадан қай кийимда келган бўлса шу алфоз эски каравотига чўзилганича оламда уч кеча-кундуз вақт айланганини сезмади. Тўртинчи кун тушдан кейин ўрнидан оғир қўзғолди. Оёқларини осилтириб каравотга ўтириб олди. Гунг дунёга мунгли назар ташлади. Елкаларӣ увишиб қолган, вужуди оғрир, уч кеча-уч кундуз туз тотмаганидан ичлари ачишар эди. Гандирақлаб ўрнидан турди. Чайқала-чайқала ташқари чиқди. Қуёш уфққа эндиғина чўкиб кетган эди. У оғир-оғир босиб кўчага чиқди. Майдонсифат катта чорраҳага етиб келиб йўл четидаги темир панжарага беҳол суюнди. Унга ҳамма нарса тескари бўлиб туюла бошлади. Анча узилишдан сўнг энди ташқи оламга чиқиб келгани боис карахт онги шомни тонг ўрнида қабул қилар, шу боис ҳорғин қадамлар ила шошимлмай ортга қайта бошлаган йўловчилар, бозорчадаги нарсаларини йигиштира бошлаган олиб-сотарлар, дўйончасига қулф уриб, уйига равона бўлган таниш баққол - ҳаммасининг хатти-ҳаракатлари галати, мантиқсиз туяларди унга. Қарасанг тонг энди ёришиб келаётгандай, ҳаёт энди бошланәётгандай-ку, лекин нега ҳаммаси яна бирданига тез тугаб қоляпти... У қизарған уфққа яна бир бор назар ташлади. Дарвоқе, бу томон - Ғарб... Қуёш ахир Шарқдан чиқади-ку. Демак, шом бошланган, демак шом... Онг карахт бўлса шу-да.

У дўйонга кириб, кўнгли тилаётган нарсага узоқ тикилиб қолди. Ниҳоят уни сотиб олди. Хонага қайтиб ароқни стол устига қўйганича тагин анча вақт унга тикилиб ўтириди. Сўнг ботинмайғина уни қўлига олди. Ўрнидан туриб қопқогини очди. Яна бир дам иккىланди. Бирдан шаҳд билан шишани кўтарди-ю, уст-бошига тўкиб-сошиб тўғри шишанинг оғзидан ича бошлади. Ҳувиллаган бўшлиқда унинг томоқлари ва ичакларини кўйдириб қултуллаётган оби

қаттолнинг товуши аниқ эшитилиб турарди. Етти тақводор бобоси ичкилик не билмаган, отаси-да уни оғзига олмаган эди. Энди қон-қонига буткул ёт заҳри қотил томирларида оқа бошлади.

У шишани бир күтаришда яримлатди, ароқнинг аччигини ҳам сезмади, кўнгли ҳам ағдарилмади. Фақат ичаклари куйиб, ичи баттар ачишди. Пайпаслаб, қотган нон бўлакларини топди ва қарсиллатиб totинган бўлди. Ичидаги ўт пасайгандек бўлиб, тагин шишани боши узра кўтарди. Ичидагини тугатмай туриб шишани ташқари улоқтириди. Бошини маҳкам чанглаб телбавор сиёда “Ах-хах-хах-ха-а-а-а” дея хайқириб йиглаб юборди. Бўғиздан яна бир тўлқин худди шундай аччиқ нола отилиб чиқиб, олдингисига уланиб кетди. Бўронда майшайган ёлгиз дараҳтдай тебраниб, эгилиб-букилиб яна боягидай сингранди. Гандираклаб, пайи қирқилгандек каравотга юз тубан ағдарилди. Борлиги силкиниб-силкиниб йиглар экан, қўллари беихтиёр мушт бўлиб тугилди-ю боши бироз кўтарилганича сукунатнинг ўтакасини ёриб, хайқириб юборди:

- Йў-ў-ў-ў-ўк!!!

Ўзининг хайқиригидан ўзи чўчиб турганида ич-ичидан тагин аччиқ фарёд отилиб келди. Пайпаслаб ненидир қидирди, излаганини топа олмай, хона ўртасида тагин оғир-оғир тебраниб йиглай бошлади. Ботинининг қаър-қаъридан яна:

- Йў-ўў-ўк-йў-ўк!!! - деган юракни ўртовчи хайқириқ отилиб келди.

Чопиб қайларгадир кетди. Хушини йигиб олганида ташқарида - тепасида заъфарон ой мўлтираган кимсасиз ҳовлида турарди. Шунда у нигохини кўкка тикиб, тиз чўқди.

- Ё, Оллоҳ! - деди қўлларини баланд чўзиб - Менинг ёзугим не эди, ёзугим?! Уни менга қайтариб бер! Мен усиз яшолмайман, яшолмайман...

Тагин аччиқ сингроқлар келди. Ва босилмади - узун тун бўйи...

Тонгда юзини юваётуб, ойнага кўзи тушди. Ва бақрайиб қолди. Ойнадан унга қалин соchlари оппоқ оқарган, кўзларининг ости осилиб қолган нотаниш кимса тикилиб турарди.

Шу куни у Бухорога жўнаб кетди. Бокиранинг уйига кириб, фотиҳа ўқиб чиқди. Оппоқ сочли бу нотаниш фотиҳагўйни ҳеч ким танимади ва кимлигини сўрамади. У қабристонга ўтиб, Бокиранинг қабри қошида тиз чўкканча Қуръон тиловат қилди. Сўнгги қип-қизил гулдастасини оҳиста унинг бошига қўйиб аччиқ-аччиқ кўзёшлар тўқди.

Хилола ўзини ўнглай олмай қолди. У ўта маъюс ва хаёлчан эди. Сўнгги кунлар тушларида фақат Бокирани кўрарди. Ораларига узил-кесил нифоқ солган сўнгти тортишувлари миясига муҳрланиб қолганми тушларида нуқул Бокира билан жанжаллашиб турган бўларди. Бокира юзини унинг юзларига жуда яқин олиб келиб айборона, ёлворуви бир алфозда термулганича: “Ахир, нима қиласай, мен ундан кеча, олмайман, жонингдан кеч дессанг, кечай, айт кечайми?” деб турар, Хилола босинқираб “Менга сенинг жонинг керак эмас!” дея қичқириб уйғониб кетарди. Шундан кейин у илгари бир-икки фижиллашиб қолган ҳамхоналари олдида баттар мулзам тортиб, ўз хонасига - Бокира иккови яшаган хонага беркиниб олди. Аммо бу хонада ҳамма нарса Бокирани эсга соларди. Кўнглини баттар мунг ва қўрқув қоплади. Ўбуткул ёлғизланиб қолганди. Эсини таний бошлаган гўдаклик кезларидан то шу кунларигача яхши-ёмон лаҳзаларида ҳамиша ёнида бўлган, бошқа бирор ўрнини тўлдира олмайдиган, тўлдиришни ихтиёр ҳам қилмайдиган бир кас ўрни совуқ бўшлиққа эврилганидагина у бу бўшлиқнинг нақадар мудҳиш эканини хис қилди. Ўрнини бўшлиққа бўшатиб берган кимсанинг қадр-қиммати, салмоғи кун сайин яққолроқ билина бошлади. Бокира бу ёргу оламда унинг ягона суюнчи экан. У болаликдан Хилоланинг феълига мослашиб қолганидан унинг эркаликларини кўтарар, таъналарини кўпда ўзига олмас, инжиқликларидан инжимас, умуман, эҳтимол ўзи ҳам сезмагани ҳолда, у тор кўнгилли Хилола учун уни атрофдагиларга мувофиқлаштириб турувчи жонли ришта экан. Хилола Бокира ўзини абадиян тарк этганидан сўнг, унинг ўзи учун ҳамиша асқотиб келган янги-янги хосиятларини кашф қила бошлади. У Бокирани кўролмаслик оқибатида бир умр жодугар деб келди, имкон туғилди дегунча уни гийбат қилди. Дилини ранжитди. Мана, энди Бокирага ҳеч ниманинг қизиги йўқ, гийбат қилсанг-да-қилмасанг-да барибир. Тунлар ҳаловат келтирмас, хоналарига қайтиб ўтганидан сўнг, Бокиранинг тунги йўқловлари янада кўпайган, Хилоланинг ихтиёрига қарши у тушларига бетакаллуф кириб келар, уни қийноққа солар эди. Босинқираб уйғонганидан сўнг, азобли уйқудан безиб, бедор ётар экан, ҳарир мудроқ пардасига чулғона бошлаган руҳи сесканиб, талвасага тушганича сапчиб кетарди, чунки хонанинг аллақайси бурчидан Бокиранинг дилни эзувчи йиғиси эшитилиб турарди. Баъзан ўй босиб бедор ўтирганида ҳам хонада Бокиранинг оҳиста пиқиллаб йиглаётганини эшитиб қаттиқ

чүчиб тушарди. Ёлгизликтан одамларга қочиш ўрнига тобора хил-ватнишин бўлиб борар, чунки сўнгги пайтларда Бокира билан можароларининг сабаблари очилиб, висир-висирчиларнинг куни туғиб қолган, назарида, ҳамма унга қўлини бигиз қила бошлаган эди.

Аслида чинакам азоблари Самандар билан ногаҳон кўришиб қолиб, гангиган кўйи ундан қочган ўша кундан бошланди. Пастдаги ўриндиқда каловланиб, деразаларига мўлтираб ўтирган Самандарни у пана жойдан кузатди. Бу йигитнинг юз-кўзида нә меҳригиёси бор эдикি... унинг кўнгли тубидаги кўр қўзғолиб дардлари янгиланди. Бокиранинг ўлимидан воқиф бўлган Самандарнинг қай аҳволга тушганини кўриб, унинг дили вайрон бўлди. Кўксіда чимиллаган оғриқ уйғониб кучайгандан кучайиб бораверди ва охири жону жаҳонини ўртай бошлади. Гуноҳкорлик туйгусидан тўраган виждан азоби уни туну кун таъқиб қиласади. Уйқусиз тунларидан бирида у китобларни титкилай туриб Бокиранинг мўъжаз китобчасини топиб олди. Китобча қўйнидан бир варақ оппоқ қоғоз яраланган қуш мисол беҳол учеб полга тушди. Ҳилола аллақандай битик туширилган оқ қоғозни кўлига олди. Қоғозда иккитағина сўз бор эди. Бокиранинг хуснинати или катта-катта қилиб: “Ёмғир - бокий!” дея ёзиб қўйилган эди. Ҳилола уларнинг ёмғирли дунёларига сира тушунмаган ва ҳамиша ёмғирни ёзгириб келган эди. У энди уларнинг ёмғирли дунёларига аввалгидаи нафрат билан қарамаса-да, ҳануз уни ҳис қила олмай ижирганиб, қоғозни фижимлай бошлаганида аллақаердан юракни ўртовчи ингроққа ўхшаш бир сас келди. У чўчиб тушди. Шоша-пиша қоғозни текислади, қалтираётган кўллари билан бу оқлик парчасини китобча ичига солиб қўйди. Ҳаёли паришон китобчани варақлай бошлади. Бу шеърий тўплам бўлиб, баъзи шеърларга Бокира томонидан белгилар қўйилганди. Ҳилола пицирлаб ўша шеърлардан бирини ўқий бошлади:

Мени кут,
Туманлар кўйлагин кийиб,
Сокин кечаларда адашгандা ой,
Менинг шароб тўла кўзларим ичиб,
Тупроқ секингина инграгандавой
Мени кут.
Бир бағир кезар бағримда,
Умр мени ташлаб кетгандадайдиб,
Жоним ҳирожидан тўймасдан ажал,

Тунлар эшик қоқиб келганда қайтиб,
Мени кут.

Музлаган лабим тамшаниб,
Излаганда унут бўсалар қабрин,
Титрасам лаънати вужуд қошида
Дунё қизғонганда бир ҳовуч сабрин
Мени кут.

Жонимда бир гўзал из бор,
Олис умидларнинг ёргуф сояси
Қора лайлакларнинг қанотларидан
Ёмғирдай қўйилса тун ҳикояси
Мени кут...¹

Ҳилола китобчани вараклашда давом этиб, кейинги белгили сатрларга кўзи тушди:

...Кўй, йиглама, дилим, бу тун.

Тонглар отар турна сасли.

Бир кун бизни олиб кетар

Қайларгадир ишқнинг фасли...²

Шеърни охиригача ўқиди. Китобчанинг ботинидан боз бояги ёдгорлик - қоғоз чиқиб кеди. Битик событлик билан ҳануз ўша ҳақиқатни таъкидлаб туради: “Ёмғир - боқий!”.

Кўз олдида ўзи чиқишни истамаган ўша ёмғирли кунда кўчадан усти боши ҳўл бўлиб қайтган шодон-шодумон Бокира пайдо бўлди. У тагин китоб вараклаб ўтирган Ҳилоланинг қошига қелиб, кулогига энгашди ва энтиkkанича шивирлади: “Мен уни топиб олдим! Уни менга ёмғир топиб берди... Бизни кутқарган ўша йигитни, кутқаргану қочган қочқоқни топиб олдим!”

Юрак-багри ўртанганд Ҳилола эътиroz қилди: “Ўшанда у асли мени қутқаргани етиб келганди. Менинг бутун кулфатим шундаки,- мен ёмғирга чиқолмадим, чиққани кечикдим...” Туйкус яна каравотда чаккасидан қон оқиб бехуш ётган Самандар пайдо бўлди. “Хизр бова! - кўнглидан ўтди Ҳилоланинг. - Ҳаёт булоғидан сув ичадиган афсонавий пайғамбар!” Шу он ўртадан Бокира қалқиб чиқиб келди. Ҳилола асабийлашиб тагин у билан уришиб қолди ва унга қичқира бошлади: “Биламан, энди сени ундан ажратиб бўлмайди! Энди сен унга канадай ёпишиб олгансан! Сен уни жодулаб олгансан, жодугар!”. “Ҳа, алам қиляптими?” - деди Бокира кибрлангандай. “Ҳа! Алам қиляпти, алам қиляпти!” - у жахл билан алланимани отиб юборди. Учиб бориб эшик остига шапиллаб тушган нарса бояги мўъжаз китобча эди. Китобча бағридан отилиб чиқкан қоғоз ўжарлик билан ҳануз ўз ҳақиқатини ёқлаб ётарди: “Ёмғир

^{1,2} Шеърлар Ҳалима Аҳмедованини.

- бокий!. Ёмгир... ёмғир... Осмондан яна ёмғир иси кела бошлади. Ҳаво намхүш тортыб, баданлари жунжикди. Ҳадемай шатур-шутур ёмғир томчилай бошлайди. У ивиб кетишдан чүчиidi. Бокира бўлса чўчимасди. У кўкка кўз тикиб, ёмғир томчиларига кафтларини ёзганича энтикиб турарди. У болалар ва муррабиялари кетидан ший-понга қочишга ундан, ўзини чорлаётган Ҳилолани энди кўраётгандай сергак тортиб, қувончга тўла чарос кўзларини унга тикар ва ялинарди: Бокира - Шошилмайлик, ўртоқжон, бир озгина айланайлик, Ахир бу тансиқ ёмғир - ёз ёмғири-ку.

Ҳилола: - Иби, жиннимисан ўзинг, бундай ёмғирда ким айланади? Юр тез, бўлмаса ивиб кетамиз.

Бокира: - Мен ёмғирни яхши кўраман. Ёмғирда кезиб юраверсам, юраверсам дейман. Ёмғирда ажиб сехр бор-а?

Ҳилола: - Нимаси ажиб бунинг. Ман ёмғирни ёмон кўраман. Ёмғир ёғса, хонамга беркиниб оламан.

Бокира: - Ёмғир ёғса ғалати бўлиб кетаман, ўртоқжон. У менга алланималарни ваъда қилаётгандай гўё. Ёмғирда ивиб юраверсам, юраверсам дейман.

Ҳилола: - Бўлмаса ўзинг ивиб юравер. Ман бўлсам касал бўлишни истамайман.

У ёмғирдан қочиб кетди. Бокира ўзининг ёмғирли оламида қолди. Ҳилола тезда пушаймон бўлиб қайтиб бормоққа ҷоғланди, бироқ энди у йўлни топа олмай қолди.

Хушини йиғиб олганида эшик олдида ҳиқиллаб йиғлаб ўтиради. У кўзёшлари тийилмай ҳануз ҳиқиллаб қозони китобча қатига солди. Ҳаёллари тағин ёмғирли дунёларга оға-оға китобчани кўйгали шкафга бўй чўзар экан, боя ўзи тартибсиз сочиб юборган китоблар ва қоғозларга кўзи тушди. Бирдан яна юраги ҳаприқиб кетди. Хонани тезроқ тартибга келтириш керак. Ҳадемай у этиб келиб қолади. ҳадемай... тезроқ... ҳадемай... ҳали ошга ҳам масаллик тайёрлаб қўйиш керак. Ҳалоскорларига бухороча ош қилиб беришади, бухороча ош... Эшик тақиллаяптими? Ана... У келди чоги. Шоша бориб эшикни очди.

Ҳувиллаган коридорда бирон жон йўқ...бўм-бўш... Юраги шиф этиб кетди. Эшикни ёпиб, хонага ҳоргин ва ғамнок кўз югуртирди. Эшикка суюнганича бемажол туриб қолди. “Ё, худо, бунақада жинни бўлиб қоламан-ку.” - бошини чангллаганича эшикка суюнган кўйи аста сирғаниб беҳол ўтириб қолди. Атрофига изтироб ва қўркув билан кўз ташлади. . . Тонгла яқин кўшни қизлар эшиги охиста чертилди. Үйқусираб эшикни очган курсдошига кўзлари бежо аланг-лаб ялинди:

- Жуда қүркіб кетяпман. Эрталабгача сизларни кида ёта турай. Алламбалолар . . . алламбалолар күзимга күринади.

Чаркоқдан дарров күзларига уйқу илашди, аммо босинқираб тагин қизларни чүчитди. Тушида Бокира: "Илоё, уволим тутсын сени" дея қарғаб турарди. Қаттиқ ҳижолат чекди. Ижарага хона олиб чиқиб кетмаса бўлмаслигини англади.

Саҳардан маҳаллаларга чиқиб, ижарага хона излади. Бироқ кўнглидагидай бўш жой топилмади. Бесамар овора бўлиб, дарсга ҳам кеч қолди.

Кейинги дарс думалоқ аудиторияда рус гуруҳи билан қўшиб ўтилди. У аланглаб рус гуруҳи талабалари орасидан Шаҳзодни топа олмади. Анчадан буён у дарсга келмаётган эди. Аслида ҳамма кулфатларининг энг катта айбдори ўша! Аблаҳ, номард... Юргандир яна ялло қилиб, ҳеч нарса бўлмагандай. Аламдан кўзларига ёш қалқди. Ёнидагиларга сезидирмай сидириб ташлади. Шумқадам, бузуки! Ҳаммаси ўшанинг касофати. Ҳилолани авраб, Бокирани алдаб охири ниятига етди Бокира ёш жонига қасд қилиб ўлиб кетди. Ҳилоланинг бўлса жони азобларга қолди. У буткул ёлғизланиб қолди. Тошкентдаги синфдош дугоналари ҳам Бокира иккови-нинг можаросидан воқиф бўлиб уни баттар хушламай қўйдилар. Азоблар... эсласа юраги орқага тортади. . Қочгали тузукроқ ижа-рахона ҳам топа олмади. Бутун дунёдан яккаланиб қолди.

* * *

Неча кунки у хонасига биқиниб олганича тинмай ичади. Ранглари олинган, кўзлари ғуссали. Кўнгли нотинч...

Ўша куни у қаттиқ қўркіб кетди. Йўқ, бўлиб ўтган ишдан ёки унинг оқибатидан қўрқани йўқ. Биринчиси эмас-ку, ахир. Кекса милиция сержантининг қизи билан болалик ишқибозликлари ишқ-бозликка айланиб кетиб, уни бузиб қўйганида ҳам иш хамирдан қил суургандек осон ва силлиқина битганди. Санъат институтида янада мураккаброқ вазиятга тушиб қолмаганмиди? Қиз билан муносабатлари чуқурлашиб кетиб, бечора маъшуқа ҳомиладор бўлиб қолди. Ғижи-ғижи бошланиб, унинг кети жанжалга уланди... Кейин не бўлди? Тағин дадаси аралашди. Сувдан думигача қуруқлаб чиқариб олди. Ачинарлиси, севимли ўқишини ташлаб кетишига тўғри келди. Қилғилиги дадасига бир томондан қўл келди, уни сиёсатдонлик бўлимига ўтказиб қўйди. "Сенинг пешо-нангга ўзи вайсақилик битилган", деб уқтиromoқчи бўлди. Аммо у куйлаши керак. Кўксидаги гимирлаган дарддан минбарларда маъ-руза қилиш билан бўшаниб бўлмайди. У куйиб-куйиб куйлаши

керак... Унинг янги қилмиши ҳали пинҳон. Агар эрта-индин ошкора бўлса ҳам, ладарига лъянат, у хеч нарсадан чўчимайди. Нари борса сиёсатдонлик бўлимидан ҳам думи туgilар. Бу унинг кўнглидагидай иш бўлмасмиди? Ўзи шундоқ ҳам сиртқида ўқиётган талабадек ойда-йилда бир марта дарсга бориб юрипти. Бир нарса аниқ, дадаси унинг қамалиб кетишига йўл қўймайди. Дадаси уни уролмайди ҳам. Қани, уриб кўрсин-чи. У энди кечаги мишики бола эмас. У ўзининг орзу-истакларини менсимай топтаб, унинг тақдирини ўз билгича қурмоқчи бўлган полковнидан ана шундай йўллар билан ўч олади. Ўша куни у кўнгил майлини қондириш билан бирга мағрур қиздан ҳам ўч олиш лаззатини туймоқчи эди. Ҳа, уни менсимаган, совуқдан-совуқ раддияси билан дилини ағор этган, аммо тақдир инояти ила хузурига бош уриб келган ўша хурилиқдан ҳам ўч олмоқчи эди. Бироқ... Лъянати... Унинг кўнгил нотинчлиги ҳам шундан. Йўқ, ишнинг оқибати ҳали ҳам уни чўчитаётгани йўқ. Аввалги ишқий кирдикорлари фош бўлганида у озмунча руҳий изтиробларни бошидан кечирмаганди. Ҳар қандай ноқулай ва қийин вазиятга ҳам бир икки дафъа тушиб кўрсанг, этинг ўлиб бораверади чоғи, у бу гал анча совуқкон ва вазмин эди. Ҳар не бўлганда ҳам ишнинг аянчли якун топмаслигига ишонади, лекин... изтироблари бошқа нарсадан...

Ўша куни унинг ботинида нимадир қалқди. Рухида қандайдир чайқалиш юз берди. Аввалги маъшқалари деярли ихтиёрий у билан бирга бўлган эдилар... Ўша куни қиз уни урганида... ичидан нимадир қўпди: Қандайдир тизгинисиз ғазаб борлигини қоплаб оташдай қизитди, идроки буғлангандай бошидан учди, бармоқларининг уч-учларигача титрай бошлагани хиёл эсида... У ўзининг шундай вахшийликкка қодир эканини билмасди... Кўйида анча овора бўлган гўзал қизнинг охир васлига етгандай эди, аммо, не ажабки, бундан на қоникиш, на лаззат тўйди. Борлигини талотўпига олган хислар довули пасайиб, шуури тиниқе бошлагач у қизга кўз тикиди. Чалқанчасига узала тушиб жонсиздай беҳуш ётган қизни кўриб қаттиқ кўрқиб кетди. Ичидан аччиқ ўкирик отилиб келди. Ё раббим, бу не жазо, бу не кўргилик?! Ўшандан бошлаб деярли ҳар куни тушларида онасини кўради. Онаси қонига беланганича узала тушиб ўлиб ётган бўлади. Гоҳо онасини турғизмоқчи бўлиб, йиглаб қўлларидан тортқилайди, аммо болалик қилиб кучи етмайди. Ёармоқларига чилпиллаб қон ёпишганини сезиб сесканади. Уйғонгач ҳам шошиб қўлларига қарайди... Неча кунки руҳи фалаж. Кейинги кунлар уйига ҳам боргиси келмай, ижарага олгани шу хонадонда биқиниб олиб, тинмай ароқ ичади, гиёҳ чекади.

Инсон зотининг турқини кўргиси келмайди, инсон зотига тоқати йўқ.

Даъфатан эшик қўнғироги қаттиқ ва чўзиқ чалинганида у чўчиб тушди. Сигарета чўғининг устига наша япрогини қўйиб, ундан кўтарилган ингичка кўкиш тутун узра қизил ўнталикни карнай қилиб тутиб, ичига ютоқиб тортаётган жойида шошиб ўрнидан туриб кетди. Ҳаллослаб видеомагнитафон тұгмасини босди, кассеталарни яширди. Стол устида турған қорни юмалоқ шишадаги ярим ичилган коняқ, қадаҳ, газакларни ҳам кўздан йўқотди. Келгувчи унинг очишига тоқат қилмай эшикни гупиллатиб ура бошлаганди. У йўл-йўлакай энгил-бошини ҳам тартибга келтирган бўлиб, негадир илгичдаги плашини этнига илиб, ҳадик илиа эшикни очди. Эшик ортида Ҳилолани кўриб ажабланди. Саломлашишни ҳам унтиб, эшик тутқицидан тутганича зинапоя томонга аланглади.

- К-келинг, - деди у Ҳилолага бошдан-оёқ назар ташлаб.

Лабларига кулги ёйишга улгурмади.

- Қоти-ил! - деди Ҳилола аъзойи бадани титраб, кўзлари ўтдай ёниб. - Қо-оти-ил! Уни сен ўлдирдинг қотил, сен бошига етдинг!

- А?!! - Шаҳзод кўзлари олайиб, худ-бехуд эшикка суюниб қолди. Ҳуши бошидан учди. Назарида қўл-оёқлари ҳавода муаллақ силкиниб тубсиз чохга қулақ бораётгандай ичиди чексиз даҳшат түйди.

- Уни сен ўлдирдинг, сен единг қотил, бузуқи, шумқадам, наҳс!!! - Ҳилола ғазабдан ўзини йўқотиб Шаҳзоднинг ёқасидан силтаганича, унинг юз-кўзи аралаш аямай ура бошлади. - Сен ўлдирдинг, сен, сен! Жазосини мен тортаяман, мен, мен!

Шаҳзод икки букилиб, бу билан Ҳилолага янада қулайлик тудираётганини сезмай, юзи ва бошини қўллари билан тўсиб химояланаркан деворга қапишиб талвасада нуқул: “Мен ўлдирганим йўқ, мен ўлдирганим йўқ” деб турарди.

- Сен единг... одамхўр... сен бошига етдинг... бузуқи.

Ҳилола ҳансираф, ҳолсизланиб бораётган бўлса-да эсидан айрилгандай ёввойи шижоат билан уни дўппосларди. Қиз бутунлай тинкаси куриб, деворга суюнганича кўзларини яшириб йиглай бошлаганида Шаҳзод бирдан қаддини ростлаб, қўлларини мушт қилганича юқорига чўзиб:

- А-а-а! - дея аянчли, гайритабиий овозда хайқириб юборди.- Мен ўлдирганим йўқ, мен қотил эмасман, мен одамхўр эмасман!

Кўзлари ола-кула бўлганича телбавор чопиб зинапоядан паства тушиб кетди. Ҳилола йигидан тўхтаб, анқайганича унинг ортидан ташқари чиқди. Шаҳзод соchlари силкиллаб, олисларда ҳеч нарсага қарамай чопиб борарди.

Үша кепатада титраб-қақшаб уйига етиб келди. Ҳовли этагидаги дарвозадан ичкари кирди.

Үша кунлари полковник Азларбековнинг юлдузи чараклаган кунлар эди. Хизмат фаолиятининг бошиданоқ ўзи эришмоқни орзу қилган, орзиқиб кутган ўша йирик, жозибали юлдуз нихоят елкаларига келиб қўнгган, икки-уч кундирки ишдан кейин уйига қутлуғлаб келаётган ёр биродарлари, ҳамкасларини кузатиш билан овора эди. Шу куни ҳам уйи юлдузли дамларига ҳамдам бўлиш учун ташриф буюрган меҳмонлар или тўла, бир гурух касбдошлари билан кенг меҳмонхонадаги тўкин дастурхон теграсида “юлдуз ювди” қилишаётган эди. Генерал Азларбеков ўз шаънига ёгилаётган мақтоворлар қулогига мойдай ёқиб турса-да, камтарона қиёфада уларни зшишиб ўтирап экан, деразадан ранги қути алланечук бир тусга кириб узун плашига ўралганича, букчайиб, ёв қувгандек ҳовли-қибиш ҳовли этагидан келаётган Шаҳзодни кўриб қолди. Шаҳзод атрофга аланг-жалаң назар ташлаб, шошилганича ўзининг хонасига кириб кетганини ҳам кўрди. Генерал меҳмонлардан узр сўраб ўрнидан турди.

У ўз хонасига кирганида Шаҳзод шошиб-пишиб ҳаммаёқни тит-килар, тортмаларни тарақлатиб ағдар-тўнтар қилар, зўр бериб ниманидир қидирар эди. У хонага дадаси кириб келганини сезмади ҳам.

- Сен нималар қиляпсан, аблах?! - деди генерал ўғлининг хатти харакатидан ғазабланиб. - Сенга ким рухсат берди менинг хонамда тинтув ўтказишга-а?! Қаерларда сангиф юрибсан, дайди?!

- А! - Шаҳзод кўрқанидан сапчиб тушди. Бош силтаб, кўзларини яrim тўсиб турган соchlарини асабий тўғрилади. Отасига тик қаради.

- Пистолет беринг! - деди у қўлини чўзиб. - Менга пистолет беринг! Мен ўзимни ўлдираман!

- Нималар деяпсан, аблах?! - Генералнинг қаҳри келди.

Айни дам у ҳаётида илк бор ўғлининг кўзларида ошкора саркашлик кўриб, юраги шув этди.

- Сен нималар деяпсан? Қалланг жойидами, ароқхўр?! Қанақа пистолет?! - дерди у ўзини босишга харакат қилиб.

- Ахир, онамни мен ўлдирганим йўқ-ку! - Шаҳзод баттар талвасаланиб йиглаб юборди. - Уни сиз бўлиб ташладингиз-ку! Сиз, сиз!

- Жи-им!!! - Генерал Азларбеков кўзлари косасидан чиқиб кетгудай чақчайиб атрофга аланглади. - Сен нималар деяпсан, илонвачча?! Нега ўлган илоннинг бошини қўзгаб қолдинг?! Мен сенга бунтоват қилишни ўргатиб қўяман!

- Яқынлашманг менга! - Шаҳзод тисарилиб бурчакка тиқилди, аммо күзларидағи сарқашлик ўти үчмади. - Яқынлаша күрманг! Нега менинг онамни илон дейсиз?! Менинг онам илон бўлдими? Шаҳзоднинг саросимадан кўз қорачиқлари кенгайиб кетгандай бўлди. Бирдан олдигинасига қаттиқ тикилиб ўкириб юборди.

- А-а! Онажо-он! - чўкка тушиб, қўллари билан юзини чангала-ганича йиглай бошлади. - Бечора онажоним, шўрлик онажонгинам, мени ташлаб кетма-анг.

- Жим, паразит! Унингни ўчир, деяпман, шарманда! - Генерал Азларбеков чопиб келиб Шаҳзоднинг оғзини беркитди. - Мени харом ўлдирмоқчимисан, итдан тарқаган?!

Шаҳзод дадасининг чангалидан чиқиб, кафтларини ёзганича кўзла-рига яқин келтириб тикилди-ю тағин ўкраб юборди.

- Ўчир, деяпман, ўчир! Уй тўла меҳмон, кеточар! - Генерал бўги-либ, гижиниб тишларининг орасидан таҳдидли шивирлади.

Шаҳзод пасайиш ўрнига авжига чиқиб, ўткир овози билан “Она-жо-он, мени ҳам олиб кетинг, онажони-им” дея қичқириб йиглай бошлади.

Шунда дупур-дупур қилиб хонага милиция кийимидағи бир неча меҳмон отилиб кирди. Генерал Азларбеков ўғлининг ёқасидан қўйиб юборди ва талмовсираб меҳмонларга юзланди:

- Маъзур тутасизлар, ҳамкаслар, ароқ ичавериб менинг ўғлимни мияси суюлиб қопти. Кўзига ҳар балолар кўриняпти. Алкаголий психоз!

Хонага оқиб кириб уни тўлдираётган милиция кийимидағи дадасининг сафдошларини кўриб, Шаҳзод бирдан бўшаши. Чўккала-ган қўйи ўртада меровланиб, уларнинг юзига бир-бир тикилди.

- А-а, келдиларингми? - тўзғиган сочлари аро уларга аланглар-кан, юз-кўзидағи паришонлик умидсизликка айланди. - Профессор Гиртмак қани? Биламан, биламан, ҳозир у ҳам етиб келади. Кейин...кейин мени олиб кетасизлар.

У “эсингни йиг, бола” - дея тутркилаётган отасига парво қилмай, ҳамон, ҳамон бостириб кираётганларга аланглар экан, бирдан талвасаланиб жўшиб кетди:

- Лекин онамни мен ўлдирганим йўқ, мен ўлдирганим йўқ! Ахир, мен олти яшар боламан-ку, олти яшар бо-ла!!! Қандай қилиб онамни отиб ташлашим мумкин? Олти яшар бо-ла! Ахир, ўзларинг ҳам тушунасизлар-ку! Нега ўзингизни гўлликка соласиз?!

Шаҳзод хона бурчагида тиз чўккан кўйи саждага бош кўйгандай чўзилиб, муштлари ва боши билан полни уриб йиглай бошлади. Генерал Азларбеков уни қорувли гавдаси билан тўсиб турғизишга ҳаракат қиласар экан, меҳмонларга юзини ярим бурган ҳолда зўра-

ки ва асабий кулиб: "Маъзур тутасизлар, мияси палағда. Галлюцинация!" - дерди нуқул. Шаҳзод бирдан унинг қўлини силтаб нари сурди-да, узун гавдаси билан гилам узра чувалганича ўзини четга олиб қочар экан:

- Онамни дадам отди! Отиб ташлади! Отиб ташлади! Кейин пистолетни менинг қўлимга тутқазиб қўйди, -деди панжасини тўппончага ўхшатиб бигиз қилиб дадасини кўрсатаркан.

- Ўчир, дедим, хайвон, ўчир!!!

Азларбеков унга ташланди. Ёқасидан сиқимлаб даст кўтарди-ю оғзига тарсаки тортиб юборди. Шаҳзод чалқанчасига ағдарилди. Хонадаги милиция ходимлари ҳай-ҳайллашиб, кутириб кетган генералга ёпишишди. Сочлари тўзғиб, икки чаккасидан кўкиш кўзларини ярим беркитган Шаҳзод уларнинг куршовида ҳаммасидан бир калла новча бўлиб турар экан, кафтини оғзига қопқоқ қилиб ола-зарак аланглар, товушини пасайтириб шивирлар эди:

- Тушунаман - тушунаман. Индамаслигим керак. ҳозир бизни мелисаҳонага олиб кетишади. Мендан нимани сўрашса тасдиқлайман. Тушунаман...

Эрта тарқалган меҳмонларни кузатиб келган таъби намозшом Азларбеков икки кўмакчи ёрдамида Шаҳзодни ура-ура ертўлага судраб тушди. Ертўлада уни узоқ, аёвсиз тепкиладилар ва устидан қулф осиб, хансирай-хансирай чиқиб кетдилар.

"Эзгуликка умид" дан

Ногаҳон уни учратдиму сокин кечоётган хаёлларим, ҳис-туйгуларим алгов-далгов бўлиб кетди, гўё кутқуга учради, шаршараға дўнди, тошдан-тошга тўш ёриб тошди, минглаб қатраларга бўлинди, ҳар қатрасида ҳаёт мавж урди, камалаклар жилва қилиб порлади, боз жўшиб беҳисоб сочқиларга сочилди да ёмгиридай қуилди... Худди-худди ёмгиридай. Муродбатш ёмгиридай!

* * *

Бокира уни ташлаб кетганича қайтмади. Дунё бўм-бўш... У ёлғизликдан азоб чекар, кунларни зерикиб, зўрикиб ўтказарди. Кундузлари то шомга қадар ухлар, шўмда ташқари чиқиб майдон-чоррака четидаги темир панжарага суюнганича ботаётган қуёшга, машиналарга, ўткинчиларга маънисиз тикилиб ўтирас, одамлар тириклилик қўйида тинимсиз ғимирлаб ўтказган куннинг бир парчасинигина кўриб, дарров қоронғу тушиб қолганидан кўнгли ўкинган-

дай бўлиб, истар-истамас ҳужрасига қайтарди. Эски каравотида туннинг мунгли эртагига қулоқ тутганича, уни чўчитиб юборишдан кўркқандек қимирламай узоқ вақт бедор ётар, сўнг чор-ночор ўрнидан туриб, йигилиб қолган буюртмаларга кўз ташлар, хафсаласизлик билан баъзиларига кўл урган бўларди. Эринчоқлик рухини кемириб, тезда тагин каравотига қулатарди. Кундузи хонасига ўқитувчилар, мухандислик институти талабалари, эски мижозларидан яна аллакимлар - серташвиш, жонсарак одамлар келишар, уни турткилаб буюртмаларини сўрашар, иши битганлари стол устига атаганларини қўйиб, битмаганлари норози гўлдираб қайтиб кетишарди. У босиқлик билан уларни эшитган бўлар, гапларини унча англанмаса-да унсиз бош иргаб маъкуллар, қоралари ўчар-ўчмас тагин жойига чўзиларди. У ҳаловат истарди. Баъзан чидаб бўлмас согинчдан кўнгли ўртаниб кетар, ой рухсорлисининг сиймоси, товуши, кулгулари кўз олдида жонланиб, қулоқлари остида жаранглар, унинг ўлганига, мангу йўқликка кетганига ишонгиси келмас, кўксининг аллақаери қуюшиб, қайтишига умид қиласарди. Кўзларини тўлдириб тагин бир бор унинг дийдорига тўя олса, сўнг ўзи ҳам иккиланмай дунёдан кетишга рози эди. Ўйлари сароб экани, гул чехралиси аллақачон уни ташлаб, фариштага айланиб кетганилиги - аччиқ воқелик неchanчи бор зор қақшатиб онгига санчилар, дили хун-хун бўзлар, ўзидан кечкилари келиб, аччиқни аччиқ билан кесгилари келиб ичкиликка чопищдан ўзини зўрга тийиб қоларди.

Бот-бот талабалар шаҳарчасига йўл олар, Ёғирли бекатда гусага ботиб узоқ-узоқ ўлланиб қоларди. Азиз хотираларининг асорати қолган кўчалардан ётоқхона томон аста-аста одимлар экан, юрагининг бир парчасига ошён бўлган бу масканга дардлари янгиланиб етиб келарди. Ётоқхона олдидаги ўриндиқда соатлаб суюкли деразага термулиб ўтирад, аммо мўъжиза юз бермас, деразадан балқувчи моҳни зимистон ўз қаърига ютиб юборгани чин эди. Оғир-оғир қадамлар билан зиналардан юқори кўтарилаар, коридор бўйлаб, қанча лазиз дийдорлашувлар гувохи бўлган қадрдан зишкка юрак ютиб яқинлашар, эшик олдига етгач бир муддат тин олар, қалби ҳаприқиб эшикни тортиб кўрарди. Аммо энди эшик мудом берк эди. У нарироқдаги коридор деразасининг тоқчасига суяянганича узоқ-узоқ ўй суреб турарди. Худди эшик ортидан унинг овози эшлилиб, сўнг ўзи чопқиллаб чиқиб қоладигандай... Аммо у чиқмасди. Айрилиқни бор бўй басти билан хис қилган қалби ҳасратдан инграпиб, тезроқ ғурбатхонасига етиб олишга ошиқар, озорли дунёдан бикинганича тўйиб-тўйиб ичмоқча зўр эҳтиёж сезарди. Зиналардан ошиқиб тушиб, йўлакдан ҳеч нарсага

қарамай шитоб билан одимлар, аммо, барибир, гусса баҳридаги илинж бандаргоҳи - Ёмғирли бекатда бир фурсат құнмай ўта олмас зди. Хонасига келгач ичмаслик қасдида ич-этини еб ўзи билан ўзи курашарди.

**"Эзгуликка умид"дан
Улуғ Бобом китобидан**

...Она Түркістанға бокиб маним үйглагам келоди. Қаны биздеги үлүглигү чүңглик?.. Биз катта күрінсак-да, аслида кичик халқмыз. Чунки ғап сонда эрмас. Ахир Үрусия бизни истило этганида оз санли эрдикми? Кейинги истибдоғлар даврида-чи, ҳозир-чи? Биз киңрайыб кетдик Ва киңрайыб бормоқдамыз. Киңклигимиз сабаби биз тарқоқмыз, парокондамыз... Биз ҳар бири миз бир-бири мизга жуда болғықмыз, бир-бири мизга сира қасд қылмаслыгимиз керак, йүқса барчамиз паст бўлаверамиз. Бир-бири мизга хиёнатни Ва риёкорлиқни авж олдираверсак Оллоҳ бизларга ғами кабирни ўйлайди Ва биз шул ғами кабирни ўртада бўлишиб, тақсимлаб олиб, ундан саҳм-саҳмлаб¹ барчамиз баробар тотинамиз. Биз қачон үйгинсак, бир гоя остида бирлашиб, бири миз бири мизга оға, бири миз-бири мизга ини деб қарасак, хотин-қизларимизнинг бўлса ҳар бирларига она миз, опамиз, синглимиздек эҳтиромда бўлсак, бири миз-бири мизга тажовуз қилмасак - ўшанда катта ҳалқ бўлурмиз, ўшанда үлуг ҳалқ бўлурмиз. Бизнинг ўйларимиз, тақдирларимиз туташиб, чатишиб кетган, бири миз-бири мизга Ва бири мизга багоят болғықмизки, таассуф, буни англолмай ётипмиз. Мен миллат иллатлари ҳусусинда кўп ўйладим, ушбулар миллат тааммұлида² бўлғон бир қас ҳулосалари: бизнинг энг катта иллатимиз кин, ҳасаддур.

Байт:

Бизни хор этар күч кин Ва ҳасаддур,
Ул бирлек шикани,³ саддур, ҳа, саддур.

* * *

Орадан иккі-уч күн ўтиб у уйидан қочишга муваффақ бўлди.
У яна олти яшар бола бўлиб қолган, ўзи билмаган ҳолда йўқолган болалигини қайта яшаётган зди.

¹ Саҳм - улуси.

² Тааммұл-чукур ўйланы, чулоқаза юритиши.

³ Шикан - синиқлик, бўликлик, сипилирувчи маъносида.

Күчада ураган биринчи тасодифий ўткинчига суюнчилади:

- Мен уйимдан қочиб кетдим. Мен онамнинг уйини қидириб юрипман... Онамни дадам отиб ташлади...пистолетни бўлса менинг қўлимга тутқазиб қўйди. Янги уйимиздан қочдим, энди онамнинг уйини қидириб юрипман. Дадамга айтиб қўйманг.

У машиналар гувиллаб бетиним ўтиб турган катта йўл ёқасида бош қашиб туриб қолди. Чўнтағида озми-кўпми пули бор эди, аммо ҳозирча пиёда айланишга қарор қилди. Ўзи туғилган ва олти ёшига-ча болалиги кечган ўша уйни, онасининг уйини қидириб топмоқчи, унда яшамоқчи эди. Кўчаларда адашди. Онасининг уйини топа олмади. Қидириб-қидириб яна гавжум кўчага чиқиб қолди. Кўзига ва кўнглига хуш келган нарсалардан сотиб олиб еди. Ҳаёлида кўп нарса чалкашиб кетган, аммо жойлар, манзиллар яхши сақланиб қолганди. Қидириб-қидириб бувиси иккови бирмунча вақт бирга яшаган маҳаллага келиб қолди. Таниш кўчага кириши билан девор остидан елкаларини қисиб, кўркиб-ҳадиксираб юра бошлади. Бу кўчада ёмон болалар кўп. Унга сира кун беришмайди. Уларнинг каттаси - “кузири” бор. Ислим Маҳмуд ака. Ёмон бола, мушти қаттиқ. Шахзодни уриб, бурнини қонатиб юборган. Кўчадаги болаларнинг каттаси ўша. Ҳаммани орқасидан эргаштириб юради. Ортидан уни Маҳмуд калла дейишади. Ҳумкалла, кучли, қоп-қора бола. Бутун кўчада факат Шахзодни ёмон кўради, унга кўп озор бериб қақшатади. Унинг чиройли ва озода кийиниши, унга тез-тез янги ўйинчоқлар олиб беришлари, баъзан машинада айлантириб келишлари Маҳмуд каллаге ёқмайди. Унинг ўзи доим пала-партиш юради.

Бир гал Шахзод ўртоқлари билан мактабдан қайтаётганида Маҳмуд калла “шайка”си билан уларнинг йўлини тўсди ва сумкасини титиб, дафтарини шартта йиртиб ташлади. Шахзодга жуда алам қилди. Яп-янги дафтар, ёзуvdan тутган. Сиртига муаллимаси чиройли қилиб исми-шарифини ёзib берган. Энг алам қиладигани, ўша куни хуснihatдан “5” баҳо олган, бувисига кўрсатиб, мақтамоқчи эди. Муаллимаси уни ёқтиради, “Шахзодбек” деб чақиради, дафтарининг юзига ҳам шундай деб ёзив қўйган. Унинг ўзи ҳам муаллимасини жуда яхши кўради. Энди опа койиши аниқ. Эсиз дафтари. Шахзоднинг кўзлари ёшга тўлди.

- Нега йиртасиз? - деди у чийиллаб йиглаб.

- Тилинг чиқиб қоптими, тирранча? - Маҳмуд калла кўзларини олайтириб унга бақамти келди - Даданг мелиса, пули кўп, обераверади. Ўтган гал урганимни бувингга чақимчилаб қўйипсан-ку, чақимчи.

Маҳмуд калла “қарс” этказиб унинг юзига тарсаки тортиб юбор-

ди. Шаҳзоднинг кулоқлари шангиллаб, чап юзи қизиб кетди. Кўзла-
рига кўпроқ ёш қуйилиб келди.

- Қачон قاқимчилик қилипман? Бувимга мен айтганим йўқ, мен
قاқимчи эмасман. Кичкина деб ураверасизми?

Маҳмуд калла унинг бошига ўрта бармоғи билан пўқиллатиб
оғритиб чертди:

- Чийиллайверама, қиз бола.

- Нега ураверасиз? Бешигимни тевратиб қўйипсизми?

- Чийиллама, дедим, мишиқи, - Маҳмуд унинг елкасига мушт
солди. - Сан, чаён, бешигингни тебратган онангни ўлдиргансан.
Билдингми сан кимсан?

У елкасининг оғригини ҳам унутиб “қойил қилдимми?” дегандай
ғоз юриш қилиб кетаётган Маҳмуд каллага, унинг хо-холаётган
шерикларига, энг охирида девор тагида ҳурккан қўзилардай қуни-
шиб, писиб турган синфдош дўстларига аланглаб, кўзлари олайиб
қаради.

Талвасага тушиб қалтираганича: “Мен ўлдирганим йўқ, мен
ўлдирганим йўқ”, дея қичқирди оламни бузиб. Хўнграганича ерда
ётган сумкасини ҳам унутиб уйи томон чопди. Ўша куни у кечга
қадар тинмай йиглади, юз-кўзи шишиб кетди. Бувисининг овутиш-
лари ҳам кор қилмади. Мактабга ҳам бормай қўйди. Охири муал-
лиmasи қайта-қайта келиб, ўзи олиб кетди. Ўртоқлари ундан ўз-
ларини четга олиб қолишган, ўзи ҳам кўчага чиқавермас, юрак
олдириб қўйганди.

У болалик кунлари кечган кўчадан кўнглида гўдаклик ҳадикла-
ри қайта қўзголиб кетиб бораркан, ўша зўравонларга, энг авва-
ло, дилозор Маҳмуд каллага йўлиқиб қолишдан чўчиб турарди.
Қайрилишдаги чойхона олдида ош қилаётган мўйловли йигитни
қўриб суюниб кетди. Агар зўравонлар йўлини тўсишса ана шу
амакига айтиб беради. Тириклик кўйида куймаланаётган шу йи-
гит аслида неча йиллар нарисида маҳалла тинчини бузиб ялан-
гоёқ кўча чангитган ўша шумтакалардан бири эканини билмасди.
Ў қидириб-қидириб бувиси иккови яшаган ҳовлини топа олмади.
Ўша ҳовли ҳам, қўшни ҳовлилар ҳам анча ўзгариб кетгани, эски
уylар қаторига янги иморатлар тушгани боис уйни таний олмай
үтиб кетди. Ўзича чамалаб бир уйнинг дарвозасини тақиллатди.
Унинг сўровига елка қисиб жавоб қайтардилар.

- Маҳмуд каллани кўрсанглар айтиб қўйинглар, - деди у ортига
бурилар экан - Энди йўлимни тўсмасин, айтиб қўйинглар. Онамни
мен ўлдирганим йўқ, уни дадам отиб ташлади... Унга дадамдан
қўрқиб айта олмадим, у бўлса уриб тишимни синдириди, оғайнила-

рим олдида пазор қилди. Ҳеч ким мен билан ўйнамай қўйди. Энди йўлимни тўсмасин, айтиб қўйинглар. Онамни дадам отди... айтиб қўйинглар.

Одамлар оқимиға қўшилиб бозорга келиб қолди. Расталарни айланди. Мева бозорига ўтди. Чўққи қилиб уйиб қўйилган ярми қизил, ярми сап-сарик ярақлаган ноклар ҳавасини келтирди, оғзи сув очди. Ийманиб, иккиланиб қараб турди. Нок сотаётган йигитнинг ўзига тикила туриб саволомуз ияқ силкиганини кўриб дадилланди. Яқинлашиб одоб билан салом берди.

- Ака, нокингиздан татиб кўргани бир дона беринг.

Йигит қовоқ ўюб бош чайқади. Унинг ёнида энгашганича яшиқдаги анорларни артиб, раста устига тераётган қора чопонли басавлат киши “Нима гап?” дея ёш шеригига қаради. Нок эгаси Шаҳзодни кўрсатиб имлади. “Бер, бер” деди чопонли киши уни туртиб, сўнг ўзи чўзилиб ноклардан бирини олди ва Шаҳзодни чақирди.

- Ҳов, ошна, бақа ке, - деди нокни кафтига қўйиб узатар экан.

- Ма, ол. Онарам ейсанми? Ма, онар.

Бояги киши иккита катта-катта анорни ҳам кўшиб узатди. Шаҳзод раҳмат айтиб, унинг қўлидан меваларни қўшқўллаб олди.

- Битта нак билан йиқилиб қолмайсан-ку, - чопонли киши шеригига таъна қилди. - Ўзбекмисан, ахир?

Шаҳзод талмовсираб туриб чопонли “яҳши амаки”га яқинлашиди.

- Мен уйимиздан қочиб кетдим. Энди қайтиб бормайман. Энди онамнинг ўйини излаб топаман.

Чопонли амаки ўзини хайриҳоҳлик билан эшитаётганини кўриб давом этди:

- Онамни дадам отиб ташлади. Пистолетни бўлса мени қўлимга ушлатиб қўйди... лекин мен онамни ўлдирганим йўқ, уни дадам отиб ташлади. Дадам бор-ку-началник Азларбеков, ўша-да. Лекин мен қотил эмасман.

У ортига бурилди. Бир четга ўтиб нокни ва анорлардан биттасини ёриб еди, ғиккинчи анорни чўнтағига солди. Кўчаларни яна узоқ кезди. Йўлида учраган, ўзини сийлаган-сийламаган ҳар кимларга онасининг ўйини қидириб юргани, онасини ўзи эмас, дадаси отиб ташлагани, сўнг тўппончани ўнинг қулига тутқазиб қўйганини эринмай айтиб берарди. Бу гапларни қанча кўп айтса, борлигини узоқ йиллар зилдек эзиб келган лаънати юқдан фориг бўлиб фароғатланётгандай туюларди. Бир неча хонадонга кириб чиқди. Бу хонадонларга қачонлардир келган, уларда яшовчи

қизлар, аёллар билан алоқада бўлган, сўнг куплари билан юзкўрмас бўлиб кетганди. Бу қиз-жувонлар унинг болалик хотирасида йўқ, хонадонлари ёдида қолгани учунгина уларни онамнинг уйи дея тусмол қилиб кирганди. Уни қувиб ҳайдадилар, орқасидан лаънатлар ёғдирдилар, ахволини кўриб қувондилар. У нафратлар сабабини ўзича тушунди - уни эса ҳадигига боғлади. Куйиб-пишшиб ўзини оқлаган бўлди: “Ахир онамни мен ўлдирганим йўқ, уни дадам отиб ташлади. Пистолетни менинг қўлимга тутқазиб қўйди, холос, аммо мен отганим йўқ-ку”

Охири талабалар шаҳарчасига етиб келди. Тўғри таниш ётоқхона на томон йўл олди.

Иккинчи қаватга кўтарилиб Бокиралар хонаси томон бурилди. Хона эшигини чертмоқчи бўлиб яқинлашганида коридор деразаси токчасига суюниб турган амакига кўзи тушиб ҳадиксиради. Ўsic соchlari оппоқ, қарашлари ғамгин амаки унга ёмон тикилиб турарди. У яқинлашишга ботинмай бир неча қадам берида тўхтади. Амакига ёввош тикилиб қўлларини кўксига босганича икки букилди:

-Ас-со-омалайку-ум.

Оппоқ сочли амаки алик олмади. У энди ҳиёл ажабланиб қаршисидаги кўйлагининг кўкрак чўнтағига дўппайтириб анор солиб олган, “жинси” шими чант ва доғ, оёқларига хонада кийиладиган енгил шиппак илган, соchlari иркитлашиб тўзигиган, юzlari kallan зарбидан кўкарган ва анор юқидан қизарган, кўзлари беса тажом бу кимсага тикилиб турарди. У кўзлари ғамгин оқ сочли амакига бармоги билан Бокиралар хонасининг эшигини кўрсатиб тутилиб гал қотди:

- Бу уйда менинг онам яшаган... лекин уни мен ўлдирганим йўқ... уни дадам отиб ташлади, кейин пистолетни менга ушлатиб қўйди, лекин уни мен ўлдирганим йўқ, айтдим-ку, уни дадам отиб ташлади. Дадамни танийсиз-а? Началник Азларбеков бор-ку - ушалар-да.

У эшикни тақиллатиб, очишларини кутиб турди. Сўнг тутқичидан ушлаб тортиб ҳам кўрди. Тағин пича кутгач, ноумид ортига бурилди ва жўнаб қолди.

Оқ сочли амаки яна бирмунча вақт талмовсираб ҳаракатсиз қотиб турди. Сўнг бирдан жон битган ҳайкалдек қўзголиб, шошганича унинг ортидан ташқари йўналди. Аммо ташқарида бола кўринмас, у ғойиб бўлганди.

* * *

Ёмғир унинг хаёлини ўғирлаб кетди. У ёмғирга ошуфта зди. Ниҳоят күнглидагидай ижара уйи топғанди. Гарчи топған ижара-хонаси марказдан олисроқда бўлса-да, чоққина бир хонада йиғма каравотда ётишига тўғри келса-да, ўзи ёлғиз яшагани ҳолда, ёнидаги хоналарда қизларнинг кўплиги ҳам ижара ҳақининг арzonлиги уни қаноатлантиради. Кеч бўлиб қолганига қарамай, ўша куни ётоқхонадан энг керакли нарсаларини бир жомадонга жойлади. Бокирани эсга туширмаслиги учун ирим қилиб бўлак ҳеч бир буюмга кўл урмай, ўтмиш хотираларини ҳам шу хонада тақатак қулфлаганига умид қилиб шошилганича янги қўналғаси томон йўналди. Аммо барча хотиротлар ва азоблар манбаи бўлган ма тоҳ ўзида эканлиги, уни ўзидан ажратиб ташлаб кетиб бўлмаслиги, у ҳозир-да ўзи билан бирга уловда янги қўналға сари кўчиб бораётганигини ўйлаб кўрмасди. Янги ижара-хонасида кечаси ҳамма ухлагач, ҳовлига чиқиб, кўкка кўз тикиб ўтирганича ёмғир тилади. Аммо ёмғир ёғмади. У умидсизланиб, толиб хонасига қайтди. Овлоқ шу гўшада ҳам Бокира уни топиб олди. Биринчи тун янги жойда тинчроқ ором олишга умид қилиб кўзлари уйқуга кетиши билан хона эшигини сассиз очиб Бокира кириб келди. У йиғма каравотни аянчли гичирлатиб, Ҳилоланинг оёқ томонига чўкди. Ҳилоланинг юзига мунгли нигоҳ солиб анча ўтиргач, енгил хўрсинди ва юракни эзадиган маъюслик билан аста пичирлади:

- Мени сен ўлдирдинг, ўртоқкон. Илоё уволим тутсин сени...

Ҳилола чўчиб уйғонди. Нимқоронғи мўъжаз хонада ўзидан бўлак ҳеч ким йўқ, юрагининг шиддат билан гупиллаб уришигина эшитилиб турарди. У сапчиб туриб чироқни ёқди. Аланглаб ҳамма бурчакларни қараб чиқди. Холсизланиб жойига чўкди. “Бу ер ҳам хосиятсиз жойга ўхшайди. ўзи кўчиб киришимдан олдин исириқ тутатиб юборсан бўлар экан.” Тонггача чироқни учирмай мудраб ётди. Мудроқ аралаш тагин Бокирани кўрди. У бояги аразини унугтган, ёмғир остида ивиб турганича жилмайиб Ҳилолани қошига чорларди. У ўрнидан туриб ташқари чиқди. Осмонда юлдузлар бодраб ётар, ёмғирдан асар ҳам йўқ зди. Кейинги кунлар ҳам Бокира уни тинмай ёмғирга чорлади. Бироқ ташқарида ёмғирдан дарак йўқ зди.

Баҳор ҳавоси феъли тўхтамаган боладай бекарор. Ҳилола тўртинчи тун ҳам ёмғирни кута-кута умидсизланиб хонасига кириб кетар экан, ҳали ҳеч нарсанинг дараги йўқ, осмон бор зийнат-зеварларини ёйиб намойиш этиб ётарди. Бироқ орадан бирор соат фурсат ўтар-ўтмас мағрибдан кучли шамол қўли енгил булувларни қувиб келди ва йилт эттан нарсадан асар қўймай бирпасда сепийғди қилди. Сепни жуда эрта йиғиб ташлаганларидан ўксиган тонг юзочдига йиғлаб чиқди.

Босинқирашдан құрқиб руҳи енгил мудроқ әспекинида тебраниб ҳалинчак учаркан, у ташқарида охиста-охиста шитир-шитирлаб ёмғир томчилай бошлаганини эшитди. Фалак тоқида бу тун ҳам умидбаш аломатларни күрмай, унинг илтифотсизлигидан оғриниб яқындагина хонасига қайтгани боис ёмғирни тушим деб гумон қилди. Аммо қулогига оқиб кираётган бир маромдаги тирк-тирклаш узилмади. Құзларини очиб тағин пича қулөк тутиб ётди. Нихоят қызыгина күрласини телип юборди. Сакраб туриб ташқарига чиқди. Ташқарида чиндан ёмғир ёғарди. У ажабланиб, қувониб күкка қаради... Ювинди, плашини зғнига илди, шамсиясини ҳам олмай ташқары йұналди. Дарвозаны охиста очаётганида қанотларини патиллатганича қичқириб юборған хұroz ҳазилакам чүчитмади.

Кимсасиз күчадан катта йүлга чиқиб аста одимлаганича боши оққан томонға қараб кета бошлади. Осмон яна ҳасрат чекар, маънисига фақат ергина етадиган ҳасратини шивир-шивирлаб дардкашига йүлларди. Оlam бу сокин сирлашувга ҳайрихохлик ва некбинник ила соғыс зди... Ҳилоланинг ҳам бағри гүссага тұлди, аммо унинг ҳасратига қулөк тутгудек бир кас, тасалли беріб пича бұлса-да дардини олгудек бир ҳамдам йўқ. Аслини олганда у ҳеч кимга ёрилиб, ҳеч кимдан тасалли умид қилолмайди. У бутунлай ёлғыздан қолди. Нега у тириклигіда Бокирага бу қадар нафрат билан қаради? Нега унинг ҳар бир қадами, ҳар бир қилиғи қаҳрини құзгади? Унинг хатти-харакатидан қынғырлық, ғаламислик ахтарди? Қаны бугун вужудини қоплаган ўша нафрат? Ўша қаҳр-ғазаб? Инсон боласи нега дунёға келади-ю беш күнликкина умрида бир-бириннің лайини қиришга, бир-биридан тезроқ құтулишга тиришади? Ёмғир остида бораркан ана шу күхна ва оддий саволлар ҳәётіда илк бор унинг шуурини пармалай бошлади. Ажаб, нега у илгари бирон марта бұлсın бу ҳақда үйлаб құрмади? Тұғри, Бокира ҳам фаришта эмасди. Аммо у аксар муроса қилишга, уришиб қолғанларida ҳам бириңчи бўлиб яраш қўлини чўзишга ҳаракат қиласади-ку. Ҳилола бұлса шунда ҳам ўзини ўтказиб, уни ялинтириб кейин ярашарди. Ким ҳозир унинг бунақа эркаликларини күтәрепти, ким?! Бокира-чи? Нега унинг эркаликларини күтариб келди? Шундай бўла туриб нега у Бокиранинг дийдорига тоқат қила олмай унга ғанимлик қилди? Унинг димоқлари куйгандек ачишиб, қўзлари ёшга тұлди. Ана, энди Бокира уни тинч қўймаяпти. Лаънат, лаънат сенға! Аслида иккөвимиз бир яхши, тинчгина ва ақилгина яшаётган здик. Қаердан ҳам пайдо бўлдинг, савдои рассом? Қайси гўрдан бинога келдинг, тинчимизни бузиб?.. Ё тавба, тавба - шу заҳоти ботинида бўлак овоз үйғонди - у ахир бизнинг тинчимизни сақлаб қолди-ку, безорилар тажовузи

билан номусимиз, ҳаётимиз барбод бўлай деб турганида бизни кутқариб қолди-ку. Чарчадим, чарчадим... дея ўйлади у. Ҳаёлимда ҳаммаси чалкаш-чулкаш. Уни ҳам лаънатлай бошладим. У чиндан бизни тутқунликдан халос этганди. Мен унга нима оқибат кўрсатдим? Самандарнинг ўзи кулфатга учраб, тутқунликка тушиб қолганида унга нима оқибат кўрсатдим. Бокира Самандарни кутқариш учун елиб юргургандарида, ўзини ўтга-чўққа уриб ҳар ён бош ургандарида индамай томошабин бўлиб турмадими? Йўқ, зидан уни кузатиб ичида баддохлик ила қувонмадими? Ула, иккалангам! Ула, бирорининг дилини оғритиб, омадингни кўз-кўз қилишнинг оқибати шунақа бўлади. Сенга ҳам боқкан бало бор экан-ку. Менинг ҳам худога айтганим бор экан-ку. Самандарни ўйлаб, ичи ачишган, юраги дардкашлик ила безовта тепингган онларда унинг ўзига беоқибатлик кўрсатиб, меҳрини дариг тутгани, кўнгил талпинишларини сеза туриб нописандлик қилгандари, “жодугар” га учеб уни бахтиёр, ўзини аброр айлаб юргандарини ўйлаб, кўнглига сув сепди. Бокиранинг азобларидан қувонди. Ҳатто дилининг туб-тубларида Самандарнинг кечроқ қутулиб чиқиб, Бокиранинг кўпроқ азият чекишига истак, тилак, тавалло бор эди. Хилолага нима, минг куйиб ёнгани, ўтрангани билан унга барибир экан. Эрта-индин қутулиб чиқса ҳам барибир уни демайди, Бокирани дейди, Бокирани бахтиёр қиласи. Ундан кўра... Нега Ҳилола бунақа? Агар уни севса... Севги шундай бўладими? Йўқ, бундай бўлмаса керак. Ундей бўлса хаёлини унинг ёдидан йигиштириб ололмаяпти-ку, уни ўлаши билан дили ёришиб, азадор шу дунё ҳам рангин жилва қила бошлангандай бўляпти-ку... Ҳилола уни ўшандан буён кўрмади... Саломатмикан? Не кўйларга тушди экан бечора ошиқ? Уша куни Ҳилола уни панадан кузатиб ўтириди. Жон-жонидан севар экан-а Бокирани. Ҳа, ўлиб кетган бўлса-да ҳasad қилса арзиди Бокирага. Уша куни ёмғирга Бокира эмас, унинг ўзи чиқа қолганида бўлмасмиди? Тўхта... унда... “Дилкушо”-чи? “Дилкушо”... Ажиб маскан экан... Тоғлар бағридаги мусаффо гўша... Карнайидан ҳамиша куй-кўшиклар янграб тургувчи эди - ўзбекча, тоҷикча. Саҳарда қаршидаги кеккайған қоянинг ягринига кўзлари тушиб, уйғонар-уйғонмас ўша қўшиклар кулоқларига оқиб кира бошларди. Қайта-қайта эштилаверганидан кўплари ёд бўлиб хотирга чўккан... “Дилкушо” да ҳам ҳамма Бокирани ёқтиради. Мураббиялар суйишар, бошқа ёқлардан келган бегона қизлар ҳам у билан дўстлашишга харакат қилишар, ўғил болалар атрофида айланишиб қолишарди. Ҳатто, ҳамма кўрқадиган бадтарин тўдабоши Омон зўравон ҳам унинг олдида ипакдай эшилиб қоларди. Ҳилолага алам қиласи. Иккинчи ўринга сурилиб қолаётгани, фақат Бокиранинг дугонаси бўлгани, доим у билан бирга юргани учунгина зътиборга лойик кўраётгандаридан ўкинарди. Бағрида ахён-ахён ожизгина ғимир-

ловчи алланима ўша кезлардан уни күпроқ безовта қила бошлади... Қизик, "Дилкушо" хозир ҳам бормикан? Бутмикан?

Ёмгир остида күчалар, хиёбонларни узоқ кезді. Ортга қайтаёт-
ганида ёмгир анча тезлашиб кетди. Қадамини илдамлатыб бекатта
етиб келди ва унинг остида ёмгирнинг пасайишими кута бошлади.
Күп ўтмай ёмгир бироз пасайды, назарида тиниб бораётгандай
туолди. Бекатдан чиқкан маҳали трамвай келиб қолди. Трамвай
шундоқ ижараҳонасиның рўпарасидан ўтарди. Аммо қиз трамвай-
га чиқишини истамади. Ёмгир майдалаб севалашга ўтганди. У ёмгирдан
ажрагиси келмай қўналғасига яёв этиб олишга қарор қилди. Иўл-
нинг ярмини босиб ўтганида ёмгир бирдан шиддатга кира бошла-
ди. У кучайганидан кучайиб жалага айланди. Ҳилола ёқасини кўта-
риб қадамини тезлаторкан, хавотирланиб осмонга боқди. Ёмгир
оламни гарк қилишга қасдлангандай чеълаклаб қуя бошлаганди.
Ҳилола энди ташвиш-ла у ён-бу ёнга аланглаб назар ташлади. Ат-
рофда бош тиқкудек бирон пана жой йўқ. Насронийлар қабрис-
тонлари аро ўтадиган бу овлоқ йўлдан онда-сонда елиб тургувчи
машиналар ҳам қизнинг қўл силкитишига парво қилишмади. Ёмгир
қутуриб қўз очиргани қўймасди. Тезоб чақмоқлар қаҳрланиб,
кўк бағрими аёвсиз тилар, азобланган само тинмай ўқирап, дунё
тундлашиб юзи янада қаро тортганди. Ҳилола бу талотўпдан кўр-
киб, таҳликада яна ортига ўгирилди. Аксига олиб қатнов ҳам тўх-
таб қолганди. Наздида даҳр аро танҳо ўзи тўфон ичидаги қолиб
кетгандай туолди.

- Худонинг қаҳрига учрадим, - у бир муддат жойида тўхтаб қолди
ва даҳшатдан серрайганича личирлаб қўйди.

Жала босимини енгуб, оёқларини зўрга судраганича қийналиб
илгарилаи бошлади. Сочларини ювиб юз-кўзини аёвсиз савалаёт-
ган сонсиз муздек томчилар жилғаларга айланиб ичига қуйилар,
баданига чиппа ёпишган ички кийимларигача сиқиб олгудек ҳўл
бўлиб кетган, туфлилари сувга тўлганди. Танаси дағ-дағ қалтира,
куракларининг ости санча бошлаган зди. Ҳеч қурса шамсиясини
олмаганига ўқинди. Томоги ачишиб йўталди. Бир зум тин олиб
кўзларини юмиб очди. Жала ҳануз кутуриб қўпар, йўл четларидаги
бетон ариқчаларни тўлдириб тошган бутана сув энди асфальт
йўлни деярли ўзан айлаган, лойқа ҳалқоблар юзасида сония сайин
лак-лак пуфакчалар шишиб-йттар, шишиб йитарди. Теварак янада
хира тортган, на тирик жон, на бир улов асари бор. На ортингда,
на олдингда. Қиёматнинг ўзи.

- Худонинг қаҳрига қолдим,- хаёли огиб тагин беихтиёр пичирла-
ди у.

Ҳилола бўлганича бўлди. Ҳалқобларни шатиллатиб босганича
юриб кетди.

Минг мاشаққат билан ижарахонасига етиб келди. Сувга пишиб олингандек жиққа ҳұл кийимларини шоша-пиша әгнидан сидириб, оёқлари билан этакларидан босганича полға устма-уст туширив улардан халос бўлди. Совуқ хонада қип-яланғоч дилдираб момик сочигига артинди. Чүнқайганича жомадонини титкилаб қуруқ кийимларини олиб 1 йиди. Баданининг қалтираши босилмади. Кийимларини чайиб қўймоқчи эди, аммо уларни йигиштириб қўйишга зўрга яради. Тишларининг такиллаши кучайиб, бошигача кўрпага бурканиб олди. Бадани исимасдан пешонасидан совуқ тер чиқиб анчагача дилдираб ётаркан, кўзларига қандай уйқу илашганини билмай қолди. Бир неча кундан бери илк бор босинқирашларсиз анчайин тинч ухлаши эди. Аммо йутал хуружидан қийналиб уйғонганида оёқ-кўллари тош боғлагандай оғирлашиб, аъзойи бадани қизиб ётарди. Базур ўрнидан турди-да қўшни кизлардан дори өлиб ичиб, яна кўрпасига ўраниб олди. Жала ўтиб кетган, аммо ёмғир майдалаб ёғишида давом этарди. Қув-кув йуталиб, алок-чалоқ тушлар таъсирида асабий гудранганича алаҳлаб тонг оттириди. Иситмаси тушмаган, боши чўяндай оғирлашиб, кўзлари ёшланиб ётарди.

Одатда тоби қочса Бокира меҳрибонлик қилгувчи, илтимосига маҳтал бўлиб тепасида ўлтиргувчи, иссиқ-иссиқ овқатлар пишириб келиб, эркалигига қарамай мажбурлаб ичириб қўйгувчи эди. Бугун Бокира негадир йўқ, нимқоронги хонада ёлғиз ўзи хасталикдан азиат чекиб ётарди. Қаердайкин, қайси гўрда қолдийкан у?!

- Бокира... Боки деялман...- тантиқланиб, аччиқланиб қичқирди.

Ҳеч қандай садо йўқ. Бошини кўтарди, атрофига сергакланиб назар ташлади. Ҳаммасини эслади. Минг бора чақирса ҳам Бокиранинг энди келмаслигини, келмас дунёларга кетганини эслади. Олдин йиглагланиари ҳам бир бўлди. Буниси... Бошқача йиги келди. Жигарлари эзилиб, ириллаб йиглади - аянч ва хунук: "Боки-и-и, қайдасан, Боки-и-и? Қайларга кетдинг, Боки-и-и? Боки-и-и". Ўрнидан туриб гарангсиган кўйи чойнакни топди. Ҳикиллай-ҳикиллай муздек чойни симирди. Гангиб-гарангсиб ташқари йўналди. Осмону ернинг хасратлашуви ҳануз тинмаганди.

Ёшли кўзлари билан теваракка мунгли назар солди. Шунда похол ва клёнка билан устма-уст қалин ўраб bogланган анжирзор этагида паришон қотган Бокирани кўрди. Бокира ҳам уни кўрди ю жилмайиб ёмғирга чорлади.

- Ҳозир, - деди Ҳилола шошиб. - Юзимни ювиб олай.

Ювениб, эгнига ҳұл плашини кийди. Ташқари чиққанида бояги жойда Бокира йўқ эди. У ҳайрон кўчага чиқди. Бокира кўчада ҳам кўринмасди. Иккиланиб бироз туриб қолди. "Ёмғирда хосијат бор, - дея кўнглидан кечирди. - У - ниятларни ижобат қилгувчи, уларни ёмғир топиштирганди. Мени ҳам Бокира билан ёмғир топиштиради". Чайқала-чайқала юриб кетди. Совуқ томчилар унинг

қизиб турган юзлари, бўйинларини саваларди. “Бу уларнинг ёмғири миқан? - дея ўйлади у. - Йўқ. Бу уларнинг ёмғири эмас. Уларнинг ёмғири илик бўлса керак”.

У ёмғир остида хаста-бетоб, силласи қуриган аянчли бир алфоз йўқотган яқинини қидириб дарбадар шаҳар кезаркан, ғамларга ботган, оғрикли, шикаста қалби илк бора кўқдаги ягона Улуғ Илоҳга назаргоҳ бўлгандай илгари сира ўйламаган йўсун тиниқ фикрлай бошлаган, гоҳо хаёлида фавқулотда маънили, кутилмаган фикрлар ярқ этар, бундан ўзи ҳам ҳайратланарди. Бир гал иситмадан қизиб ётган боши тошдай оғир тортиб олдинга оғиб тушганида: “Менга неки берилган бўлса барини ўзим, ўз қўлим билан йўқотдим ва йўқотмоқдаман” дея қайд қилиб қўйди. Яна бир гал кўзлари юмилиб гандираклаганича чуқурроқ ҳалқобга мункиб кетганида: “Аршдан неки ёғилса дўнгу чукур, баланду пастга баравар ёғади” дея эътироф этди.

Бокирани кимсасиз, гаригина бир bogдан топиб олди. Йўлакдан ўтиб бораётib баланд темир панжара аро bogнинг ўртасидағи темир ҳалинчакка кўзи тушди. Бокира ҳалинчакка чиқиб олганича хомуш ўйланиб туради. У боққа кириб ҳалинчакка яқин борди... “Дилкушо” да ҳам худди шунаقا икки кишилик катта темир ҳалинчак бўларди. Унда кўпинча Бокира иккиси учгувчи эдилар. ...Ҳилола ҳалинчакнинг бериги четига чиқиб олди ва уни силкита бошлади. Бокиранинг шодланганини кўриб ўзи ҳам қувонди. Жўшиб ҳалинчакни бор кучи билан қаттиқ-қаттиқ силтай бошлади. Ёмғирли оламда икковигина қолган, яйраб-яйраб ҳалинчак учишар, мунғайган bogнинг суқунатини хуркитиб қийқирганича кулишарди. Дафъатан Бокира гойиб бўлиб қолди. Ҳилола мувозанатини йўқотиб назарида йиқилиб тушаётгандай бўлди. У кўрқиб кетиб ҳалинчакка маҳкам ёпишиб олди ва чор-атрофга, bogнинг гирдо-гирдига аланглаб Бокиранинг шарласини қидирди... Атрофда ҳеч зоғ йўқ, эски темир ҳалинчак “гийқ-гийқ” этганича беҳол тебраниб турар, ҳалинчакнинг занглаган темир тутқичига осилиб, унинг ёлғиз ўзи ўтирас, жуда ҳоли қуриганди.

Қув-қув йўталиб қунишганича bogдан чиқди. Қандайдир ошхонада бир стакангина қайнок қаҳва ичиб олди, егулиги шундайича қолди - кўнгли тортмади. У дарсга бориши кераклигини ўйлади. Кеча ҳам бормаганди. Жунжикиб-қунишиб йўлакдан аста юриб кетди. Ёмғир майдалаб ёғар, у энди ёмғирдан қўрқмас, уни яхши кўриб қолганди. Назарида ёмғир ҳам энди мулойим тортиб, унинг юз-кўзларини сийпалай бошлаганди. Қизиган танасига ёмғирнинг севалашлари хуш ёқарди. У ёмғирнинг Бокира икковини яна тоширишига ишонарди. Чиндан ҳам ахён-ахёнда ёмғир аро Бокиранинг гоҳ кулган, гоҳ йиғлаган овози келиб қолар, Ҳилола

тұхтаб атрофға аланглар, аммо Бокира зәнди бекінмаочқ үйнадай сира бүй күрсатмасди.

Факультетта етиб келганида ҳаммаёқ сув қуынандек жимжит, талабалар дарсга кириб кетишганди. У айвончада тұлиқиб тағин ёмғирни томоша қила бошлади. Танаффус бўлиши билан думалоқ аудитория томон юрди. Унинг-ичкари кирганини аудиториядагилардан ҳеч бири сезмай қолди. Думалоқ аудиториядаги энгил-бошлари ярақлаган башанг, силлиққина талабалар бир-бирларига бурилиб олганларича ҳамон берилиб баҳслашишар, тарафларга бўлинниб ҳануз пашша ва чивин масаласини мұхокама этишаётгани, муаммони узил-кесил ҳал этиб одилона ажримга кела олмаётгандари кўриниб турарди.

- Эй-й! -қизғин мунозарани Ҳилоланинг хайқириғи босиб тушгандай бўлди.

Шунда ҳам ҳалак-жонсарак тортишувга берилганлар унга зътибор қилишмади. Фақат четроқда ўтирганлар аланглаб унга юз бурдилар .

- Эй-й, сизлар! - деди Ҳилола талвасада қалтираб.

Бу гал ҳамма ажабланиб дувва унга ўгирилди. Ҳилола қалтирап, зәнди ўзини тұхтата олмасди.

- Е пашша, - ё чивин-да - дея қичқирди у. - Сизлар бу ерда биқиниб, пашшадан фил ясаяпсизлар, ташқаридан бўлса... ёмғир ёғаяпти! Оби раҳмат ёғаяпти... Ахир, ёмғир ғанимат, у хадемай ўтиб кетади, юринглар, ҳаммамиз ёмғирга чиқайлик. Ёмғирда ивиб-ивиб юрайлик, яхшиларни ёд этайлик, шояд...

Ҳилола гапини тугата олмади. Думалоқ аудитория унинг шаҳдини кесиб, бор овози билан гумбурлаб кулиб юборди. Унинг кулгиси узоқ чўзилиб охири “хи-хи”, “хо-хо”, “қиҳ-қиҳ” лаб тиңганида Ҳилоланинг кўзларига ёш қалқди.

- Пашшалар! Чивинла-ар! - деди у ғазабдан титрар ва йиғларкан. Шунда унинг кўз олди ярқ этди. Кўзларидаги парда йитиб, гайриоддий хосиятга эга бўлган ҳозиқдай у илк бора ҳамкурсларининг ҳақиқий башараларини кўра бошлади. Ўриндиқларда юзлари ҳам, каллалари ҳам дум-думалоқ, сип-силлик-ярақлаган бошли гаройиб одамлар ўтиришар, уларнинг лиbosлари турфа хил бўлса-да, бўйинларидан юқориси қолипдан чиққандек бир хилда зди. Худди мурватлардаги бир текис, чиройли терилган соққалардек ажабтовур ўхашаш ва уйқаш. Соққаларнинг бир хиллиги ва кўплигидан унинг боши айланаб кетди. Кўнгли озди. Кўз олдида думалоқ аудитория чир айланди-ю шилқ этиб йиқилди.

У ўлиб қолди. Аммо ўлганидан кейин ҳам сезги бордай зди. Дастлаб қизлар уввос тортиб чийиллаб юборгандар, кимлардир устига энгашганини сезди. Бир пайт танаси ердан узилиб кўнда-

ланг ҳолатда кетиб бораётганини ҳис қилди. Энди ўзини тобутга солиб ошиқанча күтариб кетаётган эдилар. Бу түполон аро фәқат Душворнинг хира сурати тутундан бино бўлаётгандай чўзилиб-чайқалиб, ёйилиб-йигилиб зуҳр этиб туради...

Алламаҳал кўзини очиб ўзининг саришта ва сокин хонада ётганини кўрди. Ўлмагандай эди. Ёнига қаради ва ёши ўтиб қолган, ранги синик нотаниш бир аёлни кўрди. Аёл нариги девор остидаги каравотда қўлининг эт ташлаб қат-қат шалвираган терисини тортиб кўриб, хафақон қиёфада ўтиради. Хилоланинг ўзига тикилиб ётганини кўрган аёл ҳам унга бироз қараб қолди.

- Худога шукур, ўзингга келдингми, қизим? - деди у меҳрибонлик билан. - Одамнинг жуда ўтакасини ёриб юбординг-ку.

- Бу ерга қандай келиб қолдим? - деди Ҳилола заиф товушда.

- Сени палатага носилкада кўтариб келишди. Аҳволинг жуда оғир эди. Талаба экансан, ўзларингга қараб, эҳтиёт бўлиб юрсаларинг бўлмайдими, қизим? - деди аёл.

Ҳилола аланглаб палатада ўзидан ва аёлдан ташқари яна уч бемор ётганини кўрди. Бир неча кунлик муолажадан кейин унинг ҳарорати мўътадиллашиб, соглиги яхшидан бошлади. Ҳакимлар тез орада жавоб берамиз, дейишди. Аммо тушида гапириб, алахлашлари қолмади. Бир неча марта уйқусида қичкириб шерикларини кўрқитди. Ҳаким қайта текшириб кўриб, яна "Умумий ҳолат яхши, тез кунда руҳсат берсак бўлади", - деди.

Биринчи ёмғир ёғиши билан у қочиб кетди. Ўша куни саҳардан ҳаво айниб, майин, кучсизгина шамол ёмғир исини олиб келаётган эди. Ҳамхоналар ҳар ким ўз жойида ёнбошлаганича у ёқ-бу ёқдан аста сухбатлашиб ётишар, ора-орада ҳазиллашган бўлиб, Ҳилолага ҳам гап қотишар, тунда яна босинқираб уларни қўрқитганини айтиб, ўпкалагандек бўлишарди. У томогига қадар қўрпасига ўранганича индамай сухбатга кулоқ тутиб ётар, ҳижолат чекарди. Дераза рафини илк томчилар чертгаётганини у биринчи бўлиб илгади. Ёмғир кучайиб, заиф черткилар бир маромдаги зарбларга айланганида кўрпасини тепиб ташлаб, энтиkkанича қотиб туради. Ҳонадошлар ҳайрон, аммо ёмғир қўйнидан келаётган мунгли сасни ҳеч бири эшитмас, Бокиранинг уни чорлай бошлаганини билмас эдилар.

Ёмғир остида узок айланди. Ўтган гал Бокира билан ҳалинчак учишган боғни қидириб топа олмади. Ёмғир ичидан гоҳо Бокиранинг кулгуси эшитилгандай бўлар, Ҳилола ўзи билан бекинмачоқ ўйнаб сира кўриниш бермаётган дугонасидан ўпкаларди. Ҳаммаёғи ивив шумтираб ортига қайтар экан касалхона дарвозаси олдида ташвишга ботиб турган ҳамшира кутиб олди ва йиглагудек бўлиб койиб ташлади: "Нақ бўлмаса ёрилиб кетай дедим, ҳакимдан эшитадиганимни эшитди. "Ал-катта одам бу нима қилганингиз, бу нима юриш?

Ёш бола бўлмасангиз, ахир...“ Шу куни тагин ҳарорати кўтарилиди, кўпроқ алаҳлай бошлади. Кейинги сафар ёмғир ёққанида тагин бир амаллаб қочиб кетди. Пули йўклиги туфайли бу гал узоқча бора олмади, аммо ёмғир остида анчә айланди. Ҳаким билан ҳамшира уни автобус бекати остидан топишди. У бекат устунига суюниб, кўл қовуштирганича музтарин ҳолатда тураркан ҳаким билан ҳамшира қаршисига келиб ўзига тикилиб турганларини ҳам пайқамади. У тунка том узра бир маромда севалаб оғир оҳангта зарб чertaётган ёмғир талқинига қулоқ берганича қотган эди. Бу савт мунгли ва азоббахш эди. У горат ҳакида нақл этар, совуқ шаъмали қочирик-лар ила хайрсиз истиқболдан башорат айлаб, тайсаллаган дилга мудҳиш таъкидларини зўрлаб сингдирарди. Ҳаким билан ҳамшира кўлларидан тутишиб етаклай бошлаганларида у сесканиб тушди:

- Қўйворинглар! Мен шу ерда қолишни истайман, мени тинч қўйинглар! Ўз ҳолимга қўясизми-йўқми?

У тагин ҳарорати кўтарилиб азоб чекар, тинмай қув-қув йўталар, аммо ёмғир ёғгудек бўлса сапчиб ўрнидан туриб кетарди. Шериклари дарҳол ҳамширани чақириб келишар, кўплашиб мажбур ўрнига ётқизмоққа киришишар, у дунёларни бузиб дод солар, ташқариға - ёмғир қўйнига отилмоқ лайида бўларди. Ҳуши ўзига қайтган пайтларда ҳакиму ҳамширалардан, ҳамхоналардан музтар тортиб бошини кўрпа қўйнига тикиб ётарди. Ҳарорати кўтарилиганда алаҳлар, ўша воқеаларга, бошига тушган кулфатларга доҳил катта-ю кичик ҳаммани ёзгирап, ҳаммадан упкалар, ҳаммани лаънатлай бошларди. Яна тортаётган барча азоблари, кўраётган барча кўргиликлари сабабини ўзгалардан қидирарди. Иситма забтига олганида шерикларини чўчитиб, гоҳо бедорлигига ҳам жовлиб қўярди. Шериклари унинг пойинтар-сойинтар алаҳлашларидан ҳеч нимага тушунишмас, ўзи бирорвга минбаъд ёрilmас, аммо унинг яқин кечмишида қандайдир мудҳиш долғалар бўлиб ўтганини ёнидагилар сезиб туришарди.

Бир куни кундузи, ҳаммалари уйғоқ ётганларида у баралла овоз билан:

- Туғилмай ҳам ўл, Зарнигор, сени туғилган кунингга бориб... - дея туриб, бирдан тинчиб қолди-ю, бироздан кейин яна давом этди. - Техникумдаги ўртоқларинг ҳам ўлиб, ўзинг билан қўшмозор бўлсин, илоё! Ўшалар житиллашиб “яна битта, яна битта ўйин қиласайлик” дейишмаганида... ўлгирлар!..

Анчадан кейин яна сокинликни бузиб ҳамхоналарини алантлатганича чўзиқ қилиб:

- Ў-ўл! - деб юборди. - Дарсинг ҳам бошингдан қолсин, одам бўлмай ўлгир Фиртмак! Агар эртасига семинар қўймаганингда биз тинчгина Зарнигорникида ётиб қолардик.

Ёмғирда шалаббо бўлиб қайтган кунларининг бирида одатдаги-дай уни койий-кайий қуруқ халат кийдириб ётқизиб қўйишгач, шериклари ўзаро: "Бу йил жуда кўп ёғяпти, қачон тинаркин-а?" дейишганларида:

- Мени ўлдириб кейин тинади. Унинг менда қасди бор, ўчини оляпти, - деде жовлиди.

Баъзан у:

- Ёмғирмас, бу Бокиранинг кўз ёшлари, - деб қўярди.

Назоратни кучайтириб, уни кўчага йўлатмай қўйишган кунлари деразадан ёмғирни томоша қилиб ўтиаркан бирданига қичкириб юбориб шерикларини ҳазилакам қўрқитмади:

- Қаранглар, қаранглар, қон ёмғир ёғяпти! Қон ёмғир!

Касалхонада яна узоқ даволанди. Унинг ёмғир ёққанидаги талвасалари, васвасаларидан зериккан, қочиб кетишларидан юрак олдириб қўйган шифокорлар соғлиги бироз тикланиши билан жавоб бериб юборишиди.

* * *

Орадан узоқ муддат ўтиб у Душворни йўқлаб келганида Душвор уни унутган, кутмаётган эди.

Рутубатли ўша кун кутилмаганда кўча эшиги тақиллаганида Душвор ҳовлидаги азим тут остида улфатлари билан ароқхўрлик қилиб ўтиарди. Душвор ҳали ўрнидан кўзғолмай турибօк йўқлагувчи у эканини сезди. Чунки фақат у шундай эшик қоқарди.

Ташқарida у туарди. Үнсиз бир-бирларига тикилиб қолдилар.

- Бормисан? - деди Самандар кулимсираб. - Ўзим безовта қилмасам, мени сира йўқламай қўйдинг.

Омонлашдилар.

- Кутмаганмидинг? - деди Самандар жиддий тортиб. - Йўқловим ёқмади-а?

- Йўғ-е, нега энди... - деди Душвор шошиб. - Сени кўргим келиб турганди. Омонмисан?

Самандар ундан синчков назарини узмай бош иргади. Шу пайт Душворни ичкаридан маст улфатлари чақириб қолишиди. Душвор "ҳозир" деди-ю безовталаниб қолди.

- Чинданам безовта қилдим, чоғи, - деди Самандар ичкарига аланглаган бўлиб - Бёмаврид келипман-да.

- Йўқ-йўқ, нега ундей дейсан?... Юр, ўтирамиз.

Душворга Самандарнинг ичкари киргиси бордай туюлди. Лекин Душвор унинг киришини истамаётганди. Улфатларининг тузуккина кайфи бор, Самандар бўлса ичмаган, ичмайди ҳам, даврага мос' эмас. У кирса гап-гапга қовушмай, ўтиришнинг руҳига путур етиши

тайин. Очиғи, айни дам ўзининг ҳам кўнглига Самандар билан мулоқотдан кўра улфатчилик хуш келаётган эди. Самандар Душворнинг кўнглидан кечираётганларини фаҳмлади.

- Ҳижолат чекма, мен кётаман, - деди у Душворнинг кўзларига тикилганича.

Шундай дерди-ю, лекин кетишга шошилмас, кетгиси келмасди. Душвор зерика бошлади. У Самандарнинг тезроқ кетишини истаб, сухбатни чўзмаслик ҳаракатида унинг гапларига қисқа-қисқа жавоб қайтариб тураркан, ора-сира бир-икки марта ёлғондакам эснаб ҳам қўиди.

Самандар ошиқмасди.

- Ёмғир ёғсайди, - деди у осмонга кўз тикиб.

Кўзларida теран гусса, айни лаҳза алланечук соғинч аксланди.

- Ёмғирни кўрсайдим, - осмонга боққан куйи тагин маҳзун пичирларкан нигоҳида бир сониягина қандайдир сарин бир хис зуҳур этгандай бўлди ва у энтишиб қўиди.

Душвор унга тузукроқ разм солди. Оппоқ соchlари ўсиб кетган, соқоллари ҳам икки-уч кундан бери олинмаган, кўйлагининг ёқалари кирчил эди. Илгари сира бундай алфозда юрмасди. У осмонга тикилганича ўйланиб қолган, лаблари нимадир дея пичирлаб кўярди.

-- Биласанми, сенга бир гап айтмоқчийдим, - Самандар мухим бир нарсани айтишга азм қилгандай нигоҳини кўқдан узиб шошиб Душворга тикилар экан, унинг яна эснаётганини кўриб тўхтади. - Майли, кейин айтаман...

Душворни чиндан эсноқ тутганди. Самандар унга тикилганича тагин маъюс кулди.

- Сен ҳали Худодан жуда йироқсан, - негадир шундай деб қўиди.

- Менга нимани айтмоқчийдинг? - деди Душвор шошиб, - Айт.

Бу пайт ичкаридан яна Душворни чақира бошлаган эдилар.

- Кейин... кейинроқ мавриди бўлиб қолар... Кир, сени чорлашяпти, - деди Самандар унга - Ҳўп, мен кетдим. Омон бўл.

Самандар плашининг ёқаларини кўтариб олди-ю шошиб юриб кетди. Душвор тура-тура ичкари кирди. Унинг кайфи бошидан уча бошлаган, кўнгли негадир нотинч, Самандарнинг гамгин, дардли афт-ангори кўзи ўнгидан кетмай тўлиқиб турарди. Энди меҳмонлар ҳам кўнглига сиғмай, уларни унутганча пастак, чоққина хонасига кириб стол устида ёйилиб ётган ёзувларини титкилашга тушди. Унинг ичкари кирганини билиб, ҳовлидагилар тагин бир-икки чақиришди, сўнг кўлидан етаклаганча судрагудек қилиб олиб чиқиб кетишли. У хаёли фаромуш даврага қўшилар экан, қўлига дарров арок тутқазиши. Тиззаларига шапатилаб қотиб-қотиб кулаётган бадмост улфатларига андак қараб тургач, беихтиёр ўзи

ҳам илжайди. Бироздан кейин у Самандарни ҳам, қоғозларини ҳам унудти.

Үзок ўтиришди. Кўп ичишди. Бора-бора у ўзини ҳам унута бошлиди. Факат бирдан осмон гумбурлаб, тўзон қўйнида ёмғир қуя бошлагач, маст-аласт қийқиришганича стол устидан ҳар ким қулига илинган нарсани, ким шишадаги ароқни, ким ликобдаги газакни, ким нонни ва пиёлаларни кўтариб ичкари чопгандарни, кира солиб мастона кула-кула стол устига ёйилган қоғозларни суриб-сочишиб, баъзиларини дастурхон қилиб, устига ароғу газакларни қўйиб яна қийшанглай-қийшанглай ичкиликбозликни давом эттирганларини элас-элас эслаб қолди.

Ўликдай донг қотиб ухлади. Даҳшатли туш кўриб, сесканиб уйғонганида тонг ота бошлаганди. Тушида ёмғир қўйнидаги шаҳарниаг қандайдир, шимолий темир йўл бекати томонидаги тор ва айланма илонизи кўчани деярли згаллаган трамвай излари бўйлаб ёқаларини кўтариб олган бир кимса халқобларни шатиллатиб босганича жонҳолатда қочиб бораётганмиш. Орқасидан улкан эски трамвай асабий гийтиллаб, бешиктебратардай тебраниб қувиб келаётганмиш. Трамвайнинг маҳобатли тумшуғи унга тегай-тегай деб яқин келиб қолганмиш. У терлаб кетган, нафаслари бўғзига тиқилиб хансираган, ҳориган оёқлари депсинармишу қадами унмай сира жойидан силжимасмиш. Бирдан трамвай қувиб етипти-ю уни бошиб ўтиб кетипти. Темир излар ёнидаги каттагина халқоб бир зумда қип-қизил рангга бўялганмиш, халқоб юзасида шишиб йи-таётган пуфакчалар-да олранг тус олганмиш...

Сесканиб уйғонганида хона ҳавоси ўта дим бўлиб кетган, ароқ ва тамакининг хиди нафасни бўғгудек, ўзи эса кўнгли беҳузур бўлиб қийналиб ётарди. Кўрган-кечиргандарни туш эканини англаб, худога шукур қилди. Урнидан тургани эриниб, ётган қўйи кечаги кунини эслашга урина бошлади. Ёдида қолган ҳамма воқеалар кўз олдидан бир-бир ўтаркан, хаёли Самандарда тұхтади. Гувиллаб автомобиллар ўтиб турган катта йўл ёқасидаги пастак кўча эшиги олдида иккови гаплашиб турғандарни, Самандарнинг тезроқ кетишини истаб, ўзининг ёлғондан эснагандарни, сўнгра унинг плаши ёқаларини кўтариб шитоб юриб кетгани ёдига тушди. Шунда у яна бир тушини эслади. Тушида меҳмонлар кетғандаридан сўнг, Самандар яна қайтиб келғанмиш. Улар тағин кўча эшик олдида гаплашиб туришгандарни. Ўзи ўта маст бўлгани учун бу гал Самандарни кўриб турғанмишу, таниб-танимаётган эмиш. Ёмғир шиддат билан шовиллаб ёғаётганмиш. Самандар кийим-боши шалаббо бўлиб қайтиб келғанмишу кулармиш. Ёмғир томчилари унинг ўсиб кетган соч-соқолларини ювиб плашининг кўтарилган ёқалари остидан ичига оқиб кираётганмишу у кулармиш. “Ёмғир ёғди, ахийриям ёғди” дермишу оппоқ тишлигини ярақлатиб кулармиш.

Душвор уй эгаси - кампирнинг олдига кирди. Кўзлари ожиз рус кампир катта, кенг каравотни улкан бўй-басти билан тўлдириб, ўралганча инқилаб ётарди. Унинг оёқлари шишиб кетган, шу сабаб ўлимим яқин қолди, деб кун санаётган эди. Кампир Душворнинг бемаъни улфатлар ортириб, улар билан тинмай ичаётгани учун койиб жовранди ва Самандар нима учун келганини сўради. Душвор унга Самандарнинг ўзига айтадиган тайнини гапи йўқлигини, шунчаки йўқлаб келганини айтди. Шунда кампир унга галати гап айтди. Кампирнинг айтишича, ярим тунда кўча эшиги яна тақиллаган. Аввалига кампир шамол эшикни тарақлатяпти, деб ўйлаган, кейин эшикни шамол эмас, кимдир бирор қоқаётганини билган, кулоқ солиб ётаркан, ўзича эшик қоқкувчини Самандар деб гумон қилган, аммо бетоблигидан ёмғирга жуда сезгир бўлиб қолган, шишиб кетган оёқларини адёлга ўраганича худ-бехуд ёта-верган. Кампир эшик тақиллаётганини Душвор ҳам эшитар, унинг ўзи бориб эшикни очар деб кутиб ётган, эшикни узоқ қоқишган, сабри тугаган кампир аччиқланган, овоз бериб Душворни чақирган, аммо Душвор жавоб қайтармаган. «Мен ўзи кун санаб юрипман,- деди кампир. - Оёқ шишдими, бу яхшиликка олиб бормайди. Дард оёғимдан олди, узамасам керак». Душвор шошиб ташқари йўналди. Кўча эшигининг тамбаси олинмаган, у берк эди. Хонасига қайтиб, мажхул ўйланиб ўтиараркан, бир нарса дикқатини тортиб, ажаблантириди. Стол устида ароқ шишаси, пиёлалар ва ярим ейилган газаклар пала-партиш ёйилган, уларга қўл урилмагандай, аммо... Чамаси... кеча ёмғирдан қочиб кирган улфатлари мастиклида шоша-пиша ароқ учун жой очишар экан, қоғозларининг анчагинасини ёрга сочиб оёқости қилишган, айримларини дастурхон ўрнида ёйишиб улфатчиликни давом эттирган эдилар... Бироқ на полда, на ароғу газаклар остида биронта қоғоз йўк, лойли оёқ излари тушган ва макруҳлардан доғ-дуғ бўлган қоғозлар ҳам стол четига ўта саранжомлик билан тахлаб қўйилган эди. Душворнинг баъзан маст бўлса-да ўтиришдан сўнг пулларини ва керакли буюмларини саранжомлаб ётадиган одати бор эди... Аммо наҳот маст ҳолатда ёзувларини шу қадар бадастири, варақма-варақ тартиблай олди. У қоғозларини улфатларини кузатиб ўзи тахладими ёхуд тунда ҳузурида сирли меҳмон бўлганми, билолмади. Мехмоннинг бўлганини исботлаб бера оладиган бошқа бирон из ёки нишона топа олмади. Душворнинг кўнгли бир нохушликни илғагандай бўлди. У шоша-пиша кийиниб ёмғирли оламга чиқди. Шаҳри азимнинг шамол гувиллаб, ёмғир шовуллаб ётган кўчалари бўйлаб зир югуриб уни қидирди. Унинг қўналгасига борди. Бироқ бир неча кун пойлаганига қарамай қўналғанинг кулфи очилмади. У бир вақтлар бўлганидай тагин шаҳарнинг тит-питини чиқариб уни излади, аммо топа олмади. Шундагина аслида Саман-

дарга жуда боғланиб қолганини, яқиндагина топган бу яқинини иүқотиб қўйиш ўзи учун катта талофат бўлишини, бундай талофатни дили асло истамаётганини у тушунди. Душворнинг хафсаласи пир бўлиб тагин ичкиликка юз бурди, унга баттар ружу қўйди. Самандарни таниган, билганлар уни Душвордан сўрай бошладилар: "У қаерга ғойиб бўлди? Сиз уни қаерга беркитдингиз? Наҳот унинг беному нишон ғойиб бўлишига йўл қўйиб бердингиз?" Одатда у ҳар гал маст бўлар ва саволлардан тезроқ кутулиб яна майга юз буриш учун турли чўпчакларни тўқирди. Ҳар сафар ҳар-хил тафсилотларни ифода этган янги чўпчакларни ўйлаб топар, бу чўпчакларга бошқаларнинг ҳам, ўзининг ҳам ишонишини истар эди. Яна анча вақтгача Самандар Миш-мишлар тўлқинида гоҳ гарқ бўлиб, гоҳ қалқиб юзиб юрди. Душворнинг бўлса хотирида унинг юкли фалакка умид-ла қадалган сўнгги нигоҳи, нигоҳига жо бўлган теран ғусса, теран соғинч аралаш ярқ этгандай бўлган қувонч шарпаси муҳрланиб қолди.

"Эзгуликка умид" дан Улуғ Бобом китобидан

... Атрофимиздан айлантириб қўйилғон темир деборлардан мўъжазгина шинак очиб ташқи дунёга мўралар эрканмиз, жовдираётқан чашми жавҳаримиз ҳайратдан кенгайиб, юз бераётқан оламшумул ишлардан ёқа туттамиз-да ўзимизнинг жадолат ботқогига ботиб бораётқанимизни кўрамиз. Ё Раб, ҳали кўпимиз гафлат ўйқусидамиз, ақл кўзимизни нодонлиқ чиммати қоплагон, воқеалар ривожи қаёққа қараб бораётқанини мушоҳада эта олмаймиз. Бу кун бизга берилаётқан бир парча ер, бир бурда нон эвазига қандай бебаҳо қадриятларимиздан мосуво этаётқанларини, эртанги кунимиз қай йўсун кечмагини онглаб етмаймиз. Миллатнинг, миллий онгнинг зовут-фабрикалар даврида ростакамига шаклланиши чин эрканму, ҳали биз илгор гоялардан буткул гоффимиз. Тўркия ва Эронда истибдодга қарши инқилоблар бўлиб ўтди, Оврўпо бул жараённи аввалроқ бошдан кечиргон эрди. Тарих гилдираги айлануб наъбат бизга етқанда биз бунга тайёр бўлиб чиқмадиқ ёхуд воқеаларнинг бўлакча тус олиб кетгони фикримизни чалгитди. Аллоҳумма-аътина илман нофиъан ва фахман сотиъан"...

Энг ташвишланаарлиси - иймон таъқиб қилинаёттир. Иймонни орадан кўтариб солсалар не бўлади? Зулм, ёвузлик, хиёнат авж олади, мунофиқлик, риёкорлик урчийди. Яхши одамлар, иймонлик зотлар азобда яшайдилар, густоҳлару гумроҳларнинг куни туғади. Улус ўзи сезмагон ҳолда кўп нарсаларини йўқота боради.

Эй Худоё Худонандо, би ыларга фойдали илм ва утқир фаросат ато қилгил.

*Қабылға ұмдадардлық, анынг илтижосига гүш бермак, кишига бе-
миннат яшшилиқ қилиш үрфдан чиқиб, күффорона амаллар үр-
фға кира боради. Мәгар замон шул йұсун қарор топса ва дағом
этса, биздан кейинги авлодлар үзөк ვактгача зулма қарши бош
күттара олмайдилар. Алар маңаңвай мұтепілкка күниқадилар, алар
бүни табиий бир ҳолат, ҳатто, баҳт деб баҳолайдилар, чунки
авлодларымиз онғига алхол үта үстамонлик илиа экилаётқан риё
түхумлари үл замон үз ҳосиласини бергон бўлади.*

Наузы биллоҳи мин золика.

* * *

У ёмғирли дунёда қолиб кетди.

Дардманд бўлиб қолган, ранги синик, бот-бот қув-қув йўтал ту-
тарди. Аммо ёмғир васвасасидан қутула олмади. Ёмғир ёғса тит-
роққа тушар, ёмғир уни таниш, дилга яқин сас ила чорлар, ёмғир
бағрига киргиси келаверарди. Уларниң ёмғирини топишга жазм
қилганидан буён ҳар ёмғирни интиқиб қаршиларкан, бу уларниң
ёмғири эмасмикан, дея ўйга ботарди. Дард чекиб шифохоналар-
да үзөқ ётди. Ўқишдан ҳам қолиб қетди. Курсдошлари аллақа-
чон ўқишини битириб кўплари бу азим шаҳарни тарқ этиб тарқа-
либ кетдилар. Уни ёмғирли дунёлар оғушида олиб қолдилар. У
ҳануз ёлғиз, ҳануз танҳолика яшаётган зди. Кечмишдан факат
хотиралар қолганди. Йўқотган азизлари, йўқотган дунёлари ёди
согинч ва ҳасрат тиги или бағрини ўттар, кўзи ожиз бўлиб қол-
ганнинг тасаввурнида ҳамиша йўқлангувчи нурли борлиқ янглиғ
эндилікда буларниң барчаси ғоят ардоқли ҳам жозиб бўлиб
туюлар, уларниң хаёлий ёғдуси ва тафтига қалбини тоблаб кун
кечирмоқда зди. “Дилкушо”ни ҳам бот-бот хотирлар, ҳатто, бир-
икки дафъа уни излаб бормоққа ҳам жазмланган, аммо топа
олишига гумон қилиб тайсаллаганди. Армон қалбини ззарди. Ар-
мон... У қаёқдан ҳам бу ишларга аралашиб қолди. Унинг ҳаётдан
сўраганлари оддийгина зди. У кўп нарса сўрамаганди. Битта аёл
учун керагидан ортигини сўрамаганди-ку. Иши, бинойидек оиласи
бўлса, ширин-шакар болачалари... Эри уни доимо сўйса... У
эримга ҳамиша ёқаман, деб ўйларди. Эр деганда авваллари аниқ
бир инсонни ўйламаган бўлса; кейинроқ бўлажак умр йўлдоши
билан боғлиқ турмушнинг турфа манзарапарини тасаввур этиб,
ширин орзуларга берилганида, беихтиёр Самандарни ушбу рол-
да гавдалантиришга мойиллик сеза бошлаганди... Қандай қилиб
эрга ёқмаслиги мумкин? У ҳар вақт бунинг уддасидан чиқишига
ишонарди. Доимо ораста кийиниб юраман, малоҳатли, ширинсўз
бўламан, дея фикр қиларди. Эрим доим мени сүяди, кунларимиз,
тунларимиз эртакдагидай кечади, дерди. Қандай қилиб эрни ром
этмаслик мумкин, бирга мафтункор кунлар-тунларни кечирсанг,

қалбингдаги ишқ ва садоқатдан муждалар берсанг? Унинг тушунчалари анчайин китобий эди. Онасининг тутумини кўриб ўсгани сабаб рўзгорнинг бўлак жиҳатларидан ташвиш чекиб ўйланмас, эр-хотин ўртасидаги интим муносабатларни кўп ўйлагани боис турмуш деганда кўпроқ ана шу томонларни кўз олдига келтиради. У Ҳилола бўлиб эмас, тўлин ой бўлиб, моҳи анвар бўлиб сўйган ёрининг ҳаётини нурафшон айламоқчи эди... Фалак келиб келиб уни танладими ўз зарбасига нишон қилиб?! Ўзининг ҳаҳрию заҳри ила ботинига сингиб бораётган ёмғирдан дарди қўзгай бошлаганини хис этганча, ичидан зил кетиб шуларни ўйларкан тақдирни лаънатлар, инсофга келган чоғлари эса, хўв бирда бўлганидай: “Мен ўзимга неки берилган бўлса барини ўзим йўқотдим, ўзим пиширган ошни айланиб ҳам, ўргулиб ҳам ичишга мажбурман, таассуфки, бу ош заққум, унга оғу қўшилган” дея пичирлаб яна ёмғир дийдорига ошиқарди.

Бу орада анча сувлар оқиб ўтган, замонлар ўзгарган, жамият ҳаётида сиёсатнинг роли янада кучайиб, вайсақиларнинг куни туққан, ҳар кимнинг ҳоҳлаганича вайсашга-валақлашга имкони туғилган, ботирлар бисёр бўлиб мавжуд ҳукумат ва тизимни танқид қилишга киришишганди...

Эски трамвай темир излар бўйлаб ҳануз лопиллаб, оғир тебранганича юриб борар, атрофдаги ярақлаган биноидек уловлар аро сиртидан қараганда сочилиб кетгудек бу чириган уловнинг аянчли гижирлаб кетиб бораётгани ғалати кўринар эди. Унинг йўналишида ҳанузгача бошқа улов қўйилмагани сабаб трамвай ичи тиқилинч, ҳавоси дикқинафас, йўловчилар бўғриқиб, қизариб кетиб боришарди. Жадвалга улгурис учун энди уни жадаллароқ ҳайдашга киришишган, у кучанар, зўриқар, аммо жадаллашишга қурби етмас эди. Ёнгинасидан янги автобуслар, енгил машиналар, кетларини мағрур тўнқайтирган чет эл автомобиллари уни елдек кувиб ўтиб кетишарди. Эски трамвай бекатларда тезликни камайтиrmаган ҳолда шарақа-шуруқ шовқин ила кескин тормоз берис тўхтар, ичida ҳам шовқин-сурон кўпар, бир-бирларига урилиб-сурилиб кетган йўловчилар тоқатларий тугаб шалоқ сўзлар ила трамвай ҳайдовчисини ва жамоатчилик улови мутасаддиларини сўкардилар. Йўловчилар орасида бораётган Ҳилоланинг нафаси қайтиб кетган, дарди қўзгаб, йўтали қистарди. Навбатдаги бекатда у түшиб қолди. Жонини исканжага олган йўтал хуружи ўтиб кетгач, энтикиб нафас олиб яёв йўлга тушди. Марказга томон юриб бораркан одамларнинг ўта гавжум эканини курди. Яқинлашгани сари ҳайрати ошди. Бош майдонда минглаб ёшлар бамисли денгиздай қалқиб турад эдилар. Марказдаги карнайдан баланд шанги товуш чор-атрофга тараларди:

- Ижтимоий адолатсизликнинг жамики маразликлари шу жафокаш халқ бошига ёғдирилди. Бу заҳматкаш эл ўзининг меҳнаткаш қадоқ қўуллари билан метрополияни, қолаверса, бутун мамлакатни боқди, кийдирди, ипакларга буркади, аммо меҳнати қадр топмай ярим оч, юпун, забун ҳаёт кечиришга маҳкум этилди. Шарқда машъал азиз Ўзбекистонимиз миллий тентсизлик, диний камситилиш, ижтимоий зулм, ҳақсиэлик ўчогига айланди...

Товуш Ҳилолага жуда таниш туюлди. Бу - профессор Ғиртмакнинг товуши эди. Уша қаттиққўл, жаҳлдор профессор Ғиртмакнинг, улар, Бокира иккиси қаҳридан кўрқиб тунда Зарнигорникидан жўнаворишларига сабабчи бўлган профессор Ғиртмакнинг товуши. У профессор Ғиртмакни энг сўнгги манзилига ҳам тобут ўрнида минбарда элтиш ва минбар билан дафн этиш ҳақидаги чўпчакни эслади, гўё профессор Ғиртмакнинг ўзи шундай мутойиба қилас эмиш...

Ҳилола демократик ҳаракат авж олиб, Тошкентда бир неча янги сиёсий партиялар ташкил этилганини билар, демократларнинг жўшқин унлари кўплар қатори унинг ҳам қулоғига етган, аммо... бу шанғи товуш... уларга жўровоз бўлишини сира-сира хаёлига сидира олмасди. У бўйин чўзди, бироқ профессор Ғиртмакни кўра олмади. Бош майдон ўзра эса ўша жўшқин шанғи товуш тинимсиз янгарди:

- ...ҳатто, ҳозир ҳам, ҳатто, ушбу кунларда ҳам, мамлакатимиз чуқур инқирозни бошидан кечираётган, халқ ярим оч, ярим ялонғоч ҳолда, таъбир айтиш керак бўлса, тирикчилик залворидан ихраб ётган бир кунларда ҳам, ҳар куни олтита ультразамонавий танқ ва битта СС-21 самолёти, ҳар бир ярим ойда атом сувости кемаси ишлаб чиқарилмоқда...

Ҳилола беш йил шу шанғи товушга сомеъ бўлиб, унинг талқинида бу хил эътирофларнинг фақат зиддини зшлишига кўниkkан қулоқларига иштибоҳан уларни кафтлари билан маҳкам қисиб олди. Ҳаёли кечмишга оғди. Ўзини бир дам думалоқ аудиторида, профессор Ғиртмакнинг маърузасида ўтирган тарз тасаввур қилди... Шуурида қайта уйғонган эски сабоқлар унини босиб ўша жўшқин шанғи товуш яна-яна янграй бошлади:

- Бизни бўлиб солиб, устимиздан истаганча ҳукмронлик қилишларига унсиз кўниб келдик. Энди етар, энди бас! Энди бирлашайлик! Энди бир халқ бўлайлик! Ҳалқ бўлганда ҳам бир-биримизни “ботишим” дейдиган халқ бўлайлик! Ана шунда, иншооллоҳ, юксаламиз, азалий улуғ мавқемизга тикланамиз!

Қулоқларни беркитган кафтлар аста сирғала тушиб ёқа тутдилар.

* * *

Душвор қўлёзмаларни ўқиб тамомлар экан, сўнгги қоғознинг энг тубида тагин бир неча сатр ёзув борлигини кўрди. У уша ёзувларни ўқий бошлади:

“Мана, ҳаммасини поёнладинг... Лек, уққинки, мавҳумотлар абас бўйлас, билъакс улар қайталаңур... Ворисликка сайла-наркансан, мушкулу сирли сафарга отланасан, йиллар силси-ласи оша ортга, кечмишга қайтасан, жисминг гўё үхлагандай кар-караҳт қотаркан, руҳинг қатралардек сочқилаб кечмишда мужассам топади. Ҳодисотлар қайта бошингдан айланади. Аммо, билгинки, уларга фаол аралашиб таъсир ўтказа олма-гинг душвор, юз беражак айрим Воқеаларни олдиндан элас илгаб, ёнингдаги, атрофингдагиларга мушкул онларда озгина далда бериш, суюш имкони бор, холос. Бироқ уларнинг субутига - инон-ихтиёрига дахл қила олмайсан. Ҳаммаси қандай кечган бўлса яна шу таҳлит интиҳо топади. Эски майлларингга тойиб, азмингдан огиб кетмаслик учун ўзингда ҳам субут топсанг бўлгани.

Улуғ Боболар мероси соҳиридир”.

Ажаб...

Ажаб... бу ёзувлар қачон битилган? Ахир, жомадон Душворга келиб етганидан кейин уни Самандар бирон марта қўлига тутмади-ку... Ёки ёмғирли ўша тун у маст эканида Самандар унинг қўнағасида бўлганмикан?... Гарчанд жомадон калити Душворнинг яширган жойидан қўзғолмаган бўлса-да, ахир, жомадон Самандарники-ку, унда бошқа калит ҳам бўлиши мумкин... Аммо ёмғир шовуллаб турган ўша тонг, унинг аниқ ёдида, кўча эшик тамбаси очилмаган эди. Душворнинг ўзи тунда келгувчи меҳмонни кузатиб эшикка тамба уриб қайтмоғи маҳол эди.

У ҳайратда шошиб сўнгги сатрларни юқоридагиларига ва бошқа қоғоздагиларга чоғиштириб кўрди - ҳусниҳат ўша-ўша бир хил, бир қўлдан ёзилган, ҳатто, сиёҳи ҳам бир рангда...

Ажаб... ажаб... Душвор бу синоатни тушуниб ета олмади.

Адабий нашр

Абдуқаюм СИДДИҚ

ХИЁНАТ ёхуд "Эзгуликка умид"

Муҳаррир Асқар Маҳкам
Мусаҳдиҳ М. Абдуллаев
Дизайнер Б.Бозоров
Компьютер ишлари Ш.Хошимова

Теришга берилди 08.04.2005. Босишга рухсат этилди 06.07.2005.
Ҳажми 11,25 б.т. Бичими 84x108 1/32. Нашриёт ҳисоб табоги 13,0.
Наманган вилоят «Ибрат номли босмахона» ОАЖда 1000 нусхада
офсет усулида төк ёзув қоғозига чоп этилди. 3454-буортма.

Наманган ш. Навоий кўчаси, 36-уй.

Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти.
700029, Тошкент шаҳри, Буюк Турон, 41.